

ZJV5401

МАЪРИФАТЛИ
ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ
ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ
АҲАМИЯТИ

Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

ZJV5401



Маърифатлижамиятқуришжараёнидашарқмутафаккирлари
илмий-маънавий меросининг аҳамияти. Республика илмий-
амалий конференцияси материаллари – Тошкент, 2022. – 448 бет.

*Мазкур Республика илмий-амалий конференцияси матери-
аллари Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг
2022 йил 26 сентябрь 13-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва
тасдиқланган.*

*Тўплам Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти
Илмий-услубий кенгашининг 2022 йил йил 29 сентябрь 14-сон
баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

Масъул муҳаррир:
Олимжон Давлатов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ташкилий гуруҳ:
**М.Кахарова, И.Суванов, М.Мусаев, Ш.Тўраев, Б.Қодиров,
Ш.Ахророва, С.Ғафоров, К.Тўраев, А.Мадрахимов**

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт
стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26
мартдаги ПҚ-5040-сонли Қарори 6-иловаси “Маънавий-маърифий
ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича йўл харитаси”нинг
8-банди ижросини таъминлаш юзасидан, Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти томонидан Миллий давлатчилигимиз тарихи,
буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг
инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича биринчи
ва иккинчи Ренессанс даврлари намояндалари ҳаёти ва фаолиятига
бағишланган илмий-амалий конференцияси ўтказилмоқда. Тўпламдан
ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

ISBN 978-9943-8254-7-5

© «IJOD NASHR», 2022

© Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, 2022

ШАРҚ – МАЪРИФАТ МАЁҒИ

Жаҳон тамаддуни тарихида шундай улуғ зотлар, қомусий олим ва мутафаккир ижодкорлар борки, уларнинг улкан қалб, беқиёс истеъдод ва маҳорат, тенгсиз жасорат билан яратган асарлари йиллар, асрлар ўтгани сайин аҳамияти ортиб, фақат бир миллат минтақанинг эмас, балки бутун башриятнинг умумий маънавий меросига айланиб боради. Вақт аталмиш шафқатсиз ва одил ҳакам ҳам бундай буюк шахсларнинг қолдирган мероси нақадар бебаҳо, ҳаққоний ва ҳаётий эканини қайта-қайта исботлаб, тафаккур хазинаси бўлган ижод намуналарини кўҳна тарих ибратига, бугунги кун ва келажак идеалига айлантиришга хизмат қилади.

Кўҳна тарих сабоқларидан маълумки, кўплаб мутафаккир зотларни тарбиялаб вояга етказган ҳар қайси халқ ва миллат ўз қалби ва юрагини, юксак ақл-заковати ва маънавий салоҳиятини, асрий орзу-армонлари, эзгу интилишларини айнан ана шу фарзандлари орқали намоён этади. Шу билан бирга, оламда тинчлик, адолат, диёнат, меҳр-оқибат каби азалий қадриятлар ҳамиша барқарор бўлиши, обод ва фаровон ҳаёт тантана қилиш учун тарих ва келажак олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини ҳам аввало маърифатли ва бунёдкор халқгина чуқур ҳис қилади. Бундай халқ жаҳон тамаддуни ва маънавияти ривожига қўшган унутилмас ҳиссаси учун дунё аҳлининг ҳақли эътирофи ва эҳтиромига сазовор бўлади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Шарқ азал-азалдан минглаб табаррук зотлар, улуғ аллома ва шоирлар, давлат арбоблари ва саркардаларини бағрида камолга етказган. Шу сабабли, қадимги Юнон файласуфи Пифагорнинг “Нур Шарқдан чиқади” деган эътирофи ҳеч қандай муболағасиз, чуқур фалсафий маънолар ва ҳаётий ҳақиқатларни ифодаладиган ҳикматга айланган. Ҳақиқатда, илм-фан, санъат ва бадиий ижоднинг қайси соҳасини олмасак, Шарқ мутафаккирларининг исми ҳамиша биринчилар қатори тилган олинади. Улар орасида муқаддас диёримиз

заминидан етишиб чиққан, оламни ўз кашфиётлари билан лол қолдирган, қолаверса, икки буюк Ренессанс билан дунё тараққиётига катта ижобий туртки берган аллома боболаримизнинг исмлари такрор-такрор зикр этилиши ҳам ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотиши табиий.

Муҳтарам Президентимиз 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”. Ана шу улуғвор ва нажиб мақсадни амалга ошириш учун миллатимизнинг тарихий ҳофизасини уйғотиш, асрлар давомида кечган воқеа ва ҳодисалардан тўғри сабоқ чиқариб, бугунги кунимиз келажагимизнинг ойдин бўлишига илмий-тарихий асос яратмоқ давр талабидир.

Албатта, мустақил диёримиз аҳлининг пировард мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси бугунги кунда турлича шакл, ўзгача шамоийлда талқин қилинаётган бўлса ҳамки, моҳиятан ўзгаргани йўқ. Ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат ана шу умидбахш ва порлоқ ғоянинг амалда кўриши, ўз шахсий ҳаётида ҳис этиши учун меҳнат қилади, шу орзу иштиёқида яшайди. Дунё бор экан, инсон ҳуррият ва эркинлик, ободлик ва фаровонлик, осойишталик ва хотиржамлик каби муҳим неъматларни қўлга киритиш йўлида заҳмат чекади. Фақат бу орзуга етишмоқнинг йўллари турфа-туман. Кимдир бировларнинг ҳисобидан яшашни афзал кўрса, кимдир бахтли бўлишга фақат ўзининг фаровонлигини етарли деб билади. Яна бошқа биров нафақат ўзи, балки бошқаларнинг оғирини енгил қилишни бахт-саодатнинг асл моҳияти деб ҳисоблайди. Тушунчалар турлича бўлса ҳамки, бугунги жамиятимизда бир ҳақиқат баҳс-мунозарасиз ўлароқ қабул қилинади: ҳар қандай ниятнинг замирида илм-маърифат ётиши керак. Илмий асосланмаган, пухта ўйланмаган ҳар қандай режа ва ниятнинг натижаси мўрт ва беқарор бўлади.

Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш жараёни жамиятимизда жадал кечаётган экан, илмий фаолияти маънавият соҳасига бевосита дахлдор бўлган олимлар – тарихчи ва файласуфлар, филолог ва психологлар, педагог ва сиёсатшуносларни ягона мақсад атрофида бирлаштириб, аллома аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш, бугунги кун ва келажак истиқболи учун аҳамияти ва ўрни ҳақида илмий асосланган таклифларни доимий равишда муҳокама қилиш зарурати мавжуд.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти “Маърифатли жамият қуриш жараёнида Шарқ мутафаккирлари илмий-маънавий меросининг аҳамияти” мавзусида Республика илмий-амалий анжуман ўтказишни мақсад қилди. Мазкур конференцияда турли соҳа мутахассислари ўзларининг мақола ва маърузалари билан қатнашдилар. Умид қиламизки, мазкур мақолалар тўплами янги-янги ғоялар, баҳс ва муноазараларга сабаб бўлиб, мамлакатимизда маърифатли инсонларнинг дунёқараши кенгайиши ҳамда илм-маърифатнинг жамиятдаги мақоми янада кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Олимжон Давлатов,
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти директори,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори*

ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ҚАДРИЯТЛАРИ

Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич,
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бош
илмий ходими, фалсафа фанлари доктори*

“Халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш давлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа муддатларда эришилган улуғ марралар бутун жаҳон аҳлини лол қолдиради... Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларини ўзига хос Уйғониш, яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ана шунда” [1.1.Б.4-5;].

Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли фундаментал илмий асаридан олинган ушбу иқтибос инсоният тарихида камдан-кам учрайдиган ва «Уйғониш даври» ёки «Ренессанс» деб аталадиган феноменал ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ва асл қадри-қимматини аниқ-тиниқ ифодалайди.

Бутун Ўзбекистон халқи Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ва янги жамият қуриш ғоясини амалга ошириш, энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришишдек улуғвор мақсадлар билан яшаётган ҳозирги даврда юқоридаги хулосанинг моҳияти ва барчамиз учун аҳамиятини англаш ниҳоятда муҳим.

Зеро, Президентимиз томонидан асослаб берилган мазкур ғоянинг юртимизга хос тарихий илдизлари, халқимиз даҳоси яратган икки уйғониш даврига оид қадриятлари, ҳозиргача миллатимизни эзгу ишларга ундаб ва қувватлантириб келаётган асрий аналари бор.

Бугунги кунда юртимиз тарихида **Иккинчи Ренессанс**, деб аталаётган Амир Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр қадриятлари халқимизнинг соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир.

Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақилияш орзуларининг ушалган давридир. Унинг қадриятларида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол фалсафасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутати.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши мамлакатни ғорат қилди, иқтисод, маданият, санъат ва илм-фан соҳасида таназзул рўй берди. Жабр, зулм, зўравонлик натижасида халқнинг турмуши кескин ёмонлашди. Мўғуллар зулмига чек қўйишда халқ оммасининг норозилиги, сарбадорлар бошчилигидаги оммавий кўзғолонлар, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мўғуллар ўрнатган мустабид тузумнинг Амир Темур дунёга келган даврида халқимиз ҳаётида чуқур ижтимоий ва маънавий уйғониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, ўша даврдаёқ «Тарихи минг йилликлар қатърига кетган буюк халқ мустамлакачилик азобида ётаверадими?» - деган асосий масала атрофида рўй бераётган эди. Мустақиллик ва озодликка эришиш, ўзининг улкан иқтидори ва салоҳиятига яраша мавқега ва имкониятга эга бўлиш бутун халқимизнинг орзусига айланган эди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «Бу орзу Соҳибқирон Амир Темур бобомизни жаҳон саҳнасига олиб чиқди ва Темурийлар Ренессанси, Иккинчи уйғониш даври ғоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир кўрсатди. Марказлашган қудратли давлат ва қонун устувор бўлган адолатли жамият ғоясида мужассам бўлди.

Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодиёт, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди» [2.1.Б.17;].

Бундан фарқли равишда, мўғуллар мамлакатимизни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан истило қилган бўлсаларда, аммо уни маънавий бўйсундириш, маданий жиҳатдан уларнинг устунлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кўчманчилик ва шаҳарларни ғорат қилишдан бошқасига ярамайдиган, ўтроқ ҳаётга менсимай қарайдиган Чингиз авлодлари маънавий ва маданий жиҳатдан ўзларидан устун бўлган халққа нима ҳам бера олар эдилар? Улар ўз ҳукмронлигининг охиригача ҳам Ватанимизда бирорта тузукроқ яшаш мумкин бўлган янги шаҳар барпо этмадилар, маданият ўчоқларининг юксалиши учун имкон бермадилар, аксинча, ерли аҳоли орасидан чиққан баркамол инсонларни қиличдан ўтказиб турдилар. Аммо, халқ иродасини бука олмадилар, унинг озодлик ва мустақилликка интилишини тўхтатиб қўя олмадилар.

Амир Темуранашуҳаракатнинг натижаси, халқимизнинг миллий ғояларини рўёбга чиқариш учун тарихий шаклланган зарурият, ўша пайтда ҳарбий уюшқоқлик, сиёсий хушёрлик, ғалабалар учун фидокорлик жиҳатидан жаҳонда тенги йўқ миллатга айланган халқ даҳоси яратган буюк жаҳонгир эди. Халқ жаҳонгирга айланганида ўзининг жаҳонгирини яратади ва унинг раҳбарлигида улкан ишларни амалга оширади. Бу эса тарихнинг муайян ҳудуддаги энг буюк бурилиш нуқталарига тўғри келади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаганку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлайди. Аслида, Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унга нисбат бериладиган «Темур тузуклари» асари фалсафадан иборат эмасми? У фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида,

фалсафани тўла-тўқис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа эса муайян тизимга келтирилган билимлар системаси, холос.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжаилғор қишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши курашиб, Ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида «Куч - адолатда» тамойили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги учун сарфлади, унинг даврида ҳашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мадрасалар ва масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди.

Темурнинг яна бир улкан хизмати шуки, у маданият ва илм-фан ҳомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало ва дин арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, ўша даврда Самарқанд энг гўзал шаҳар эди. Испан сайёҳи Р.Г.Клавихо ҳам Самарқанднинг гўзаллигига қойил қолган эди. Темур ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо кучайди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, араб мамлакатлари билан алоқаларнинг кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини ўша даврда асосий мафкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад-вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Айни пайтда, Президентимиз алоҳида таъкидлаганлари каби *«Халқимизнинг орзу-интилишлари Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби Иккинчиуйғониш даврининг буюксиймолариниуйғотди, уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган одил подшо, адолатли жамият, комил инсон ғояларида намоён бўлди. Ўша даврларда бу орзу комилликка элтадиган иймон ва эътиқодни миллат вакиллари учун муқаддас қадриятга айлантирди. Натижада комиллик ва маърифат сари интилиш туйғуси халқимиз менталитетидан мустаҳкам ва бир умрлик жой олди. Давр фарзандларини юксак фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ўша замон маърифатпарварларининг ҳаётий ва фуқаролик эътиқодига айланди»*[3.1.Б.17;].

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйди. Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуғулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темурнинг пирлари бўлиб, Соҳибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган.

Темурийлардан Шохруҳ, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил давом эттирдилар. XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар

етишиб чикди. Тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педагогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Бехрўз ва Баҳром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар ҳақида тазкира»)нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайҳо», «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), Ҳайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Ҳилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб, ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413- 1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн» («Икки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофиз Абрунинг (1361-1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 йилда вафот этган) «Равзат ал-жаннат фи авсоф мадинат», Фосих Ҳавофийнинг (1375-1442) «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йилда вафот этган) «Зафарнома», Низомиддин Шомийнинг (XIV аср охири XV асрнинг боши) «Зафарнома»си ва бошқалар машҳур эди.

Ўша замоннинг машҳур тарихчилари Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475—1535) эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат «Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб, вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади. Хондамир ҳам Ҳиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка ҳавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун

қўлланма» ва бошқалардир. Муаррихнинг энг йирик асари «Ҳабиб ус-сияр»да қадим замондан XVI асргача Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистондаги тарихий шахслар, воқеалар давлатлар тарихи, давлатни бошқариш йўллари батафсил баён қилинган. «Макорим ул-ахлоқ» асарида улуғ Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ишлари, инсоний фазилатлари, Ватан равнақи йўлида кўрсатган жонбозликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Хондамирнинг илмий-тарихий мероси XV—XVI асрлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи қимматли манба ҳисобланади.

XIV—XV асрларда мантиқ, табиий-илмий фанлар, айниқса, фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакилларида бири Саъдиддин Тафтазоний (1322-1392)дир. Тафтазоний 40 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифидир. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган. Аллома сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида ўз фикрини баён қилган. Масалан, у табиатда сабаб ва оқибат муносабатларининг мавжудлигини эътироф этади. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. Худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси Мир Саййид Шариф Журжоний Астробод шаҳри яқинида туғилган. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикҳ ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради. Журжоний 50 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фикҳ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Булардан ташқари, Журжонийнинг Ибн Сино, Чағминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шарҳлар ёзганлиги маълум.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад

Тарағай Улуғбек (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баракали ижод қилган. Ўша даврда фалакиётнинг фақат юлдузларнинг самодаги ўрни эмас, балки инсон ва коинот муносабатларига доир фалсафий хулосаларга асос яратадиган анъанавий фанлардан бири бўлгани назарда тутилса, Улуғбек меросининг биз ўрганаётган мавзу борасидаги аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, ёшлигидан илм билан қизиққан аллома бобомизга таниқли олимлар Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид Коший устозлик қилдилар. У гарчи давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан равнақига кўп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, Муҳаммад Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси (1420) расадхона билан бирга олганда, ўша даврнинг академияси ҳам эди. Замонасининг машҳур олими, математик ва астроном Қозизода Румий мадраса муаллимларидан бири бўлган. Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономиядан дарс берган. Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Низомиддин ал-Биржандий Улуғбек мактабининг таниқли астрономларидан эди. Тарихчи Давлатшоҳнинг ёзишича, «Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди». Улуғбекнинг астрономик жадваллари «Зижи Қўрагоний», «Зижи жадиди султоний», «Зижи жадидий Қўрагоний», «Зижи жадидий султоний-зижи Улуғбек» каби номлар билан илмий муомалага кирган.

Бу асарнинг форс ва араб тилларидаги 5 та қўлёзма нусхалари ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади. Улуғбек ўз жадвалларида тақвим (календар)га алоҳида эътибор қаратган. Илмий тадқиқотлар муайян ҳодисалар, воқеаларнинг қачон содир бўлганлигини аниқлашни, сана ва йил ҳисобини тўғри белгилашни муҳим, деб билади. Асарда йил ва

ой астрономия фанида қандай таърифланиши, сўнгра ҳижрий, юнон, яздигурд, Малика ёки Жалолиддин, уйғур ва хитой саналари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ўзаро муносабатлари тўғрисида аниқ маълумотлар берилади. Ҳафта, ой ва йилнинг бошланишини, ўтган ёки келгуси вақтнинг санасини аниқлаш учун тузилган жавдалларни тақдим этади.

Астрономик ҳисоб-китобларда тригонометрик жадвалларнинг роли беҳад даражада муҳим. Шу боис, аниқлик даражаси юксак бўлган тригонометрик жадвалларни тузиш устида Улуғбек ва унинг астрономик-математик мактаби вакиллари самарали иш олиб бордилар. Натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик жадвалларни тузишга эришилди. Самарқанд расадхонаси томонидан олиб борилган кузатувлар кўмагида эклиптика текислиги билан экватор текислигининг орасидаги бурчак, яъни эклиптика текислигининг экваторга оғмалиги ўта аниқлик билан 230 301 4911 қилиб белгиланди. 1 йил эса 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд қийматида белгиланди. Бу маълумотни Нъюкомб маълумоти (365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд) билан қиёслаганда Улуғбек ўз жадвалларида юксак аниқликка эришган.

Улуғбек табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва сиёсий қарашларида унгача яшаб келган, унинг даврида етакчи мақом ва аҳамиятга эга бўлган тамойиллар таъсири остида Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳамда астрономия фанининг султони мақомига эришди. Диний ва дунёвий билимларга ўзига хос тарзда ёндашди: Аллоҳ ҳақиқий борлиқ, чунки у барча нарсаларни яратгувчисидир. У ҳамма нарсага қодир. Лекин яратганнинг абадий эканлиги у яратган оламнинг абадийлигини ҳам таъминлайди, акс ҳолда сабаб билан оқибат бир-биридан узилиб қолган бўлар эди. У ўзига хос куч-қувват, мантиққа зид бўлмаган қонун-қоидалар асосида ўзга нарсаларни, маънавий-руҳий жараёнларни яратади. Барча ўзга жараёнлар, ҳодисалар унинг беқиёс ҳусну жамолини тараннум этувчи

нарсалардир. Яратган, яратилган ашёларда, турли-туман мўъжизавий ҳодисаларда ўзини намоён этмаса, у оламни беҳудага яратган бўлади. У оламни, инсон ва жамиятни, ақл-заковатни, ҳиссий-нафсоний қувватларни тасодифан, беҳудага яратмаган. Бу яратишнинг ўзида уқиб олинмаган сир-асрори бор. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги, сабаб-оқибат муносабатларга кириши, таъсир этиш ва таъсирланиши азалдан сифатида берилган. Лекин улар нодон ва калтафаҳм кимсалар учун нафис пардалар билан ниқобланган. Ақл-заковат, фаросат, фаҳм ва шу каби Кубравиянинг асоси барчага тақсимланган, лекин уларнинг инсоний қувват ҳосил қилиши ҳар бир инсоннинг истак-хоҳиши, эҳтиёжига бориб тақалади. Калтафаҳм кимсалар нафис пардани кўтаришга аҳд қилганларни даҳрийликда айблайдилар, чунки, улар Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда ақл, илмга берилган мақомни тушунмайдилар.

Улуғбек таълимотига кўра, ҳамма нарса олдиндан аниқ ва равшан бўлганда эди, инсон ва жамиятнинг яратилиши, инсонни ер-заминни обод қилиш ва уни бошқаришга вакил қилиниши, барча мавжудотларни унга бўйсундириши ҳақидаги фармонда маъно ва мазмун мантиққа зид бўлиб қолар эди. Шундай экан, олам сир-асрорини билиш, нодонликдан, жоҳилликдан нафратланиш, илм олишдан маънавий лаззатланиш, илм аҳлини эъзозлаш, уларни хайрли ишларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини Аллоҳнинг буюк инъоми ва неъмати, деб билиш барча фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Илмий ҳақиқат ва юксак даражага эришган аниқлик бир-бири билан узвий боғлиқ. Бундай аниқликка эришиш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Аниқлик биринчи галда ашёларнинг миқдорий муносабатларини белгилаш, математик қонун-қоидалардан тўғри ва самарали фойдаланиш натижасида қўлга киритилади. Математикани турли илмий соҳаларга, айниқса, астрономияга тадбиқ этиш инсон ва жамиятга катта наф келтиради. Бунинг боиси шундаки, Қуёш, Ой ва бошқа сайёралар Ерда содир бўладиган ҳодисаларга яқиндан таъсир қилади. Тақвимлар

яратиш, аниқ вақтни белгилаш, Қуёш ва Ой ҳолатларини ўрганиш, уларнинг тутилишини олдиндан башорат қилиш муайян эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Билимнинг бошқа вазифаси ҳам мавжуд, у инсонни комиллик мартабасига эришишига восита ҳам бўлади. Илм кишиларни кибру ҳаводан, манманликдан, мутаассибликдан, нафс қулига айланишдан асрайди, дилларни ёритади, қалбларни турли хил иллатлардан поклайди, ҳаёт йўлини нурафшон қилади, ёмонликни жиловлайди, эзгуликка даъват қилади. Айниқса, мурувват ва саховатнинг инсон маънавий юксалишидаги ўрни беқиёсдир.

Улуғбек саховатли ҳукмдор, ҳақиқат ва адолат бобида тенги йўқ шоҳ бўлган. Илм-фан, маданият аҳли, иқтидорли талабалар, ижодкорларга ҳомийлик қилган. Давлатшоҳ Самарқандий «Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди», - деб ёзади. Улуғбек жадваллари 200 йилдан кейин, 1643 йилда Оксфорд университетида форс тилидан лотинчага таржима қилиниб, чоп этилди. Алломанинг астрономик жадваллари 1648, 1650, 1665, 1725, 1765, 1839, 1845, 1847, 1853, 1854, 1889 йилларда Англия, Франция, Бельгия ва Европанинг бошқа мамлакатларида чоп этилди. 1917 йилда «Улуғбек зижи» АҚШда нашр этилди. Улуғбек Птолемей, Коперник, Галилей каби буюк олимлар қаторидан эътиборли ўрин эгаллайди.

Улуғбек Академиясининг йирик вакилларида бири Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи (тахм. 1403, Самарқанд - 1474.17.12, Истанбул) машҳур астроном, математик ва файласуф бўлиб, Улуғбек раҳбарлигида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий рисоаларини, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарини, шунингдек, қадимги юнон олимлари асарларини ўрганиб, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Муҳаммад Хавофий сингари устозлар қўлида таҳсил олади. Мадрасани битиргач, Улуғбек рухсати билан бир неча йил Эроннинг Кирмон вилоятида яшайди. Бу ерда Насириддин

Тусийнинг «Тажрид» асарига шарҳ сифатида «Рисолаи ашкол ал-қамар» («Ойнинг шакллари ҳақида рисола») ни ёзади.

Улуғбек расадхонасини қуриш, хусусан, Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид вафотидан кейин уни битказиб, зарур кузатиш асбоблари билан жиҳозлаш Али Қушчи зиммасига тушган. Улуғбекнинг «Зижи жадиди султони – зижи Улуғбек» асари ҳам шогирдининг бевосита мадади билан тугатилган. Улуғбек вафотидан сўнг Али Қушчи Туркия подшоси Муҳаммад Фотиҳнинг таклифига биноан Истанбулда доимий яшаб қолади, София мадрасасига бош мударрис этиб тайинланади. 1472 йили математикага оид «Рисола ал-Муҳаммадия» асарини ёзиб тугатади.

Али Қушчи Самарқанд олимларининг илми рiezиятдаги ютуқларини, айниқса, касрларни «Айлана ҳақидаги рисола» китобида кашф этган Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошийнинг математикага доир илмий ишларини ҳам оммалаштирди. Ўнлик касрлар таълимотини Европада 150 йил ўтгач, Симон Светин кашф қилди. Али Қушчи Истанбулда денгиз тошқинлари ва сувнинг қайтиши, 90 градусга тенг бўлмаган энг кичик бурчак ҳам ўтмас бўлиши мумкинлиги каби баҳсталаб муаммолар билан банд бўлади. Кейинчалик у илми нужум – астрология (юлдузлар ҳолатига қараб воқеаларни башорат қилиш) ва жамиятни бошқаришнинг маъмурий тамойиллари билан қизиқади. Умри поёнида Али Қушчи Истанбулнинг жуғрофий координатларни кўрсатувчи ҳисоб-китоб харитасини тузган ҳамда Қуёш соати ясаб, Аё София мадрасасига совға қилган. Али Қушчи Истанбулда 71 ёшида вафот этган. У дафн этилган Айюб Султон мазори 1815-20 йилда Туркия ҳукумати томонидан қайта таъмирланган. Муҳими шуки, Али Қушчи Улуғбекнинг нодир асарлари батамом йўқолиб кетиши хавфини бартараф этиб, жаҳон тамаддунида ўз устозига ўлмас ҳайкал ўрнатди.

Умуман, Улуғбек ва унинг академияси вакилларининг бой маънавий мероси бугунги илм-фанимиз ва ёш авлод тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мустақиллик

катта имкониятлар яратди. Улуғбек ва унинг сафдошларига оид бой маънавий мерос қайта тикланиб, асарлари чоп этилмоқда ҳамда дунёқарашимизнинг такомилида муҳим манба бўлиб қолмоқда.

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳирот маданият ва илмий марказга айланди. Айниқса, Темурийлардан Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Жаҳон маданияти ва халқимиз тафаккури равнақиға улкан ҳисса сиймолардан бири, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий (1441-1501) шу ерда яшаган ва ижод қилган. Аллома қаламиға мансуб «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний» каби ўлмас асарлар нафақат халқимиз, балки жаҳон маданиятининг дурдоналари ҳисобланади. Унинг мероси фалсафий фикрларға бой бўлиб, жамият тараққиёти, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган. Шоир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадиий ўхшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зоҳирий ва ботиний маъноларда баён қилинади.

Навоий халқ орасида инсонпарварлик ғояларини ёйди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар сингари мукаммал жамият ҳақида фикр юритди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнақи ва осойишталиги йўлида кўп ишлар қилди. Мактаб, мадраса, масжид ва хонақолар, кўприк, работлар, шиғохоналар қурдирди, муҳтож ва камбағалларға ёрдам берди, олиму шоирларға ҳомийлик қилди. Халқни фаровонликка, бахт-саодатға элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибдоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, мол-мулкка, бойликка ҳирс қўйишни, тамагирликни қоралади.

Навоий ўзининг одил подшо, фозил жамият тўғрисидаги қарашларида Низомий, Деҳлавийлар каби Шарқ маданияти, фалсафий-сиёсий фикрининг тамал тошларини қўйган ал-Бухорий, ат-Термизий, Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн

7JV5401

Сино каби Шарқ арастучилари-перипатетикларининг, яъни машшойунлар илгари сурган фозил шаҳар (ал-маданият-ул-фозила), комил инсон ҳақидаги фалсафий таълимотларга асосланган.

Маълумки, Форобий Сайфуд-давланинг давлатини, Абу Али ибн Сино ўз даври амири Аълоуд-давла давлатини фозил шаҳарга, уларнинг ўзларини эса комил инсонларга айлантиришга уринганлар. Навоий ҳам «Хамса» ва бошқа асарларидаги орзу-хаёл, одил подшо, адолатли давлат тўғрисидаги ғоялар билан чекланмай, Хусайн Бойқаро давлатини одил давлатга, унинг ўзини эса одил подшоҳга айлантиришга қаттиқ уринган, бу йўлда бутун кучи, сиёсий иқтидори, нуфузи ва иродасини, сиёсий мавқеини сафарбар этган.

Навоий ўз даври кишиси сифатида ўрта аср маданияти, онги ва тафаккури, қадриятлар руҳида тарбияланган, демак, ўша замон ҳаёт тарзи ва маданиятининг ўзаги бўлмиш таълимотлардан четда шаклланиш Аллома амалда айнан ана шундай таҳсил ва тарбия топган, комил инсон бўлиб шаклланган. Шунинг учун ҳам Навоий қарашларида изчил тарзда унинг комил инсон тўғрисидаги тамойили ҳам бутун моҳияти билан намоён бўлган. Аввало, комиллик, Навоий фикрича, инсоннинг инсонийлик табиати, имкониятлари ва маънавияти чегараларидаги комилликдир.

Навоийнинг илм-маърифат йўлида ёшлигидан жуда қаттиқ жаҳд қилганлиги, халқ, эл-юрт осойишталиги йўлида давлатни мустақкамлаш, «Ҳақ ва адолат» учун ҳизмат қилганлиги, кўприклар, карвонсарой, работлар, мақбаралар, боғ-хиёбонлар қурдирганлиги, умри интиҳосида – ўлиmidан олдин бутун мол-мулки, бойликларини хизматчиларига бўлиб бериб, қулларини озод қилиб юборганлиги оддий фарз бўлмай, алломанинг жавонмардлик кўрсатганини англатади. Навоий ўзидан олдин ўтган алломалар асослаб берган комил инсоннинг оқиллик, одиллик, саҳийлик, поклик каби хислатларини қуйлаган, манфаатпарастлик ва риёкорликлардан, инсон шаънини ерга урувчи ризолат ва қабоҳатлардан ўзини

тия олган, бутун онгли ҳаёти давомида эзгуликка хизмат қилган.

Мамлакатимизда ҳозирги мустақиллик, маънавий аслиятларга қайтиш даврида Навоий ижоди, мероси, ижтимоий-фалсафий дунёқараши, халқимиз тарихий тақдиридаги аҳамияти катта эътибор берилаётгани хусусан, унинг руҳини хотирлаш, асарларини нашр қилиш янги босқичга кўтарилгани бежиз эмас. Юртимизда Навоий номида вилоят, Миллий кутубхона, университет, Адабиёт ва тил институти, музей, кўплаб муассасалар бор. Яқинда шоирнинг 20 жилдлик асарлар тўплами чоп этилди. Халқимиз ҳар йили мутафаккирнинг таваллуд кунини кенг нишонлайди. Зеро, алломанинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари бугунги кунда ҳам баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўша даврнинг кўзга кўринган мутафаккирларидан бири Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий (тахм. 1440-1450-1505 йилларда яшаган) бўлиб, Ўрта Осиё ва Хуросонда ахлоқ қадриятлари ривожига ҳисса қўшган. Кошифий катта олим ва мударрис бўлиб бутун умрини илм-фан ҳамда насру назм равнақига бағишлайди. Воиз Кошифий илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган. У воиз-лик санъатини пухта эгаллаган, иншо, илоҳиёт, фалакиёт, адабиёт, фалсафа, ахлоқ ва педагогика соҳаларида фаолият юритган. Ўз асарларида мутафаккир давлатни оқилона бошқариш, инсонга гўзал хулқ-одоб қоидаларини сингдириш, илм-фан ва касб-хунарни эгаллаш, тижоратчи ва савдогарлар хулқ-одоби, умуман таълим-тарбия ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Мутафаккир адолат масаласига тўхталар экан, уни кишилар ўртасидаги тенгликни англатувчи тушунча сифатида талқин қилади.

Бу тушунчанинг ахлоқий жиҳати шундан иборатки, бир тоифа иккинчи тоифага зуғум ўтказмаслиги, кишилар ўзаро муносабатда бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликлари лозим. Адолат сиёсий тушунча сифатида давлатни оқилона

бошқаришда, ҳукмдорларнинг фаолиятига баҳо беришда намоён бўлади. У адолатни мамлакат барқарорлигининг муҳим шарти сифатида баҳолайди. Олим ўз асарларида ҳукмронлардан халққа ғамхўрлик қилишни, уни ҳақсизлик ва ўзбошимчаликдан муҳофаза қилишни талаб қилади. Унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғоялари ҳозир ҳам ўз тарбиявий қимматини йўқотмай келмоқда.

Амир Темур ва темурийлар даврини тарих қадриятлари ва фалсафа тарихини уйғун тарзда ўрганиш орқали нисбатан тўғри ифодалаш мумкин. Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожини каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ. Қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулолаларни жаҳон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган темурийзода ниҳоятда кам.

Тарих шундан далолат берадики, юрт бошлиқлари фан ва маданиятга қизиққан, маънавийни юксакликка кўтариш учун курашган ўлкада бу соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргаликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлиги тарихда исботланган. Маданиятпарвар, миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий-иқтисодий асосларни яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйғуси билан ёндашуви, ҳалигача ўз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини қўйиши, бугунги кунларда ҳам ўша замондан ташбеҳлар излаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарқ мамлакатларига тўғри келмаслиги

тўғрисида ўз фикрларини айтмоқдалар. Нима бўлганда ҳам Европада XV-XVI асрлардаги уйғониш даври - Ренессанснинг муҳим хусусиятлари ва Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш бир-бирига кўп томонлари билан ўхшаб кетади. Булар орасида муштаракликлар кўп.

XIV-XV асрлардаги Амир Темур бошлаб берган Ренессанс, яъни моддий ва маънавий, иқтисодий ва сиёсий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда марказлашган ҳокимият шаклланди, миллий давлатчилик тикланди ва мустаҳкамланди, ишлабчиқариш ўсди, ички ва ташқи савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди, инсон ақл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларига эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди.

Темур ва темурийлар давридаги Ренессанс натижалари, маънавий-маърифий ва маданий юксалиш анаалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар халқимизнинг Президентимиз томонидан асослаб берилган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ва янги жамият қуриш ғоясини амалга оширишда улкан маънавий озуқа вазифасини ўтамоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. – Т: O'zbekiston» нашриёти, 2022. – Б. 440.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ – ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР

Иргаш Даминов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Дунё илму ирфон тараққиётига қўшган беназир ҳиссаси билан у зоти шарифлар азал-азалдан халқимизнинг шуҳратию довруғини жумлаи жаҳонга дoston қилиб, дунё борица бошимизни баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам, ер юзининг қай бурчагига бормайлик, биз Ўзбекистон аҳлига шундай буюк алломаларнинг ватандошлари, ворислари деб алоҳида ҳурмат-эътибор билан қарайдилар, гапнинг индаллоси, бизларга ҳавас қиладилар.

Илм-фаннинг барча соҳаларида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратган Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотуридий, Абу-л-Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Гиждувоний каби алломаларнинг ибратларга тўла ҳаётлари ва илмий-амалий фаолиятини ўрганиш, уларнинг табаррук номини тиклаш диққатга сазовор ишлардан биридир.

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг ана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Мазкур фикрга ёрқин мисол сифатида кўҳна, ўзига хос тарих ва маданиятга эга Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган хоразмлик буюк аллома **Маҳмуд Замахшарий**ни кўрсатиш мумкин.

Жисмоний ногиронлигига (бедаво иллат туфайли ёшликдан бир оёғи кесилган) қарамасдан, хоразмлик бу аллома ўзининг беназир ақл-заковати, юксак илмий салоҳияти ва фавқулодда улкан даҳоси билан, таъбир жоиз бўлса, бутун дунёни забт этган алломалардан саналади.

Замондошлари томонидан Замахшарийга берилган устозу-д-дунё (бутун дунёнинг устози), устозу-л-араб ва-л-ажам (араблар ва араб бўлмаган (халқ)лар устози), фахру Хаворазм (Хоразмнинг фахри), Каъбату-л-адаб (Адаб аҳли учун бамисоли Каъба), айниқса, жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) каби ўта шарафли лақаблар дунёнинг биронта ҳам олимига насиб этмагани буюк ватандошимизнинг нақадар беқиёс обрў-эътибор, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган улуғ бир сиймо бўлганини кўрсатади. Маҳмуд Замахшарий биринчи навбатда луғатшунос аллома, шунинг баробарида, халқимиз учун азалдан фахр бўлган. Унинг айни мероси олқишланган, ҳайрат манбаи ҳисобланган. Шундай экан, алломанинг тил, тилшунослик, адабиётшунослик, қолаверса, тафсир илмлари борасидаги меросидан бугунги кунда унумли, самарали, ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган “Нодир қўлёзмалар хазинасидан” номли кўргазмада ҳам Маҳмуд Замахшарий асарларидан Қуръони карим тафсирига бағишланган “ал-Кашшоф” номли тафсири, шунингдек, ўзига хос тўрт (араб, форс, туркий, муғул) тилли луғат “Муқаддамату-л-адаб” асарининг намойиш этилиши мамлакатимизда буюк алломанинг илмий-маънавий меросига эътибор нақадар катта эканини кўрсатади.

Ислом оламидининг ўз давридаги маданий марказларидан саналган Бғдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд, имом Термизий, имом Насафий ва имом ибн Можа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари Турон заминидан бўлган билан бутун ислом дунёси миқёсида фахрлансак, арзийди.

Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат ишки, фидойилик, юксак иқтидорни талаб қилади. Масалан, **Имом Бухорий** жами 600 минг ҳадис тўплаб, 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайрисаҳиҳ” ҳадисларни ёд олган.

Инсоният тараққиёти тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг фаолияти маҳаллий маданий ҳудуд чегарасидан ташқарига чиқибгина қолмай, балки даврлар чегарасини ёриб ўтиб, ғоялар ривожланишида умумжаҳон жараёнининг бир қисмига ҳам айланади. Уларнинг асарлари барча нодир ҳадислар сингари аввал ўтганлар тажрибаларининг энг қимматли томонларини ўзида гавдалантиради.

Бутун ислом оламида амиру-л-муъминин фи-л-ҳадис, ал-имому-л-миқдом (жасур имом), имому-л-муҳаддисин сифатлари билан улуғланган Имом Бухорий номини чуқур ҳурмат, эҳтиром билан тилга олиб, унинг асарларини калом илмининг буюк ютуғи ҳамда “Қуръони каримдан кейинги, иккинчи ҳақиқатлар мажмуаси” деб баҳоланиб келмоқда. Ҳатто баъзан Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” асарига нисбатан “иккинчи” сўзини қўллашни истамасдан, унинг “Биринчи манбадан кейинги биринчи манба” экани эътироф этилади. Бироқ яқин вақтларгача Имом Бухорий – гарчи дунёнинг кўплаб мамлакатларида чуқур ўрганилиб, асарлари такрор ва такрор нашр этилган бўлса-да – ўз ватанида – Ўзбекистонда унутилишга маҳкум этилди. Бу ҳолат ҳукмрон даҳрийлик мафкурасининг қаттиқ талаблари тақозоси билан юзага келди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач улуғ аждодларимиз қаторида Имом Бухорийнинг ҳам беназр меросига нисбатан тарихий адолат тикланди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ 72-сессияси минбаридан туриб Имом Бухорий номини тилга олгани, унга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатгани дунё аҳли ҳайрати ва ҳурматига сазовор бўлди. Шундай қилиб, Имом Бухорий ва бошқа алломаларнинг ахлоқий, ҳуқуқий таълимотларига янгича назар билан қараш долзарблик касб этиб, уларнинг асарлари ўзбек тилига изоҳлар билан таржима қилинди, ҳаёти ёритилган асарлар таълиф этилди, илмий тадқиқотлар амалга оширилди, қўнгим топган масканлари табаррук қадамжоларга айлантирилди.

Буюк эътирофга сазовор алломалардан яна бири **Ҳаким Термизий**дир. 2014 йилнинг 29 ноябрида Термиз шахрига “Амир Темури” орденини топшириш муносабати билан “Мадинату-р-рижол”, яъни “мардлар шахри” ва ундан етишиб чиққан алломалар, мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, Термизий деган ном билан ислом дунёсида ёрқин из қолдиргани эътироф этилди.

Ҳақиқатан, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома, тарихда ёрқин из қолдирган ҳақимия тариқати асосчиси, манбаларда “хатму-л-авлиё”, яъни “авлиёларнинг охиригиси” номи билан улуғланадиган Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламидан бирининг муаллифи улуғ муҳаддис Абу Исо Термизий, машҳур адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси алломаси Абу Бакр Варроқ Термизий, тариқатда ўзининг муносиб изига эга Сўфи Оллоёр каби зотлар мусулмон оламининг фахридир.

Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири Ҳаким Термизий улар орасида алоҳида мавқега эга. Ҳаким Термизийнинг фикр-мулоҳазаларини ғояларини асрлар оша авлодларга бекаму кўст етказиб келган ўлмас асарларининг мавжудлиги беқиёс даражадаги илмий-маънавий бойлиқдир.

Буюк аллома тариқат илмининг таълимотларига, йўл-йўриқларига ўзининг бебаҳо асарлари ва шогирдлари орқали аниқликлар киритган ва ўз навбатида, бу шогирдлар буюк устозининг ишларини давом эттирган. Ҳаким Термизий фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий тажрибалари асосида ўзининг кўплаб ўлмас асарларини яратдики, бу асарлар буюк бир маънавий мерос сифатида ислом маданияти, айниқса, тасаввуф илми тараққиётида салмоқли ўрин эгаллади. Уни камдан-кам олимларга насиб қиладиган кўплаб лақаблар, жумладан, “аш-шайх”, “ал-олим”, “ал-аллома”, “муҳаддис”, “аз-зоҳид”, “ал-ҳофиз”, айниқса, аксар ҳолларда, “ал-имом” деб атаганлар. Бундан ташқари, Ҳаким Термизий “ал-муаззин” деган лақабга ҳам эга бўлган. Албатта, ушбу лақаблар унинг илмий салоҳияти ғоят юксак бўлгани ва бу ҳол илму ирфон намояндаларининг юксак эътирофига сазовор бўлганидан далолат беради.

Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, алломанинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади[1.13.Б.10;]. Улардан пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган “Наводиру-л-усул фи маърифат ахбор Расул” (“Расулуллоҳ хабарларини билишнинг нодир усуллари”) асарини айтиш керак. Бу асар, шунингдек, “Салвату-л-орифин ва бўстону-л-муваҳҳадин” (“Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони”) номи билан ҳам аталади. 291 ҳадисдан иборат ушбу китобда Ҳаким Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал шарҳлаган. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида, бошқа бир қўлёзмаси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари марказида (№ 10842) сақланмоқда. Кейинги йилларда алломанинг тасаввуфга оид икки асари нашр этилди. Улардан бири “Китоб ҳақиқати-л-одамия” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”) ва иккинчиси “Адабу-н-нафс” (“Нафс одоби”)дир. Ҳаким Термизий асарларининг аксарияти қўлёзма ҳолда жаҳоннинг Париж, Қоҳира, Дамашқ, Искандария, Истамбул ва Лондон каби йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланаётир.

Ҳаким Термизий шахси, қолдирган бой илмий-маънавий меросига муносабат истиқлол туфайли тубдан ўзгарди. Унинг бизгача етиб келган асарлари илмий асосда тадқиқ қилинмоқда, аллома хотирасига бағишлаб ташкил қилинган кураш бўйича халқаро турнир 1993 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда ва бу хайрли анъана бундан кейин ҳам давом этиши шубҳасиз.

Буюк мутафаккир қўним топган маскан – Термиз шаҳри яқинидаги Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси батамом қайта таъмирланиб, ҳозирда юксак меъморчилик намунасини ўзида мужассам қилган муҳташам

зиёратгоҳлардан бири сифатида, нафақат юртимиз аҳли, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

Дарҳақиқат, тарих – ибрат, илм, ҳикмат. Тарих – келажак пойдевори, тараққиёт калити. Тарих – хайрли ишларга ундов, ёт иллатларга раддия. Тарих – огоҳлик. Усиз буюк келажак бўлмаслиги манбаларда таъкидланган. Сир эмас, собиқ Иттифоқ сиёсати шонли тарихимиз далолати бўлган нодир асарларни ёқишга ундади, нодир обидаларимизни бузишга рағбатлантирди. Уларнинг “сир”ларидан воқиф зиёли, Ватанпарвар бўлган Чўлпон ва Абдулла Қодирийдек кўпдан-кўп олимларимизни Ватан хоини деган баҳоналар билан қатағон қурбонларига айлантирилди.

Юртимиз алломалари истиқлол туфайлигина том маънодаги шараф топди, буюклиги эътироф этилди, номлари дунё аҳлига маълуму машҳур қилинди. Номи халқ хотирасида абадий яшашга ҳақли, шундай эътирофга лойиқ буюк алломаларимиздан бири эътироф этилган учта ақидавий мазҳабдан бири асосчиси **Абу Мансур Мотуридий**дир. Имом Мотуридий яратган таълимот нафақат ўз даврида пайдо бўлиб, вайронкор ғоялари билан бузғинчилик қилган фирқа ва оқимлар, балки бугунги кунда ҳам фаолияти кузатилаётган адашган тоифаларга раддия сифатида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳассаси – яратиб кетган асарлари биз учун дастуруламалдир. Зеро, Имом Мотуридий қарши курашган қадарий, жабарий, муътазилий каби вайронкор кучларнинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўзгача қиёфада яшамоқда. Уларни аниқлаш, уларга маърифий ислом, миллий ғоямиз ҳамда миллий мафкурамиз билан зарба беришимиз давр талаби бўлиб қолмоқда.

Юртимиздан чиққан алломалар илмий-маънавий, диний меросида барча диний ва дунёвий билимлар қатори калом – ақида илмига бағишланган асарлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинаси ҳисобланган мазкур асарларни илмий таҳлил ва тадқиқ этган ҳолда таржима қилиш, улардан кенг халқ оммаси,

айниқса, ёшларни хабардор қилиш ҳозирги давр учун энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Халқимизнинг илмий-маънавий мероси, ислом ва унинг ғоялари, диний, миллий-маънавий қадриятларимиз, юртимиздан етишиб чиқиб, бутун дунёда машҳур бўлган буюк алломаларнинг ҳаёти ва калом илмига бағишланган илмий меросларига асосланган ҳолдагина ислом дини ғояларини бузиб талқин қилишга уринаётган оқимларнинг асл мақсадларини фош қилиш мумкин бўлади.

Аҳли сунна олимлари сирасидан ўз даврида авж олган ботил қарашларга соф ислом асослари бўйича раддиялар берадиган қарашлари билан танилган, Абу Мансур Мотуридий ақидавий мазҳаби етук олими ал-имому-л-фозил жомий ал-усул[2.8.Б.90;] (усул илмини эгаллаган фозил имом), ал-имому-з-зоҳид[3.7.Б.189;] (тақводор имом), ал-фақиҳу-л-ҳанафий[4.2.Б.487;] (ҳанафия фақиҳи), ал-олиму-л-борий[5.5.Б.58;] (буюк (яратувчи) аллома), сайфу-л-ҳаққ (ҳақиқат қиличи)[6.9.Б.152;] каби лақаблар соҳиби **Абу-л-Муин Маймун ибн Муҳаммад бн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макхул Насафийни** кўрсатиш мумкин.

Қураший Абу-л-Муин Насафий мансуб макхулийлар сулоласи бошида Маймуннинг учинчи бобоси Муҳаммад ибн Макхул туришини таъкидлаган.

Аксар олимлар ушбу сулола вакилларининг илмларига, айтиқса, Абу Ҳанифа фикҳи бўйича таянар эдилар. Чунки уларнинг энг катта бобоси Макхул (ваф. 930 й.)дан бошлаб барча Насафийлар ҳанафия фикҳига тўла амал қилиб, уни авлоддан-авлодга ривоят қилганлар. Макхул Насафийнинг фикҳ илмини бевосита Абу Ҳанифадан олганлиги, шунингдек, Абу Сулаймон Жузжоний, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний каби ўз замонасининг буюк олимлари билан замондош сафдошларидан бўлганлиги аҳамиятга молик.

Улар Насаф (ҳозирги Қарши) шахрига нисбат берилиб, Насафий деб юритилади. Насаф шахрининг азалдан обод, серҳосил ерлари ҳамда беҳисоб бойликлари, табиий ер ости қазилмаларига эга, қолаверса, илм-фан ва маданият

маркази ҳам бўлганлиги билан шухрат қозонгани маълум. У илм-фаннинг ҳар бир соҳасидан кўплаб илм аҳллари етишиб чиққан шаҳардир[7.3;].

Макхул Абу-л-Фазл Насафий фикҳ илмида машҳур олим бўлган. Манбаларга кўра, у фикҳни бевосита Абу Ҳанифа (р.а.)дан ривоят қилар эди[8.7.Б.180;]. Бу Макхул Насафийнинг Абу Ҳанифа ёки унинг шогирдлари билан бевосита илмий алоқада бўлганлигини кўрсатади.

Макхул ибн Фазлнинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул ибн Фазл Абу-л-Муин Макхулий бўлиб, унинг ҳам илм-фанда кўзга кўринган икки ўғли бор эди: Абу-л-Бадиъ Аҳмад ибн Муҳаммад Макхул ва Абу-л-Маолий Муътаמיד ибн Муҳаммад ибн Макхул. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз оталаридан ривоят қилар эди. Хусусан, Абу-л-Бадиъ ҳақида ёзишларича, у фикҳ илмида жуда машҳур бўлиб, 942 йилда туғилган. Умрининг охирларини Бухоро шаҳрида ўтказиб, шу шаҳарда вафот топган ва унинг жасади 989 йилда Насафга келтирилиб, дафн этилган. Абу-л-Маолий (969-1038) ҳадис илми бўйича отасидан ташқари Абу Саҳл Исфаройинийдан ҳам сабоқ олган ва ундан “Макка хабарлари” (“Ахбору Макка”) номли китобни ривоят қилган[9.10.Б.541;].

Макхулийлар сулоласи ва мотуридийлар ўртасида муайян даражада мавжуд бўлиб, Абу-л-Маолий ўзининг отаси Абу-л-Муин Муҳаммад ибн Макхулдан, у эса ўз навбатида, отаси Макхул Насафийдан ривоят қилган. Макхул Насафий Абу Сулаймон Жузжонийдан таҳсил олган. Жузжоний Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирдидир. У Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирди ҳисобланади. Имом Абу Мансур Мотуридий имом Абу Носир Аҳмад Иёзийдан ривоят қилган. Иёзий Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайҳдан, у Абу Сулаймон Жузжонийдан, у эса Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан таҳсил олган. Ҳасан Шайбоний Абу Ҳанифа ибн Нуъмон ибн Собитнинг шогирдидир[10.11.Б.152;]. Ушбу силсила бу икки сулола ўртасида азалдан илмий алоқалар мавжуд бўлганлигига далолатдир. Бундан ташқари, Ш.Зиёдовнинг фикрича, имом Мотуридий имом Абу-л-Муин Насафийнинг

бобосига устозлик қилган[11.4.Б.16;]. Бу фикрлардан икки хулоса келиб чиқади:

биринчидан, макхулийлар ва мотуридийларнинг ҳар иккиси ҳам айни бир муҳитдан етишиб чиққан. Ушбу сулолаларга мансуб олимлар айни бир саҳоба ва устозлардан таълим олган. Бу икки сулола ақидаси асосини имом Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит Куфий (699-767) қарашлари ташкил этади. Унинг шогирди Шайбонийдан таълим олган Жузжонийдан бошлаб бу илмий сулола икки хонадонга ажралади: Абу-л-Муин Насафий етишиб чиққан макхулийлар ва Абу Бакр Жузжоний бошлаб берган мотуридийлар сулоласи;

иккинчидан, манбалардан маълумки, имом Абу Мансур Мотуридий 944 йилда вафот этган. Макхул Насафийнинг таваллуд санаси аниқ бўлмаса-да, унинг ўғилларидан бири Абу-л-Бадиънинг 942 йили таваллуд топганлиги маълум. Бундан Макхул Насафийнинг ушбу санадан анча олдин яшаганлиги ҳамда имом Мотуридий билан замондош бўлганлиги аён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу икки сулола вакиллари илмий мулоқотда бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Абу-л-Муин Насафий ўзининг “Табсира” ва “Тамҳид” номли асарларининг кириш сўзида ўз нуқтаи назарини имом Мотуридийнинг тавҳид хусусидаги қарашларига асосланиб ёзганлигини қайд этган. Бу каби омиллар “макхулийлар мотуридийлар ва уларнинг издошлари билан бевосита учрашганлар, ягона “мадрасату-л-мотуридия” номи остида бўлганлар” дейишга етарли асос бўла олади.

Манбаларда Абу-л-Муин Насафийнинг иккинчи бобоси Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макхул Абу-л-Маолийнинг 936-1039 йилларда яшаганлиги маълум[12.9.Б.54;]. Агар Абу-л-Муин Насафийнинг 1027 йил таваллуд топганлиги эътиборга олинса, алломанинг ўз отаси ёки бобосидан таълим олганлиги ҳам ишонарлидир. Ҳар ҳолда мотуридия олимлари ва макхулийлар издошлари ўртасида илмий алоқанинг мавжуд бўлганлиги уларнинг бир-бирларига замондош бўлганликлари учун ҳам, бир ҳанафия мазҳабига

эътиқод қилганликларидан ҳам сезилади. Демак, макхулий насафийлар ўз илмини X асрнинг охири XI асрнинг бошларида мотуридия мадрасаси номи билан танилган йирик ҳанафия мадрасасидан олган. Бу жараён эса, шубҳасиз, имом Мотуридий ҳаётлиги давридан бошланган.

X – XI асрларда ислом шарқида калом илмининг олимлари кўп бўлиб, муътазилийлар ҳам, аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа вакиллари ҳам, шиалар ҳам, карромий ва бошқа шулар каби фирқалар ҳам – барча-барчалари калом ва усул масалаларига дуч келдилар. Бу масалаларга бағишланган кўплаб асарлар ёзилди. Ушбу йўналишдаги муҳим асарлардан бири Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафийнинг “Китобу-р-радд ала аҳли-л-бидаи ва-л-аҳвои-з-золлати-л-музилла” (“Бидъатчи, адашган ва адаштирувчи фирқаларга раддиялар китоби”) ҳисобланади. Унинг “Китаб фи-т-тасаввуф” (“Тасаввуф ҳақида китоб”), ўз йўналиши бўйича илк китоблардан ҳисобланган “Китабу-л-луълуиёт фи-л-мавозиъ” (“Мавъизалар бўйича жавоҳирлар”) ва “Аш-Шуъо” (“Ёғду”) каби асарлари ҳам бўлса-да, “Китобу-р-радд” Пайғамбаримиз башоратларида келган 72 адашган фирқага раддия сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур асарнинг ягона қўлёзма нусхаси ҳозирда Оксфорддаги Бодлиан кутубхонасида №271 рақами остида сақланмоқда. 145 варақдан иборат бу нусха 1143 йил кўчирилган. Юртимизга бу нодир асарнинг бир нухаси таниқли олим тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов саъйи ҳаракатлари билан келтирилган. У асар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Француз олимаси Мари Бернан уни нашр қилишга муваффақ бўлди. Бу қимматли нашр 1980 йилда Қоҳирада чоп этиладиган “Ал-Ҳовлиййат ал-исломалужиййа” номли журналнинг 16-жилдида эълон қилинган. Француз алломаси асарни танқидий нашрга тайёрлаш билан бирга унга ўн икки бетдан иборат кириш сўзи ҳам битган”[13.12.Б.6-7;].

Асар содда, тушунарли, халқчил иборалар билан ёзилган бўлиб, осон тушунилади. Муаллиф асарни қадария, жаҳмия, рофизия, ҳарурия, жабария ва муржииядан иборат

олти қисмга бўлган. Ҳар бир қисмда, ўз навбатида, 12 фирқа ҳақида маълумотлар келтирилган. “Китобу-р-радд” келтирилган далилларининг нақлий экани, энг муҳими, ҳанафийлик асосида шаклланган мотуридия қарашларига тўла мос келиши билан диққатга сазовор.

Асарнинг ҳозирги давр учун аҳамиятини қуйидаги омиллар билан белгилаш мумкин:

1. Макхул Насафий ўз асарида ўрта асрларда шаклланган барча ботил фирқалар қарашларини жамлаб, уларга анъанавий ислом қарашларига мувофиқ нақлий далиллар асосида раддиялар берган.

2. Асарда ҳар бир фирқа илгари сурган ғоянинг манбавий асоси, келтирган далиллари аниқ кўрсатилган.

3. Оқимлар келиб чиқиши ва умумий хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилган. Бу улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш, шунингдек, фирқаларнинг умумийлик жиҳатларини тўғри белгилаш имконини беради.

4. Асар унда келтирилган айрим оқимлар ҳозирда йўқ бўлиб кетгани, баъзиларининг эса кейинги асрларда ёзилган манбаларда учрамагани сабаб манбашунослик жиҳатидан ўта муҳим қимматга эга.

5. Ҳозирда фаолияти кузатилаётган диний экстремистик оқимлар қарашларидаги айрим жиҳатлар ўрта асрларга хос фирқалар илгари сурган жиҳод, халифалик ва шаҳидлик каби вайронкор ғояларда учрагани боис, асар бу қарашларга раддия беришда манбавий асос вазифасини ўтайди. Халафия оқими жиҳодни фарзи айн ҳисоблаб, ундан бўйин товлаган балоғат ёшидаги ҳар қандай инсонни кофир санаган. Макхул Насафий бу қарашга Қуръондаги “Сод” сураси 85-ояти, “Сажда” сураси 13-ояти, “Тавба” сураси 93-ояти ва қатор ҳадиси шарифлар билан раддия беради ҳамда ота-онанинг хизматини қилиб, уларнинг розилигига эришиш ҳам жиҳод эканлигини таъкидлайди [14.6.Б.38-39;]. Шу ўринда юртимиздан етишиб чиққан яна бир буюк аллома Абу Бакр Қаффол Шошийдан ривоят қилинган мазкур ҳадиси шарифни келтириб ўтиш ўринлидир: “Аллоҳга итоат қилиш йўлида ўз нафси билан курашувчи мусулмон

чин мужоҳиддир”[15.1.Б.66;]. Бундан жиҳод кенг маъноли бўлиб, ундан фақат қуроли кураш англашилмаслиги аён бўлади. Шунингдек, шамрохийларнинг аёлларга никоҳсиз, маҳрсиз ҳам уйланиш мумкинлиги ғояси ҳозирда “эркин никоҳ”, “фуқаролик никоҳи” каби ниқоблар билан оммавий маданиятнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Асарда шамрохийларга ҳам асосли раддиялар берилиб, бу амалнинг ҳаром эканлиги таъкидланади [16.6.Б.43-44;]. Охири пайтларда кўплаб афкор оммаси эътирозларига сабаб бўлаётган аҳмадия оқимининг пайғамбарлик ғоясига ҳам асарда муносабат билдирилган. Аслида, бу қарашни исҳоқия фирқаси илгари сурган. Макхул Насафий уларга Қуръондаги “Аҳзоб” сураси 40-оятда келган Аллоҳнинг “У (Муҳаммад) пайғамбарларнинг муҳридир” сўзи билан раддия берган. [17.6.Б.54;] Макхул Насафий асарида баъзи тоифаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар ҳам келтиради. Масалан, Али ва Муовия ўртасидаги низо ва таҳким воқеаси натижасида вужудга келган “хорижия” (“ажралиб чиққан”) оқими макон тутган жойига нисбат берилиб, ҳарурия шаклида келтирилган. Манбалардан маълумки, улар Али қўшинидан ажралиб чиққан аскарлар сонига қараб “12 000 лик жамоа” ҳам дейилган. Бундан асарнинг муҳим этимологик аҳамияти кўринади.

Макхул Насафийнинг бу асари Имом Бухорий халқаро маркази илмий ходими Ҳалим Муҳиддиновнинг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари билан 2012 йил нашр қилинди. Профессор У.Уватов кириш сўзида асарнинг ёзилиш тарихи, нусхалари ва муҳим жиҳатлари ҳақида фикр билдирган.

Мазкур таржима юртимиз алломаларининг ибратли ҳаёт йўллари ва илмий, маънавий ва диний меросига бўлган давлат даражасидаги эътиборнинг бир кўриниши сифатида эътирофга лойиқ. Бинобарин, Самарқандий, Бухорий, Шоший, Кеший каби олимлар қатори Макхулий Насафийлар, жумладан, Макхул Насафий ва Абу-л-Муин Насафий каби дунё эътирофидаги олимлар асарларини

илмий асосда тадқиқ қилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиш олимларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон – бағрикенг ўлка. Бу юртда азалдан турли цивилизация вакиллари, ҳар хил маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаган, мавжуд бўлган. Улар ўзларини шу азиз ватан фарзанди эканини ҳис қилган, унинг азалий қадриятларига оғишмай амал қилган. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас, бетакрор, жаннатмонанд макондир. Юртимиз – Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан бири. Мовароуннаҳр, кўплаб тарихий манбаларда келтирилганидек, ердаги жаннатдир. Бу эътироф ҳозир ҳам аксар юртимиз меҳмонлари томонидан айтилмоқда. Бинобарин, бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар, башариятни ҳаёратга солган таълимотлар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни “фалсафий тафаккур бешиги”, деганда айтиш ҳақиқатни назарда тутган эди.

Кези келганда айтиш керакки, халқимиз асосланган тараққиёт ўзига хос бағрикенглик тафаккур услубига таянади. Бунинг ёрқин далили ўлароқ, заминимизда узоқ давр мобайнида бир вақтнинг ўзида оташпарастлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик ва ислом дини амал қилган. Бу диний бағрикенгликнинг ҳозирда кўпчилик давлатлар ибрат олса арзийдиган амалий ифодаси эмасми?!

Ана шундай анъаналар Ўзбекистонда яшовчи кўп сонли миллат ва элатлар вакилларининг туб асрий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-умидлари, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Унинг асосида миллатлараро тотувлик ғояси ётади ва бу ғоя умумбашарий қадрият, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётини белгилайди, шу жойдаги

тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон тупроғида юзага келган турли хил илмлар минг йил ўтибдики, ўз фалсафий мазмун-моҳиятини йўқотмади. Аксинча, ўтган асрлар давомида бутун оламни ўз инсонпарварлик ғоялари билан эзгуликка, инсофу диёнатга, адолатга, илму маърифатга чорлаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Бакр Қаффол Шоший. Жавомиъул калим. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011. –Б. 66.
2. Бағдодий. Ҳадяту-л-орифин. Ж. 2. –Б. 487.
3. Ёқут Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. Ж. 4. –Лейпциг: 1869. –Б. 781; Ибн Асир. Ал-Лубон фи таҳзиби-л-инсон. Ж. 3. –Б. 233.. –Миср: Қудсий нашри. 1361 ҳ; Аҳмад ибн Яъқуб ибн Воziқ Котиб. Китобу-л-булдон. –Лейдин: 1891. –Б. 693.
4. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китобу-т-таъвилот” асари. –Б. 16.
5. Ибн Қутлубаға. Тожу-т-тарожим. –Б. 58.
6. Китоб радд. –Б. 38-39, 43-44, 54.
7. Қураший. Жавоҳиру-л-музия. –Б. 180,189; Муъжаму-л-матбуоти-л-арабия ва-л-муарраба. Ж. 4. –Б. 185.
8. Лакнавий. Фавоиду-л-баҳия. –Б. 90.
9. Оқилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотурийи таълимоти. –Б. 54,152.
10. Самъоний. Ал-Инсон. –Б. 541; Ал-Фавоиду-л-баҳия. –Б. 90; Ал-Жавоҳиру-л-музия; Ж. 1. –Б. 239 ва Ж. 2. –Б. 34, 177, 180, 189.
11. Табсира. –Б. 152. Насафий. Тамҳид. –Б. 20-21.
12. Шайх Абу Мутиъ Макҳул ибн Фазл Насафий. Бидъатчи, адашган ва адаштирувчи фирқаларга раддиялар китоби. –Б. 6-7.
13. Шайх Комил Авайда. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Байрут: 1993. –Б. 10.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Отабек Бозоров,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институту тадқиқотчиси,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Маълумки, ҳар бир халқнинг, ҳар бир юртнинг, миллатнинг қадр-қиммати, унинг башарият тарихида тутган ўрни ва мақоми жаҳон илм-фани ва маданияти ривож, умумбашарий тамаддун ва тараққиётга қўшган ҳиссасибилан белгиланади. Шунуқтаи назардан қаралганда, биз бу борада фахрлансак арзийдиган меросга эга эканлигимизни қайд этиш лозим, чунки бой ва ибратларга тўлиқ бир неча минг йиллик шонли тарихимиз, ўзига хос миллий қадриятларимиз, бетакрор илмий, маданий, маънавий, диний меросга эга бўлган халқ эканлигимиз дунё миқёсида эътироф этилган. Айниқса, юртимиздан ўзларининг оламшумул аҳамиятга молик асарлари, абадий барҳаёт таълимотлари билан бутун дунёни лол қолдирган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққанлиги бутун Мағрибу Машриқда маълум. Президент Шавкат Мирзиёев “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак” [2], - дея таъкидлаганларида алломаларимизнинг мероси борасида сўз юритган эди.

Ҳақиқатан ҳам, тарихни ўрганиб, қомусий асарларни варақлар эканмиз, бухорий, шоший, фарғоний, марғилоний, самарқандий, кеший, паздавий, хоразмий, термизий, насафий ва бошқа кўҳна шаҳарларимизга мансуб юзлаб, олимларнинг исми шарифларини учратамизки, курраи заминнинг ҳеч бир гўшасидан бунчалик кўп олиму фузалолар етишиб чиққан эмас. Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-

фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади.

Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Дунё илми, цивилизациясига қўшган беназир ҳиссалари билан у зоти шарифлар қадимдан халқимизнинг шуҳратини жаҳонга дoston қилиб, авлодлар бошини баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам, Ер юзининг қай бурчагига бормайлик, биз Ўзбекистон аҳлига шундай буюк алломаларнинг ватандошлари, ворислари деб алоҳида ҳурмат-эътибор, камоли эҳтиром билан қарайдилар, бизларга ҳавас қиладилар.

Хўш, дунё бизга ҳавас билан қараб, ўтмишимизни ўрганиб, аждодларимиз маънавий меросидан фойдаланиб, келар экан, бизнинг ўзимизчи? Ҳозирги кунда аждодлар меросига етарлича эътибор беряпмизми? Фарзандлар тарбиясида булардан қанчалик даражада фойдаланмоқдамиз? Бугунги ёшлар ўз алломаларини қанчалик даражада танийдилар? Ушбу саволлар бугунги кунимизнинг долзарб масалалари ҳисобланади.

Дунёда мафкуравий курашнинг янги ва замонавий усуллари ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда маънавий-мафкуравий таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин. Бу мафкурани эса алломалар меросидан фойдаланган ҳолда ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ошириш, уларни миллий ғоянинг асосий бунёдкор ғоялари руҳида тарбиялаш масалаларига аҳамият бериш лозим.

Мутафаккирларимиз асарларида ёшлар қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ундовчи қатор ибратли ўғитлар ўрин олган. Ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимиз ва муқаддас динимизга садоқат руҳида тарбиялашда маданий юксалишимизга беқиёс ҳисса қўшган Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Имом

Бухорий, Имом Термизий, Алишер Навоий каби кўплаб мутафаккирларнинг юксак фалсафий-ахлоқий қарашлари ёшларни тарбиялаш борасида беминнат хизмат қилади.

Улар яратган мерос, панд-насиҳатлар ёшларнинг баркамоллигига хизмат қилиб, эзгу ишлари билан эл-юртга фойда етказиб, ҳаёт мазмунини теран англаган ҳолда нафақат бугунги кун лаззатлари, балки ўтмиш тарихи ва қадриятларини эъзозлаб, тўғри хулоса чиқарадиган баркамол инсонлар бўлишида аҳамияти беқиёсдир.

Жумладан, Абу Наср Форобийнинг “Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики (ахлоқ, касб-хунар, кабилар) ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур” деган фалсафий қарашлари, ёки, Алишер Навоийнинг:

*“Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод”,*

ҳикматли мисралари ҳамда Абдулла Авлонийнинг “Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар” маърифий фикрлари ёшларни ҳалол меҳнат билан турмуш кечиришга ундайди.

Буюк тиббиёт олими, файласуф аллома Абу али Ибн Сино фарзандга илм ва одоб ўргатиш ҳақида шундай мулоҳаза билдиради:

“Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак”[3]. Болага ўз вақтида ва лозим даражада таълим бериш – маданият. Ана шу таълим бериш вақтини аниқ-равшан баён қилиш – табобат. Демак, бунда инсонни ўрганиш ва баркамоллик сари етаклаш билан шуғулланадиган икки соҳа – фалсафа ва табобат уйғун келмоқда.

Биз келажак авлодни шундай тарбия қилишимиз керакки, улар Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиши ва англай олиши, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бера олиши лозим. Чунки, ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-

туриши, амалга оширадиган ишлари уларнинг дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким? Албатта, ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Замонавий технологиялар, илм-фан билан ҳамнафас бўлсин, лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. “Биз киммиз, қандай улў зотларнинг авлодимиз”, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Аждодларининг бебаҳо илмий мероси янада теран тадқиқ эта олсин, улар томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини англаб ета олсин.

Хуллас, абу али ибн сино, алишер навоий, заҳириддин муҳаммад бобур, юсуф хос ҳожиб, мотуридий, маҳмуд замахшарий абу райҳон беруний каби мутафаккирлар, соҳибқирон амир темур сингари улў зотларнинг маънавий-маърифий мероси асосида бугунги мафкуравий жараёнларнинг миллий менталитетимиз ва миллий ўзлигимизга салбий таъсирининг олдини олиш йўлида ижобий фойдалана олиш, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик учун, уларнинг қалби ва онгида соғлом дунёқараш шаклланиши учун, аждодларимиз меросига нисбатан фахр-ифтихор, ҳурмат-эҳтиром туйғуларини қарор топтириш янада муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёв Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи, 2016 йил 19 октябр.
2. Мирзиёв Ш.М. Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2018 йил 15 июн.
3. Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисоалари // Таржимон ва шарҳлар муаллифи - Н.Турдибоев. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. -Б.28.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 127-бет.

ИСЛОМ ФАЛСАФАСИДА РАЦИОНАЛИЗМ ЙЎНАЛИШИ

*Комил Ҳайдаров,
фалсафа фанлари номзоди,
Самарқанд вилоят педагогларни
янги методикаларга ўргатиш
миллий маркази доценти*

Шарқ фалсафасининг ўзига хослиги унда маънавий қадриятларнинг устувор аҳамияти билан белгиланади. Бунда IX аср бошларида исломда пайдо бўлган рационал оқимнинг ўрни беқиёсдир. Бу “муътазилийлар” (ажралганлар) оқими бўлиб, улар исломдан алоқани узмай, уни “оқиллаштириш”, яъни кўр-кўрона эътиқод ўрнига ақлга асосланган эътиқодни шакллантиришга уриндилар. Гарчанд рационал оқим бўлса-да, муътазилийлар таълимотида агностицизм элементлари ҳам мавжуд бўлган: уларнинг вакиллари шубҳаланиш – дунёни билишнинг энг муҳим ва биринчи зарур шарт, битта ишончдан кўра элликта шубҳа яхшироқдир, деб ҳисоблаганлар.

Билимнинг асосини фақат ҳиссий тажриба ва анъанавий билимларгина ташкил қилиб қолмайди, бу жараёнда энг муҳими ақлдир. Ақл – олий қадрият, у бўлмаса одам ҳеч нарсани била олмайди. Дунёдаги ҳар қандай илмий ва фалсафий муаммоларни фақат ақл ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин. Дин бемор учун яхши даво бўлса, фалсафа билан шуғулланиш соғлом одамлар учун муҳим озуқа.

Муътазилийлар фалсафасида инсон ва унинг эркинлиги юксак маънавий қадриятлар ҳисобланади. Аллоҳ яратган мавжудотлар ичида инсон ўз ҳатти-ҳаракатларида тамоман эркиндир. Инсон эркин ҳаракати туфайли савоб ишларни амалга оширса, Аллоҳ уни мукофотлайди, гуноҳ қилса – жазолайди. “Муътазилийлар ислом мафкураси қобиғида вужудга келган ҳурфикрлиликнинг кўринишларидан биридир. Шунинг учун муътазилийликнинг пайдо бўлиши турли фалсафий таълимотларни, айниқса антик давр фалсафасини кенг ўрганиш учун йўл очиб берди”[5.292].

Муътазийлилар худонинг тана шаклига эга эканлиги ва инсоний белгиларини инкор этиб, бу белгиларнинг энг асосийси ва инкор этиб бўлмайдигани унинг ҳақиқатда мавжудлигидир, деб ҳисобладилар. Улар Аллоҳнинг “Мени кўра олмайсан” оятини асос қилиб, инсон Аллоҳни ўзининг кўзи билан кўра олмайди, деган фикрни таъкидладилар. Шунинг учун ҳам муътазилийларга ортодоксал ислом илоҳиёти – калом таълимоти ва унинг вакиллари – мутакаллимлар қарши чиқдилар. Калом фалсафасининг равнақи IX-X асрларга тўғри келади. Исломнинг ғарбий оламида - Бағдодда унинг асосий вакили Ал-Ашъарий бўлган бўлса, шарқда самарқандлик аллома Имом Ал-Мотуридий майдонга чиқди.

Ал-Ашъарий Қуръони каримни муътазилийлар билан зиддиятга бориш орқали ҳимоя қилди. У ҳам, Имом Мотуридий ҳам диннинг ҳолатини ақлий асосларга эга бўлмаган, инсон ақли бовар қилмайдиган ва айни ҳақиқат эканлигини исботлашга уриндилар. Худо абстракт (мавҳум) моҳият эмас, у қўл, оёқ, кўз ва ҳ.к.ларга эгадир: оламда неки содир бўлса, барчаси худонинг иштироки ва хоҳиши билан бўлади. Дунёда мўъжиза мавжудми, деган савол ўринсиз, чунки оламда ҳамма ҳодиса мўъжизадан иборат.

Имом Мотуридийнинг қарашлари кўп жиҳатдан Ал-Ашъарийнинг нуқтаи назарига мос келади. Масалан, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, инсоннинг эркинлиги тўғрисидаги қарашлар шу жумладандир. Аммо уларнинг қарашларида фарқлар бор. Шундай фарқлардан бири - Имом Мотуридий Ашъарийдан кўра кўпроқ аниқ далиллар ва фалсафий ибораларни қўллаган. Шунинг учун ҳам у айрим фалсафий ва каломий ибораларнинг асосчиси ҳам ҳисобланади. Ушбу алломалар қарашларидаги ўхшашлик ва фарқлар тадқиқотчиларимиз томонидан кўрсатиб берилган [3.6-14; 2.207-209].

Имом Мотуридийнинг ҳаёти ўша даврларда Самарқандда шаклланган ва тақомилига эришган илоҳиёт илмининг иккинчи даврига мос келади. “Мотуридийга таълимотининг рационал маъзи – маълумотларни қабул

қилишда муътазилийлар каби фақат ақлга суяниш эмас, балки ақл билан нақлни қўшиб фойдаланишнинг зарурлигидир. Абу Мансур Мотуридий ўз мактаб анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр ислом илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта улуш қўшди... . Шунингдек, у ханафийликнинг Мовароуннаҳр халқлари урф-одатларига таъсирини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. Унинг ислом тарихида кўрсатган хизматлари ҳам шунда кўринади”[1.8]. Шу нуқтаи назардан, Имом Мотуридийнинг “инсониятнинг ўз қилмишлари олдида жавоб бериши, масъуллиги тўғрисидаги бу буюк назариясини ниҳоятда кенг миқёсдаги, даражадаги фалсафий таълимот”[2.210] деб баҳолашга арзийди. Мотуридийнинг халққа тезда танилиб кетмаганлиги “ҳозирга қадар ноаниқ бўлиб қолмоқда” [4.4], лекин, барибир у “охир-оқибатда умумэътирофга сазовор бўлди” [4.6].

Минтақамиз тарихидан маълумки, мутакаллимлар муътазилийларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Мантиқ илми билан қуролланган муътазилийлар эса уларнинг ҳар қандай ғоявий зарбаларини “қайтардилар”. Мутакаллимлар учун бу курашнинг қийинчилиги шунда эдики, Шарқ фалсафаси ривожига бу даврда антик юнон фалсафаси ва мантиқ илмига қизиқиш кучайиб кетган эди. Абул Ҳасан Ал-Ашъарийнинг исломдаги ҳар икки оқимни ўзаро келиштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳам зое кетар эди. Ал-Ашъарий мантиқни яхши билган, Афлотун ва Арасту асарлари билан яқиндан таниш эди. У ислом намояндаси сифатида муътазилийлардан чекиниб, софистика йўли билан ислом илоҳиёти қоидаларини ҳимоя қилишга киришди. У мутакаллимлардан мантиқ илмини эгаллашни талаб қилди.

Ал-Ашъарий таълимотининг давомчилари худонинг белгилари унинг моҳиятидан фарқ қилади, яъни худо ягона абадий иродага эга бўлиб, ундан ҳамма нарса – яхшилик ва ёмонлик, фойдали ва фойдасиз нарсалар келиб чиққан, деб ҳисобладилар. Инсон тақдири эса олам яратилмасдан бурун белгилаб қўйилган. Инсон ўз ҳатти-ҳаракати учун ахлоқий бурчли, у иродасини ҳаракатга чорлаши мумкин.

Ирода эркинлиги масаласида ашъарийлар муътазилийлардан кескин фарқ қилади. Муътазилийлар ахлоқий қонунни диндан устун қўйган бўлсалар, ашъарийлар эса ахлоқий қонун диндан келиб чиқади ва унга бўйсинади, деб эътироф этдилар. Ислом фалсафаси тараққиётида муътазилийлар ижобий ўрин тутиб, рационализм ривожига ўзига хос тарзда ҳисса қўшдилар. Муътазилийлар янги оқимнинг юзага келиши учун замин ҳозирладилар. Бу оқимнинг асосчиси қомусий билим эгаси бўлган Абу Юсуф Ибн Исҳоқ Ал-Киндий (800-879) бўлганлиги Шарқ фалсафаси тарихидан яхши маълум.

Юқоридагилардан хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, биринчидан, ислом фани ва фалсафаси Европа ва кейинчалик бошқа минтақа халқлари ижтимоий-фалсафий фикри ҳамда илмий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар Европа фани ва фалсафасининг энг яхши анъаналари мусулмон олами таъсирида шакллана борди. Иккинчидан, Шарқда диний-фалсафий қарашларнинг кучайиб боришиданеоплатончиликвааристотелчиликнинг таъсири кучли бўлди. Ушбу тенденция Марказий Осиё минтақасида илк Ренессанс даври маънавий қадриятлар намуналарининг шаклланиши учун асос яратди. Учинчидан, фалсафий ва илоҳий таълимотлар ўчоғи бўлган Марказий Осиё варварлар ҳукмронлиги туфайли 150-200 йиллар оғир шароитда яшаган, минтақа фақат иқтисодий эмас, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам зарар кўрган бўлса-да, фалсафий фикр тараққиёти тўхтаб қолмади, аксинча, унинг кейинги ривожига рационалистик йўналиш кучайиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиёдов Ш. Абу Мансур Мотуридий. - Т.: "Ўзбекистон", 2012.
2. Каттаев К. Самарқанднома. - Т.: "Mashhur-press", 2017.
3. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. - Т.: "Sharq", 2012.
4. Ульрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти / Р.Қобулова ва Ғ.Маҳмудов таржимаси. - Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
5. Фалсафа. Қомусий луғат. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. - Т.: 2004.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

Рахимов Дилмуроджон,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

VII-VIII асрлардаги араб истилоси билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудига ислом дини, маданияти ва бошқаруви ҳам кириб келди. Бу, ўз навбатида, IX-XII асрларда Марказий Осиёда биринчи Ренессанс (Уйғониш даври) вужудга келишига хизмат қилди. Мазкур даврда кўплаб илмий асарлар яратилди. Уларнинг айримлари адолатли, халқпарвар давлат бошқаруви масалаларига бағишланди. Айниқса, бу борада Абу Наср Фаробий (873-950 йй)нинг “Фозил одамлар шаҳри” асари беқиёс аҳамиятга эга. Асарда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва уларга қўйилган талаблар тизимлашган ҳолда ифодаланган [1]. Мазкур асарнинг аҳамиятли жиҳати, биринчидан, унинг утопик (ҳаёлий) қарашлардан узоқлиги, эмпирик тадқиқотларга ва амалий ҳаётга асосланганлиги, иккинчидан эса, асардаги ғояларнинг кейинчалик Марказий Осиёда ҳукм сурган мамлакатлар бошқарувида қўлланилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Яна бир олим Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) давлат хизматчилари, хусусан, раҳбар кадрларни танлашнинг энг адолатли мезонларини таклиф этади. Унинг бу борадаги қарашлари “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида жамланган. Асарда тўрт мажозий қаҳрамон тилга олинган. Кунтуғди (чиққан Қуёш) ҳукмдор бўлиб, адолатли рамзи сифатида эътироф этилган. Ойтўлди (тўлган Ой) вазир бўлиб, бахт ва давлат рамзи сифатида тасвирланган. Ўгдулмиш (ақлга тўлган) вазирнинг ўғли бўлиб, ақл ва заковат рамзи ҳисобланган. Ўзғурмиш (уйғонган) вазирнинг қариндоши бўлиб, қаноат ва соғломлик рамзи бўлган. Мазкур мажозий қаҳрамонлар воситасида адолатли давлат бошқаруви, халқпарвар давлат хизмати каби

масалалар таҳлил қилинган. Юсуф Хос Ҳожиб давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар ҳақида сўзлар экан, “вазир хулқ-атвори кўпчиликка манзур, тили билан дили бир бўлиши лозим. Уят-андиша эгаси, дили кирсизлар бу амалга муносибдир. Кўзи тўқ, абжир, билағон, сезгир, яхши ёмоннинг фарқига борувчилар вазирликка лойиқ бўлади”, деган пурмаъно фикрларни илгари суради [2].

Давлат бошқаруви ва давлат хизмати бўйича яна бир муҳим манба Низомулмулк (XI аср)нинг “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асаридир [3]. Низомулмулк салжуқийлар давлати (1038-1308)да вазир лавозимда фаолият юритган. У жуда яхши сифатларга эга вазир бўлган. Унинг шахсиятига Амир Тумур, Алишер Навоий каби давлат арбоби ва алломалар ғоят юксак баҳо берганлар. Жумладан, Амир Тумур “Темур тузуклари”нинг бир неча ўринларида Низомулмулкни ҳурмат-эҳтиром билан эслаб, жумладан, шундай дейди: “Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноти бузила бошлади” [4]. “Сиёсатнома” асарида шариат қоидалари билан бир қаторда дунёвий давлатга хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳукмдорлар ва давлат амалдорлари учун бошқарув қоидалари тавсия этилган. Мазкур бошқарув қоидаларини ҳатто “бошқарув санъатлари” сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Хусусан, Низомулмулк давлат хизматини кадрлар билан таъминлаш ҳақида сўзлар экан, амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидан бири сифатида таъкидлайди. Ҳар бир ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш кўришлари кўзда тутилади.

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва давлат хизмати тўғрисидаги қарашлари “Темур

тузуклари”да баён этилган бўлиб, унда таъкидланган давлат хизматчилари фазилатларининг айримлари бугунги кунда ҳам долзарбдир. Амир Темур “Куч – адолатдадир” деган шиорга риоя қилган ҳолда мамлакатни идора қилган. Соҳибқирон мазкур шиорга ўзи амал қилиш билан бир қаторда давлат амалдорларини ҳам унга амал қилишга ундаган. Вазирлар, давлат хизматчиларига қўйилган бошқа сифатларайнаншушиорданкелибчиқибшаклланган, дейиш мумкин. Амир Темур ҳукмдорнинг мансабдор шахсларни танлаб олиш ва уларни жой-жойига қўйиш қобилиятини ҳокимиятни амалга ошириш ва мустаҳкамлашнинг бош шарти деб ҳисоблаган. Жумладан, “Темур тузуклари”да таъкидланишича, вазир лавозимига талабгор шахс тўрт фазилатга эга бўлиши лозим: “биринчиси – асиллик, тоза наслилик; иккинчиси – ақл, фаросатлилик; учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик” [4].

Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девонларга (вазирликларга) бўлинган. Даргоҳ – энг олий давлат идораси ҳисобланиб, унинг бошлиғи олий ҳукмдор, яъни Амир Темурнинг ўзи бўлган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идораларини салтанат фаолияти билан боғлаб туриш ишларини олий девон – “Девони бузрук” олиб борган. Унга девонбеги бошчилик қилган.

Бундан ташқари, академик Бўрибой Аҳмедов давлатда ташқи ишлар вазирлиги, адлия вазирлиги ва давлат назоратчиси вазирлиги каби вазирликлар фаолият юритганлигини таъкидлаган. Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан бири арзбеги ҳисобланган. Унга даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганлар ҳамда мамлакатдаги ўз муносабатини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириш, тушган арзлар, шикоят ва таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туриш вазифаси юклатилган. Шунингдек, давлат муассасаларида тавочи (лашкар тўпловчи), бош ҳожиб, расмий тадбирлар бошқарувчиси,

хазинадор, хонсолар, қушчи, қушбеги, котиблар, созандалар, ғазалхонлар, табиблар, фаррошлар каби бир қанча давлат лавозимлари бўлган[5].

Шундай қилиб, “Темур тузуклари”да давлат хизматига оид қисмларни таҳлил қилиш орқали бир қанча хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, давлат бошқаруви, аввало, даргоҳ ва девондан иборат ҳукумат тарзида тузилган. Давлат хизматчилари айнан шу классификациядан келиб чиқиб, лавозимларга тайинланган.

Иккинчидан, Амир Темур давлатида бир қанча вазирликлар тизими яратилган бўлиб, улар фақатгина энг муҳим масалаларни қамраб олган.

Учинчидан, “Темур тузуклари”да нафақат давлат бошлиғи, балки мамлакатдаги бошқа давлат мансабдорлари эга бўлиши лозим бўлган маънавий фазилатларни таърифлаб берилган. Амир Темур айнан шу фазилатлардан келиб чиқиб, давлат хизматини юқори малакали кадрлар билан таъминлаган.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам шоир ва ёзувчи, ҳам давлат арбоби сифатида самарали ҳаёт кечирган бўлиб, унинг қарашларида комил инсон, хусусан, етук давлат хизматчиси, халқпарвар амалдор масалалари ўрин олган. Бу борада одоблилик, оқиллик, адолат, саховат, садоқат, билимдонлик, нотиқлик, мулойимлик каби фазилатларга эга бўлиш муҳимлиги таъкидланади. Айниқса, унинг ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қўнгилларнинг севгани”, 1500 йил) асари давлат хизмати масаласида ҳам муҳим манба ҳисобланади. Навоийнинг сарой амалдорлари, ҳукмдор атрофидаги мансабдорлар ва бошқа нуфузли табақалар ҳақидаги фикрлари танқидий руҳда ёзилган [6].

Шундай қилиб, давлат хизматини кадрлар билан таъминлашда миллий-тарихий манбалар, хусусан, “Фозил одамлар шаҳри”, “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”), “Сиёсатнома”, “Темур тузуклари”, “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қўнгилларнинг севгани”) асарлари ҳам бугунги кунда

ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардаги ижобий қарашларнинг аксарияти бугунги кунда давлат бошқаруви ва давлат хизматини ташкил этишда фойдаланиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фозил одамлар шаҳри. Абу Наср Форобий / Таржимонлар Абдусодик, Ирисов, Маркам Махмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 320.

2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. / Таржимон: Абдуҳамид Парда. – Т.: Ғафур Ғулом, 2018. –Б. 556.

3. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк (Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳид Хусайнзода, Афтондил Эркинов). – Т.: Адолат, 1997. –Б. 256

4. Темур тузуклари / Масъул муҳаррир: А.Аҳмедов, форсчадан тарж.: А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 107-108.

5. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 14.

6. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Фдабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.4.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОНПАРВАР ЖАМИЯТНИ ЯРАТИШ ҒОЯСИ

Машарипов Икрамжон Батирович,
ТМИ доценти, сиёсий фанлар номзоди

Ҳар қандан жамият ва давлат ривожини унда истиқомат қилувчи, эркин фаолият юритувчи, мазмунли яшаб, умгузаронлик қилувчи инсон тафаккур тарзи ва дунёқараши билан такомиллашиб бораверади.

Эрамиздан илгариги биринчи минг йиллик ўрталарида Шарқ оламида цивилизация, давлатчилик ва жамият қуришга доир тарихий ўзгаришлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалар инсоният олдига жамият ва давлатни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаларини қўйди. Айниқса, Буюк Ипак йўли ва бошқа савдо йўллари пайдо бўлиши, давлатлар ўртасидаги маданий-иқтисодий алмашинувлар натижасида кўхна Хитойда фозил ва инсоний жамият қуриш тажрибаси ва шу асосда шаклланган тажрибалар Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Европа мамлакатларида жамиятни такомиллаштиришга доир назарияларни ривожлантиришга таъсир кўрсатди. Бу соҳада дастлабки назарий қарашларга асос солган ва ривожлантирган мутафаккир – бу Конфуцийдир (хитойча: Кун-цзи, эр. авв. 551-479 йй.). Бу даврда Конфуций яшаган жамият таназзулга юз тутган, атрофдаги давлатлар ҳамда вилоятлар ўртасида ўзаро урушлар кучайган, ҳокимият учун курашлар даҳшатли бир тусга кирган эди. Бу таҳликали ҳолат натижасида ахлоқий ва маънавий қадриятлар ҳам ўз инқирозини бошлаган эди. Шунинг учун ҳам мутафаккир Конфуций ўзидан деярли бир неча асрлар олдин барқарорлик ва фаровонликда яшаган Хитой жамиятини ўрганиб, ўша даврдаги гуллаган ҳаётни яна қайтадан тиклаш ғояларини илгари сурди. У ўз асарларида ва талабаларига берган сабоқларида олдинги гуллаган жамиятнинг ривожланиш ва фаровонликка эришиш қонуниятларини ўрганиб,

улардан ўз даврини ривожлантиришга қаратилган назарий хулосалар шакллантирди. У бунда асосан маънавий қадриятлар – ахлоқий принципларни жамият ҳаётига жорий этишга интилди. Конфуций олдинги тажрибаларнинг ижобий жиҳатларига суяниб, ўз давридаги жамиятни поклашга, олдинги даврдагидек муҳташам этишга доир назарий қоидаларни ишлаб чиқди. Айниқса, у Чжоу-гун томонидан ишлаб чиқилган этика принципларини таҳлил қилиб, қуйидаги фикрларни ёзган эди: «Мен яратаётганим йўқ, мен (бир неча аср аввалги) тарихни етказмоқдаман. Қадимги даврни севаман ва унга ишонаман»[1]. Албатта, бу каби иборалар Конфуцийнинг муаммога ёндашув усулини ифодалайди. Шунингдек, олдинги асрда яшаган Чжоу-гун ғояларини тарғиб этди, балки уни мисол келтирган ҳолда ўзининг шахсий таълимотини ишлаб чиқди.

Шу билан бирга, у комил инсон намунасини яратишга, «идеал инсон» сифатларини шакллантиришга ҳаракат қилди. Бу идеаллик – «цзюнь-цзы» («цзюнь» - хўжайин, ҳукмбардор; «цзы»-фарзанд) тарзида берилиб, уларни умумлаштириб «олийжаноб» иборасида ифодалади. Конфуцийга биноан, «цзюнь-цзы» беихтиёр ва доимий тарзда ўтказилиб туриладиган маросимлар («ли») талабларига мувофиқ келадиган принциплар бўлиб, улар муттасил равишда ривожланиб турувчи, комил инсонликка («дэ») эришган, одамларга эзгулик билан муносабатда бўлувчи, бошқача айтганда одамий (жэнь), мажбурият ва адолат мезонларини ўзида акс эттирган («и») одамдир. Бу каби одам билимларни эгаллашга («чжи») ҳаракат қиладиган, улуғ ёшлиларни иззатловчи («сяо» ва «ди»), уларга ўз ишончини («чжун») ошкор этиб турувчи, шунингдек, бошқаларга ён бера оладиган, ҳуш табиатли («жан»), бооброўлик («цзин») каби сифатларни эгаллаган бўлиши даркор.

Шунингдек, Конфуций давлат ва жамият ҳаётини яхшилаш учун, жамият тартиботларини доимий равишда ишлаб туришига ҳисса қўшадиган, ўз ҳуқуқий ҳамда бурчини ҳис эта оладиган комил инсон («фуқаро»)

образини яратишга интилки. Унинг асосий мақсади, шу каби инсонлар ёрдамида жамиятни таназзулдан олиб чиқиш эди: «Хукмдор хукмдордек бўлиши керак, фуқаро-фуқародек, ота-отадек, ўғил эса ўғилдек туриши керак» қондасини ишлаб чиқди. Конфуций мавжуд таназзулга юз тутган жамиятни ижтимоий тартиботларни тиклаш, адолат принципларини қўллаш воситасида соғломлаштиришни бош мақсад қилиб қўйган эди.

Конфуцийнинг яна бир бош мақсади – бу халқ фаровонлигини таъминлайдиган жамиятни яратиш эди. Қуйидаги мисолда Конфуцийнинг ўз шогирди билан қилган суҳбатини келтириш мумкин: «Ай-гун Ю Жодага савол берди: «Бу йилда ҳосил бўлмади, энди маблағ-озуқаларимиз етмайди. Энди нима қилишимиз керак?» – Ю Жо жавоб берди: «Ҳосилнинг ўндан биридан иборат бўлган – «чэ» солиқларини ундириб олинг». – «Менга иккита ўндан бир солиқ ҳам етмайди, қандай қилиб биргина «чэ» солиғини ундириш билан мамлакатни бошқара оламан?» – «Агар халққа (маблағ ва озиқ-овкат) етса, хукмдор ҳам муҳтожликни сезмайди; агар одамлар муҳтожликда яшасаю, хукмдор ўз фаровонлигидан лаззатланиши мумкинми?»[2].

Конфуций ўз таълимотида давлат мансабдорларини халққа хизмат қилишга даъват этади. Мутафаккир учун «дао» (тўғри йўл) - одамлар ва халқ фаровонлиги хизмат қилиш, халқ меҳнатини ташкил этишда адолат принципларига риоя этишдир.

Конфуций таназзулга юз тутган жамиятни соғломлаштиришда ва давлатни бошқаришда маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг ролига юксак баҳо беради: «Агар (жамият) қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилади, лекин бунда улар ўзларида ор-номусни хис қилмайдилар; агар улар «дэ» (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот эса маънавий қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни хис қилади, ҳалол ва софдил бўлишга ҳаракат қилади»[3]. Лекин, Конфуций

давридаги Хитойда жамият ва давлат ўртасида жиддий чегаралар ўтказиб бўлмаса-да, унинг таълимоти асосан фозил жамиятни шакллантиришга қаратилган эди.

Конфуций таълимотига биноан фозил жамиятни шакллантириш, аҳоли дунёқарашини ахлоқ меъёрлари ва маънавий қадриятлар асосида бойитиб боришга доир назарий қарашлари XXI асрга келиб ҳам фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фуқаро-жамият-давлат ўзаро алоқаларини адолат принциплари асосида рўй беришини таъминлашда унинг таълимоти аҳамияти камайган эмас.

Масаланинг яна бир жиҳати, ҳозирги даврда халқимизнинг ўзини ўзи англаш, миллий уйғониш даврида фуқаролик жамияти қуриш мақсадлари миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада оширди. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти бутунлай ғарбдан ёки шарқдан кўр-кўрона кўчириб олинмайди, балки, бир неча минг йиллик миллий меросимиз ва тарихий тажрибаларимизга асосланади. Ўтмишни чуқур англаш асосида янги жамият барпо этишгина бу соҳадаги ислохотларнинг муваффақиятини таъминлаши мумкин.

Фозил жамият қуриш, фуқаролик жамияти унсурларини шакллантиришга оид назарияларни ривожлантирган Абу Наср Форобий (873-950 йй.) ўздан катта илмий мерос қолдирди. У ўз даврининг фалсафий ва сиёсий илмларга доир жамиятнинг барча жабҳаларини ўзига қамраб олган 160 та китоблар ёзди. Унинг жамият ва давлатчиликни ривожлантиришга қаратилган назарий қарашлари «Уруш ва тинч турмуш ҳақида», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатли хулқлар», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» номли китобларида таҳлил этилди.

Ўзбекистонда ҳозирги даврдаги туб ўзгаришлар даврида (2017-2022 йй.) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, ҳуқуқий давлатни шаклланишига шарт-шароитлар яратадиган фуқаролик жамиятини қуриш ислохотларида Форобий асарларига бот-бот мурожаат этиш ҳам инсонпарвар жамият яратиш ғоясини далиллайди.

Академик М.М.Хайруллаев миллий меросимизни аҳамиятини Форобий мисолида қуйидаги фикрларни билдиради: “Форобийнинг Шарқ маданиятидаги энг олий хизматларидан бири яна шундаки, у ўрта аср Шарқида биринчи бўлиб фазилатли, идеал жамоа, давлат, адолатли раҳбар ва давлатни ақл асосида бошқариш ҳақидаги утопик таълимотни олға сурди. Форобий ўзининг эркин фикрлари учун реакцион руҳонийлар томонидан динсизликда, худосизликда айбланди, сўнграқ унинг асарлари ёндирилди. Лекин унинг илғор рационалистик ва гуманистик фикрлари Ибн Сино, Ибн Рушд, Низомий, Умар Хайём, Маймонид, Роджер Бекон, Спиноза кабилар дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Дунё маданиятининг ривожланишида катта ижобий роль ўйнади”[4].

Абу Наср Форобий такомиллашган мукаммал жамиятдаги ҳар бир ижтимоий қатлам ва табақанинг жамиятнинг таркибий қисми сифатида ўзининг алоҳида функцияларига эга бўлади, гўёки уларанашу ўз вазифаларини амалга оширишга ихтисослашганлар[5], деган ғояни илгари суради. Форобий фикрича, фозил жамиятда адолат принциплари қарор топиши ва турли ижтимоий қатламлар ўртасида фарқланишларнинг мавжуд бўлишида адолат принциплари ва қадриятлари ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади. Фозил жамиятнинг такомиллашган ёки жоҳилият жамиятларидан фарқланиши – бу жамиятда одамлар чиройли ва эзгу мақсадларга эришишга интилади, бу йўлда улар бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади[6]. Албатта, бу ғоялар фуқаролик жамияти, яъни инсонпарвар жамиятнинг унсурлари эди.

Форобий “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу

сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуклика эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”[7].

Шу билан бирга, Форобий Шарқ оламида биринчи бўлиб инсоннинг асл моҳиятини тавсифлаб беради: “Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак».

Шу билан бирга, мутафаккир ўрта асрлар муҳити шарт-шароитларида фозил жамиятнинг тарихини – лойиҳасини яратган эди. Унинг қуйидаги фикрлари бундан гувоҳлик беради: «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади»[8]. Мазкур фикрлардан кўриниб турибдики, Форобий тасвирлаган «маданий жамият»га тегишли хусусиятлар ва белгилар – инсонпарвар адолатли жамиятининг муҳим жиҳатларидан дарак беради. Айниқса, фозил жамиятда инсонларнинг эркин ва ҳуқуқли бўлиши ғояси фуқаролик жамиятининг асосий сифатини ифодалаб беради.

Абу Наср Форобий ижтимоий-сиёсий меросининг асосий қисмини унинг жамият ва давлат ҳақидаги, ижтимоий жараёнларни бошқариш тизимлари, усуллари

ва шакллари, шунингдек, мукаммал ижтимоий тузилмалар, уларни барпо этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги таълимоти ташкил этади. Давлат ва жамият тизимини изчил мустаҳкамлаб бориш, бошқарув жиловини маҳкам тутиш, қонун устуворлигига эришиш сиёсий ва ижтимоий заруратэканлигини буюк мутафаккир алоҳида таъкидлаган эди. Форобий маънавий ва маърифий камолотга эришиш шахсларнинг ўз-ўзига бўлган масъуллиги, инсоний интизомининг нечоғлик юксаклигига боғлиқлигини асослаб беради. Улуғ мутафаккир комил инсонликка эришиш йўлини ҳар бир киши ўзи учун муқаддас сулук, илоҳий қонун даражасида англамоғи зарурлигини таъкидлайди.

Мутафаккир ижтимоий-сиёсий таълимотининг энг муҳим қисми жамият, унинг таркибий тузилиши, пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишининг асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари, шунингдек, амал қилишининг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларини тадқиқ қилишга бағишланган. Форобийнинг адолатли фозил жамият ҳақидаги таълимоти унинг фалсафий ва сиёсий қарашлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу таълимотнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у жамият, давлатчилик ва ҳуқуқий масалаларни ечимларини топиш, аввало, бу соҳада кейинги илмий тадқиқотларнинг умумий услубий тамойилларини ишлаб чиқиш билан уйғун равишда амалга оширилган. Албатта, Форобий мазкур ғоялари ҳозирги даврда ҳам ўзининг аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Древнекитайская философия. Т.1. –Москва, 1972. –С. 164-165.
2. История политических и правовых учений. Древний мир. –М.: Наука, 1985. –С. 167.
3. Ўша жойда. –Б. 170.
4. Хайруллаев М. Зулматни енголган ақл. Фан ва турмуш, –№2. 1975. –Б. 7.

5. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 189.
6. Фараби. Социально-этические трактаты. –Алма-Ата: Наука, 1975. –С. 197.
7. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 186.
8. Ўша жойда. –Б. 190.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТАҲДИДЛАР ТИЗИМИ

Маврулова Муниса,

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини катта ўқитувчиси*

Дунёнинг ҳаддан ташқари тез ва шиддат билан ривожланиши, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатларнинг, жаҳонда содир бўлаётган турфа воқеа-ҳодисаларга нисбатан нуқтаи назарларнинг ўзгариб бориши бугунги кунда оддий ҳол бўлиб қолди. Қайсидир муаммоларга нисбатан қачонлардир зиддиятли муносабатларда бўлган миллатлар, давлатлар энди мурсага келмоқдалар ва аксинча, яқингача бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган бир гуруҳ мамлакатлар ва халқлар ўртасида душманлик ва адоват кучаймоқда.

Буларнинг бари замонавий дунё манзарасини мутлақо ўзгартириб юбормоқда. Замонавий дунё манзараси динамикасида мафкуравий ҳолатларнинг тез трансформацияси юз бермоқда. Инсоният, бунинг натижасида, ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этишда ягона тўғри йўлни топишда қийналмоқда. Уларни эса турли сохта ғоя ва мафкуралар ўз домига янада чуқурроқ тарзда тортиб бормоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларига асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир, бунинг асосий сабабларидан бири эса глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ, деган фикрларида жуда катта маъно бор.

Ҳақиқатдан ҳам, булар ўз навбатида, геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини

юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Мамлакат раҳбарининг алоҳида қайд этишича, кейинги пайтларда дунёнинг кўплаб минтақаларида юзага келаётган турли можаролар, сиёсий-геополитик, геоиқтисодий зиддиятлар, шунингдек, табиий бойликлар ва сув ресурсларининг жиддий танқислиги каби муаммолар бугунги дунёнинг манзарасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Айниқса, ушбу муаммолар инсоният тақдирига бевосита даҳлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда. ("Янги Ўзбекистон", 2022, 12 сентябрь).

Юқорида таъкидланган умумбашарий муаммолар, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакатлар ва халқлар, жумладан Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирин кўрсатмасдан қолмаяпти. Айниқса, бу борада, бугунги дунёда миллий қадриятларнинг қадрсизланиши муаммоси жуда кучайиб бораётганини қайд этиш керак. Дарҳақиқат, миллий қадриятлар ҳар бир миллат ва элатнинг мавжудлик белгиси, уларнинг энг муҳим характерли жиҳатидир.

Аммо, яна шу нарсани ҳам қайд этиш лозимки, бу дунёда мутлоқ абадий нарсанинг ўзи йўқ. Бу фикр миллий қадриятлар масаласига ҳам бевосита тегишлидир. Тўғри, айрим миллий қадриятлар узоқ даврлар мобайнида ўз ижтимоий-маданий аҳамиятини йўқотмаслиги мумкин. Бироқ, даврлар ўтиши, инсоният олдидаги мақсад-муддаоларнинг ўзгариши, кишилар характеридаги эврилишлар-буларнинг бари муайян пайтларда қадриятларнинг тарихий тақдирига таъсир этмасдан қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, қадрсизланишни муайян, алоҳида қадрият ёки қадриятлар тизимининг ўз қадрини йўқотиши ёки пасайиши жараёнининг, инсоннинг ўз обрў-эътиборини,

жамиятда тутган ижтимоий мавқеини, нуфузини йўқотиши, назардан қолиши маъносини англатадиган тушунча сифатида билиш мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, қариятларнинг, жумладан, миллий қадриятнинг қадри, қиммати, давомийлиги, унинг жамият ҳаётида тутган ижтимоий-маънавий нуфузи кўп нарсаларга боғлиқ. Масалан, бу нарса муайян халқ истоқомат қилаётган тарихий давр, ўша даврда ҳукмрон бўлган сиёсат, ғоялар, мафкуралар, уларнинг жамият ҳаётига, халқлар миллий кайфияти ва характериға боғлиқ.

Бир томондан жамиятнинг ижтимоий-маънавий барқарорлиги, миллий тараққиёт шу халққа мансуб бўлган миллий қадриятларга бўлган ижтимоий муносабатнинг нечоғлик соғломлигига боғлиқ ҳисобланади. Бошқа томондан эса, миллий қадриятларнинг қадрсизланиши, ўз навбатида жамиятнинг беқарорлашувига, носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг пайдо бўлишиға ҳам таъсир кўрсатади.

Бунга тарихдан мисоллар жуда кўп. Қадриятларнинг қадрсизланиши жамиятда ижтимоий норозиликнинг юзага келишиға ҳам олиб келади. Масалан, собиқ совет мустабид тузуми шароитида ҳукмрон мафкуранинг асосий мақсади ўзбек халқининг миллий ўзлигини йўқотиш ва шунинг асносида коммунистик мафкуранинг устуворлигини таъминлашдан иборат бўлди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар давомида миллий қадриятларимизнинг миллий маънавият, ислом ахлоқи, меҳмондўстлик, қўни-қўшничилик, одамгарчилик, мухтожларға кўмак бериш каби соф миллий фазилатларини атайин йўқ қилишға уриндилар.

Натижада, ўша давр одамларининг муайян қисмида биз юқорида таъкид этган миллий қадриятнинг таркибий қисмлари бўлган кўплаб фазилатлари халқимиз томонидан унутила бошланди. Ҳудди шунингдек, минг йиллар давомида шаклланган, халқимиз эъозлаб келган урф-одатларимиз-тўйларимиз, миллий маракаларимизда ҳам

трансформация жараёнлари юз берди. Масалан, “Комсомол тўйлари”, “Қизил тўйлар”ни ўтказиш, ўлим билан боғлиқ маросимларни совет услубида “тартибга солиш” кабилар халқимиз томонидан қабул қилинмади. Уларнинг бари мустақиллик даврида ўз умрини ўтаб тугатди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қадриятларнинг қадрсизланиши, биринчидан, бирданига бўладиган жараён эмас. Чунки, миллий қадриятларнинг емирилиши инсон ва жамият тарихий хотираси, миллий ўзликни англаш жараёнлари билан боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Тарихий хотира жуда кўплаб омиллар натижасида шаклланадиган феномен ҳодисадир. Масалан, юқорида таъкидлаганимиз каби, миллий ўзлик, миллий ғурур, миллий ифтихор каби фазилатларсиз тарихий хотирани тасаввур этиб бўлмайди.

Иккинчидан, қадриятларнинг қадрсизланиши миллий ўзликка мутлақо тўғри келмайдиган, кўпинча сиёсийлаштирилган, ҳаддан ташқари мафкуралашган қадриятларни сунъий йўллар билан шакллантиришга қилинган сохта ҳаракатлар туфайли ҳам содир бўлади. Қайд этиш лозимки, қадриятлар сунъий йўллар, сиёсий раҳбариятнинг кўрсатмалари билан шаклланмайди.

Қадриятлар қадрсизланишининг механизмларини аниқлаш масаласи ҳам жуда муҳим. Масалан, совет мустабид тузуми даврида пайдо бўлган қатор сунъий қадриятлар узоқ асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларнинг емирилишига ҳам сабаб бўлди. Бугунги кунда дунёнинг тобора глобаллашуви жараёнида эса бу жараён янада тезлашмоқда. Жумладан, уларнинг айримларига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: жамоавийлик ўрнига индивидуализм, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига гедонизм, мўътадиллик ўрнига радикализм, юксак ватанпарварлик туйғуси ўрнига космополитизм, ҳурфикрлилик ўрнига конформизм кабиларнинг пайдо бўлиши ўзбек миллий қадриятларининг моҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бу салбий жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Миллий қадриятларнинг қадрсизланишига сабаб бўлаётган

омиллар жуда кўп. Бундай омиллари қадриятларимизга таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи таҳдидлар мисолида илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ўринли ҳисобланади.

Миллий қадриятларимизга салбий таъсир кўрсатаётган, жиддий хавф солиб турган ички таҳдидлар жуда кўп бўлиб, уларнинг бугунги кун учун ҳаддан кучли салбий кўрсатаётган айримлари қуйидагилардан иборат: порахўрлик ва коррупция, бефарқлик ва лоқайдлик, нигилизм, радикализм, эгоизм, ашаддий маҳаллийчилик, ўзини англамаслик, уруғ-аймоқчилик ва ҳақозолар.

Ушбу таҳдидлардан иккитасини мисол тариқасида кўриб чиқиш мумкин. Биринчиси-нигилизм. Нигилизм лотинчада ҳеч нима, ҳеч қандай, деган маъноларни билдиради ва ижтимоий ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни, шунингдек, миллий қадриятларни инкор этувчи нуқтаи назар, йўналиш.

Нигилизм дунёқараши тарафдорлари инсон моҳиятини аниқлаш жуда қийинлашиб бораётгани, ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар, силкинишлар бу жараённи янада мураккаблаштириб юбораётганини таъкидлайдилар. Айни пайтда, бир томондан бу йўналиш тарафдорлари ўтмиш даврида яратилган маданий меросни инкор қилсалар, бошқа тарафдан, жамиятдаги мавжуд қадриятларни қайта баҳолаш тарафдорлари бўлиб ҳам майдонга чиқмоқдалар.

Ушбу қайта баҳолашнинг моҳияти қадриятларни белгилашдаги ўзгаришлардан иборатдир: инсон ўзини мазкур қадриятни белгилашнинг субъекти сифатида тасаввур қила бошлади. Қадрият эндиликда инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари ва манфаатларининг субъектив ифодасига айланиб бормоқда. Қадриятларнинг олдинги ўрни, яъни ҳиссиётдан юқори бўлган соҳа буткул йўқолиб бормоқда, бундай қайта баҳолашнинг мантиқий асоси ҳаётнинг маънавий асосларини унутишдир.

Нигилистик дунёқарашга асосан бир вақтлар миллий ўзликдан иборат бўлган, бегоналашган меъёрлар ва қадриятларни, у ёки бу миллат ва халқнинг ижтимоий-

маданий ҳаётдан салбий роль ўйнагани туфайли чиқиб кетган ҳамда бегоналашган меъёрлар ва қадриятларни мутлоқлаштиришга ҳаракат қилинади. Нигилизм шахсдан бошқа барча қадриятларни рад этади ва шахсни инқирознинг берк кўчасига кириб қолишини башорат қилади. (Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар. – Тошкент, “Turon zamin ziyo”, 2015.-220-бет)

Миллий қадриятларимизга жиддий салбий таъсир кўрсатаётган ички таҳдидлардан яна бири-бу радикализм ғоясидир. Аслида, радикализм кўпроқ сиёсий тузум ва ижтимоий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Ушбу ҳаракат тарафдорлари, одатда, умумэтироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлади, шунингдек, деярли барча масалаларда кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқадилар.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, радикализм фақатгина сиёсий тузумни ўзгартириш маъносидангина иборат эмас. Радикализмнинг оғир оқибатларини ижтимоий-маданий соҳада ҳам кўриш мумкин. Масалан, бу ҳодиса кўпроқ ижтимоий-сиёсий тузумлар ўзгараётган даврларда кузатилсада, бироқ унинг таъсири ҳаттоки жамият бир маромда, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм сураётган паллаларда ҳам учрайди. Фақат бу жараён тузумларнинг ўзгариши, талатўплар, ўпирилишлар сифатида эмас, аксинча, жуда охисталикда, “юмшоқ куч” тарзида амалга ошади.

Бугунги Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги радикализмни, масалан, миллий маданиятимизнинг муҳим қисми бўлган мумтоз маданиятимиз ва адабиётимизда рўй бераётган ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Одатда ҳар қандай радикал ҳаракат инкор этиш асносида юз беради. Шу маънода, бугунги кунда турли таҳдидлар, айниқса, “оммавий маданият” туфайли миллий қўшиқчилик санъатига етказилаётган таъсирни алоҳида таъкидлаш лозим.

Енгил-елпи, маъносини тушуниб бўлмайдиган, инсонга ҳеч қандай руҳий-маънавий куч бермайдиган “қўшиқларнинг урчиб бораётгани”ни шу тахлитда қабул

қилиш мумкин. Ёшларимизнинг бундай сохта “асар”ларга жуда катта тезликда ошно бўлишлари, ўз навбатида мумтоз санъатимизга нисбатан бепарволикнинг кучайиб бориши, аслида, бугунги Ўзбекистон жамияти ижтимоий-маданий ҳаётида радикализм ғояларининг мавжудлигидан далолат беради. Радикализм ва унинг билинар-билинемас таъсири натижасида миллий қадриятларимизнинг қадрсизланиш жараёни содир бўлмоқда.

Миллий қадриятларимизнинг қадрсизланишига таъсир кўрсатаётган ички таҳдидлардан яна бири биз кўпинча эътибор бермайдиган, аммо миллий тараққиётимизга жиддий хавф солиб турган ҳолат-“ўзбекчилик” масаласидир. Дарҳақиқат, ўзбек тилида “ўзбекчилик”, деган сўз бор. Уни икки хил маънода тушуниш мумкин. Қўштирноқсиз ёзиладиган ўзбекчилик миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган ижтимоий-маънавий нуфузини, жаҳон халқлари орасида тутган мавқеимизни, бизнинг барча сифатларимизни кўрсатади. Шунингдек, ўзбекчилик халқимизнинг меҳнатсеварлигини, сабр-қаноатлилигини, иймон-эътиқодлилигини, жасорат ва мардлик кўрсатишда ботир эканлигини, кўплаб фазилатлар эгаси, бағрикенглигини англатувчи тушунча ҳисобланади. Ўзбек халқи, шубҳасиз, ўзининг ушбу фазилатларидан ҳақли равишда фахрланади.

Айни пайтда, халқимизнинг онгида совет мустабид тузуми даврида шаклланган, ижтимоий ривожланишимизнинг кейинги йилларида ҳам давом этиб келаётган, ўзимиздаги кўплаб ижтимоий иллатлар, миллий тараққиётимизга салбий таъсир кўрсатаётган турли ҳодиса ва уларнинг оқибатларини атайин яшириш мақсадида фойдаланиб келинаётган “ўзбекчилик” деган тушунча ҳам бугун авж олмоқда. Бировни алдаш, чув тушириш, зуғум ўтказиш, сотқинлик, фирибгарлик, муғомбирлик, ўзгаларга ҳаддан ортиқ даражада қуллик қилишда кинояли тарзда қўштирноқ ичидаги “ўзбекчилик”ни ўзимизга ҳимоя воситаси сифатида қабул қилиш ҳолатлари бугун кўпайиб бормоқда. Миллатнинг салбий сифатларини хас-пўшлаш

маъносида “полякчилик”, “грузинчилик”, “французлик” каби атамалар мавжуд эмаслигини эса билмаймиз.

Биз немислардаги аниқ ҳисоб-китобни, аниқликни, французлардаги “устаси фаранг”ликни, хитойликлардаги тиришқоқликни, японлардаги ақл-заковатни, Европа шимолидаги халқларнинг вазминлик ва босиқлигини, инглизлардаги аристократизмни ўша мамлакат халқларининг қадрияти сифатида бутун дунёга ёйилганини ҳурмат қилганимиз каби, ўзбеклардаги меҳнатсеварлик, бағрикенглик, имон-эътиқод барчага ўрнак бўларли сифатларнинг ҳамма ерда тарғиб қилинишини ўзбекнинг ўзбекчиликдаги нишони бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўларди. (Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти.-Тошкент, “Sano-standart”, 2016. -71-бет).

Миллий қадриятларимизнинг қадрсизланишига сабаб бўлаётган омиллар ичида уруғ-аймоқчиликнинг ўрни ҳам катта. Уруғ-аймоқчилик энг аввало маҳаллийчилик билан бевосита боғлиқ. Тўғри, миллий тараққиётимиз учун соғлом маҳаллийчиликнинг салбий томони йўқ. Чунки, халқимизда “Киндик тўкилган жой”, деган тушунча бор. Киндик тўкилган жой-бу маҳалла, мамлакатнинг аниқ олинган бир ҳудуди. Аслида том маънодаги катта Ватанни ўз маҳаллий ҳудудимизсиз севиш асло мумкин эмас. Шу маънода, Ватанни севиш, ватанпарварлик ўз микроҳудудни эъзозлаш, унга ҳурмат бажо келтиришдан бошланади.

Бироқ, ўз микроҳудудини севиш, эъзозлашни бошқа ҳудудларни камситиш ҳисобига амалга оширишга қилинган ҳар қандай ҳаракат ҳам бугун бор эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Бундай маҳаллийчиликнинг соғлом маҳаллийчилик билан мутлақо алоқаси йўқ. Айниқса, айрим катта-кичик раҳбарларнинг бундай маҳаллийчиликни ўзлари учун қадрият сифатида танлаб олишлари мамлакат ва жамиятнинг янада барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Сохта, сунъий маҳаллийчилик том маънодаги Ватанпарварликдан иборат миллий қадриятнинг қадрсизланишига олиб келади. Маҳаллийчилик миллий

махдудликни юзага келтиради. У миллат ва давлатни тобора глобаллашиб бораётган дунёдан ажратиб ташлайди. Энг ёмони, маҳаллийчилик кучли иллат сифатида ягона миллатни ичидан емиради. Бошқа томондан, маҳаллийчилик титул миллатга шу давлатда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатларни қарам-қарши қўйиш ҳолатини юзага келтиради.

Миллий қадриятларимизнинг қадрсизланишига жиддий сабаб бўлаётган омиллардан яна бири ташқи таҳдидлардан иборатдир. Бугунги медиа маконда айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашиб бораётганлиги туфайли юз бераётган сиёсий беқарорлик, айрим мамлакатларнинг ўз ҳудудий манфаатларини амалга ошириш йўлида олиб бораётган сепаратизмдан иборат сиёсат, минтақавий ва давлатлараро урушлар, фуқаролик урушлари, экологик муаммоларнинг юзага келиши-буларнинг бари миллий қадриятларимизнинг қадрсизланишига олиб келаётган ташқи таҳдидлар ҳисобланади.

Ташқи таҳдидлар, шунингдек, мамлакатимизга давлат ташқарисидан кириб келувчи таҳдидлар, масалан, терроризм, экстремизм, фашизм, шовинизм ва бошқалардан ҳам иборат. Миллий қадриятларимизнинг қадрсизланишига сабаб бўлаётган ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиниш масаласи, аслида бугун ҳар бир давлат ва миллатнинг ҳаёт-мамот масаласига айланаётганлигини кўриб турибмиз. Бундай таҳдидлардан ҳимояланишнинг энг ишончли йўли-миллий қадриятларнинг миллат мавжудлигидаги ролини ошириш, фуқароларнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини кучайтириш, айти пайтда, давлатнинг бундай қадриятларни янада ривожланиши учун яратиб бераётган имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Ташқи таҳдидлар мафкуравий таҳдидлар, ғоявий таҳдидлар, инфорацион таҳдидлар, маънавий таҳдидлар тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ташқи таҳдидларнинг

энг зарарли кўринишини мафкуравий хавф мисолида таҳлил қилиш мумкин. Бу турга кирувчи таҳдидлар кенг қамровли ва узоқни кўзловчи хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Мафкуравий таҳдидларнинг бугунги кунда қуйидаги кўринишлари кўзга ташланмоқда: миллий қадриятларни камситиш, миллий ахлоқ нормаларини инкор этиш, мўътадил қарашларни писанд қилмаслик ва буларнинг ўрнига муайян мафкуравий марказ йўриғига юриш, ёт ва бегона ғояларни, дунёқарашни мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилиш ва тарғиб этиш ва бошқалар.

Миллий қадриятлар қадрсизланишининг олдини олиш бугун ўта муҳим масала сифатида мамлакатимиз раҳбарияти олдида турибди. Бу-ўта оғир вазифа. Уни ҳал этиш эса миллат ва мамлакат софлиги, барқарорлигини таъминлайди.

ZJV5401

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ – ЮКСАК ҲАРБИЙ ЖАСОРАТ ВА МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

Раззоқ Шаймарданов,

Республика Маънавият ва маърифат

маркази бўлим бошлиғи

XIII аср бошида давлат чегарасини мардонавор ҳимоя қилган саркарда Жалолиддин ибн Алоуддин Муҳаммаднинг (1198– 1231) ҳарбий жасорати ва маънавияти, афсуски, қониқарли даражада ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби қўлёзма манбаларда етарли маълумот бўлмаслигидир.

Жалолиддин ҳарбий муҳитда улғайиб, жанг санъатини эрта ўзлаштирди. Ҳарбий санъатни эрта ўрганган фарзанднинг иқтидори отани мамнун қилар эди. “Жалолиддин Мангуберди вояга етгач, отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигагача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган (1215). Бироқ Туркон Хотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган. Жалолиддин Мангуберди отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалиқ қобилиятларини намойиш этган”. [1.163]

Ёш, навқирон Жалолиддиннинг ҳарбий матонати, маънавият ва маърифати юксак даражада эди. У отаси билан ҳарбий юришлар чоғида юксак маънавиятга эга бўлган юртини ва халқини душманлардан озод қилиш йўлида жасорат кўрсатди.

Саркарданинг бу каби фазилатлари нималарда намоён бўлди?

1220 йили қаҳшатқич жанг қилаётган Чингизхонни кўп қўшин билан Сирдарё бўйларида кутиб олиб, душманни очик майдонда ер тишлатишнинг устувор режа эканини Жалолиддин отаси Муҳаммад Хоразмшоҳга маълум қилади. Бироқ отаси ҳимоя деворлари ва қалъа мустаҳкамлигига ишониб қўшинни тўпламасликка қарор қилади.

Жалолиддин очик майдонда бўладиган жангда мўғулларни мағлуб этиш мумкинлигини ич-ичидан англаса-да, ота раъйига қарши бормай, буйруққа итоат этади (таъкид бизники - Ш.Р.). Ота қарор қобул қилдими. Буйруқни сўзсиз бажаришга киришади. Муҳокама қилиб ўтирмайди. Жанг қурбонсиз бўлмайди. Очик майдонда кечмаган жангда эса мўғуллар шаҳарни эгаллаб ола бошлайди. Бухоро, Самарқанд қалъалари ўраб олинди. Бу пайтда хаста бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашуроода оролидан паноҳ топган эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғилларини ёнига чорлаб, Жалолиддин Мангубердини ўз ўрнига хоразмшоҳлар давлатини бошқаришни васият қилади. Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ 1220 йили декабрда оламдан ўтади.

Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хатоси шунда эдики, мўғуллардан 2–3 баробар зиёд қўшинини йигирмага яқин шаҳарларга тарқатиб, ҳар бир шаҳар ҳимоясини Жалолиддин Мангуберди зиммасига юклаганди. Қўшин сочилиб кетган, душмандан сақланиш учун қудратли мудофаа истехкоми ўрнатилмади. Фронт чизиғи заифлашди.

Шундай бўлишига қарамасдан Жалолиддин 1220–1221 йилларда Чингизхон бошчилик қилаётган мўғулларни уч марта Насоёнида, Қандаҳор ва Чорикор (ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги жой номлари) яқинида мағлубиятга учратади. 1221 йили Парвонда (Афғонистон) энг катта жанг бўлади ва ушбу жангда мўғулларнинг мағлубиятга учрагани Чингизхонга жуда алам қилади. Аламзада Чингизхон Жалолидинга қарши ўзининг тутинган ўғли ва номдор саркардалардан бири Шиги Хутуху бошчилигидаги 45 минг кишилик катта қўшин юборади. Ғазна шаҳри яқинидаги Парвон даштида кечган икки кунлик жангда Жалолиддин Мангуберди қўшини мўғулларни тор-мор келтиради. Тарихчи Жувайний Парвон жангининг қисқача таърифини берадики, ундаги ҳар икки томон ишлатган ҳарбий усуллар ҳақидаги маълумотлар эътиборга моликдир.

Тадқиқотчи Нурёғди Тошев “Жалолиддин Мангуберди” асарида “Жувайнийнинг ҳикоясига биноан, жангнинг биринчи куни ниҳоясига етганидан сўнг тунда Шиги Хутуху ўз аскарларига кигиздан одам тасвирини ясашни буюради. Эртаси тонгда жанг бошланган маҳалда Жалолиддин жангчилари мўғул қўшинининг сафлари ортганини кўриб, душман мадад олибди, деган хаёлга боришади. Аммо Жалолиддин уларга далда бериб, жанговар кайфиятни тиклашга эришади”, деб таъкидлайди. - Урушаётганларнинг сонини кўпайтириб кўрсатиш учун одамга ўхшаш тасвирни отга ўрнатишдек ҳийлалари зое кетади. Жангнинг натижаси Жалолиддиннинг тўғри тактика қўлаганлигидан далолат бериб турибди. Унинг бу ғалабасидан сўнг мўғуллар қўлига ўтган бир қанча шаҳарлар аҳолиси исён кўтариб, мўғуллар қўйган ноибларни ўлдиришади. [2.15]

Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий маҳорати ва маънавияти юксаклигини юқорида қайд этилган фактлар ҳам тасдиқлайди. Агар ҳарбий маҳорати шаклланмаган бўлса, у ғалаба нашидасини сурармиди? Юксак маънавияти бўлмаганида, лашкарлар ишончини қозониб, уларни руҳлантира олармиди? Мангубердида моҳир саркардалик, қўшинни руҳлантириб жангга тайёрлаш, гурурлантириш каби қобилият юқори даражада мужассам эди.

Мўғулистонга саёҳат қилиб, мўғулларнинг ўша даврдаги ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва ҳарбий санъати билан яқиндан танишган италиялик сайёҳ Плано Карпинининг бир маълумоти эътиборни тортади. У шундай ёзади: “Татарлар, яъни мўғуллар одамларнинг улар билан майдонда жанг қилишларидан кўра, шаҳар ва қалъаларга беркиниб олишларини кўпроқ хуш кўришади”. Хоразмшоҳ ўзининг бемулоҳаза қарори билан беихтиёр мўғулларни ниҳоятда хушнуд этган, уруш бошланмасдан турибоқ ғалабани бой берган эди.

Парвон жангида қўлга тушган ўлжани бўлиб олиш чоғида бир зотдор от сабабли низо чиқиб, ҳар бири қарийб 30 минг жангчига эга бўлган лашкарбошилар – Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик ўз қўшинлари

билан Жалолиддинни тарк этдилар. Жалолиддиннинг уларни қайтариш йўлидаги уринишлари наф бермади. Кейинчалик мўғуллар уларнинг барчасини алоҳида-алоҳида қириб ташлади. [2.16]

Бироқ Жалолиддин Мангубердининг шижоати ва жасорати мўғул қўшинларини кўркув ва ҳайратга солмай қолмади. Кези келганда ҳатто даҳшатли саркарда номини олган Чингизхон ҳам шошиб қолган. 1221 йил 24 ноябрида тенгсиз олишув билан ҳалокатли жанглардан бири бошланди.

Муаррих Жувайний жанг воқеасини шундай таърифлайди: “Мўғул қўшинини чекинишга мажбур этиб, жиловни орқага бурди ва совутни ечиб ташлаб, отга қамчи урди. Қирғоқдан туриб ўн газ ёки ундан ҳам ортиқ масофадаги дарёга от солди. Довюрак арслон мисоли дарёдан кечиб ўтиб, нажот соҳилига етди. Чингизхон унинг дарёдан кечиб ўтганини кўриб, отини дарё қирғоғига елдириб келди. Султон бир шамшир, найза ва қалқон билан дарёдан ўтган эди. Чингизхон бу ҳолатни кўриб, ўғилларига юзланди ва хитоб қилди: “Отанинг ўғли шундай бўлмоғи лозим! Сув ва оловнинг икки гирдобидан кутулиб, нажот соҳилига етдими, ундан беадад ишлар ва беҳисоб таҳликалар туғилажак”.

Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида Жалолиддин Мангубердининг жасоратини кўрган Чингизхон: “Отадан бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир. Қандай қилсинки ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликни додини берди. Қазои қадар қаршисида қудрат қўлини очди” дея тан берганини эътироф этади.

Жалолиддин Мангуберди 4000 жангчиси билан Синд (Ҳинд) дарёсининг ўнг соҳилига сузиб ўтади. Насавийнинг гувоҳлик беришича, ушбу жангда Жалолиддин ҳатто душман қўшинининг марказига ёриб киришга муваффақ бўлган. Ибн ал-Асир мўғулларнинг сон жиҳатдан кўпроқ талофат берганларини қайд қилади.

Жангда Жалолиддиннинг оила-аъзолари ғаним қўлига тушмай ҳалок бўлди. Мўғуллар унинг 7-8 яшарли ўғлини Чингизхоннинг кўз ўнгида қатл этишади.

Мўр-малахдек ёпилган мўғуллар шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин ишғол қила бошлайди. Хунрезлик ва вайронагарчиликлар тўхтамади. Хунармандлар, ёш хотин-қизлар ва болаларни қулликка олиб кетишар, қолганларни ёппасига қиличдан ўтказарди. Бўш қолган шаҳарлар мўғул аскарлари томонидан бир неча кун давомида таланиб, ер билан яксон қилинди.

“Масалан, Термизни олайлик. Мўғуллар бу ерда қатли ом уюштириб бўлганларидан сўнг бир аёлни учратиб қолишади. У аёл омонлик сўраб ялиниб-ёлворади ва бунинг эвазига марварид ваъда қилади. Мўғуллар марваридни талаб қилганларида аёл уни ютиб юборганини маълум қилади. Мўғуллар унинг қорнини ёриб, қимматбаҳо тошни оладилар. Шунда Чингизхон барча аёлларнинг қорнини ёриб кўришга фармон беради”. [2.10]

Бундай беаёв хўрлашларни, шафқатсизликларни тарих кўрмаган эди. Чингизхон лашкарлари халқ бошига оғир кунларни солди. Амударёга қурилган тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирдилар. Қадим маданият ва маънавиятга эга бўлган азим шаҳар ер юзидан супуриб ташланди. Воҳанинг Термиз туманида туғилган, шу юртнинг фарзанди сифатида айтмоқчиман: Чингизхон йўқ қилган кўҳна шаҳарларнинг вайронагарчиликларини кўрдим. Болалигимдан шу қадимги вайрона шаҳарларга боқаман, ҳайратим, ҳасратим ошади. Пишиқ лойдан бунёд бўлган тепаликлар (шаҳар қолдиқлари) сочилиб ётган асори-атиқалар, синиқ кўнгил каби ҳали ҳамон ўзоқ тарихдан ўкинч билан сўзлаётгандай бўлаверади...

Жалолиддин Мангуберди кўшинининг сони 7 мингга етди. Унга Кулбарс баҳодир, Кабқуҳ ва Саъдиддин Алиаш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз кишилари билан келиб кўшилди. Жалолиддин Мангуберди Шимолий Ҳиндистоннинг нотаниш чўлида оч, жулдур кийимли жангчилари билан саргардонликда қолди. Унинг бу

холидан фойдаланмоқчи бўлган Шатра вилояти рана (шоҳ) си Жалолиддин Мангубердига ҳужум қилган. Жалолиддин Мангубердининг мерганлик билан отган камон ўқидан рана ҳалок бўлади, қўшини эса пароканда бўлиб қочади. Жалолиддин Мангуберди катта ўлжани қўлга киритади. [2.10]

Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистон, Озарбайжон, Бағдодга юриш қилиши, мўғулларга қарши жанг қилишда бирлашиш сулҳини тузишга азм қилади.

Б.Абдиримов, В.Сажжод “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” асарида “Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги ички вазият – қўшиннинг ҳолати, аҳолининг султонга бўлган муносабати, саройдаги низолар тўғрисида Қ.Машарипов ўзининг “Буюк ватанпарвар саркарда” номли асарида ўрта аср манбаларида берилган маълумотларни таҳлил қилади. Хоразмшоҳлар давлати ташқаридан қанчалик қудратли бўлмасин, аслида вазият анча бошқачароқ эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшини сони гарчи мўғуллар сонидан кўп бўлса-да, бу қўшиннинг тартиб-интизоми анча суст, кўпроқ жанубликлардан олинган ёлланма қўшин эди. Бу қўшин эса мудофаага эмас, кўпроқ истило, талон-торож, ўлжа олиш учун мўлжалланган. Мўғуллар қўшини аксинча пухта тайёргарлик кўрган, қатъий интизом ўрнатилган, катта жангга киришиш учун тайёр ҳолда эди. Қайд қилиб ўтиш жоизки, хоразмшоҳлар саройида султондан тортиб амалдорларгача бир-бировига ишончнинг йўқлиги, турли миллат вакилларида иборат бўлган қўшинда яқдиллик, ҳамжиҳатлик бўлмаганлиги, айрим йирик шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли ҳам султоннинг солиқ ва бошқа сиёсатидан чарчаганлиги туфайли марказий ҳокимиятга ишонч, хайрихоҳликнинг йўқлиги мўғулларнинг мушкулини осонлаштирди.” [3.76]

Чингизхон ва унинг лашкарбошилари жанг кечаётган жой, душманнинг кам-кўплиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қай ҳарбий усул ёки ҳийлани қўллашни яхши билишар, Хитойдаги уруш давомида шаҳарларни қамал қилиш йўллари ҳам яхши ўзлаштирган ва қамал

қурулларини яшашу ишлатишни биладиган хитойлик усталарни ўз хизматига жалб қилган эди.

Мўғулларнинг Хоразм шаҳарларини бирин-кетин эгаллаши Султон Муҳаммад танлаган стратегия нотўғри эканлигини кўрсатди. Рўйи замин сайқали Самарқанд, ислом қуббаси Бухоро, илму ирфон бешиги Гурганч мўғуллар оёқлари остида топталди.

“Тарихи Хоразмшоҳий” асари муаллифи профессор Фулом Рабоний Азизнинг сўзларига кўра, “Султон Элтуртмиш қўл остидаги аскарлар сони Султон Жалолиддинникидан анча кўп бўлиб, куч борасидаги рақобатда уни енгган бўлса-да барибир, қон тўкишни хоҳламади ва Султон Жалолиддин билан тинчлик ва яраш битимини имзолашга ҳаракат қилди”.

Ҳинд дарёсининг чап қирғоғида Гҳора Тарап ва Боғи Нилоб қишлоқлари атрофида жуда кўплаб қадимий қабрлар мавжуд. Чунки Нилоб қадимдан Афғонистон томонидан кириб келган босқинчи қўшинларнинг Ҳиндистондаги биринчи ҳужум нуқтаси бўлган. Шу сабабдан бу ҳудудлар аҳолиси қадимдан босқинчилик юришлари таъсирида яшаб келишган.

1227 йил сентябрда Исфаҳондан 30 чақирим шарқдаги Син қишлоғи яқинида Жалолиддин Мангуберди мўғулларнинг Тайнол нўён бошлиқ қўшинини енгган. Тайнол нўён Жалолиддин Мангуберди ҳақида: “Замонасининг ҳақиқий баҳодири экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан”, деган. Хоразмлик саркарданинг Қўния султони Алоуддин Кайкубод, Жазира ҳокими Ал-Малик ал-Ашраф Музаффариддин Мусо, Дамашқ ҳокими Ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Исо ва Миср ҳокими Ал-Малик ал-Комил Муҳаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга қарши курашиш мақсадида бирлаштириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Устига-устак Алоуддин Кайкубод муҳолиф кучларни Жалолиддин Мангубердига қарши бирлаштиришга муваффақ бўлди. [1.16]

1230 йил 10 августда Арзинжон яқинидаги жангда Жалолиддин Мангуберди кучлари мағлубиятга учради.

Бундан фойдаланган мўғуллар катта қўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб, Мароға, Табризни эгаллаб (1231 йил) Жалолиддин Мангубердини таъқиб этишган. Майофариқин вилоятидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги ҳужум натижасида Жалолиддин Мангубердининг оз сонли қўшинини тор-мор келтирди. Саркарданинг ўзи эса таъқибдан қутулиб, Курдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи курдлар қўлига асир тушиб, ҳалок бўлган.

Ўзбекистон ҳукумати 1998 йили 24 сентябрда Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида” қарор қабул қилди. [4.] Қарорга мувофиқ Хоразмда Жалолиддин Мангубердига ҳайкал ўрнатилди. Саркарда ҳаёти, қаҳрамонлиги акс этган видеофильм ва қатор бадиий асарлар яратилган.

2000 йилнинг 30 август куни “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди. Бу орден билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

2003 йил 22 августда Хоразм вилояти, 2006 йил 12 январда эса Термиз чегара райони, 2008 йил 10 январда Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара алоҳида базаси Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланди. [5. 380]

2022 йил 29 август куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида янги бунёд этилган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан ҳайкални очиб берди.

Жалолиддин Мангубердининг буюк жасорати халқимизнинг миллий қаҳрамони сифатида тарихимиз саҳифаларига мангу битилган. Унинг хурлик ва озодлик, тинчлик учун тенгсиз жасорати, матонати бугунги осойишта кунларнинг қадрига етишга, Ватан тақдири учун доим дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.А.Матлюбов ва бошқалар. Буюк сиймоларнинг боқий қудрати. - Тошкент: "O'zbekiston", 2017. - Б.16, 163.
2. Нурёғди Тошев. Жалолиддин Мангуберди. -Тошкент: "ABU MATBUOT-KONSALT". 2011.-Б.10,15,16.
3. Б.Абдиримов, В.Сажжод. Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда. -Тошкент: 2020. -Б.76.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги "Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида" 408-сонли қарори.
5. Р.Шаймарданов "Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига 25 йил" китоб-альбом.- Тошкент: "Sharq", 2017.Б. 380.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДА МАЪРИФАТ МАСАЛАСИ

Умид Инатов,

*Ижтимоий маънавий тадқиқотлар
институтини мустақил тадқиқотчиси,
“САМБҲРАМ” университети ўқитувчиси*

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришиб, демократик-хуқуқий давлат, фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги кунда адолат ва ушбу ижтимоий ҳодисани янги мезонлар асосида баҳолаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, адолат ва ҳақиқат ғояси барча тарихий даврларда ҳам ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ривожига ўз таъсирини ўтказиб келган. Ўзбек давлатчилиги тарихидан маълумки, миллий тараққиёт ҳақидаги илғор фикрларда жамиятда ижтимоий адолатнинг аҳамиятига жиддий эътибор берилган. Ижтимоий онг шакллари ва турли йўналишлардаги дунёқарашларнинг интеграциялашув нуқтаси, айнан адолат ҳамда уни баҳолаш мезонларини аниқлаш масалаларида туташган умуминсоний моҳиятни намоён этган. Мутлақо ҳақиқат бўлмагани каби, мутлақо адолатнинг бўлиши ҳам қийин. Бироқ одамзод ўз мақсадига кўра доимо ўзи учун адолат бўлган нарсага интилади, унга эришишга умид боғлаб яшайди.

Маърифатли жамият қуриш ғояси жамиятни раванқ топтириш йўлидаги адолат учун интилиш эди. Адолат нима, адолатсизлик нима, бунинглаш учун ҳам аввало инсонда, умуман жамиятда етарлича тушунча шаклланган бўлмоғи лозим. Адолат нима эканлигини англамаган жамият кўр-кўрона адолатсизлик ортидан эргашиб кетаверади. У мана шу адолатсизликни адолат, ҳақсизликни ҳақиқат, деб қабул қилади. Жамиятдаги аянчли нуқта ҳам шунда. Яъни, қулнинг эрки, ҳақ-хуқуқи чегаралангандан ҳам кўра, у мана шу тақдирни ўзига лойиқ, деб билиши, қулдорнинг ундан юқори табақада тургани боис, унга ўтказган ҳукмини

адолатдан деб қараши аянчлироқдир. Бу борада адолат қарор топишида адолат ҳақидаги тушунчаларнинг қай даражада шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Адолат ҳақидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу жараён миллатнинг тарихий меросидан озиқланган ҳолда содир бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, адолат масаласидаги миллий таълимотларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, муайян маънода у Амударё бўйларида диний қадриятлар орқали кишилар ўртасида адолат мезонларини тарқатишга ҳаракат қилган Зардушт қарашларига бориб тақалади. Тарихий-адабий ёдгорлик ҳисобланган “Авесто” да: “...инсон ўз фикр-ҳаёлида ҳам бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди, бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки адолат, ҳақиқат энгиледи, аммо синмайди”[1], деб битилгани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Кейинчалик ислом дини сиёсат, шариат аҳкомлари ва эътиқод усулларининг ижтимоий муносабатларда: “сиёсий адолат”, “ижтимоий адолат”, ҳиссий (тасаввуфий) адолат”, “исломий адолат” тамойиллари ҳақида мукаммал қарашлар тизимини вужудга келтирди ва ривожлантирмоқда. Ислом оламининг йирик олими фузалолари адолатли давлат, жамият ҳақидаги фикрларни ўзига хос тарзда талқин қилишар экан, цивилизациянинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий адолатлилик ғояларини доимо ривожлантириб бордилар.

Аҳолини илм ва маърифатга олиб борувчи идеал жамоа, адолатли жамият қуришни орзу қилган Форобий адолатсизликларга йўл қўймасликнинг асосий шарти – давлат ва жамиятни бошқаришнинг тўғри шакли этилишида, унга ҳар томонлама етук, билимли кишиларнинг жалб этилишида деб билган. Адолат қарор топган ва адолатсизлик ҳукмрон жамиятларга хос бўлган хусусиятларга тўхталиб: “Маданий жамият ёки маданий шаҳар(ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма

тенг бўлади, кишилар ўртасида ижтимоий фарқ бўлмайди... Аммо баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладик, уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда деб биладилар... Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, ҳасад, бир-бирларини талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади”.[2] – деб ёзади.

Унинг фикрича жамиятнинг мукаммал ёки мукаммал эмаслиги тўғрисидаги идеаллик асосан давлатга, жамиятга, унинг маърифатига қаратилган. Давлатда яшаётган инсонлар энг аввало маърифатли бўлмоқлари лозим. Улар фозил, оқил, эзгу ниятли бўлмасалар, бундай давлат тез орада емирилиши ва барқарор бўла олмаслиги мумкин. Адолатли раҳбар, унинг фикрича, давлатни, жамиятни жаҳолатдан, маънавиятсизликдан сақлайди ва тараққиёт сари етаклайди.[3] Демак, адолатли раҳбар юртга энг аввало маърифат тарқатади, бунинг учун керакли имкониятлар яратади.

Шарқнинг буюк мутафаккири Хусайн Воиз Кошифий “Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучсиз одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди. Чунки кишилар турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хуллас калом, халқнинг аҳволи адолатга боғлиқ бўлиб, усиз яхшиланмайди”.[4] деган эди. Умуман, Хусайн Воиз Кошифий инсонларни жамият ҳаётида гўзал хулқли, илм-маърифатга интилувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард бўлишлари ҳақида уқтирган, унинг қарашларида адолатсизликка қарши курашишда билимлилик муҳим ўринда кўрсатилган.

Ўз даврининг йирик мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятни адолатли бошқаришнинг ахлоқий тамойилларини баён этган. “Қутадғу билиг” қаҳрамонлари – Ўгдулмиш ва Кунтуғди ақл ва билим эгалари бўлиб, умрларини адолат хизматига бағишлаган шахслар

сифатида тасвирланган. Ўғдулмиш адолатли ҳукмдор Кунтуғдига дейди: “Одил бўл. Адолат билан сиёсат юргиз. Адолат давлатнинг умрини узайтиради”.[5] Ўша даврда маънавиятда етакчи руҳга, ақлга таяниш, илму-маърифатга чорлаш устувор бўлганини, ижтимоий адолатни ахлоқ, ақл заковат кучи билан ўрганишга ишонч юқори бўлганини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, адолат мезонларига асосланган давлат, уни тан олиш билан чекланмай, балки, амалда қўллаши юксак маърифатдан дарак бўлиб, қудратли давлат бўлади, жамият ривожига кенг имконият яратилади. Адолатли давлат ва жамият қуришни орзу қилган Темур барча ишларда у қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларини, қонунга бўйсунмишларини талаб қилган. Унинг “Темур тузуклари” асарида кўтарилган муҳим масалалардан бири инсоннинг қадр-қиммати, орномуси, шаънидир. Амир Темур хиёнатчи, нодон ва манфур кишиларга нисбатан салтанатдаги барча ишларни қатъий тартиб-интизомда сақлаган: “адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим... Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм қилмадим”.[6]

Адолат ва унинг моҳиятини англаш ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар билан белгиланган ва даврнинг ҳукмрон тенденциялари, тарихий шахсларининг мавқеи, мақсад-интилишлари, дунёқараши, илму-маърифати билан узвий боғлиқ бўлади. Шунинг учун, ҳатто буюк мутафаккирлар ҳам муайян тарихий давр ижтимоий тузумига хос адолатсизликларга етарлича, ҳатто радикал тарзда қарши муносабат билдирганлар.

Жамиятни адолат мезонлари асосида бошқариш масаласи Низомиддин Мир Алишер Навоий ижодида ҳам марказий ўринни эгаллайди. Ўз асарларида адолатли давлат, адолатли жамият ғояларини илгари сурган Навоий

фикрича, адолат меъёрига эътиборсиз шоҳ жамиятни орқага тортади, адолатпарвар шоҳ уни ташвиқ қилиб, ҳар бир шахснинг камолига хизмат қилади, жумладан Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида одил шоҳни тонгги нурга ўхшатса, золим шоҳни зулматнинг қуюқ пардаси қопланган тунга қиёс қилади. Навоий фалсафасининг маъзи шунда эдики, у шоҳлар мисолида адолат ва адолатсизликнинг бир-бирига зид бўлган ҳодисалар сифатидаги моҳиятини очишга ҳаракат қилади.

Юқорида келтирилган фалсафий фикрлардан шу нарсa кўриниб турибдики, маънавиятимиз тарихининг буюк алломалари адолатли жамиятни орзу қилар эканлар, уни қуришга ақл қа маърифат билан иш кўришни маъқул топганлар. Адолат ва адолатсизлик муаммолари ўзбек халқи илғор фикр намоёндаларининг доимо диққат марказида бўлган. Масалан, адолат ҳақидаги илғор демократик ғояларнинг шаклланиши, ривожланишига ҳисса қўшган Турди Фароғий, Сайидо Насафий, Бобораҳим Машраб, Хўжа Самандар Термизий, Мирзо Абулқодир Бедил каби мутафаккирлар ижодида бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин.

XVII асрда Бухоро хонлигида яшаб ижод этган мутафаккир ва шоир Турди Фароғий ўз замонасининг юксак маърифатли кишиларидан бири бўлиб, жамиятнинг жаҳолат ботқоғига ботганлигини, унда тенгсизлик, адолатсизлик ҳукм сурганини мухаммасларида ёзиб қолдиради. Фароғийнинг фикрича, жамиятдаги барча адолатсизликларнинг асосий сабаблари – хонликлардаги қонунбузарликлар ва аҳоли илмсизлиги бўлиб, у жамиятдаги порахўрликни қаттиқ қоралайди ва буни шундай деб таърифлайди: “Аждаҳодек порага турмуш очиб оғизни, юртдан йўқ хабари, фикри тамоқ...”[7]

Ўша даврнинг етук шахсларидан яна бири Бобораҳим Машрабдир. “...Машраб фақат оташзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки, айни дамда адолатсизлик ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат билан асло келишмайдиган довюрак шахс сифатида ҳам донг таратган...”[8] Машраб

меҳнаткаш ва оми халқни эзаётган адолатсизлик халқ ғазабини қўзғатиб, жамият тараққиётини орқага тортаётганликларини очиқ танқид қилган. Айнан омилиқни маърифат билан енгиш масаласини кўтарган.

Халқлар қандай тузумда яшашларидан қатъий назар, ўз Ватанларига бўлган муҳаббат, содиқлик, адолатли жамият учун кураш ягона мақсадлари бўлиб қолаверган. Шу ниятда амалга оширилган қўзғолонлар, озодлик учун курашлар натижасида қанчадан қанча халқларнинг ёстиғи қуриди. Масалан, чор ҳукумати томонидан жамият маънавиятининг асоси бўлган маърифатчилар ҳаракатларини чеклашга киришилди. Қанчадан қанча адолат учун курашган уламолар, зиёлилар қатағон қилинди. Чор ҳукумати Туркистон ўлкаларини босиб олгач, 1870 йилдан бошлаб Рус маорифи вазирлигининг “...Туб жой халқларини руслаштириш маорифнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим” деган кўрсатмасига мувофиқ миллий тил ва маданиятни, маърифатни ривожлантиришга онгли равишда тўсқинлик қилди.

Халқ нафратининг олдини олиш учун эса уларни маърифатсизликка маҳкум қилиш йўлини тутдилар: араб ёзувини йўқотиш, тарихнинг илк манбаларидан халқни ажратиш, тариқатларни йўқ қилиш ҳамда мусулмон давлатларидан ажратиб ташлашни мақсад қилиб, маълум даражада бунга эришилди ҳам. Шарқ маънавий-маданий бирлигини узиб, шу кунгача етиб келган тарихий манбаларни ҳукмрон мафкурага мослаб, цензурадан ўтказишди. Бу эса миллатни буюк олиму-фузалоларнинг илмларидан бебаҳра қилиб, халқни қуллик асоратига олиб келишнинг асосий воситаси бўлди.

Профессор Ҳамид Зиёевнинг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” китобида келтирилишича, миллий тил, маданият ва маърифатнинг ривожланишига йўл қўйилмади. Ўлкада адолатсизлик, хўрлаш авжига чиқиб, руслаштириш сиёсати жадаллик билан олиб борилган. Шу боис Россия тажовузлари вақтида халқнинг қалбидаги, онгидаги озодлик ғоялари янгидан отилиб чиққан.[9]

Профессор Жондор Туленов нуқтаи-назаридан қараганда: “миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли, жамият асосини ташкил этувчи базис ва устқурманинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин”.[10] Мисол тариқасида ўзбек ўғлонларининг чор Россияси ҳукумати томонидан мардикорликка олиниши 1916 йилдаги адолат, озодлик учун кураш ва қўзғолонларга олиб келганлиги, Туркистон ўлкаларининг хом ашё манбаи бўлиб қолишига, мустамлакачилик сиёсатига қарши бўлган “Дукчи эшон” қўзғолони ҳам шу мақсадда бўлганлигини келтириш мумкин.

Бу даврда зиёлилар томонидан подшолик Россияси томонидан ўтказилаётган адолатсизликларга қарши туришнинг ва миллий уйғонишнинг асоси сифатида маърифат масаласи кўтарилди. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли” драмасида нодонлик, билимсизликни жамиятда юзага келган адолатсизликларнинг бош омили сифатида кўрсатади. У Домулло персонажи тили билан шундай дейди: “Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўткармоқ учун (ҳам) илм керак. Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлига ўтди, мунисабаби бизларнинг ўқумағонимиздур. Ўқумаган бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлунгизни ўқутмоқни сизга таклиф қилурман”.[11] Асар фожеа билан тугайди. Бой ўз ўғли томонидан ўлдирилади. Ғоя эса шундай: падаркушлик – бу адолатсизлик. Бу адолатсизликнинг боиси – билимсизлик, жоҳиллик.

Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат” ҳикояси ҳам адолатсизлик қурбони ҳақида, нодонлик туфайли бегуноҳ одамнинг ўғирликда айбланиши хусусида. Адиб ҳикоя сўнгида шундай хулоса қилади: “Эмди ҳақиқати билиндики, мингбошининг соатини ўғурлаган Эшмурод бўлмай,

Эшмуроднинг қўшнисининг бесоқол боласи экан. Бечора Эшмурод эса жаҳолатга қурбон бўлган экан”.[12]

Юқорида келтирилган адибларнинг фикридан шундай хулосага келиш мумкин: биринчидан, жамиятдаги адолатсизликка олиб келувчи асосий нарсa қонунсизликдир; иккинчидан, бу – субъектив омиллардир, яъни, таъмагирлик, порахўрлик, ўғирлик, раҳбар ходимларининг масъулиятсизлигидир; учинчидан, адолатсизликка чидаш ва унга йўл қўйиш – маърифатсизлик белгисидир. Билими бўлмаган одам адолатсизликка қарши курашиш чораларини ҳам билмайди. Жамият тарихий тараққиётида мавжуд адолатсизликларга қарши курашиш, ҳамма вақт илғор фикр эгалари раҳнамолигида, халқнинг диққат-эътиборида бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т.; Шарқ, 2001. - Б. 5.

2.Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.; Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашиёти. 1993. - Б.190- 191.

3.Ўша манба. - Б. 159-160.

4.Воиз Кошифий. Ахлоқи мухсиний. (форс тилида) ЎЗР ФА . Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.Инв. № 3020. (“Адолат” бобидан саҳифалар)

5.Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Фан. 1971. - Б.961.

6.Темур тузуклари. Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ. тарж. Т.; Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. - Б.118.

7.Турди Фароғий. Танланган асарлар. Т.: Ўзадабиётнашр, 1958. – Б.34.

8.Бобораҳим Машраб. Маънавият юлдузлари. Т.: 1999. - Б 284.

9.Зиёев Н. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. Т.: Шарқ. 1998. – Б. 435-436.

10.Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. Т.:Ўзбекистон, 1993. - Б. 231.

11.М.Бехбудий. Танланган асарлар. “Маънавият”. Т. : 2006. Б.- 42

12.<https://ziyouz.uz/>

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК-МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ УСТУНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Ғойибназаров Шухрат Ғойибназарович,

*Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети
Тошкент шаҳридаги филиали директор ўринбосари,
сиёсий фанлар доктори, профессор*

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида турли миллатлар ва динлар азалдан мавжуд бўлиб, маҳаллий ҳалқлар билан доимо яқин дўстона муносабатларда бўлиб келганлар. Бу ҳақда буюк мутаффакир бобомиз Абу Райхон Беруний ҳам ўз асарларида ёзиб, христианлар Хуросонда III асрда пайдо бўлишгани ва улар асосан рухонийлардан иборат эканликлари ҳақида маълумот берганлар.

Дарҳақиқат, христианларнинг асосан диний уломаларидан бўлган дастлабки вакиллари асосан минтакамизнинг йирик шаҳарларига оилалари билан кўчиб келишиб жамоа бўлиб яшаганлар, бу шаҳарларда истиқомат қилишлари учун уй ва ўз черковларини қурганлар, ҳозирга қадар жамоалари билан бирга миллий ва диний тадбирларини бемалол ва эркин амалга ошириб келмоқдалар.

Яхудийлар Марказий Осиёда эр. авв. VI - IV асрларда келиб қолганлар ва бу жараён иккинчи маротаба араблар истилосидан 200-250 йил бурун ҳам такрорланган. Исломда мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзга дин вакилларига "Аҳли Зимма" дейилган ва уларнинг ҳуқуқлари мусулмонлар билан тенг бўлган. Минтақамизда уларга нисбатан инсоний ҳурмат ва бағрикенглик муносабатларига оид кўплаб мисоллар мавжуд. Масалан, XVIII асрда Бухоро Амири яхудийларни сийлаб шаҳар марказидан ер ажратиб

“Маҳаллаи Амиробод” номида алоҳида ҳудуд ташкил этиб беради, яҳудийлар ўз синагогаларида диний маросимлари, урф-одатларини эркин фаолият олиб боришлари учун шароит яратиб беради, ушбу ҳудуд ва қабристонларини обод тутишларилари бўйича ҳам кўрсатмалар беради. Худди шундай диний ва миллий бағрикенгликка мисоллар бошқа йирик шаҳарларда ҳам бўлган.

Демак, Ватанимиз худудида азалдан бошқа дин вақилларининг ҳам эркин яшаш ҳуқуқлари, маҳаллий аҳолидек ҳаёт кечиришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Анъанавий дўстлик, ҳамкорлик ришталари мустаҳкам бўлиб ҳозирга қадар миллий ва диний бағрикенглик тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Бу муҳим сиёсий омилдан Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида тинчлик ва осойишталик, хавфсизлик, барқарорликни таъминлашда ўринли фойдаланиш аҳамиятлидир.

Маълумки, аёл кишининг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги халқаро ҳужжатлар эндигина эллик ёшга тўлди. Ислом динида эса бу масала салкам ўн беш аср илгари ҳал қилинган.

Ислом динлар орасида биринчи бўлиб аёл киши ҳам худди эркак кишидек тўлақонли инсонлигини, яъни, гендер тенглигини эълон қилди. Бу маъно Қуръони каримнинг бир қанча оятларида қайта-қайта баён этилди.

Жумладан, Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

“Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жусфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан кўрқинглар!” дейди (1-оят) [1].

Демак, одам, инсон сифатида эркак ва аёл тенг, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида:

“Аёллар эркакларнинг туғишганларидир”, деганлар.

Исломдан олдин аёл киши нафақат ҳуқуқлари поймол қилинишига, балки инсонлик даражасидан маҳрум қилинишга маҳкум қилинган эди.

Қуръони Карим бу одатларни қаттиқ қоралади ва ман қилди. Мусулмон оилаларда қиз бола туғилса, ўғил бола туғилгандан кўра кўпроқ хурсанд бўлиш жорий қилинди. Қизларни яхшилаб тарбия қилганларга ўғил болаларни тарбия қилганларга берилгандан кўра кўп ваъдалар берилди. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам Мадина шаҳрида ҳаётларининг 10 йилини фаоллик билан ўтказганлар, кўплаб ислоҳотларни амалга оширганлар. Масалан, Ислом – тенглик дини эканлигига мисол, Умма Барака исмли етук аёлни уммага маънавий раҳбар этиб тайинлайдилар, бу умма аёлларни Пайғамбарга таклиф ва эътирозлар билан чиқиш ҳуқуқи берилганлиги, аёллар эркаклар билан бирга намоз ўқишлари ва жангга киришлари, Азон айтилганда эркаклар аёллар бирга, ажратилмасдан тўпланишлари каби ўзига хос тартибот Мадинага янги ансорлар келиб қўшилишига, пировард натижа, бутун Арабистон бўйлаб Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам қабилиси ўз ҳокимияти қудратини дунё бўйлаб ёйилишига олиб келди. Шунингдек, 43 томдан иборат, 900 дан ортиқ фазилатли аёллар ҳақида китоблар ёзилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Аёллар насларни, келажак авлодларни тарбия қилиб етиштириш билан бирга илм ўрганиш ва уни тарқатиш, керак бўлса фатво бериш майдонларида ҳам шарафли ва марказий ўринларни эгаллаб келганлар. Қуръонга биноан, мусулмон аёли жамиятда юксак мавқеёга эга: “Олийжаноб инсон аёлни қадрлайди, пасткаш эса уни хўрлайди”.

Исломда аёлга раҳмдил ва меҳрибон муносабатда бўлиш, тушуниш ва ҳурмат эъзозланади. Сиз уларни ардоқлашингиз, хафа қилмаслигингиз, уларнинг нозик феълини ҳисобга олишингиз керак. Зеро, Қуръонда аёлга яхши муносабатда бўлиш кераклиги айтилган.

Исломда давлат раҳбарини сайлаш, унга итоатни эълон қилиш байъат дейилади. Бу энг муҳим сиёсий ҳақ экани ҳаммага маълум. Қуръони Каримда эркаклар билан бир қаторда аёлларга ҳам байъат қилиш ҳуқуқи берилган.

Аллоҳ таоло Мумтаҳана сурасида:

“Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилик қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир”, деган (12-оят) [2].

Мутақаддим ҳанафий фақиҳлардан Камолиддин ибн ал-Ҳумам: “Агар аёлнинг хотинларга хос фарзи кифоя ишда ҳунари бўлса, унинг эри (ишга) чиқишидан ман қила олмайди”, деганлар.

Шунингдек, аёл киши эрининг ишида ёрдамчи бўлиши, оиласи муҳтож бўлганда ҳалол йўл билан ҳалол меҳнат қилиши жоиз. Яъни ўзи хоҳласа ишлайди, бўлмаса биров уни мажбур қила олмайди. Баъзи уламоларимиз: “Нодир қобилиятга эга бўлиб, жамиятга фойдаси кўп бўлган аёллар ҳам ишлашлари тавсия қилинади”, деганлар.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида:

“Эркакми, аёлми, ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, уни пок, гўзал ҳаёт кечиртирамиз ва албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзали баробарида ажр ила мукофотлармиз”, деган бўлса (97-оят) [3], Оли Имрон сурасида:

Ислом этиқод, дин ва савоб касб қилишдан ташқари, илм-маърифат соҳасида ҳам аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир”, дедилар.

Шунингдек, мол-дунё касб қилишда ва уни тасарруф этишда ҳам аёллар эркаклар билан баробар ҳуқуққа эгадирлар...

Исломда аёл кишига эркак билан тенглик масаласида керакли барча нарсалар берилган.

Аллоҳ таоло ўзининг оҳирги ва мукамал дини бўлган

Исломнинг “Ўқи!” деган илоҳий хитоби ила бошланган ва шу маънони англатадиган муқаддас китоби – Қуръоннинг дастлабки оятларини нозил қилди. Ана ўша лаҳзадан бошлаб, Қуръон уммати – ўқиш уммати, илм-маърифат уммати ўлароқ шакллана бошлади. Ана ўша лаҳзадан бошлаб, илм талаб қилиш ҳар бир эркак ва аёлга фарз бўлган уммат фаолият кўрсата бошлади.

Ислом мусулмонларга тараққиёт йўлида юришни фарз қилган ва кишиларни илмга ундаган. Чунки инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сола олмайди ва тараққиётга ҳам эриштира олмайди. Ушбу ва бошқа бу ерда келтирилмаган кўплаб оят ва ҳадислардан келиб чиқиб, мусулмон уммати ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб қуйидаги қатъий қарорни қабул қилгандир:

Исломда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан то қабргача фарз қилинган. Бу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охиратда иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади.

Биринчиси, фарзи айн.

Иккинчиси, фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган иш. Уни биров учун биров адо эта олмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин.

Фарзи кифоя эса, баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиладиган ишдир. Бунга мисол, жаноза намози. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса, кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам ишга тушади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керакли, ҳаёти учун зарур илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиш, бунинг учун

зарур бўлган нарсаларни ўрганиш фарзи аиндир. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт, қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса, фарз кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги барча илмлар бўйича етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш Ислом жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Демак, авваламбор, замонавий илм-фан сирларини билиш, ўрганиш фарз эканлигини билиб ҳаракат қилган кишигина мурод-мақсадларига эришади. Хулоса шундан иборат-ки, биринчидан, юқорида биз таъкидлаган таҳдидлар ва тажовузлар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тарихида ҳам бўлиб ўтган, буюк жадидчи боболаримиз исломий эътиқодлари ва қадриятларига содиқ қолган ҳолда мамлакатимиз истиқлолини, келажагини унинг фарзандалари эгаллайдиган замонавий билимлар, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириш орқали жаҳонга чиқишида кўрганлар, иккинчидан, илм олиш фақат масжиддаги суҳбатларда эшитганлари, ёки айрим имом-хатиблар, қориларнинг аудио тасмалар, ёзувларда, даъватларидангина иборат бўлмай, балки ёшукексанинг муққадас китобларни ўзлари жиддий ўқиб таниганларидан кейин фикрлашига, муносабат билдириш даражасига чиқишида деб ҳисоблаймиз, учинчидан, мутаасиблар ҳанузга қадар кофирларга кураш шиорини кун тартибидан олмаяптилар, ваҳоланки, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ с.а.в. тарафларидан аниқ ижобий муносабат билдирилган, ҳудди шундай ёндашув аёлларга уларнинг жамиятдаги ўринлари, гендер тенглигига ёрқин мисолдир. Шунингдек, тўртинчидан, биз юртимизга тақдир тақозоси билан азалдан келиб, муқим ўрнашиб тарихимизда ўтган яхши-ёмон кунларда бирга елкадош бўлиб келаётган турли миллат ва дин вакиллари билан яқинлигимиз, ўзаро ҳурматда бўлишимизни ҳам умуминсоний қадрият деб ҳисоблаймиз. Бу тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда мамлакатимиз равнақи ва тараққиётидаги муҳим сиёсий омилдир. Жамиятимизда, халқимизда, ёшларимизда илм-

фанга, таълимга янги уйғониш даврида яшаётган эканмиз, жаҳидчи боболаримиз замонавий илмларни пухта ўрганиш ҳам фарз деган ўғитларига амал қилишимиз даври келди деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Иймон”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
2. “Исломда инсон ҳуқуқлари”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
3. “Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
4. Islom.uz
5. Muslima.uz

ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ ЁХУД УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: МЕЗОН ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Азамат Мухтаров,

*Тошкент давлат Иқтисодийёт университети
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири,
профессор, фалсафа фанлари доктори*

***Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк
аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида
аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек
олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамиз.***

Шавкат Мирзиёев

Янги Ўзбекистон ва янги ланаётган жамият тараққиёти ва унинг пировард мақсади, халқни, миллатни рози қилишдан иборатлиги халқпарвар давлатнинг бош мезони эканлиги жамият ҳаётида кечаётган туб ўзгаришларда, одамларнинг кайфиятида, эртанги кунга бўлган ишончида намоён бўлмоқда. Хусусан, халқни, миллатни бирлаштирувчи, руҳлантирувчи ягона мақсад ва интилиш, шубҳасиз, Учинчи Ренессанс ҳисобланади. Табиийки, унинг мазмун-моҳияти ҳамда мезон ва тамойилларини аниқлаш биз танлаган йўл, белгиланган инсонпарвар жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди [1].

Маълумки, ҳар бир давр, танланган йўл мамлакат тараққиёти учун муҳим ҳисобланиши билан бир қаторда, маълум бир устувор вазифа ҳамда концепцияларни илгари суриши билан ажралиб туради. Жаҳон тажрибасида дунёнинг бир қатор мамлакатлари раҳбарлари ҳисобланган АҚШни “буюк турғунлик” балосидан қутқарган Д.Рузвелт, мамлакат учун энг оғир бўлган иккинчи жаҳон урушида миллат бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаган Англия бош вазири У.Черчилл, француз халқи ифтихори ҳисобланган Де Голл, ҳинд халқининг миллий ифтихори, тинчлик маданияти асосчиси Махатма Ганди, Хитой мўъжизасининг бунёдкори, архитектори ва унинг халқини дунёга танитган

ислоҳотчи Дэн Сяопин каби харизматик сиёсий етакчилар жаҳон миллий цивилизацияси ва тарихида муҳим ўрин эгаллагани ҳамда улкан бунёдкорлик ислоҳотларининг раҳномаси бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, Ўзбекистон жамиятида Президент Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган ва илгари сурилган жамиятимизни истиқболдаги 10-20 йиллик ривожланиш жараёни, тараққиёти қиёфасини қай ҳолатда бўлиши прагматик, олдиндан кўра билиш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб ҳисобланади. Зеро, инсонга мақсад шамоли эсмаса, у қаерга кетишини, нималар юз беришини билмайди. Табиийки, олдинга интилиш ва халқни, миллатни, қолаверса, ёшларни руҳлантириш нафақат жамиятни истиқболига, балки айти пайтда бугунига ҳам таъсир кўрсатиши табиий ҳол.

Мамлакатимизда кейинги уч-тўрт йилда оламшумул аҳамиятга молик ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу биргина таълим ва тарбия тизимида мустақиллик йилларида 67 та олий таълим фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда бу рақам 160 тани ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда олийгоҳларимизда жами 820 минг нафар талаба таҳсил олишмоқда. Илгари фарзандини 2-3 йиллаб ўқишга кириши илинжида юрган ота-оналар ҳозирда бирданига ўнлаб нуфузли олийгоҳни талабасига айланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқда. Мамлакатнинг келажаги биз тарбиялаётган ёшлар қўлида эканлигини ҳисобга олган ҳолда олий таълимга қамров даражаси 10 фоиздан 33 фоизга кўпайди ва уни яқин 3-4 йилликда 60 фоизга кўтариш белгиланган. Энг муҳими, ўқитувчи ўз ўрни ва қадр-қимматини топди. Ёки, мактабгача таълим муассасалари фарзандларимизни ўз бағрига олиб, уларни айнан 4-5 ёшида дунёни танишида энг муҳим босқич ҳисобланган даврда ота-она учун нақадор қулай эканига амин бўласан, киши. “Президент мактаблари”, “Темирбеклар мактаби”, Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва бир қанча ижод мактаблари, хусусан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Исҳоқхон Иброт, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Қодирий, Муҳаммад Юсуф,

Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов мактаблари келажакни кўзлаб қилинган катта инвестиция, ижтимоий капиталдир. Бугун дунё тан олаётган ўзгаришларни ўзида мужассам этган Муйноқ, Сардоба, шунингдек, 2018 йилда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги уй-жойлар ва инфратузилма объектлари ҳароб аҳволга келиб қолган Манас қишлоғида қисқа муддатда катта яратувчанлик ишлари амалга оширилди. Қилса бўлар экан-ку, дейишмоқда кўрганлар. Атиги 1,5 ойда ушбу қишлоқ мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Энг муҳими, қишлоқ аҳолисининг кайфияти, турмуш даражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Ховособод қишлоғи ҳам обод қилиниб, ҳавас қилса арзийдиган ҳудудга айлантирилди. Шу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, “Обод қишлоқ” дастурини бажариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларнинг 80 фоизи давлат бюджетидан, давлат корхоналари маблағлари ва улар жалб қиладиган хорижий кредитлар ҳисобидан таъминланмоқда. Қолган 20 фоизи эса, тадбиркорларнинг ўзларига тегишли бозор инфратузилмаси объектларига сарфланадиган маблағлари ва банк кредитларидан иборат. Ҳисоботда келтирилишича, мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида кўрилган чоралар ҳамда сўнгги йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди. Жумладан, савдо айланмаси ҳажми 167 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 109,8 фоизга ўсди.

Табиийки, давлат ва жамиятнинг ҳаётийлиги ва истиқболини белгилашда муҳим ҳисобланган аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш йўналишида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Хусусан, иш билан банд бўлмаган 90,2 минг нафар фуқаро, жумладан, 48,6 минг нафар ёшлар ҳамда 59,6 минг нафар аёллар касб-хунарга, тадбиркорликка ўқитилди,

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 28,6 минг нафар ишсиз фуқарога 58,9 миллиард сўм субсидиялар ажратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг бир қисмини ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаб бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ўтган йиллар мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 82 та қишлоқ врачлик пункти ва 19 та оилавий поликлиника ташкил этилди. Шу билан бирга, телемедицина орқали 46 мингдан ортиқ беморларга консультация берилди. Ихтисослашган марказлар томонидан 855 маротаба ҳудудларга чиқилиб, 413 мингдан ортиқ кўрик ва мингдан зиёд юқори технологик операциялар ўтказилди. Қолаверса, бирламчи тиббиёт бўғинини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда одамлар шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволаш учун энг зарур дориларни оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникалардан олишмоқда.

Ҳукумат тақдим этган ҳисоботга кўра, юртимизда энергетика соҳасини ислоҳ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишда жаҳоннинг синовдан ўтган тажрибалари жорий этиб келинмоқда. Биргина 2021 йил 27 август куни Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясининг қурилиши якунланиб, станция ишга туширилди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти бор. Шу боис, хорижий инвесторлар

жалб этилиб, ҳозирда 6 та қуёш электр станциясини қуриш ишлари бошланган ва тегишли лойиҳалар имзоланган.

Бундай истиқболли ислоҳотларнинг адоҳи кўринмайди, албатта. Юқорида келтирилган марралар ва муваффақиятлар замирида нафақат давлатимиз ва Президент томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, аини пайтда, халқимизнинг яқдиллиги, дахлдорлиги муштарак мақсад сари азму шижоати мужассам, десак муболаға бўлмайди. Муҳими, давлат раҳбари томонидан белгиланган ва халқни руҳлантирадиган куч – Учинчи Реннесансни забт этиш ва унга интилишдан иборат. Гапнинг индаллоси шундан иборатки, айнан мамлакат раҳбари томонидан белгиланган Учинчи Реннесансни мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, лозим бўлса, олиму мутахассислар томонидан мезон ва томоийилларини аниқлаш, контур ва истиқболларини белгилаш орқали халқимизга олий мақсадни, хусусан, мақсад-муддаосини, аҳамиятини тушунтириб, руҳлантириб бориш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарбдир.

Маълумки, Ўзбекистон тарихининг биринчи Ренессанси – Сомонийлар даврига тўғри келиб, ушбу даврда буюк аждодларимизнинг яратган илмий-фалсафий асарлари ва оламшумул кашфиётлари ислом цивилизациясига тамал тоши бўлди. Жамият тараққиётини ҳар томонлама ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муайян тартиб-тамоийиллар асосида қурилиши, шаҳару вилоятларнинг иқтисодий-маданий ривожланиши, илму маърифатнинг марказлашуви сингари муҳим жараёнлар ўрта асрларда юртимизда давлатчиликнинг ўзига хослигини белгиловчи тамойиллардир.

Шубҳасиз, жаҳон тамаддунида муҳим роль ўйнаган Иккинчи Ренессанс – Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келиб, нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Марказий Осиё ўлкалари ўз тараққиётининг янги поғонасига кўтарилади. Бу даврда давлатчилик асослари такомиллашиб, шаҳарсозлик ва меъморчилик авж олди, халқаро савдо ва дипломатик алоқалар жадаллашди. Шунингдек, бу даврда фан, маданият ва санъат

соҳаларининг ривожланиши ҳамда тафаккур доирасининг юксалиши намоён бўлади.

Эътиборингизким, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллик тантаналарида мамлакатимиз Президентининг: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”, деган сўзи янгради. Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда учинчи Ренессанс атамаси кун тартибига чиқди. Хўш, бу қандай амалга оширилади? Мамлакатда биринчи ва иккинчи Ренессанс қачон бўлганди? Айни масалага Президент Шавкат Мирзиёев 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида аниқлик киритди.

“Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори-атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”, дейди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ўз сўзини давом эттираркан, буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзларини келтиради.

“Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни

етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-иждодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

“Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темури бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат, юртимизда иккинчи Ўйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандаalar, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди”, дейди Президент [2].

Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағзини чақиш ва уни рўёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жипсланиб «миллий тикланишдан – миллий юксалиш» ғоясини собитқадамлик билан амалга оширишга киришди. Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий,

ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда. Миллий руҳ ва умуминсоний қадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур – мамлакатимиз барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусияти, мезон ва мустаҳкам пойдеворига айланмоқда. Юртимизда ижтимоий тафаккур даражасининг тобора ўсиши боис, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жабҳаларда меҳнат ва соҳага ёндашув маданияти ҳамда масъулияти ўзгарди. Айниқса, жамият ва тараққиёт локомотиви ҳисобланган фан соҳасига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Фан – бу тафаккур бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи устувор омиллардан биридир. Фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳа ҳам тараққий этади. Фанга бўлган эътибор инсон тафаккурини ўстириш ва улғайтиришга хизмат қилади. Жамият тафаккури ўсса, маданият ва санъат соҳаси ҳам мана шу талабларга ҳамоҳанг равишда ўсади ва тараққий этади. Россиялик олима И.В.Зелепухина бу ҳолатни тўғри англаб этади ва қуйидагича ифода этади: “Сир эмаски, Европа цивилизацияси нисбатан ўжарроқ, бошқалар билан дуч келганда, у ижтимоий-маданий жиҳатдан асосий бўлиш тенденциясини намоён қилади. Бу нарсани у нисбатан ёш бўлганлиги ва қадимийроқ цивилизациянинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилишга интилишига йўйиш мумкин. Цивилизациянинг шарқий-анъанавий турларига келсак, уларнинг айримлари (ҳинд-буддавийлари) ташқи таъсирларга нисбатан нейтрал, бошқалари (конфуцийлик) очикроқ бўлиб, улар ўз-ўзини такомиллаштиришга мойилроқ, учинчилари (мусулмонлик) ташқи трансформацияларга камроқ очикдир, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам юқори даражада толерантлиги билан фарқ қилади”. Демак, глобаллашув шароитида толерантлик янада ривожланади.

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирларининг кучайиши, маданий тасаввурларнинг ўзгариши, цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, анъаналар ва янгиликларнинг қисман қарама-қаршилиги, турмуш тарзида бир томондан замонавийликка

(модернизм), иккинчи томондан анъанавийликка (традиционализм) интилиш, халқлар ва миллатлар маданияти, турмуш тарзининг бир хиллашиб бориши ва шу билан бирга миллий ўзликни англашга интилиш ва бошқа шу каби давримизнинг асосий ҳодисалари глобаллашув шароитида толерантликнинг объектив мазмунини ташкил этади.

“Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига хос ноёб ақл-заковатга эга тенгсиз ҳодисадир. Ундан дунё тараққиёти мақсадларида фойдаланишнинг даражаси ҳар хил бўлиб қолмоқда. Ўзаро фикрлар, ўзига хос хусусиятларни инкор этмаган ҳолда, уларни устун қўйиш фалсафаси бир томонламадир. Улар бир-бирини бойитиши, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик орқали бир-бирига, дунё цивилизациясининг ривожига хизмат қилиши муҳим. Бу билан масалан, Шарқ ва Ғарб ўзига хослигини йўқотмайди, аксинча, уни сақлаб қолган ҳолда дунё маданиятини бойитади”[3].

Шундай экан, таъкидлаш жоизки, биз интилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг мезон ва тамойиллари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

Биринчидан, миллий ғоя ва юксак маънавият уйғунлиги мезонига амал қилиши, яъни “миллий тикланишдан – миллий юксалиш” тамойилининг жамият ҳаёти ва унинг барча қатламларида, аҳоли, миллат онгу тафаккурида ўз ифодасини топиши. Шарқона бағрикенглик, эзгу ният, меҳр-муруват, силаи раҳм кўрсатиш орқали, улуг бунёдкорлик йўлида халқимиз бир-бирини тушуниши ва англаши, кўтаринкилик руҳида истиқлол ва ислохотларни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиши назарда тутилади.

Иккинчидан, инсон манфаатлари ва унинг қадр-қиммати устуворлигини назарда тутган ҳолда давлат ва жамият ҳаётида нимаики қилинса ёки амалга оширилса, энг аввал, прогматик натижавий аҳамияти, яъни инсон, миллат, халқимиз қадр-қимматини амалда бўлишини таъминлаш. Бу борада мамлакат раҳбарининг “Халқимиз бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг натижаларини эртага эмас, бугун кўришлари, баҳраманд бўлишлари керак”, деганлари бежиз эмас. Ёхуд “ҳар бир раҳбар ўз вазифасини

сидқидилдан бажариб ўз аравасини ўзи тортиши керак, ана шунда ўзгариш, ривожланиш бўлади ва шунда биз раҳбарлар фаолиятидан халқ рози бўлса яратганнинг ўзи рози бўлади”, деган фикрларини келтириш ўринли.

Учинчидан, инновацион ғоя ва ижтимоий капиталга эга бўлган иродали шахс ҳамда юксак технология имкониятларидан баҳоли қудрат фойдалана билиш. Бунинг учун мамлакат ва ёшлар салоҳияти, миллий ва умумбашарий тамойиллар уйғунлиги орқали мақсадга эришиш лозимлигини кундалик ҳаёт олиб борилаётган сиёсат ва яратилаётган шарт-шароитлар биз кўзлаган мақсадга эришиш омили ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳар бир фуқаро, миллат аҳлининг бир тану бир жон бўлиб, дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини сезиши, яъни шу азиз Ватан ва унинг истиқбол келажаги учун “мен масъулман” деган ғояни ҳаётий тамойилга айлантиришдан иборат.

Табиийки, Учинчи ренессанс ўз-ўзидан амалга ошмайди ва бунинг учун давлат ва жамоат, нодавлат ташкилотлари ва барчанинг мақсадли фаолиятида қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим бўлади:

- қонунийлик, бунга кўра, давлат тилида иш юритилишига амал қилишда қонунийлик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва бошқа шахсларнинг оғишмай амал қилиши тушунилади. Қолаверса, қонунийлик демократия ва ҳуқуқий давлатнинг элементларидан бири сифатида, бу давлат тилини амал қилишида тартиблилик ва ҳуқуқий тамойиллар устуворлигини таъминлайди. Соҳага оид барча жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Давлат тили қонун-қоидалари ва унинг меъёрларига мос бўлиши ҳамда унга қатъий риоя қилишни ифодалайди. Буни ҳаётий мисол тарзида яқинда давлат тилида иш юритишда мутасадди шахсларнинг амал қилмаганлиги учун жарима тўлаш лозимлиги жорий этилганлигидир. Айнан шу жиҳатдан олганда, қонунийлик давлат тилида иш юритишда муҳим жиҳат ҳисобланади;

- тизимлилик, маълумки, ҳар бир соҳада бўлгани каби ва уни кетма-кетлик уйғунлигида, яъни тизимдаги ҳар бир таркибий қисми иккинчи бир таркиб ва элемент билан узвий алоқада ҳамда уларнинг муштарак мақсад ва вазифаси умумий тизимни тўлақонли ишлашини талаб этади. Тизимлилик, мунтазамлилик, тадрижийлик ҳамда шарқона қадриятлар устуворлиги омили. Тизимлилик бизларни хатолардан янгилишишлардан огоҳлантиради. Муаммога ёндашувда бир қатор омилларни ва турфа ёндашувларни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Шундай экан, асосий мақсад ҳар бир амалга ошириш лозим бўлган жараён ва устуворликни қўллашда давлат тилини амалга ошириш мантиғини кўрсатади.

- тарихийлик, давлат ва жамият ҳаётида ҳар бир тарихий давр у ёки бу соҳага алоқадор билим ва тажрибаларни эгаллашни тақазо этади. Тарих буюк мураббий, манбалар йиғиндиси, авлод ва аجدодларимиз томонидан жамийки яратилган, ўзлаштирилган билимлар манбаидир. Ушбу тамойил жараёнлар, қарашлар ворисийлигини, кетма-кетлигини таъминлади. Шу маънода ўтган алломаларимизнинг миллий давлатчилик ривожига тўғрисидаги билим ва тажрибаларини бугунги кун воқелиги нуқтаи назаридан ўрганиш ва соҳага татбиқ этиш ўзининг ижобий натижасини беради;

- миллийлик ва умуминсонийлик, ушбу тамойил соҳага алоқадор миллий тажриба билан бир қаторда, умуминсонийлик ва унга хос бўлган хусусиятлар, ундаги умумийлик, хусусийликнинг ўзига хос такрорланмаслик жиҳатлари фарқланади. Ҳар бир миллат ўзига хос урф-одат анъаналари, тили ва дини билан фарқланади, унда ўзига хос бўлган руҳият, характер намоён бўлади. Зеро, буюк ёзувчи Гоголнинг қуйидаги фикрлари характерлидир: “Ҳақиқий миллийлик рус кийимини тасвирлашдан иборат эмас, балки халқ руҳидан иборат. Ҳатто тамом бошқа бир дунёни тасвирловчи шоир ҳам миллий шоир ҳисоблана олади. Бунинг учун у ана шу дунёга ўз миллий ҳислари назаридан, ўз халқининг кўзлари билан қараши керак, у шундай ҳис этиши ва гапириши керакки, унинг ватандошлари худди

ўзлари ҳис этаётган ва гапираётгандек ҳис этсинлар”. Умуминсонийлик бутун дунё давлатлари ва уларга ҳос бўлган умумий хусусиятлар ҳисобланиб, глобаллашув жараёнлари билан уйғун кечади ва бу ҳолат давлат тилида иш юритишда ўзининг позитив қирраларига эга.

- назария ва амалиёт уйғунлиги, унга ҳос бўлган жиҳат шу билан белгиланадики, соҳага оид, энг аввало, назарий билимлар мажмуаси бўлиши лозим. Бу қарашлар, таълимотлар, ғоялар, инновациялар ва турфа билимлар уйғунлигини ташкил этади. Аслида, назария билимнинг бирор соҳасига оид асосий ғоялар тизими, воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. Назария ҳамма вақт амалиёт билан узвий боғлиқ бўлади ва шундагина у ҳаракат ва ривожланишнинг қуролига айланади. Амалиёт, таъкидлаш жоизки, бу – барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш негизи, билим манбаи, билиш жараёни натижаларининг ҳақиқийлиги мезонидир. Назарий билимлар ўзини тўғри ва ҳақиқийлигини амалиётда кўради ва унга амал қилади. “Бизнинг тараққиёт стратегиямизда ҳар жиҳатдан баркамол ривожланган, эркин фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга йигит-қизларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан биридир”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси” 2021.-Б.-252.
2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. Т.: 2021.-Б. 262.
3. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: Академия, 2000. –Б. 42-43.

АМИР ТЕМУР — БУЮК БУНЁДКОР ВА МАЪНАВИЯТ ҲОМИЙСИ

Бўри Қодиров,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти
бўлим бошлиғи, тарих фанлари номзоди, доцент*

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Француз академиясининг аъзоси Амин Маалуф «Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...» асарида Амир Темурнинг буюк давлат арбоби ва салтанат эгаси эканлигини қуйидагича баён қилган: «Амир Темур сиймосининг машхурлиги кучли давлат кура олгани, қурганда ҳам, бошқа даштлик ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, ҳунарманд ва олимларни эъзозлаб, марказлашган салтанат барпо этганидир»[1.3].

Биз мавзу юзасидан тадқиқотларимизни икки қисмга бўлиб ўрганишни лозим топдик. Булар:

1. Амир Темурнинг олиб борган бунёдкорлик ишлари.
2. Амир Темур - маънавият ҳомийси.

Амир Темур давлатни идора қилиш билан бирга бутун эътиборини бунёдкорлик ишларига қаратди. У ўзининг «Тузуқлари»да «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», [2.101] – деган сўзлари бунинг исботидир.

Амир Темурнинг олиб борган бунёдкорлик ишларини таҳлил қилар эканмиз, бу жараёнларни ҳам қуйидагича тадқиқ қилишни лозим топдик.

1. Амир Темур туғилиб ўсган Кешдаги бунёдкорлик ишлари.
2. Мамлакат пойтахти Самарқандаги бунёдкорлик ишлари.
3. Мамлакат ҳудудларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари.
4. Мамлакат ташқарисида олиб борилган бунёдкорлик ишлари.

Амир Темур ўзининг эътиборини она шаҳри Кешга қаратиб, бу жойда улкан бунёдкорлик ишларини олиб борди. Шарофуддин Али Яздий Жаҳонгир Мирзо қабри устига улкан мақбара барпо этиш Амир Темур томонидан буюрилганлигини ёзиб қолдирган[3.165]. У Кешда отасининг қабри устига мақбара қурдирди.

Амир Темур Кешни Мовароуннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Бу ерда машҳур Оқсарой қад кўтарди. Бу саройни онаси Такина Хотун хотирасига атаб қурдирган. 1380 йилнинг баҳорида Оқсаройнинг қурилиш ишлари бошланиб, 1404 йилгача давом этади. 1404 йили испан элчиси Клавихо Оқсаройда бўлиб, ҳали ҳам мажмуанинг ички қисмида безак ишлари олиб борилаётгани ҳақида ўзининг ён дафтарига ёзади. Оқсарой Клавихонинг ёзиб қолдирган қўлёзмасига асосан баландлиги ва катталиги жиҳатидан ўша даврда ягона эканлиги, бинонинг баландлиги 71 метр бўлганлиги, кенглиги эса 125х250 метр, яъни 4 гектар бўлиб, саройнинг ичи барча шарт-шароитлари, жумладан, меҳмонхона, қабулхона, канизақлар бўлмаси, масжидлар ва айвонлардан иборат бўлган. Хоналарнинг ички безаклари бир-биридан ажралиб турганлиги ҳамда саройнинг ички қисмида ҳовузлар бўлганлиги ҳақида ҳам ёзиб қолдирилган. Ички бинолар икки қаватли бўлиб, 1000 га яқин хоналар мавжуд бўлган.

Ҳозирги кунда Оқсаройнинг фақатгина кириш қисми, яъни деворлари сақланиб қолган. Бинонинг ҳозирги баландлиги 38 метрни ташкил этади, равоқининг эни эса 22,5 метр бўлиб, катталиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бинолар ўз даврида фақатгина гишт орқали арка бўлиб қўшилиб, юқори қисмлари 200 йиллар олдин бузилиб кетган. Бинонинг қурилиш ишлари жараёнида тахта, ёғоч, темир ишлатилмаган. Саройнинг кириш қисми пойтахт Самарқандга қаратиб қурилган.

Амир Темур сарой қурилишида ўзининг моҳир архитектор эканлигини кўрсата билган. Бизгача сақланиб қолган мозаикалар ўз ҳусни тароватини йўқотмасдан асл

ҳолатини сақлаб келмоқда. Нақшлар хилма-хил ишланган: безакларнинг орасида Қуръондан олинган араб ёзувлари, оятлар, ҳадислар ва Амир Темурнинг ҳикматли сўзлари ҳамда ўша даврда ишлаган уста-хунарамандларнинг номларини ҳаттотлик санъати билан ишланган.

Бинонинг минора қисмида икки метрли ҳажмда, араб ёзувида ҳадис битилган. Ҳадис “Султон Аллоҳнинг ердаги элчисидир”, деган мазмунни ифодалайди. Пештоққа Амир Темурнинг “Агар қудратимиз ва кароматимизга шубҳа қилсанг, шак келтирсанг, иморатларимизга қара!”, деган сўзлари ёзилган.

Оқсаройнинг қурилишида усталар орасида танлов эълон қилинган: Хоразм, Эрон, Озарбайжон ҳамда Ҳиндистондан келган усталар иншоот қурилишида қатнашган. Оқсаройнинг бош архитектори (меъмори) эронлик Муҳаммад Юсуф Табризийдир. Оқсарой Амир Темурнинг ёзги қароргоҳи бўлган. Саройнинг ҳовузларига эса Тахча қорача довонидан сопол қувурлар орқали сув келтирилган.

Шу боис бу шаҳар “Қуббат ул-илм вал-адаб” яъни “Илм ва одоб гумбази” унвонига эга бўлган.

Амир Темур пойтахт бўлмиш Самарқандга катта эътибор берди. Бу ерда Амир Темур амри билан Самарқанд қалъаси бунёд этилди. Самарқанд қайта қурилди. Шаҳар марказида бозор-тим қурилиб, унга олиб борувчи 6 та асосий кўча бунёд этилди. Шаҳарни бош майдони Регистон барпо этилди. “Шоҳи зинда” ансамбли, “Тукан оқа”, “Амирзода”, “Бибихоним” мадрасаси бунёд этилди. XIV аср 80-90 йилларида Номсиз ва Мирзо Бурундук мақбаралари қурилди. 1404-1405 йилларга келиб Амир Темурнинг хотини Туман оқа томонидан мақбара, масжид ва мажмуанинг бош қисмига олиб чиқувчи чортоқ қурилди. Амир Темур томонидан ўз даврида шайх Бурҳониддин Соғаржий хилхонаси - Рухобод барпо этилди [3.166].

Йўлларнинг икки томонига икки қаватли дўконлар, гумбазли расталар қурилди. Шаҳарда ички ва ташқи қалъа яратилди. “Кўксарой” ансамбли бунёд этилди. Шаҳар

ташқарисида “Боғи дилкушо”, “Боғи чинор”, “Боғи шамол”, “Боғи беҳишт”, “Боғи нав” номлари билан аталадиган чорбоғлар қурилди.

Кўксарой Темурийлар салтанатининг Самарқанддаги саройи. Амир Темур томонидан 1371 йилда қуриб битказилган. Тўрт қаватли гумбазли бино бўлган. Асосан ҳаворанг ишлатилгани учун Кўксарой деб ном олган. Кўксарой ичида резиденция, қабулхона, кутубхона, зарбхона, қамоқхона каби иморатлар ҳам бўлган. Чет эллик элчилар учун махсус меҳмонхона ҳам бўлган. Кўксаройда кўктошдан тарашланган тахт ҳам бўлган. Амир Темур авлодидан кимки тахтга даъвогар бўлиб зафар қозонса, Кўксаройга чиқарилган.

Бибихоним мадрасаси. Мадраса қурилиши 1399 йилнинг май ойидан 1404 йилнинг сентябрь ойигача давом этган. Қурилишда жами 200 та тош йўнар, 500 нафар тоштарош усталар ишлаган ва 99 та фил тошларни ташиб туришга сафарбар этилган. Мадраса 18000 квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, 10000 нафар одам жумаъ намозини ўқишига мўлжалланган. Кириш пештоқининг баландлиги 33,5 метр, узунлиги 46 метрни ташкил этади.

Гўри Амир мақбараси. Ўрта аср Самарқандининг жанубий-шарқий қисмида, Темурнинг набираси Муҳаммад Султон XIV асрнинг охирида бино қилдирган ансамбль қошида тикланган. Муҳаммад Султон 1403 йилда тўсатдан касалбўлиб, вафот этади. Амир Темур шаҳзодага атаб мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий бу бино “...осмон каби баланд гумбаз, деворларининг пастки қисми зарҳал ва ложвард билан безатилган мрамор тошдан қилинган”, деб таърифлайди. Лекин бу ишларни Амир Темур охирига етказа олмаган. У 1405 йилнинг бошларида вафот этди ва Муҳаммад Султон жасади ёнига дафн қилинди.

Гўри Амирга Амир Темур авлодлари дафн этилган. Бу ердан Соҳибқироннинг пири Мир Саййид Барака ва Саййид Умарнинг қабрлари жой олган. Буюк Соҳибқирон ўз жасадини унинг оёғи пойига қўйишларини васият қилади.

Амир Темур даврида Самарқанд мустаҳкам қалъа девори билан ўралди. Шаҳарга кириш тарафларига Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи олтита дарвоза ўрнатилди.

“...Амр этдимки, – деб ёзади Амир Темур “Тузуқлар”да, – катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, фақир мискинларга лангархона (мусофирхона) солсунлар, касаллар учун шифохона қурдирсунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саройи) қурсунлар...”[2.100].

Самарқанд Амир Темур даврида шаҳар кўркемлигини олий нуқтасига чиқди. Бутун Шарқ оламида Самарқанд энг кўркем, гўзал, бой, қудратли, илм-фан соҳиблари масканига айланди. Даврнинг энг яхши ижодий кучлари шу ерга йиғилган эди.

Амир Темур ўз давлатининг бошқа ҳудудларида бунёдкорлик ишларини олиб борганлиги тарихдан яхши маълум. Бухорога Самарқанддан кейинги иккинчи марказ, деб қаралиб, у ерда шахсан Темурнинг амру-фармони билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари ва бошқа иморатлар қўтарилган.

Амир Темур ҳар гал Бухорога ташриф буюрганида, дарвоза олдида отдан тушиб, Арккача пиёда борган. Бу унинг азиз авлиёларга ва волидаи мухтарамаси Тегинабегим Моҳни дунёга келтирган шаҳарга нисбатан юксак ҳурмати ифодасидир. Намозгоҳ масжиди, Чашмаи Аюб, карвонсарой, работлар ва бошқалар — Темурнинг вафотидан кейин ҳам Бухорога эътибор сусаймаган. Айниқса, Соҳибқироннинг суюкли набираси Мирзо Улуғбек шариф шаҳарнинг илмий-маърифий қимматини янада юксалтириш мақсадида қатор ишларни амалга оширган. У бу юртда иккита мадраса бунёд эттирган. Жумладан, 1417 йилда Бухоро шаҳрида, 1433 йилда Ғиждувонда барпо этилган.

Амир Темур даврида Бухоро Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган макон сифатида катта савдо ҳунармандчилик марказига айланади.

1385 йилда Амир Темурнинг фармонида асосан Аҳмад Яссавий қабри атрофига сўфийлар учун иморат солинган. 1395 йил Тўхтамишхон устидан қозонилган ғалаба шарафига иморат қурилиши бошланган ва 1405 йилда Амир Темурнинг вафоти муносабати билан бу бинонинг кириш қисмидаги ташқи безаш ишлари охирига етказилмай қолган.

Соҳибқирон Амир Темур 1397 йилда Занги ота обидасини бунёд эттирган (ҳозирги Тошкент вилояти худудида) , 1420 йилда Мирзо Улуғбек ушбу муҳташам ёдгорлик мажмуасини янада ривожлантирган.

Амир Темур даврида Қўқон-Зарафшон, Амударё ва Сирдарё орқали ўтиладиган кўприклар барпо этилди, Тошкент атрофида, Сирдарёдан Оҳангаронга каналлар ўтказилди. Шаҳар типидagi Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари бўлган.

Амир Темур бир қатор шаҳарларни Бағдод, Дарбанд, Байлақонни қайта тиклади. Соҳибқирон Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадрасалар қурдирган. Амир Темур, ҳатто, Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган. Чунончи, Қорабоғда бўлиб турган пайтида Соҳибқирон ўша атрофда узунлиги 60-70 км келадиган Барлос каналини қаздиргани ҳақида гувоҳликлар бор[4.192].

Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро, Шохруҳия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент ва бошқа кўпгина шаҳарлари ўзининг аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта аср Шарқининг ҳунармандчилик ривож топган аҳоли гавжум савдо марказларига айланди.

Шаҳарларда ҳунармандларнинг алоҳидалашуви билан боғлиқ бўлган янги-янги гузарлар, кўчалар, бозор

расталари, тим ва тоқлар (усту гумбазли бозор) – чорсулар вужудга келди. Хусусан, юқорида таъкидланган шаҳарларда заргарон (заргарлик), мисгарон (мисгарлик), сўзангарон (игнасозлик), совутсозон (совутсозлик), сангтарашон (тоштарашловчи), шишагарон, чармгарон (кўнчилик), камангарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби ҳунармандчилик мавзелари мавжуд бўлган.

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар яшаш), темирчилик ва бинокорлик етаки ўринни эгаллаган.

Мазкур даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадорлар ўртасида тўқимачилик маҳсулотларига талаб фоят катта бўлган. Шаҳарларда ип, ипак, жун, зиғир ва канош толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб тўқиб чиқарилган.

Мисгарлик мамлакатнинг катта-кичик шаҳарларида ҳам анча ривож топган. Мис ва жездан турли хил рўзғор буюмлари ясалган ва майда мис чақалар зарб қилингани ҳам маълум. Хусусан, Самарқанд ва Ҳиротда заргарлик ривож топди.

Олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан турли хил зеб-зийнатлар ва қимматбаҳо буюмлар ясаيدиган ва уларга нозик дид билан нафис бадий ишлов берувчи моҳир заргарлар сони кўпайган ва, албатта, уларнинг фаолияти ҳукмрон табақа вакиллари томонидан алоҳида қадрланган. Руи Гонсалес де Клавихонинг қайд этишича, "...Подшоҳнинг невараси Пирмуҳаммад миллий удумга биноан жуда яхши кийинган эди. Устида кўк беқасам яктак, яктакнинг икки елкаси, кўкраги ва енглирига биттадан зарҳал ҳалқа тикилган. Бошидаги қалпоғи йирик марварид ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, қалпоқнинг тепасига қадалган лаъл ёниб турарди". Одамлар жой-жойларига хотиржам ўрнашишгач, шоҳнинг катта хотини Канъо (Сарой Мулк хоним) кўшк ёнидаги сарпардаларнинг биридан чиқиб келди. Сарой Мулк хоним бундай кийинган эди: эгнида зарҳал безакли, этаги ерда судралиб турган узун

ва кенг, енгсиз ва ёқасиз қизил шоҳи кўйлак, кўйлак белидан ҳеч бир кесиб торайтирилмаган ҳолда этагигача кенгайиб борган. Маликанинг юзига юпқа оқ мато тутилган, бошида худди жангда кийиладиган дубулғага ўхшаш учли қизил бош кийим. Уларга кўплаб дурру ноёблар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил (қимматбаҳо) тошлар жуда чиройли қадалган. Бош кийимнинг зарҳал билан тикилган ва хоним елкасига тушиб турган қисмига ҳам қимматбаҳо тошлар ва дурри ноёб билан безатилган чиройли тилла баргак қадалган. Қалпоқ учи бамисоли жажжи айвонга ўхшайди, Ҳавқулудда чиройли, икки бармоқ йўғонлигида ял-ял ёниб турган, тиниқ учта дона ёқут ўрнатилган”[5.35].

Турли мамлакатлар билан кечган қизғин савдо, иқтисодий, маданий алоқалар натижасида янги ҳунар турлари тараққий этган, жумладан, шишасозлик ҳам. Самарқандда, ҳатто, шишасозлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзача, қадаҳ, сиёҳдон (довот), доридон, сурмадон, тувак ва сумақлар ҳамда бошқа турли хил рўзғор буюмлари ясалган. Муҳташам бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойлари қурилишида рангли ойналардан фойдаланилган.

Самарқанд ҳунармандчилигида, айниқса, қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори соҳилида қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Бу ерда эскирган бўз кийим, латта ва мос пахталардан бўтқа-қоғоз хом ашёси тайёрланиб, вароқлар қуйилган, сўнгра уларга сайқал берилган. Самарқанд қоғози сифат жиҳатидан хитой қоғози билан рақобатлаша олган ҳамда ўрта аср Шарқ хаттотлари орасида ғоят машҳур бўлиб, унинг бир қисми бирмунча четроқ ўлкаларга ҳам чиқарилган. Уни ишлаб чиқариш ҳунармандларнинг сири ҳисобланган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, Темурийлар даври ёзма манбалари Самарқанд қоғозига битилган.

Темур ва унинг ворислари мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг

кенгайишига кўп аҳамият берганлар. Бу даврда давлат ҳудудлари ва вилоятлари бўйлаб кесиб ўтган барча карвон йўлларида қатор катта-кичик работлар ва ёмлар барпо этилган, карвонсаройлар ва хонақоҳлар қурилган. Натижада карвонлар қатнови жонланиб ички савдо барқарорлашган. Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари”да шундай таъкидлайди: “Амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузулган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар курсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона курсинлар. Ва раияту зироатни қўриқловчи қурчилар ҳам тайинласинлар”[2.99-100].

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг марказий шаҳарларида тепаси том қилиб ёпилган янги-янги бозор – чорсуларнинг сони кўпайиб, расталар кенгаяди. Ички савдо гавжумлашиб, шаҳарлар билан деҳқончилик воҳалари ва кўчманчи чорвадор дашт аҳолиси ўртасида савдо-сотик алоқалари кенгайиб борган.

Мамлакат Амир Темур замонида катта бунёдкорлик майдонига айланди.

Тарих — инсоннинг баркамоллик йўли. Мозийни билмаслик ўзни англамасликдир. Ўзини англаган халқгина буюк кишиларнинг номларини эъзозлаб, руҳи покларини доимо ёд этади. Амир Темурнинг буюк маънавият соҳиби эканлиги диққатга сазовордир.

Тарих фанлари номзоди, доцент Бўри Қодиров ўзининг “Соҳибқирон маънавиятининг мустаҳкам пойдевори” номли мақоласида Амир Темурнинг юксак маънавият соҳиби занлигини қўйидаги унсурлар орқали очиб берган:

Биринчидан, Амир Темурнинг ота авлоди ва она авлоди илм-маърифатли инсонлар бўлган ва Соҳибқироннинг зиёли оилада тарбия топганлиги;

Иккинчидан, Амир Темур улуғ устозларининг тарбия олганиги;

Учинчидан, Амир Темур ислом илми ва маънавиятини мукамал эгаллаганлиги;

Тўртинчидан, Амир Темурнинг оила ва фарзандлар тарбиясидаги ўрни юксак эканлиги;

Бешинчидан, Амир Темурнинг ўз юртига ва халқига бўлган чексиз муҳаббати кучлилиги [6. 4].

Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида мамлакатда илм -маърифат ва маънавиятнинг ривожига алоҳида эътибор берган. Пойтахт Самарқандга замонасининг етук табиблари, оқил мутафаккирлари, забардаст шоирлари, йирик уламоларини тўплаб, уларнинг илм-маърифат йўлидаги фаолиятига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳомийлик қилиб, мамлакатда диний ва дунёвий илмларнинг равнақ топишига улкан ҳисса қўшди.

Темур яратган буюк давлат тарихи, унинг маънавияти ҳақида ёзма манбалар қолдирган Низомиддин Шоший, ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий, Фасих Ҳавофий кабиларнинг асарларида Амир Темурнинг буюк иқтидор ва куч-қудрат соҳиби экани қайд этилади.

Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашарди. Одатда у тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Амир Темур саройида уламолардан мавлоно Абдужаббор Хоразмий, мавлоно Шамсуддин Мунши, мавлоно Абдулло Лисон, мавлоно Баҳруддин Аҳмад, мавлоно Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқа хизмат қиларди.

Амир Темурнинг ҳаётда амал қилган тартиб эътиқодларидан бири, бу – китоб битиклар кутубхонасини ташкил этиш эди. Чунки узоқ Бурса шаҳридан Самарқандга яхлит бир кутубхонани кўчириб келтириш фақат Темур

маънавиятига хос тафаккур эди. Темурнинг фикрича, “китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўрнатувчи мураббийдир”. Гарчи бу сатрлар Темур номидан халқ тилида айтилган ривоятларда келтирилган бўлса-да, у Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки унинг ўғитларида “ёзилган нарсавалодлар хотирасида қоладиган ишлардан ҳам узоқроқ яшайди”, деган ҳикматли сатрлар мавжуд.

Амир Темурнинг бутун ҳаёти ва фаолиятида ижодкор шахснинг янгилик яратиш ва кашфиётлар қила олиш қудрати кўзга яққол ташланиб туради.

Соҳибқирон чин дўстликнинг қадрига етган ва садоқатли дўстликка муҳим аҳамият билан қараган. Унинг :”Яхшиларга - яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилса қадрладим, дўстлигини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим” [2.56].

Темур инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди. Шунинг учун ўз муҳрига “адолат” ва “озодлик” деган сўзларни ёздирган эди. У ана шу икки сўзга умрининг охиригача содиқ қолган.

Амир Темур давлат бошқарувида “Рости русти”, яъни “Куч адолатдадир” тамойилига асосланиб бошқарган. У ушбу шиорни ҳамиша ўзи билан бирга эканлигини рамзи сифатида узугига ёздирган. Унинг оилапарвар, юртпарвар эканлигини фарзанд ва невараларига айниқса, Сарой Мулк Хоним ҳамда келинларига бўлган эътиборнинг кучлилигини Темуршунос олим Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар”[7] асари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Амир Темур мамлакатни юксак маънавият билан, тафаккур билан бошқарган инсонгина узоққа бориши мумкинлигини ҳис этган.

Амир Темур маънавиятининг мустаҳкам пойдевори асрларга юз тутиб келаётгани, йиллар ушбу пойдевор тўзонида тўзимасдан, аксинча, янада сайқал топаётгани сири ҳам, шубҳасиз, шундадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1.Амин Маалуф. Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб... - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. - Б.3.

2.А.Темур тузуклари. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.- Б. 56, 99-101.

3.А.А.Одилов.Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви асоси. —Т.: «Fan va texnologiya», 2016, - Б. 165-166.

4.Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги. - Тошкент : «Шарқ», 2000. - Б. 192.

5.Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) - Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2010. - Б. 35.

6.Янги Ўзбекистон. 2021 йил 10 апрель. Б.4.

7.Турғун Файзиев. Темурий маликалар. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1991, Б. 3-18.

8.Умаров Э. ва бошқ. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Шарқ, 2005.

9 .www.ziynet.uz

10.www.vikipediya.uz

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ: ИЛМ, ФАН, МАЪНАВИЯТ РИВОЖИ

Лола Саодатова,

*Республика Маънавият ва маърифат маркази
Қашқадарё вилояти раҳбари*

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз тарихимиз, маданиятимиз, буюк алломалар, буюк саркардалар, давлат арбоблари ҳақида ҳолисона фикр билдирилиб, илмий-амалий, бадиий асарлар, анжуманлар ўтказилди, давр тарихига доир қимматли маълумотлар умумлаштирилди ва янгича мазмун-моҳият касб этди.

Соҳибқирон Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, нотик, руҳшунос шу билан бирга эл-юртни, халқни севган, бунёдкорлик, илм-фан, маданият ҳомийсидир.

Мазкур давр тарихини ўрганишда аввало ушбу даврда яратилган асарлар, олимларнинг қарашлари, маънавий мерос намуналари давр тарихини янгича ёндашувлар асосида ўрганиш имконини беради.

Амир Темур нафақат марказлашган давлат тузиш, бошқарув, ҳарбий маҳорат соҳасида балки, одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод, таълим-тарбия борасида ҳам юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга буюк саркарданинг устози, маънавий раҳнамоларига кўрсатган эҳтироми ҳам яққол мисол бўлади.

Бу борада гапирганда, Амир Темур ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насиҳатларини ҳамда у ҳақида яратилган қатор тарихий асарларни келтириш мумкин.

Жумладан, “Тузуки Темурий”, “Малфузоти Темурий”, “Воқиоти Темурий” номлари билан жаҳонга машҳур бўлган асарлар ва XV аср муаррихи Фосих Аҳмад Ҳавофийнинг “Мужмал-и Фосихий”, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин

Али Яздийларнинг машҳур “Зафарнома” лари, ибн Арабшохнинг “Ажойиб ул-мақдур фи-ахбори Темур”, Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин ҳожа Эшон (Салоҳиддин Тошкандий) нинг “Темурнома” каби асарлари шулар жумласидандир.

Амир Темур бобомизнинг тузукларида қайд этилган воқелар, панд-насиҳатлар нафақат XIV-XVI асрларга тааллуқли, балки бугунги кунда ҳам, келажак авлод учун ҳам мардлик, адолат, олижаноблик, ватанпарварлик, чин инсонийлик каби фазилатларни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Амир Темур шахсида биз ўша замоннинг энг етук маънавият соҳибини кўрамиз. Манбаларда Амир Темур шахсига баҳо бериб, “у аввалги аждодлар тарихини яхши билган, уларнинг хатолари ва ютуқларидан хулоса чиқара олган, эгаллаган ҳар бир билимини амалиётга қўллай олган зукко инсон эди. У ахлоқи ва одоби камолотга етган, иймони бақувват, адолат учун курашадиган тўғрисўз, бир умр ўрганишдан чарчамайдиган ҳукмдор эди” – дейилади. У диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган бўлиб, мажлиси олиму-уламолар билан бошқарилган.

Амир Темур ва темурийлар даври ўрта асрлар даврининг ҳақли равишда “иккинчи уйғониш даври” сифатида эътироф этилиши, бу даврда етишиб чиққан жаҳонга маълуму-машҳур зотларнинг дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳам салмоқли ва ўринлидир.

Хусусан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзо каби шоҳ ва шаҳзодалар, темурий маликалар Темурийлар маънавияти пойдеворини ўзларининг илм-маърифатга бўлган ҳурмати туфайли мустаҳкамлаб бордилар ва бу йўлда ўз ҳисобларидан кўплаб қурилишлар, бунёдкорлик ишлари ва ташкилий-молиявий ишларни амалга оширдилар.

Темур ва темурийлар даври, умуман Шарқ, хусусан Ўрта Осиё илм-фани, маданияти, маънавияти, адабиёт ва санъати ривожига муҳим босқич, янги тарихий давр,

бурилиш давридир. Бу давр IX-XII асрлардаги маънавий-маърифий ҳаётдаги ривожланиш ва юксалишнинг мантикий давомидир. Ўрта Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди ҳудди шу даврда шаклланди ва ижод қилди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар: Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, олимлардан: Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, файласуф-шоирлардан: Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий, мусаввирлардан: Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, ҳаттотлардан: Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукамал билиб, ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларининг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм эгалари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серқирра ижодлари, тенги йўқ ва такрорланмас илмий-фалсафий, бадий, тарихий асарлари асрлардан-асрларга ўтиб, замон синовларига бардош бериб бизларгача етиб келди. Мустақиллик туфайли жаҳон маънавияти ва маърифати саҳнида ўз ўринларига эга бўлган комил аجدодларимизни ва улар қолдирган бой маънавий-маърифий меросни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш имконияти юзага келди. Ота-боболаримиз, хусусан буюк давлат арбоби, маърифат ҳомийси, юксак маънавият эгаси Амир Темур ва унинг авлодлари қолдирган мероси бугунги кунда халқимиз учун руҳий-маънавий покланиш ва миллий ўзликни англаш учун туганмас маънавий бойликдир.

Темурийлар сулоласининг муносиб давомчиларидан, давлат бошқаруви ва илм-маърифат йўлини биргаликда олиб борган Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбек ҳам жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган

сиймолардан биридир. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқандда 2 та кўркам мадраса қурилди. Уларда диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам сабоқ берилган. Бошқа машҳур олимлар қатори унинг ўзи ҳам ҳафтада бир маротаба бу мадрасаларда ёшларга дарс берганлиги таъкидланган. Кейинчалик Бухоро ва Ғиждувонда ҳам мадрасалар қурилди, Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда ва Регистон мажмуалари қурилиши якунига етказилиб, бошқа шаҳарларда ҳам карвонсаройлар, тим, чорсу, ҳаммом каби иншоотлар барпо этилди.

Улуғбек кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлиб, у айниқса адабиёт, тарих, математика, астрономия соҳаларига қизиқди. Унинг энг буюк ишларидан бири - Самарқанд шаҳрида ўзига хос Академия ташкил этганидир. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олим Улуғбек раҳбарлигида фаннинг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борган. Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий), Низомиддин Абдул Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандий, Мавлоно Ҳавофий каби олимларнинг аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий хулосалари салмоқли бўлган. Улар Хоразм Маъмун академияси анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Алломалар болага ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоясини илгари сурадилар, схоластик ўқитиш ва қаттиқ интизомга қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, ўқиш болада билимларга қизиқишни уйғотиши керак.

Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг Самарқанддаги фаолияти XIV-XV асрларда мадрасаларнинг фанлар ривожини таъминловчи марказлари вазифасини бажарганлигини кўрсатади. Мирзо Улуғбек Самарқанднинг ҳукмдори бўлиши билан бирга астроном, математик ва тарихчи сифатида машҳур бўлган. Шунингдек, алломанинг моҳир педагог ҳам бўлганлигини тарихий далиллар қайд

этади. Чунончи, аллома кўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялаган. У одамлар, айниқса ёшларнинг илмий билимларни ўрганишларига катта аҳамият берган.

Аллома ўз давлатида таълим соҳасида жиддий ислохотларни ташкил этди. У мадрасаларни давлат таъминотига ўтказди, мударрис (ўқитувчи)ларга ойлик иш ҳақи белгилаган, шогирд (талаба)ларга стипендия ажратган. Мирзо Улуғбек мадраса дастурларига қуйидаги фанлар: араб тили, адабиёт, Қуръон, Ҳадис, риторика, мантиқ, фалсафа, фикҳ (қонунчилик), метафизика, математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих каби фанларни киритади.

Мутафаккир томонидан барпо этилган ҳамда ўзи бевосита таълим берган мадрасаларда ўқиш “анда” (кичик) – ўқиш муддати 2 йил, “ауст” (ўрта) – ўқиш муддати 3 йил, “аъло” (олий) – ўқиш муддати 3 йилдан иборат босқичларда олиб борилган. Бундай ёндашувни ҳозирги таълим тизимимиздаги босқичма-босқич, соддадан мураккабга қараб билимларни эгаллаш босқичига ҳам қийёслашимиз мумкин. Айни вақтда улар ўрта аср европа университетлари учун ҳам хос бўлган.

Буюк истеъдод эгаси сифатида аллома илмий фаразлари, қарашлари билан ўз давридан бир неча асрларга илгарилаб кетган. Деярли 600 йил аввал Муҳаммад Тарағай Улуғбек қуйидаги аксиомани илгари сурган: билим олишга интилиш давлат равнақига йўл демакдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги тажрибаси мазкур фикрни тўла тасдиқлайди.

Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда соҳибқирон Амир Темурнинг саъй-ҳаракати ва бевосита раҳнамолиги натижасида илм-фан, маданият, меъморчилик гуллаб-яшнади. Темурийлар орасидан илм-фан фидойилари, хусусан, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ва бошқа кўплаб бу даврда фаолият олиб борган турли соҳа намояндалари етишиб чиқди. Мазкур даврдаги маънавий

меросни ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Амир Темур ўғитлари. Т., Чўлпон, 1992.
- 2.Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат (мақолалар тўплами). Т.,1996.
- 3.Аҳмедов Б.. Буюк Темур. Т., 1996.
4. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., Фан, 1993.
- 5.Темур тузуклари.(форсчадан кўчирма). Т., 1991.
- 6.Тўхтажўжаева М.Х. Педагогика. – Тошкент, 2005.
- 7.<http://xorazmiy.uz/>
8. <https://www.hidoya.uz>

ЖАДИД ТАРАҚҚИЙПАРВАРИ ҒОЗИ ЮНУС ВА ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ

Алижонов Муслимбек Бахтиёржон ўғли

*ЎзР ВМ ҳузуридаги Қатағон қурбонлари
хотираси давлат музейи катта илмий ходими*

Марказий Осиёнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихи ўзининг мураккаб ва қарама қаршилиқ жараёнларига тўлалиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса ушбу асрларда юзага келган, шаклланган ва 1917 йилга келиб амалий жиҳатдан кучли сиёсий ҳаракатга айланган жадидчилик ҳаракати ва ушбу ҳаракат намоёндаларининг фаолиятини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жадид тараққийпарварлари ичида Ғози Юнус ҳам ўзининг ўрни ва роли борасида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса унинг ўзбек давлатчилигининг XX аср бошларидаги ёрқин наъмунаси бўлмиш Туркистон Мухториятининг фаолияти ва унинг ҳимояси йўлида даврий матбуот саҳифаларида эълон қилган мақолалари Ғози Юнуснинг нечоғлиқ миллатпарвар ва тараққийпарвар шахсиятлардан бўлганлигини кўрсатади.

1917 йилнинг 27 ноябр куни Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг навбатдаги конгресси чақирилиб, яқунда 54 кишилиқ Кенгашга бўйсунувчи саккиз аъзолик “Туркистон Мухториятининг муваққат ҳукумати”ни сайлади ва Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган воқелик Туркистон Мухториятига асос солиниб, маҳаллий халқ бўлмиш туркистонликлар яна бир бор давлатчилик меъросига эга эканликларини исботлашди.

Яна шуни илова қилмоқ керакки, Мухториятни барпо қилиш маҳаллий бойларнинг ҳам, диндорларнинг ҳам фикри эмас, балки 1865 йилда генерал Черняев билан шартнома тузган, миллий мустақилликни ҳар нарсадан устун қўйган Мулла Солиҳбек ва унинг тарафдорлари ҳамда тараққийпарвар зиёлилар: Маҳмудхўжа Беҳбудий,

Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдувоҳид қори Абдурауфқориев 1907 йилдан буён Россия давлат думасига мурожаатида илгари суриб келаётган ва бир қатор мусулмон қурултойларида қайта қайта такрорланган фикр мулоҳазалар ҳосиласи эди [8:5].

Алоҳида таъкидлаш керакки, ўлка тараққийпарварлари тўла мустақилликни эмас балки автонимия шаклига эга бўлган ҳокимият бошқарувини талаб қилишган эди. Бу борада Маҳмудхўжа Бехбудий “Федерация, яъни Мухторият, биз Туркистон мусулмонлари истаймизким, Русия мамлакатага ёпишиб туруб, хорижий ва ишларга анинг ила бир бўлиб туруб, доҳил (ички М.Алижонов) ишлар ва тирикчиликларимизни ўзимиз идора этсак, мунинг кайфияти шундай бўлур” [5:2]. Айтиш мумкинки, бу вақтинчалик чора бўлиб, Мухторият сифатида Туркистон куч тўплаб олгач кейинчалик тўла мустақиллик учун ҳам албатта сиёсий ҳаракатлар амалга оширган бўлар эдилар.

Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши ўша давр тараққийпарварларининг барчасини хушнуд этди, тўлқинлантирди. Жумладан Абдурауф Фитрат: “Туркистон Мухторияти...Темур ҳоқонининг чин болалари ёнида, Туркистоннинг тубжой турклари орасинда, бундан ғурурлик, бундан муқаддас, бундан суюнчлик бир сўзни борлиғига ишонмайман. Туркистон туркининг қонини қайнатгувчи, иймонини юксалтиргувчи бир қувват бор эса, ёлғиз шу сўзда бордир: Туркистон Мухторияти” [2:1] деб ифтиҳор қилди. Бу фикрни “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1926 йил 10 декабр сонидаги мақоласи билан Маннон Рамз ҳам қўллаб қувватлайди: “Бундан илгари бўлгон мусулмон қурултойлари бўлсун, Туркистон ва умумий Русия қурултойлари бўлсун, ҳаммаси бир оғиздан деярлик Туркистонга Мухторият олишнинг лозим эканлиги тўғрисида қарор қилгон эдилар. Болшевиклар ҳукуматининг бошлиғи Ленин ҳам сўнги фармонида Русияда яшагон миллатларга, шу жумладан қозоқ, билан Туркистон мусулмонлариға муҳтойита эълон қилиб, ўз ишларини ўз қўллариға олиш мумкин эканлигини баён

қилди. Шунинг учун бу кун Туркистон қурултойининг Туркистонни Мухториятли деб эълон қилиши халқ ва ҳукумат тилагига ҳилоф эмас эди” [6:2].

Мухториятнинг эълон қилиниши ўлка зиёлиларини чинакамига тўлқинлантириб юборди. Миллий матбуот Мухториятни олқишловчи шеър ва мақолалар билан тўлди. Шавқий Шахрихоний, Чўлпон, А. Беги, Ҳидоятулла Алиев, Саид Сунчалай, Ҳамза Ҳакимзода, Ғулом Зафарий, Мухтор Бакр каби зиёлилар матбуот саҳифалари орқали халқни Мухториятнинг ташкил этилиши билан қутлаб, уларни бирликка чақирди. Жумладан Ҳидоятулла Алиев “Туркистонга шеърида:

“Кўрмайсанми олдда нурлар сочуб,

Чиқди сенинг ботқон қуёшинг...

...Керак сенга бикрак, кучли тўпқа

Қаршу туратурғон эрларинг.

Жонин, танин шунга қурбон этуб,

Сақлай турғон эрларинг” [3:4] деб ёзди.

Ғози Юнус ҳам тараққийпарвар зиёлилар қатори Туркистон Мухториятининг ташкил топганлигидан ҳурсанд бўлди ва ўзининг кўплаб мақолаларида қизғин қўллаб қувватлади. Жумладан Ғози Юнус “Ишчилар дунёси” журналида фаол тарзда Туркистон Мухториятининг легитимлигини сақлашга, мустақкамлашга чақирди ва ушбу Мухториятнинг ноқонуний тузилганлигига доир фитна назарияларни қатъийян рад этди. Жумладан унинг “Тошкент масжиди жомеъинда 5 январ, жума куни “Уламо жамияти” тарафидан катта йиғин бўлиб, Умумтуркистон учун зўр кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Тарихда Туркистон учун бир қаро саҳифа очилди” жумлалари билан бошланувчи “Туркистон учун хўрлик” мақоласида, мавжуд вазиятга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилади [1:94], шунингдек масжидда йиғилган уламоларнинг Туркистон Мухториятини қўллаб қувватлаш ўрнига, аксинча унга нисбатан ишончсизлик билдирганлигини қаттиқ қоралади. Муаллиф: “Кечагина масжиди жомеъда қарийб икки юз минг бир оғиздан аҳд қилиб, такбир айтиб, йиғлашиб Хўқанддаги

муваққат ҳукуматга байъат қилиб, керак бўлса жонимиз, молимиз, қонимиз билан ёрдам қилмоққа вада қилуб тарқалиб эдик. Яна иккинчи маротаба муваққат ҳукуматга содиқлигимизни ажнабий миллатларга кўрсатмак учун 13 декабрда ёшу қари, уламою ишчи байроқлар кўтариб намоиш ясаб, иккинчи қайтадан муваққат ҳукуматга содиқлигимизни изҳор қилдик. Маъал таъассуф орада ҳеч қанча фурсат ўтмасдан муваққат озми кўпми ишлаб турганидан бир тўда лойқа сувдан балиқ овлайдирган иртижопараст Мухторият душманлари масжиди жомеъда одамлар ўртасида Мухторият хусусинда сўз кўзғотиб, содда халқнинг кўзига бир дона тухумни етмиш ҳил бўяб кўрсата бошлади. Бечора бизим халқ камоли софдиллигидан бул жанобларнинг ноҳақ сўзларин ҳақ фаҳмлаб ҳаяжонга келдилар” [9:7] деб ёзади.

Бошвиклар ҳукумати Туркистон Мухториятини ҳарбий куч билан йўқ қилиб ташлашдан олдин аввал халқ ўртасида унинг обрў эътибори ва легитимлигини парчалашни мақсад қилган эди. Буни албатта кўпчилик давр зиёлилари цингари Ғози Юнус ҳам чуқур англаган. Шу боисдан ҳам у: “...муҳтарам уламоларимиздан, суюкли ёшларимиздан ўтинамизки, бундан буён ҳар икки тараф ҳам соф бўлиб ҳаракат қилинғиз. Уламоларимиз қора халқ бизнинг орқамизда деб Туркистонга уят келтирадирган ишни ишламасунлар. Ёшларимиз ҳам ўз фойда зарарини ажратолмаган халқимиз учун кеча кундуз раҳмат ўрнига лаънат эшитиб, бошдан оёқ куфр печати билан печатланиб, охири ўртада бирор қонли воқеа бўлиб, бадбаҳт Россиянинг аҳволи Аллоҳ сақласун, бизим Туркистон бошига тушмасун деб кўрқамиз” [9:8] деб ёзган ҳолда, халқни Мухториятни асраб қолиш йўлида ўзаро ихтилофларни бас қилиб бирлашишга чақирди. Ғози Юнус қуруқ қоғизда Мухторият деб қўйилгани билан тузилиб қолинмаслигини, бунинг учун Туркистонда яшовчи олти ёшдан олтмиш ёшгача (яни барча М.Алижонов) чин дилдан исташи ва бу йўлда жидду жаҳд қилиши лозимгини урғулаб, халқни давлатчиликка доир масалаларни тинч ва демократик тамойиллар

асосида овоз бериш йўли билан ҳал этишга чақиради. Бироқ муаллиф энг аввало ана шу овоз бериш маданиятини шакллантириш лозимгини қайд этиб, бу борада Туркситон халқининг маданияти ўта саёз эканлигини очиқ ойдин таъкидлайди: “Маданий миллатлар каби қўл кўтарганда масалани ҳал бўлишини билмасмиз, Эшмуҳаммад қўл кўтарса, Тошмуҳаммадбой қўл кўтарадир. Уламо қиёфатида бир киши минбарга чиқиб “Бизларга оқ керак” деса, “Ҳа тақсир оқ керак”, агар қора керак деса “Ҳа тақсир, албатта қора керак” деб қичқирадир” [9:10]. Ғози Юнус ўзининг юқоридаги сўзлари билан халқнинг ижтимоӣ сиёсий онгининг қай даражадалиги хусусида ҳам маълумот бермоқдаки, муаллифнинг истаги ким қаёққа еталаса кетаверадиган мавжудотни эмас, балки мавжуд ҳолатни ва тарафларнинг ўзаро даъволарини таҳлил қила оладиган, шундан сўнггина хулоса чиқара оладиган шахслар оммасини (яни ҳуқуқий онг кенг миқёс отган жамиятни) яратиш нечоғлик зарур эканлигига ишора қилади.

Ғози Юнуснинг Мухториятни ҳимоя қилиб ёзган мақолаларининг ичида “Диний мажаллада эътиборсизлиқ” фелетони айниқса муҳим ҳисобланади. Ушбу фелетон “Уламо” жамиятининг нашри афкори бўлмиш “Ал Исоҳ” журналида Мулла Пирмуҳаммад Аълам имзоси билан эълон қилинган “Баёни ҳақиқат зарифона” номли мақолага раддия ўлароқ ёзилган. Мақола муаллифи бўлмиш Мулла Пирмуҳаммад Аълам ўзининг олдиға ҳали турмуш қурмаган ва никоҳсиз ҳомила орттирган аёл келганлигини, унинг бу иши шариатга зид эканлигини, бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини айтиб унга танбеҳ берганлигини ёзади. Аёл кетгач гўёки муаллиф ҳаёлға чўмиб Туркистон Мухторияти ҳамгўёки никоҳсиз (ношаръий) туғилганлигига шама қилади. Ушбу мақола Ғози Юнусни ҳақли равишда ғзабини келтирган. Шу боисдан ҳам у уламолардек катта жамиятнинг юзи ҳисобланган журналда бундайин савиясиз ва туҳматдан иборат мақолани чоп этилишини қаттиқ қоралайди: “Ақли қосиронамизча Савол миқдор хонимнинг ғайри машруғ бўлган ҳомиласи аълам жанобларининг ўз

пушти камарларидан бўлган бўлса керак. чунки бул киши бирлан донлашиб юрганига ўзларин иқрорларинча ўн ойдан зиёдароқ вақт бўлди. Агарда хонимнинг муддати ҳомиласи тўлуб ўғул туғса исмин Москов сездига бағишлаб “Мулла Мусовот” қўюлса, бул шум қадам агарда ўлмасдан катта бўлса, Тошкентдаги масжид, мазорларни сотиб ақчасига аълам жаноблариға ўхшаш мусаллас олиб ичиб битурадир” [4:60 63].

Бироқ Болшевиклар ҳукумати гарчи Полша, Финландия, Украина, ҳатто Арманистон мустақиллигини тан олган ҳолда, Туркистон Мухториятининг мустақиллигини тан олмади. Натижада 1918 йил январ ойининг охири феврал бошида Туркистон Мухротияти қонга ботирилди.

Бу ҳунрезликлар ўзбек зиёлиларини қаттиқ тушкунликка тушуриб, бутун умидларни пучга чиқарди. Масалан, “Яшасун Туркистон Мухторияти! Яшасун муслмон ишчилари шўроси” шиорлари остида чоп этилган “Ишчилар дунёси” журналида Ғози Юнуснинг “Ким айбли?”, “Хурриятми, ёки истибдод?” номли мақолалари ана шундай руҳда ёзилган. Ғози Юнуснинг “Ким айбли?” мақоласида ўзининг чинакам шахсий жасорат наъмунасини кўрсатиб Мухториятни қонга ботиришдаги вахшийликларни очиқ тарзда ёзди ва бу фожианинг асосий айбдорлари сифатида Ленин ва Тротский эканини очиқ таъкидлади: “Арман вахшийлари тарафидан юзлаб бошлари узилган, арман мазолим динчилари тарафидан номуслари пораланиб сўнг милтиқ учиға қўтарилган бокира заволли қизлар ким? Интиқомни туркистонлилардан оламиз, деб салла ўраб, муслмонлар тарафида бўлиб, салла чўпонини ташлаб, қўллариға қурол олиб, истиқболимизнинг чечакларини қирмоқ учун жасорат этган, у тўп, пулемётларни қулоғини бураган, муқадсдас масжид ва мадрсаларимизни отдирғон, бутун шаҳарни ҳароб қилғонда том, уй, остинда “во ҳасрато” деб фиғонларин қилғонда, ошуриб оғизларинда “миллат” деб калимайи шаҳодатни талқин қилиб жон берғон ҳарбадалар ким? Тақдирми, айбли? Ё бўлмаса Мухторият олингиз, умуммуслмонлар бирлашингиз деб исрофил сурини таратган олий марҳаматли товариш Тротский ила

Ленин афандилар айблими?" [7:4]. Мухториятнинг қонга ботирилиши ҳокимият тепасига келган болшевикларнинг асл юзини очиб, уларнинг ҳам мустамлакачи чор ҳукуматидан фарқсиз, ҳатто ортиқ даражада золим эканлигини кўрсатди.

Ғози Юнус жаид ва фаол жамоат арбоби сифатида XX аср бошларидаги тараққийпарварлик жараёнларида фаол иштирок этди. У жаид тараққийпарварлари қаторида халқнинг азалий ва ўз ечимини кутиб ётган муаммоларини дадил кўтариб чиқиб, жамият ва ҳукумат эътиборини уларга қаратишга ҳаракат қилди. Шунингдек Ғози Юнус Туркистон мухториятини ҳам қизғин қўллаб қувватлаб, ёш давлатни асраб қолиш ва легитимлигини мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб борди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Б. Ирзаев. Туркистон мухторияти тарихини ўрганишда муҳим манба. "Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли" мавзуйидаги Республика илмий амалий анжумани материаллари. -Т.: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси. 2017. -Б. 94.

2. Фитрат. Мухторият // Хуррият. 1917 йил 5 декабр.

3. Ҳ. Алиев. Туркистонга // Улуғ Туркистон газетаси. 1918 йил 6 январ.

4. Ишчи (Ғози Юнус) // Ишчилар дунёси журнали. 1918 йил 1 март. 4 сон, 60 63 бетлар.

5. М. Беҳбудий. Ҳақ олинур берилмас // Хуррият. 1917 йил 13 июл.

6. М. Рамз. Туркистон Мухторияти ҳақида // Қизил Ўзбекистон газетаси. 1926 йил 1 декабр.

7. Мулла Ғозий (Ғози Юнус). Ким айбли? // Ишчилар дунёси журнали. 1918 йил 5 март, 5 сон.

8. С. Аҳмад. Миллий хуррият адабиёти. -Т.: Инфо капитал групп. -Б. 5 51.

9. Ғози Юнус. Туркистон учун хўрлик // Ишчилар дунёси. -1918 йил 4 январ. -№1.

ЖАДИДЧИЛИК ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ

Ўлмасхўжаев Зоирхўжа Аббос ўғли,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти
Илмий экспертиза бўлими кичик илмий ходими

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.[1]

Туркистон ўлкаси халқларининг миллий мустақиллик учун кураши икки йўналишда кечди. Биринчиси - қуролли кураш, қўзғолонлар йўли бўлиб, 1892 йилдаги Тошкентда юз берган «вабо қўзғолони» (ёки «тошотар воқеаси»), 1898 йилда Андижон вилоятидаги Дукчи ешон, 1916 йил мардикор воқеалари, кейинчалик, ўлкада болшевиклар ҳукмронлиги ўрнатилишга қарши «босмачилик» ёки қўрбошилар ҳаракати деб ном олган миллий-озодлик кураши ушбу йўналишдаги машҳур воқеалардандир. Иккинчиси, маданий-маърифий йўналиш бўлиб, бу йўлнинг асосий мақсади халқ маданий-маърифий савиясини ошириш, миллий иқтисодни янги излардан юксалтириш йўли билан, вақти келганда ниҳоятда қудратли ҳарбий-сиёсий мавқега ега бўлган Россия ҳукумати билан баъзи келишув, муросайи мадора усуллари билан Йевропанинг илғор идора усулларини ўзлаштириб, миллатнинг ҳақиқий озодлигини таъминлаш еди. Бу икки йўл баъзан бир-бири билан яқинлашар, баъзан ўзаро зиддиятга киришар, аммо амалда бир-бирини тўлдириб, қувватлаб боровчи йўналишлар еди. Маърифатчилик йўли Аҳмад Дониш, Фурқат, Феруз каби XIX аср иккинчи ярмида фаолият кўрсатган юрт улуғлари ташаббуси билан бошланиб, XX аср бошида жадидлар ҳаракатида ёрқин намоён бўлди. Ҳар икки йўналиш ҳам XIX аср охирида кичикроқ кўламларда бошланган бўлса, XX асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бутун минтақада ялпи ривож олиб, Миллий Уйғониш ҳаракати даражасига кўтарилди. Бир тарафдан Туркия, Миср, Ерон, Хитой каби Шарқ мамлакатларидаги янгиланиш тўлқини, иккинчи тарафдан, Россия ва Кавказорти

ўлка мусулмонларининг таъсирида Туркистонда Янги давр нафаси шиддат билан уфура бошлади. Маҳаллий ишбилар-монлар Йеуропа билан савдо-сотиқни кенг йўлга қўйдилар, янгича тусдаги ишлаб чиқариш корхоналари - пахта тозалаш, ёғ заводлари қурила бошланди. Банк тизими жорий етилди. 1884 йилда Боғчасаройда нашр етилаётган «Таржумон» газетасига Туркистондан 200 киши обуна бўлди, ўша йилларда Тошкентда Саидғани Саидазимбой, Шариф-хўжа қози, Муҳиддинхўжа қози каби илғор фикрли кишилар маҳаллий болалар учун янгича (рустузем аталмиш) мактаблар очилишига ҳомийлик қилдилар. 1901 йилдан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқанда Ғаспирали Исмоилбек ишлаб чиққан «усули жадид» (ёки усули савтия, яъни савод чиқаришнинг товуш тизими) асосидаги янгича мактаблар иш бошладилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурый, Сиддиқий Ажзий, Ашурали Зоҳидий, Лутфулла Олимий, Абдуррауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифат фидоийлари майдонга кириб келди. Янгича тизимдаги мактаблар учун Исмоилбекнинг «Хўжайи сибён» (Болалар муаллими) асаридан ибрат олиб, Саидрасул Саидазий «Устои аввал», Мунавварқори «Адиби аввал», Абдулла Авлоний «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» каби ўқув қўлланмаларини яратдилар. Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳидийлар ҳисоб, жуғофия, адабиёт, тарих фанларидан дарсликлар ёза бошладилар. 1906 йилдан «Тараққий», «Хуршид», 1914 йилдан «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» ва бошқа қатор газеталар, 1913 йилдан мунтазам равишда Беҳбудий муҳаррирлигида «Ойна» журнали нашр етила бошлади.

Янги маърифатчилар томонидан Бухорода 1908 йилда «Тарбият ул-атфол», Тошкентда 1911 йилда «Турон» жамияти тузилди. Шу йили янгича тафаккурли ислом уламози, муфти Беҳбудий янги давр ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» миллий фожиасини яратди ва 1914 йилда Самарқанд ва Тошкентда бу ибратли томоша сахна

юзини кўрди. Театр томошаси янги давр маърифатчилари томонидан халқ маърифатини юксалтиришнинг энг самарали усули – ибрат мактаби сифатида ҳаётга кенг жорий етила бошлади. 1914-1916 йиллар орасида ўндан ошиқ драматик асарлар Самарқанд, Тошкент, Қўқон шаҳарларидаги театр труппалари томонидан сахнага қўйилди ва халқ орасида шуҳрат қозонди. Хожи Муин, Абдулла Бадрий, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби янги-янги драматурглар бу ишга бош қўшдилар. Туркистонда Миллий Уйғониш ҳаракатининг улуғ етакчиси ва байроқдори бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий фақат биринчи драматург бўлибгина қолмай, миллий театр санъати назариясининг ҳам илк асосчиларидан ҳисобланади. У ўз вақтида Саидахмад Васлий, Фазлулваҳҳоб қори каби театр санъатини шаръан ҳаром деб исбот қилмоқчи бўлган ески уламоларнинг чиқишларига жавобан исломий манбалар ва мантиқий далилларга таяниб, театр санъатининг «дарсхонаи ибрат» ва шаръан савоб еканлигини исбот қилиб берди. Россия императори Николай II нинг мустамлака ўлкалар маҳаллий аҳолисини мардикорликка жалб қилиш ҳақидаги 1916 йил 25 июнда чиқарган фармони бутун ўлкада истибдодга қарши умумхалқ кўзғолони бошланиб кетишига сабаб бўлди. Тош, таёқ, кетмон, паншаҳа каби қўлига тушган нарс билан юрт қонини сўриб ётганларга қарши ғалаёнга кўтарилган аҳоли жуда оғир қурбонлар берди. Подшоҳ амри билан 3 мингдан ошиқ киши судга берилиб, 347 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Жаидлар ушбу стихияли ҳаракатга бошланишидан қарши бўлдилар, улар ғалаёнларга йўл қўймаслик, қуролсиз аҳолининг қўлида замонавий қурол-яроғ билан юқори ҳарбий тайёргарликка ега бўлган мустамлакачи жазо қўшинларига рўбаро бўлмаслиги учун бутун имкониятларини ишга солиб уриндилар. Чунки уларнинг ақидасига кўра мавжуд шароитда жаҳолат, исён йўли билан миллат ўз мақсадларига ериша олиши мумкин емас, фақат тинч ислохотлар ва маърифат билан ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин еди. Жаидлар

душманнинг маккор ўйинларини чуқур тушунар едилар. Фитрат ёзади: «Зотан қурол кучи билан бир миллатни йўқ етмак қулай, бор етмак мумкин емасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сари жўнатиб бўлмайди»[2]. 1916 йилгача асосан маърифатчилик йўналишида фаолият кўрсатган жадидлар, 1916-1922 йилларда замон талабидан келиб чиқиб, сиёсий ҳаётда ҳам етакчи мақомга кўтарилдилар. Туркистон мухториятини оёққа қўйиш йўлидаги уринишларда улар олдинги қаторларда бўлдилар. Пролетар диктатурасини зўравонлик билан жорий қилишга уринган «қизил» шовинистларнинг найранглари-ю, фитналарига қарамай, уларнинг барча тазйиқларига дош бериб, то 30 йилларгача халқ маърифатини юксалтириш, унинг маънавий дунёсини такомил топтириш учун бутун куч-ғайратларини сарф етдилар. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода ва бошқалар яратган ажойиб асарлар халқимизнинг боқий мулкига айланган бўлса, Мунавварқори, Ғози Юнус, Салимхон Тиллахонов, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Заки Валидий Тўғон, Носирхон Тўра, Садриддин Махсум, Тўрақул Жонузоқовларнинг сиёсий-маърифий фаолиятлари Ватан мустақиллиги ва халқ маърифати йўлидаги фидокорлик тимсоли бўлиб қолди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. И.Каримов“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан
2. Мень А. История религии. М., 1994.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ БУГУНГИ КУН УЧУН АҲАМИЯТИ

Маврулов Абдухалил Абдулхаевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси масъул ходими,
тарих фанлари доктори, профессор

Инсон ҳар доим мукамалликка интилиб яшайди, ижод қилади. Бунда унга фақат икки буюк феномен ҳодиса ёрдам беради: **унинг биринчиси ишонч бўлса, иккинчиси маънавий мардлик.** Шунинг учун ҳам ҳар бир одам, пировард натижада, бутун жамият ўзига бўлган ишонч ва маънавий мардлик туфайли оғир шароитларда зафар қучади. Аксинча, унинг қалбида, онгу тафаккурида заррача иккиланиш, хавф бўлса, у маҳв этилади.

Ўзбекистон ана шу ишонч ва маънавий мардлик кўчасига сўнги беш-олти йил ичида ўтиб олди. Шунингдек, бизнинг яқин ва узоқ муддатларга мўлжалланган режаларимиз мамлакат миллий манфаатларига ҳамда халқимиз эҳтиёжларига мутаносиб бўлганлиги учун ҳам улар ҳаётий, табиий. Қолаверса, биз ўз режаларимизни ҳис-туйғуларга, ҳавойи гапларга, нореал имкониятларга қараб эмас, аксинча, бугунги мавжуд реаллик, халқимиз куч-қудрати, унинг ақл-заковатига қараб тузмоқдамиз.

Айни пайтда, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз стратегик дастурларини ишлаб чиқишда бугунги кундаги глобал миқёсдаги шиддатли ўзгаришлар, халқаро майдонда пайдо бўлаётган янги таҳликалар, жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонидаги кескин ҳолатларни ҳам эътиборга олаётгани таҳсинга лойиқ. Сиёсатдаги

вазминлик ва ҳалоллик, иқтисодиётдаги ишбилармонлик ҳамда тежамкорлик, ижтимоий соҳадаги инсонпарварлик, ҳар бир ватандошимизнинг туб манфаатларига ҳурмат бажо келтириш – буларнинг бари бугунги Ўзбекистоннинг том маънодаги мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Муайян маънода, тафаккурда ҳафсаласизлик, маънавий мудроқлик, ижтимоий жабҳада ишончсизлик кўчасига кириб қолган ҳалқимиз, кейинги йилларда яна тетиклаша бошлади, ислохотларга ишонмоқда, ўзи ташаббускор бўлиб майдонга чиқмоқда. У эртанги кунга ишона бошлади. Бугунги ватандошимизнинг ўз кучига ишончининг ортишида давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган илғор ғоялар, илмий асосланган хулосалар алоҳида ўрин эгалламоқда.

Шу ўринда, кейинги йилларда ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган, ҳалқимиз тафаккур тарзида мустаҳкам ўрин эгаллаётган **“Янги Ўзбекистон”, “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари”, “Учинчи Ренессанс”** каби тушунчалар мамлакатимиз тараққиётининг тамомила янги босқичи ва даражасини белгилаб бераётганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Айниқса, бугун мамлакатимиз илмий жамоатчилиги томонидан **“Учинчи Ренессанс”** феномени хусусида билдирилаётган фикрлар, мулоҳазалар барчамизни мазкур масала бўйича чуқур, ҳар томонлама илмий изланишлар олиб боришга ундамоқда.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда илк маротаба ҳалқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда янги бир уйғониш – **Учинчи Ренессанс** даврига пойдевор қўйила бошланганлигини алоҳида таъкидлаши бутун Ўзбекистон жамиятини барча соҳаларда мутлақо янги босқич ва даражага чиқиши учун қилинган чақириқ, даъватдир. Мазкур масала мамлакат раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқда янада ойдинлаштирилди.

Биз мамлакат раҳбари томонидан олға сурилган ушбу янги ғоя устида узоқ ўйладик, мулоҳаза қилдик, тарихга яна бир бор мурожаат қилдик, қадимий ва табаррук Ўзбекистон заминининг бутун маърифий дунёга, башариятга, жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ўзбек халқи, Ўзбекистон Учинчи Ренессанс даврига киришга ҳақли эканлигига яна бир бор ишондик.

Халқимизда “Оққан дарё оқаверади”, “Олмани тагига олма тушади” каби мақоллар бекорга айтилмаган. Инсониятга маълуми машҳур бўлган буюк алломалар, даҳолар, муҳаддисларни саф-саф бўлиб етиштириб берган, жаҳон илму фани, маданияти, маънавияти ва маърифатини ўз кашфиётлари, таълимотлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитган Туронзамин нега бугун ўша истеъдоди-ю иқтидорини яна рўёбга чиқара олмас экан?

Шу ўринда, бугунги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйишининг ҳам тарихий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, илмий-маърифий асослари борлигига яна бир бор эътиборни қаратишни лозим топдик. Аввало шу нарсани қайд этиш керакки, юртимиз цивилизацияси қадимги Хитой, Ҳиндистон, Бобил, Миср, Эрон, Юнонистон цивилизацияларига тенгдош. Буни дунё олимлари аллақачонлар яқдиллик билан исботлаганлар. Мамлакатимиз ҳудуди маданияти, илм-фани ўта қадимий эканлигига юнонистонлик олимлардан Арриан, Курсций, Плутарх, Геродот, Страбон, шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Наршахий ва бошқа олимлар ҳам гувоҳлик берадилар.

Араб истилосидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши илм-фан, маданият, санъатнинг гуркираб ривожланишига сабаб бўлди. Бухоро, Самарқанд, Кеш, Шош, Термиз, Кува, Урганч каби кўҳна шаҳарлар ёнида юзлаб замонавий, обод, кўркем шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Шаҳарларда шахристон, работ, карвонсаройлар, мадрасалар, кутубхоналар барпо этилди.

Буларнинг бари мамлакатимиз ҳудудида илк Ренессанс - Шарқ Уйғониш даврининг бошланишига, маърифатли

жамият барпо этишга ҳаракатнинг бошланишига туртки бўлди. Шунингдек, бу жараёнда Шарқ-у Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

12 минг километрга чўзилган ушбу йўлнинг муҳим чарроҳаси бизнинг юртимиз бўлиб, бу ҳудудлар нафақат савдо-сотиқ, иқтисодий алоқалар маркази, айни пайтда, илм-фан, маданиятлараро айрбошлов масканлари ҳам эди. Юртимиздан етишиб чиққан алломалар, мутафаккир олимларнинг қадимги Юнон, Римда яратилган буюк кашфиётлар, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари илм-фани ютуқлари билан танишиш имкониятлари пайдо бўлди.

Тарих муаллим. Уни ўрганиш, бир томондан ўтмишимиз, мамлакат ва миллатнинг кечаги куни, унинг нурли саҳифалари-ю буюк бунёдкорлиги ҳақида хабар берса, бўлак томондан, ушбу феномен ҳодиса бизни минг йиллар давомида бой берган имкониятларимиз, хатокамчиликларимизни таҳлил қилишга, улардан тўғри хулосалар чиқаришга ундайди.

Шу маънода, биз бугун Учинчи Ренессанс ҳақида гапирар эканмиз, шубҳасиз ундан аввал юртимизда содир бўлган Уйғониш давлари хусусида, уларнинг генетик сабаблари тўғрисида фикрлашимиз тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Хўш, ўрта асрларда ҳам табиий, ижтимоий-гуманитар, фалсафий фанлар, ҳам диний ва диний-маърифий илмларни, маданият ва санъатни айни бир пайтда шакллантириб, ривожлантирган мутафаккирларимиз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат эди, улар томонидан яратилган буюк кашфиётларнинг бутун жаҳонда кенг эътироф этилишининг сабабларини нималарда кўрса бўлади?

Биринчидан, илк Уйғониш даври мутафаккирлари ўз кашфиётларини энг аввало инсон, унинг бахту саодати, одамлар келажаги, жамият тараққиёти йўлида амалга оширдилар. Чунки, инсонни улуғлаш, унинг ақлий-интеллектуал, табиий, бадий-маънавий фазилатларини юзага чиқариш, комил инсонни тарбиялаш, унда юксак

Ватанпарварлик хислатларини шакллантириш илк Ренессанас даври мутафаккирлари илмий-маданий меросининг туб мазмун-моҳиятини ташкил этар эди.

Иккинчидан, буюк мутафаккирларимиз ижодий фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири – улардаги **қомусийлик, универсаллик** эди. Илм-фанда, маданият ва санъатда улар шуғулланган соҳаларни санаб чиқишга қараганда шуғулланмаган йўналишларни санаб чиқиш осонроқ эди. Юртимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг деярли барчаси бир пайтнинг ўзида ҳам илмий-ижодий фаолиятда, ҳам амалиётда иштирок этишди, қайноқ ҳаёт марказида бўлишди, сўзни иш ва ҳаракат билан боғлаб олиб боришди, ҳар доим халқ билан ҳамнафас бўлишди.

Учинчидан, биринчи ва иккинчи Ренессанс даври алломаларининг илмий кашфиётлари ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга эди. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг асарларида илмий асослаб берилган таълимотлар фақат ўша давр учунгина эмас, айти пайтда, кейинги авлодлар, ҳозирги замон ва инсоният истиқболи учун ҳам жуда муҳим ва зарурдир. **Ватандош мутафаккирларимиз илм-фаннинг қайси соҳаси билан шуғулланишган бўлсалар, ўша соҳада буюк кашфиётлар қилишди, фан ва маданиятда мутлақо янги йўналишларни ихтиро қилишди, янгича тафаккур услубини яратдилар.**

Ва ниҳоят, **тўртинчидан**, ўша давр алломаларимизнинг энг улуғ фазилатларидан яна бири уларнинг ҳамма соҳаларда етукликлари, етакчиликлари, тил билишда тенгсиз эканликларида эди. **Тўрт-беш ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ тилларда гаплашмаган битта ҳам мутафаккир бўлмаган**, деган хулосамизда хато бўлмаса керак. Қолаверса, буюк алломаларимиз ҳеч қачон ўз қобилларида қолиб кетмадилар. Улар илм излаб, китоб истаб дунёнинг барча маърифат марказларини ўзларига маскан қилдилар. Шунинг учун ҳам IX – XII асрларга келиб жаҳон илмий-

маданий юксалиш маркази Боғдоддан Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчди.

Буюк ватандошларимиз инсон камолотини, башарият бахту саодатини илм-фан, таълим-тарбия, маънавият-маърифатнинг уйғунлигида кўрдилар. Шу маънода, уларнинг айрим фикрларига эътибор қилайлик: **Форобий** (873-950) илмий хулосасига кўра, ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, **улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар.** Бундай кишиларни **оқил** дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроқка эга бўлганларни ақлли, деб бўлмайди, уларни **айёр, алдоқчи,** деган номлар билан атамоқ кераклигини қайд этади.

Форобий Шарқда биринчи бўлиб **дин ва фалсафани** ҳақиқатга етишишнинг икки мустақил усули, деб билади. **Форобий соғлом эҳтиёжни маданиятга қиёслайди.** Жумладан, у билим ва маънавиятга бўлган эҳтиёж ҳаётда рўй бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини, объектив қонуниятни тушуниш билан боғлиқ маънавиятдир, дейди.

Буюк мутафаккир фозиллар шахри ҳокимида бўлиши лозим бўлган фазилатлар ҳақида ўзининг назарий-фалсафий фикрларини баён этиб, қуйидаги **6 та хислатни** алоҳида қайд этади:

Биринчи – донишмандлик;

Иккинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қувваи ҳофизага эга бўлиш;

Учинчи – агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

Тўртинчи – ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

Бешинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш – нотиклик хислатига эга бўлиши;

Олтинчи – зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш.[1.2.Б.160-161;]

Абу Али ибн Сино илм-билимни маънавият ва маърифат билан боғлаб ўрганади. У илм асло қаримайди, у оламни кезади, кишиларни жаҳолат ва ғафлатдан уйғотади, деган ғояни илгари суради. Унинг ибораси билан айтганда, мантиқ илми фойдаси нақд бўлган илмлардан бўлиб, киши дидини ўстиради. Фикр доирасини кенгайтиради, билиб-билмаганларини кўз ўнгига келтириб, тартибга туширади.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк алломаси ўз даврида биринчилардан бўлиб илмлар классификациясини тузади. Унинг таъкидлашича, илмлар иккига – амалий ва назарий илмларга бўлинади. **Биринчиси**, - деб ёзган эди у, - бизни ўз хатти-ҳаракатларимиздан хабардор қилади. Унинг фойдаси шуки, ушбу дунёдаги ишларимизни йўлга солиш учун нималар қилишимиз лозимлигини ўргатади. **Иккинчиси** эса бизнинг жонимиз ўз шаклини касб этиши ва у дунёда бахтиёр бўлиши учун буюмларнинг борлиқ ҳолати ҳақида бизни хабардор қилади.

Амалий илмларнинг ўзини Ибн Сино яна **уч турга** ажратади. Биринчиси – **мамлакатни идора қилиш**, иккинчиси – **уйни идора қилиш**, учинчиси – **ўз-ўзини идора қилиш**.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўрта аср Шарқ алломалари ўз ижодида маданият сўзи ўрнига кўпроқ одоб, ахлоқ, билим масалаларини қўйганлар. Маърифатчини эса **“ориф”** деб атаган. Ориф, яъни маърифатчи ким бўлиши лозим, деган саволга у шундай жавоб беради: **“Маърифатчи – ориф ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У ўлимдан ҳам қўрқмайдиган саховат эгаси бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У барча беҳуда нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга**

меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У ўз нафсонияти билан улуғвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди!” [2.1.Б.23;].

Ушбу даврнинг яна бир мутафаккир – алломаси Абу Райҳон Беруний (973-1048) билим олишни лаззат ва бахт, деб тушунади. “Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим, - деб ёзган эди аллома, - билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки, мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт, деб ҳисоблайман”.

Беруний ўзининг 160 дан ортиқ фундаментал асарларида маданият, маънавият, ахлоқ масалаларига алоҳида эътибор бериб, мазкур омиллар инсон ва жамият тараққиётининг асоси, деб баҳолайди. Шунингдек, олимнинг эътирофича, юқоридаги омилларнинг барчаси илм-фан билан узвий боғлангандагина муайян натижа бериши мумкин, дейди. Буюк бобомиз ўзининг “Геодезия” асарида “Инсон ҳаётидаги зарурият, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабларни келтириб чиқаради. Шу эҳтиёжларга кўра, илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади. Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки, у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир”.

Мутафаккирнинг қатъий фикри бўйича, маданиятнинг учта мустаҳкам илдизлари – ростлик, одиллик, адолатдир. Шу ўринда, унинг қуйидаги концептуал фикрлари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлаш лозим: “Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади”, “Инсон ҳаётидаги зарурият, эҳтиёжлар уларнинг илмга бўлган талабини келтириб чиқаради”, “Асоси бўлмаган фандан воз кечилса ҳам бўлади”, “Миннат қилиш қилинган эҳсонни йўққа чиқаради”, “Ҳаким ва олимлар ахлоқидан таълим олиш яхши хулқни тарбиялайди, ёмон хулқни ўлдиради”, “Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай уядаги асални еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар”.

Беруний бобомизнинг ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини хурмат қилиши турли илмларнинг қўпайишига сабаб бўлади, чунки, ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг дунёнинг (кундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар билан шуғулланиши учун бўшатиб қўяди, деган фикрлари барча замонлар учун долзарб бўлиб қолаверади. [3.4.Б.201-214;]

Халқимиз маданияти тарихида буюк бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг қаламига мансуб, XI аср туркий халқларининг нодир ёзма ёдгорлиги “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) асари алоҳида ўрин эгаллайди. Асарнинг асосий ғояси – комил инсоннинг шаклланиши унинг одоби, ахлоқи, маданияти, илм-фан чўққиларни эгаллаши билан уйғунлигида эканлигидадир. Алломанинг фикрича, ҳар бир инсон 3 фазилатга эга бўлиши лозим: эзгулик, ростлик, ҳаё.

У айниқса, маданиятни, инсон одобини унинг илмни эгаллаганлик даражаси билан ўлчаш лозимлигига кенг урғу беради. У айтади: “Одамзод наслининг улуғлиги – билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Ўқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир. Билимни буюк бил, ўқувни улуғ, шу икков улуғлар кишини тулуғ”. [4.10.Б.45;]

Алломанинг фикрича, илмсиз кишилар – жоҳиллар, маърифатсизлардир. Оламдаги барча эзгуликлар илм туфайли содир бўлади, билим кишини юксалтиради, унга эзгулик келтиради, билимли инсон тирикдир, билимсиз киши эса ўликдир. Жами ярамасликлар маърифат туфайли покланади. Тугун тушган ҳар бир иш ҳам илм туфайли ечилади.

Унинг қайд этишича, бетимсол бойлик бўлмиш билимнинг қадри шу даражада баландки, у инсонни дўзах ўтидан ҳам қутқаради. Жаҳонда билимдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқ. Билимсизлик асли киши учун ҳақоратдир. Ҳаттоки билимсиз киши тўрга чиқиб ўтирса, ундай тўрни тўр, деб бўлмайди. Агар билимли киши пойгакка ўтирса, у жойни тўрдан аёло, деб билиш лозим.

Дунёдаги жами эзгу ишлар билим туфайли бўлади, билим орқали ҳаттоки, кўкка учиш учун ҳам имкон топилади. Олим билимни, маърифат ва маданиятни барча саодатнинг калити, деб билади. Унинг таъкидлашича, илм-маърифат, заковат ва маънавият асосида бошқариладиган халқ ва давлат гуллаб яшнайди. Давлатни ақл-заковат, маънавият ва маърифат, адолат асосида бошқариш қурол кучи билан идора қилишдан, эл-юртни куч билан босиб, ушлаб туришдан минг чандон устун ва шарафлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб мамлакат ҳукмдори билимли, доно, ботир, шерюрак бўлиши кераклигини қайд этади. Очиқ юзлилик ҳукмдорнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Бек ва ҳукмдорларнинг касаллиги-хатосини тузатувчи дори-дармон ҳам ақл ва билимдир. Кимда-ким бузуқ феъл бўладиган бўлса, уни замон ўқи қаттиқ ярадор қилади. Ярамас қилиқли кишидан омад юз ўгиради, у ғамга гирифтор бўлади. [5.8.Б.5;]

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб Марказий Осиё халқлари маданияти, тарбия тизимининг шаклланишида, маънавият ва маърифат хусусидаги таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган аллома сифатида тарихимизда қолган.

Иккинчи Ренессанс даври, шубҳасиз, Амир Темур номи билан боғлиқ бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, Темурийлар даври илм-фан, маданият ва маърифат, таълим тизимининг беҳад ривож топишини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Уйғонишнинг том маънодаги манбаи, бошланиши илк Уйғонишга, IX-XII асрларга бориб тақалади. Бу ҳақда таниқли файласуф олим М.Ҳайруллаев шундай деган эди: “Чунки, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Ўрта Осиёнинг маданий кўтаринкилиги ўз принциплари, характери, йўналиши, иқтисодий базаси жиҳатидан IX - XII аср маданиятининг давомидир. XIV - XV аср маданиятида Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний асарларини ва улар орқали қадимги грек илмини ўргандилар, уларга шарҳлар ёздилар, улардаги турли ғояларни ривожлантирдилар.

XIV аср охири ва XV асрдаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даври маданий кўтаринкилигини бу ердаги IX –XII асрлардаги маданий ривожланишдан алоҳида олиб, бирдан вужудга келган ҳодиса, деб талқин этиш нотўғридир. IX - XII аср ва XIV - XV асрлардаги маданий кўтаринкиликни бир процесснинг икки босқичи, даври, кўринишини ташкил этади, деб қарамоқ зарур”. [6.9.Б.45;]

Миллий маданиятимиз тарихида яна бир буюк сиймо – Муҳаммад Тарағай-Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг ўрни ниҳоятда катта. У Амир Темур сулоласига мансуб улуғ зот, улкан давлат арбоби ва буюк даҳодир. Амалий фаолиятда арбобликни олимлик, олимликни арбобликка қўшиб олиб бориш Мирзо Улуғбекка хос бўлган нодир фазилатдир. Улуғбек – подшоҳлар ичра донишманд, донишмандлар ичра подшоҳдир. У – инсоният ичида жуда кам учрайдиган феномен шахс, ноёб ҳодисадир.

Мирзо Улуғбек жамият тараққиётини илм-фансиз тасаввур қилмаган. Унингдек улуғ сиймолар, маънавият ва маърифат даҳолари инсоният тарихида камдан-кам учрайди. Мутафаккир бобокалонимизнинг доҳиёна фикрича, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш зарурияти асосида юзага келган илм-фан унинг тараққиёти ва истиқболи учун хизмат қилмоғи керак.

У 17 ёшидан то вафотигача ободончиликка, илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратди. Унинг даврида Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон ва бошқа жойларда кўплаб мадрасалар қурилди. Уларнинг ичида энг машҳури, шубҳасиз, 1417-1420 йилларда қурилган Самарқанд мадрасасидир. Унда табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби илмлар, фикҳ, тафсир, шариат, ислом асослари ўқитилган.

Алломанинг раҳнамолигида Самарқандда – Обираҳмат суви ёнида 1424 йилда бутун дунёга ном таратган илмий расадхона-обсерватория қурилган. Улуғбек бу обсерваторияда мунтазам равишда илмий изланишлар олиб борди, 1018 юлдузнинг ҳолат ва ҳаракатларини ўрганиб чиқди, астрономия фанини янги босқичга кўтарди, унинг бу борадаги изланишлари “Зижи Кўрагоний” асарида

ўз аксини топган. Шунингдек, унинг “Тўрт улус тарихи” асари ҳам инсоният учун мислсиз илмий-маънавий бойликка айланди.

Мирзо Улуғбек таълимотида, илм инсон маънавиятининг асоси эканлиги ҳақидаги ғоя етакчи ўрин тутди. Ҳақиқатдан ҳам, илм жаҳолат, хурофатнинг кушандасидир. Илм инсонни ғафлат уйқусидан уйғотади, фикрини теранлаштиради, тафаккурини ўткирлаштиради. Инсон илм-фан туфайли улуғлар даражасига эришади.

Улуғбек айти пайтда, инсонда ҳар бир ишни адо этишда ақл-идрок ва тафаккур, ўткир зеҳн, қобилият кераклигини алоҳида уқтиради. Маданий-маънавий тараққиётга илмдан бошқа йўл билан эришиб бўлмаслигини, билимни фақат китоблардан эмас, балки фаолият орқали, ҳаётдан олиш зарурлигини ҳам қайд этади. Улуғбек Бухорода ўзи қурдирган мадраса пештоқига “Билим олиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир”, деб ёздириб қўйган.

Ўзбек миллий маданиятини буюк мутафаккир Алишер Навоий ва унинг бебаҳо илмий-маърифий, маданий, фалсафий меросисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ушбу аллома халқимиз фалсафий онги, тафаккури, маданият тарихида бутун бир даврни ташкил этади. Навоийнинг дунёқараши коинот, илоҳиёт, инсон, жамият ва табиат ҳақидаги маънавий-маърифий, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний қарашлари у яшаган даврдаги ижтимоий муҳит заминида ҳамда ўзидан аввалги асрларда яратилган маънавий бойликлар, цивилизациялар асосида шаклланди.

Навоий ёлғиз Худонининг ўзидан бошқа на коинот, на мавжудот бўлмаган, Худо битмас-туганмас куч-қудрат ва имкониятларга эгадир, дейди. Яратган тангри ўз имкониятлари ила бутун оламни, коинот ва табиатни яратган. Худо оламдан ташқарида эмас, балки шу оламнинг ўзида, унинг ҳар бир заррасида мавжуддир. Дунё гўё бир ойна, унда кўринувчи бутун борлиқ Худодан, Худонинг инъикосидан иборат. [7.6.Б.309;]

Буюк бобомизнинг тафаккур тарзича, Худонинг

зухуроти сифатида вужудга келган борлиқнинг кўрки, гўзал ва ободлиги инсон туфайлидир. Аслида, Аллоҳнинг дунёни яратишдан мақсад ҳам мана шу инсондир. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. У шундай дейди: “Бутун оламни яратишдан мақсад – инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси қилди ва бу тилсим ичида тангри ўзини яширди. Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир хазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша хазинада туради ва унга посбонлик қилади. Шунинг учун ҳам инсон бошқа барча нарсалардан мумтоз қилиб яратилган”.[8.3.Б.269;]

Алишер Навоий ўз асарлари билан ўзбек халқининг, бутун миллатнинг маънавий-маданий меросига пойдевор қўйди. Жумладан, у ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида одамларни маданиятли, одоб-ахлоқли, комил инсон этиб тарбиялашда лозим бўладиган кўплаб даъватлар, ҳикматларни баён этади. Мана, уларнинг айримлари:

–“Қаноат бир кўрғонки, унга кирсанг, нафсинг ғалвасидан қутиласан, қаноат бир чўққиқи, унга чиқсанг, дўст-душманга муҳтожликдан халос бўласан”.

–“Таъмагирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, улар гўё икки ёқимсиз эгизакдир. Униси ёмон-буниси ундан ёмон. Иккаласи ҳамма ёмондан ёмон. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст. Иккаласининг моҳияти бирдир”.

–“Саодатманд одам агар олим бўлса, нодонларнинг сўзлари ҳам унинг учун аҳамиятли бўлади, бахтсиз агар жоҳил бўлса, олим одамнинг сўзини тинглашдан ор қилади. Ҳақиқатдан ҳам, жоҳиллидан ҳам бадбахтроқ нима бор дунёда?”.

–“Ўзига бино қўйган одам-ақлсиздир. Ўзига зеб берган-беор, сатангдир. Шаҳвоний нафсга берилган-нафснинг қурбони бўлади. Бу балолардан нафсни тийиш ҳалокатлардан нажот топиш демакдир”.

–“Кўп гапирган-кўп янглишади. Кўп еган-кўп йиқилади. Тан касалининг асоси кўп емакдир, қалб касалининг сабаби кўп демакдир”.

-“Илм ўрганмоқ-эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас”.

Алишер Навоийнинг илм-фан, маданият, маърифат, таълим-тарбия ҳақида баён этган фалсафий фикр-мулоҳазалари, ахлоқий таълимотлари унинг даҳо сифатида жамият моҳиятини тушунишда юқори нуқтага кўтарилганлигидан далолатдир.

Ўзбек миллий давлатчилиги ва миллий маданияти тарихида Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) нинг хизматлари бениҳоя катта. Тақдирнинг мараккаб синовлари Бобур ҳали жуда ёш-ўн иккини тўлдирмасдан отаси, Фарғона вилоятининг ҳокими Умаршайх Мирзонинг вафотидан сўнг унинг ўрнига тахт соҳиби бўлишни тақозо этишдан бошланди. Шу кундан бошлаб унинг чекига Амир Темур вафотидан кейин бу йирик салтанатда вужудга келган тож-тахт учун курашнинг барча қийинчиликлари тушиб, бу ҳам машаққат ва ҳам унинг юксак орзуси – бобоси Амир Темурнинг кенг ҳудудлардаги салтанатини қайта тиклаш, бу йўлда темурий шаҳзодалар бошини бир ёқадан чиқаришга интилиши умрининг охиригача давом этди. У уч марта Самарқандни қўлга киритиб, атрофдан, бошқа темурийзодалардан мадад келмаганлиги боис уни қолдириб чиқди.

Ашаддий душмани Шайбонийхон ва Фарғона бекларидан бири Аҳмад Танбал билан урушлар олиб борди. Аммо, бу стратегик жиҳатдан муҳим, темурийлар салтанатининг фаҳри бўлган шаҳарни қўлда сақлаб қола олмади. Ноилож, Бобур, ўзининг 250-300 нафар лашкари билан Ҳисор тоғлари орқали бугунги Афғонистон ҳудудига ўтиб, бу ерда энг йирик шаҳарлар: Қобул ва Ғазнани эгаллайди ва марказлашган давлат тузади.

Бобур йирик давлат арбоби сифатида мамлакат ва жамиятни бошқаришда халқпарварона фармонлар эълон қилади. Уларнинг энг намуналисиди “икки азим уш-шаън” фармонлари бўлиб, бу икки фармондан бири Бобурнинг давлатчилик мароми, подшоҳ сифатида етукликка

эришгани, энг муҳими, фуқароларнинг ким, қайси миллат, дин ва тери рангига мансуб бўлишидан қатъий назар тамға солиғидан озод этилгани бўлса, иккинчи фармони вафотидан икки йил аввал бутун салтанатида шароб ичишни қатъиян ман этилганига оиддир. Бобурнинг бу икки фармони халқпарварлиги, инсон манфаати, унинг соғлиқ ва ахлоқий баркамоллик каби хусусиятларини шахс характерида мужассамлашишига қаратилганлиги сабаб бугунги кунда ҳам қимматини йўқотгани йўқ.

Заҳириддин Бобур фарзандлари Ҳумоюн, Камронга ёзган мактуб ва васиятномаларида салтанатни демократик тарзда, бамаслаҳат бошқариш, нокас ва ножинсларни асло давлат ишларига аралаштирмаслик, зинҳор ҳинд ва бошқа халқларнинг дини, урф-одатлари ва муқаддас, деб билган анъаналарига даҳл қилмаслик, аксинча, уларни эҳтиром этишни таъкидлагани, бу қалби дарё шахснинг узоқни кўра билганлиги, давлат бошқарувида ҳамма томондан синашта кишилар бўлишини истаганини кўриш мумкин. Бобур назарида салтанат обрўи биринчи навбатда саводли, тез бир хулосага келадиган, сўз қудрати устун, одамларни ўзига эргаштира оладиган шахслар фаолияти билан боғлиқ бўлган. [9.5.Б.356;]

Буюк бобомизда одамларни адолат йўлида бирлаштириш, яқдил қилиш, сафарбар этиш, руҳлантириш маҳорати, қобилияти кучли эди. Буни Бобурнинг Читор Рожаси Рано Санго билан бўлган ҳаёт-мамот жангида амирлари, беклари ва сардорларига қарата мурожаат қилиб сўзлаган қуйидаги нутқидан ҳам билса бўлади: “Беклар ва йигитлар! Ҳар ким бу жаҳонга келаркан, охирида йўқликка кетади. Абадий қолувчи ёлғиз худодир. Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидан ичкусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ҳамхонасидан кечкусидир. Ёмон от билан тирик юришдан яхши от билан ўлган яхшидур. Тангри таоло бу нав саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга раво айлабтур. Ўлган шаҳид, ўлдирган ғози. Барча сарбозлар

тангрининг каломи билан онт ичмоқ керакким, ҳеч ким бу қитолдан юз ёндиру ҳаёл қилмағай, то бадандин жони айрулмағунча бу муҳарба ва муқоталадан айрилмағай”. [10.4.Б.299;]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур ҳарбий ишда қанчалар моҳир бўлган бўлса, бунёдкорликда ҳам ундан паст эмас эди. Ҳар бир катта-кичик муаммони ақл-идрок, донишмандлик ва катта фаросат билан бажарган. Рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни, уларнинг йўналишларини, моҳиятини илмий салоҳияти туфайли идрок этган. Буюк ҳинд донишманди, мутафаккири, давлат арбоби Жаварҳарлал Неру у ҳақида шундай деган: “Бобур беқиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутаассибликдан йироқ эди, вайронгарчилик билан шуғулланмади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқар, ўзи туркий ва форс тилида шеърлар битар эди”. [11.7.Б.181;]

Бобурни дунёга танитган асар унинг “Бобурнома”сидир. Асарда XV асрнинг охиридан XVI асрнинг 30-йилларигача рўй берган тарихий воқеалар, Бобур кўрган, билган мамлакатлар манзараси, табиати, иқлими, тарихи, санъат асарлари, одамларининг феъл-атвори, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, одоб-ахлоқлари чуқур, ҳар томонлама акс этган. “Бобурнома”да Бобурнинг 12 яшарлигида подшо бўлганидан (1494) то вафотига (1530) қадар юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт, мураккаб тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақида мукаммал маълумотлар беради.

Биз бугун маърифатли жамият ҳақида гапирар эканмиз, унинг илдизлари юртимиз ва миллатимизнинг узоқ тарихига бориб тақалишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Шубҳасиз, бизнинг бугунги ривожланишимиз илмий-маънавий асослари билан аввалги Ренессанс қолдирган меросга суянади. Аммо, бир нарсага алоҳида эътибор беришимиз лозимки, ҳар қандай илмий-маданий кўтарилиш айна шу даврда яратилган сиёсий-ижтимоий,

маънавий-мафкуравий, иқтисодий заминга суянмас экан, у ҳеч қандай натижа бермайди.

Гап шундан иборатки, Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланган куннинг илк даврида ноқ илм-фан ривожисиз ҳамда жамият аъзоларининг маънавий даражасисиз мамлакатни ривожлантириб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратди. Бошқача сўз билан айтганда, аслида Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилиши 2016 йилнинг декабрь ойи сўнггида, юртимиз илм- фанининг фидойилари – академиклар билан бўлган учрашувда бошланган эди.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансга қўйилган илк қадамлар тўғрисида фикрлашар эканмиз, энг аввало унинг қуйидаги динамикасига эътибор бериш керак, деб ўйлаймиз: 2017 йил 14 сентябрь куни Президент қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Ўша йилнинг 29 ноябрида Президент Фармони билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди.

Учинчи Ренессансга қўйилган қадамлар ҳақида гапирганда мамлакат раҳбарининг иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида 2019 йил 30 августда “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур ҳужжат асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Ёшлар академияси”ни ҳам эслаш лозим.

Бу йўлда қўйилган энг залворли қадамлардан бири 2019 йилнинг 9 сентябрида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Президент, ижод ва ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги бўлди. Агентлик тимсолида таълимнинг мутлақо янги тизими шаклланимоқда. Бу тизим, пировард

натижада мамлакатимизда сифат жиҳатдан тамомила янги мактабларнинг шаклланишига, истеъдодли ўқувчилар билан ишлашнинг замонавий, инновацион методикасини яратишга имкон беради.

Албатта, Янги Ўзбекистон илм-фаннинг барча соҳаларини мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш натижасидагина яратилиши мумкин. Аммо, бу жараён аниқ ва табиий фанларга алоҳида эътиборни талаб қилади. Шу маънода, мамлакат раҳбарининг мазкур Уйғониш даври фалсафасини жуда чуқур ва ҳар томонлама, пишиқ ишлаб чиқаётганини ҳам қайд этиш лозим. Ядро физикаси институтини (2019 йил 21 октябрь) ташкил этиш, математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш (2020 йил 7 май), кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш (2020 йил 12 август) ҳақида эълон қилинган Президент қарорлари аслида мамлакат ривожланишини тамомила янги босқичга кўтариш йўлидаги мустаҳкам қадамлардир.

Шунингдек, мамлакат раҳбарининг Янги Ўзбекистон пойдеворининг шаклланишида инсон омилига, айниқса ёшлар тафаккури масаласига ҳам алоҳида эътибор берганлигини эътироф этиш лозим. Давлат раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳақида фикр билдирар экан, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди, жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди, деган эди.

Дарҳақиқат, инсоннинг ўзгариши ундаги тафаккурий эврилишлар маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар, янгиликлар, инновацион ғоялар туфайли содир бўлади. Мазкур масала бўйича ҳам мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди.

Масалан, давлат раҳбари ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ янгиланаётган Ўзбекистонни барпо этиш жамият аъзоларида маънавий-маърифий

таъминланганлик даражасига боғлиқ эканлигини қайд этди. Ҳақиқатдан ҳам, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш халқимизни, айниқса, ёш йигит-қизларимизни юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, алломалар томонидан асрлар давомида яратилган адабий-бадий мерос билан таништиришдан бошланади. Шундагина, Президентимиз таъбири билан айтганда, маърифат бирасида “илиги тўқ” халқимиз ўтмиш маънавий-маърифий меросидан қувват олиб тараққиётнинг янги марралари сари қадам қўйиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорини, аслида Учинчи Ренессансни маънавий-маърифий ва мафқуравий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги илк қадам сифатида баҳолаш мумкин. Бугун ушбу маскан бир томондан, халқимизнинг маърифат марказига, ёшларимизнинг тарбия ўчоғига айланаётган бўлса, бўлак томондан, юртимиздан етишиб чиққан барча шоир ва ёзувчиларимизнинг руҳи шод бўлмоқда.

Айни пайтда, мамлакат раҳбари томонидан ёшларнинг маданият ва санъатга қизиқишини ошириш, уларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятларини намоёни қилиш учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, йигит-қизлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2019 йил Сирдарё вилоятида кўтарилган муҳим беш ташаббус ҳам аслида мамлакат ва жамиятни жиддий ислоҳ қилиш йўлидаги дадил қадамлардан бири ҳисобланади. Мазкур уч омил-адиблар хиёбонининг барпо қилиниши, китобхонлик ҳаракатининг ташкил этилиши, муҳим 5 ташаббус, таъбир жоиз бўлса таъкидлаш лозимки, аслида яратилаётган Янги

Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий пойдеворлари эди.

Шундай қилиб, мамлакат раҳбари томонидан эълон қилинган Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини қуриш масаласи аввал-азалдан илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан пухта-пишиқ ишлаб чиқилган, мақсадли стратегик йўл, концепция ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ва хориж олимлари, экспертлари шу мақсадда танланган йўлнинг тўғрилигини, ишончлилигини эътироф этмоқдалар.

Хўш, катта мақсадлар йўлида танланган Янги Ўзбекистоннинг, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини бугун қуриш реал ҳодиса эканлигига қайси омиллар ишора этмоқда? Биринчидан, бугунги Ўзбекистонда янги жамият пойдеворини қуришда буюк мутафаккирларимиз, алломаларимиз томонидан яратилган катта илмий-маданий мерос бор. Бутун маърифатли дунёни ўзининг иккита Ренессанс даври билан лол қилдирган юрт – Ўзбекистон ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда бугунги авлод қонида жаҳон цивилизацияларига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир – алломаларнинг қони оқмоқда.

Иккинчидан, илм-фандаги ҳар қандай янгилик ва кашфиётлар давлат ва жамиятнинг мазкур соҳага бўлган эътибори натижасидагина содир бўлиши мумкин. Аммо, қуруқ сўзлар, маънисиз шиорлар, асоси йўқ чақириқлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Энг аввало Учинчи Ренессанс моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминланиши лозим. Ўзбекистон бу йўлда энг тўғри йўлни танлади. Келинг, яхшиси, айрим мисолларга мурожаат қилайлик: мамлакат раҳбари таъкидлагани каби, сўнгги тўрт йил ичида болалар боғчалари сони 5200 тадан 14200 тага етди. Шу йилнинг ўзида математика йўналишида 56 та, кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилди.

Болаларимизнинг “ай-ти” технологияларига қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида жорий йилда 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда – 45 та ахборот

технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман, шаҳарлар қамраб олинади. Олий таълим тизимида ҳам жиддий ислоҳотлар ўтказилмоқда. Охирги 4 йил ичида мамлакатимизда 47 та олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Бугун мамлакатимиз олий таълим тизимида 161 та институт, университет, академиялар фаолият олиб бормоқда. Мамлакат ва жамият ҳаётида Фанлар академиясининг ўрни таборо ортиб бормоқда. Шубҳасиз, буларнинг бари Учинчи Ренессанснинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон жамияти катта ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказишга қодир мамлакатга айланди. Энг муҳими, бундай ислоҳотларнинг ташаббускори сифатида майдонга халқнинг ўзи чиқмоқда. Одамларимиз тафаккур тарзидаги ўзгаришлар, янгилик сари интилишлар, муносиб ҳаёт барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жамият аъзоларини бунёдкорликка ундамоқда, маърифатли жамият барпо этиш учун пойдевор бўлмоқда.

Айниқса, ёшларимиз ижтимоий-маънавий фаоллиги пойдевори қурилаётган Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни реал ҳолатга айлантirmoқда. Дарҳаққиқат, биз бугун ўтмиш мутафаккир алломаларимиз яратган илмий-маданий меросдан қай даражада ғурурланаётган бўлсак, яна беш асрдан сўнг бизнинг авлодларимиз бугунги кун ёшлари томонидан кашф қилинган қайси ютуқларидан ифтихор қиладилар, деган масъуллик ҳисси бизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол” қиссаси. –Т.: “Фан”, 1979.-23-бет.

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.: 1998. -160-161-бетлар.

3. Алишер Навоий. Лисонут тайр. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси,1991.-269-бет.

4. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти.-Тошкент, 2001. -201, 214, 299-бетлар.

5. Буюк юрт алломалари.-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. -356-бет.

6. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. -Тошкент, 1970. Б-309.

7. Неру Ж. Дунё тарихига назар.-“Жаҳон адабиёти”, 1997. 4-сон. Б.181.

8. Тўқлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991.-5-бет.

9. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. -Тошкент, 1971. -45-бет.

10. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Т.: “Юлдузча”, 1990. Б.45.

РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН ТРИАДА

Омонов Бахтиёр,

*Ўзбекистон Миллий университети
профессори, сиёсий фанлар доктори*

Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган минтақамиз кўп асрлар давомида маданиятлар, илмий ғоялар, тиллар ва динлар мулоқоти, ўзаро таъсирига катта туртки берган. Аммо, XVII асрлардан кейин мураккаб, таҳликали даврлар, мустамлакачилик ситамлари бошланиб, илм-фан ва ижтимоий тараққиётда орқага кетдик. 1991 йилги истиқлол шамоллари иқтисод, сиёсат, маънавий ҳаётимизда янги уфқларни очиб берди, дейиш мумкин. “Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг”, деди Ўзбекистон президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 25 декабрда Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқида. – Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз”[1.1;].

Ушбу мақола Юртбошимизнинг ана шу ташаббус ва даъватларига жавоб тарзида ёзилди. Чиндан ҳам, бугунги кунда мамлакат элитаси, зиёлилари, тадбиркорлари, ёшлари олдида кенг миқёсдаги вазифалар кўндаланг турибди. Биз ушбу мақолада икки масала – яқин йилларда ўзбек миллатини шакллантирадиган омиллар ҳамда Шарқ таназзули сабабларини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Аввало, мураккаб глобаллашув шароитида миллат қадриятлар, анъаналарни асрайдиган ва ёшларга куч-қудрат бағишлайдиган омилларнинг таҳлилига киришамиз.

Биринчиси, қалбни англаш

Қалб – инсонни латифлиги, тозалигини билдирувчи кўзгу. “Қалб” луғатда бир нарсани ағдаришни англатади. У бир хил турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам “қалб” деб аталган. Ислон тушунчаси бўйича қалб икки хил: зоҳирий ва ботиний бўлади. Зоҳирийси кўкракнинг чап томонида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчаси, ботинийси эса нуроний, латиф, билувчи, инсонни инсон қилувчи нарсадир[2.2;].

Тасаввуф адабиётида бу борада ажойиб фикрлар, ташбиҳлар, ғазаллар келтирилган. Шарқни машҳур қилган ана шу сўфий адабиёт намуналари эди. Барчага маълумки, XVII асрдан истилочилар Шарқ мамлакатларини бирма-бир бўйсундиргач, биринчи навбатда Қуръоннинг нуфузи, мақомини пасайтиришга уринишди. Бу инсон юрагига ханжар санчиш ва чалажон қилиш билан баробар эди. Энди ботин илми, қалб фикрлари ёхуд комиллик, донолик, тўғрилиқ томон интилишлар иккинчи даражага тушиб, Нафс технологиялари биринчи ўринга чиқиб кетди. Қандай қилиб дейсизми? “Сенинг биринг икки бўлмайди, маънавий бой бўлишинг кимга керак: эртага болаларинг оч қолади. Сен дастлаб моддий бой бўлгин, қалбинг тарбиясини йиғиштир ва моддиюнчиликка интил, ягона йўл шудир”, деган ғояни сингдириш жараёни кучайгандан кучайди. Шунда, Қуръондан аста-секин чекиниш бошланиб, Шарқнинг таназзули чуқурлаша борди.

Қуръон қалбни тарбиялайди, инсонни илмли, иймонли бўлишга ҳозирлайди. Қалб энг кучли шундай қурилмаки, унга бутун дунёни сиғдириш мумкин. Дунё бундай ривожланиш чўққисига қай йўл билан эришди ва қандай муаммолар орасида тентираб юрибди – буни фақат юрак сезади, ҳис қилади ва керакли оҳангини топиб, ўзи ҳал қилиш чорасини топади. Ҳа, фақат ўзи, бошқа ҳеч ким эмас. Ахир, жамият ҳам, давлат ҳам шахсларнинг умумлашмаси эмасми ва унга суяниб иш кўрмайдими? Биз таълимда ҳам, жамият ҳаётида ҳам, давлатни бошқаришда ҳам қалбга йўл топа билмаганимиз, инсоннинг мўъжизавий куч-имкониятга

эғалигини менсимаслигимиз, беҳад ноҳақликларга йўл қўйганимиз, яна гуноҳларимиз ошаётгани ҳисобига жамият сиёсий ҳаётида олға силжишни кўрмаяпмиз.

“Нафс технологияси одам ва давлатни ўлимга етакловчи кучга қодирдир. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-харишдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади”[3.3;], деб ёзган эди таниқли олим, профессор Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” (1999) номли китобида. “Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, қаноат, сабру фақирлик тариқида гап кўп. “Дунёга бир марта келасан, оладиганингни олиб қол” – бу илгаридан маълум бўлган фалсафа. Коммунистлар буни: “Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво” деб ўзгартирдилар, аммо мақсад ўша: “иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин”. Ана шундай ғализ ҳаракатларни айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатида яққол кўрмоқдамиз. “Ҳамма нарса раво” фалсафаси одамни иймону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тороғга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради”, дейди устозимиз Нажмиддин Комилов (1937-2012).

Биз мустақил давлат қурганимиздан кейин сунъий яратилган қолипларни синдириб ташлаш, тасаввуфга оид асарларнинг қаймоғини, дурларини йиғиб, мактаб, институтларнинг гуманитар фанлар предметларига босқичма-босқич киритиш, “Тасаввуф фалсафаси”ни таълим тизимида фан сифатида киритиш учинчи Ренессанс асосларини яратишга хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Иккинчиси, ақлий меҳнатга ўргатиш

Ақл – инсонни бошқарувчи, комилликка бошловчи қурол. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи ва унинг асосий хусусиятини белгиловчи “фаҳм-фаросат, ўйлаш, англаш ва тафаккур малакаси”ни англатувчи атама “ақл” дейилади. Ақл орқали илму маърифат сирлари очилади, жамиятнинг мураккаб муаммолари ҳал этилади, турли-туман ҳаётий воқеалар, нозик масалалар ўз ечимини

топади. Чунки, инсон фақат ақл билан нарсанинг моҳиятини равшан англаши мумкин. У ақл билан фикрлайди, ақл билан ҳаракат қилади.

Қадим замонлардан халқимиз ўта меҳнаткаш, сабр-иродали бўлган, жисмоний меҳнат қилиш эса шахс шаклланишининг асосий омили саналган. Ҳаёт синовидан ўтган ушбу тамойилни муомаладан чиқарган давлатлар иқтисодиёт ва жамият ҳаётида кўп нарсани йўқотишди. Ҳатто XXI асрга келиб, жамиятда меҳнат қилмасдан орзуга етиш, осонгина маблағ топиш иллатлари пайдо бўлганини кузатмоқдамиз. Нима қилиш керак? Абадий жумбоқли саволга ақлли жавоб топиш лозим. Биз ёшларни ақлий меҳнатга ўргатиш, китоб мутолаасини доимий машғулотга айлантириш тамойиллари устувор бўлишининг тарафдоримиз. Чиндан ҳам шўролар ҳокимияти ақлли ва ўртача одамнинг нуфузини тенглаштирди, бой одамнинг имкониятидан унумли фойдаланишни эмас, балки уни жисман йўқ қилишни, авлодларини жазолашни, мансабга қўймасликни, улар ўрнига ишчилар синфини раҳбарликка кўтаришни амалга оширди. Бунинг натижасида ўзбек жамиятида ҳам 1960-1990 йилларда қўрқоқ, тобе оломон шаклланди, ҳақ-ҳуқуқини билмаган фуқаролар давлатнинг беҳисоб ўғирлиги ва қинғирона ишларидан бутунлай кўз юмдилар. Ақлли одамлар эса ҳокимиятга яқинлаштирилмади.

Давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси – ўз фуқароларининг меҳнат қилиши, иқтисодий турмушини ўнглаб олиши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб беришдир. Тоза муҳит яратилмаса, халқ енгил-елпи ҳаётни, ёлғончилик кўчасини танлайди, ҳатто ҳаром луқма билан фарзандларини боқишга (давлатдан нажот қолмаса, бошқа чораси қолмайди) кўнади. Энг ёмони, зурриёд давомчилари – болалари луқма қаердан криб келаётганини кўра била туриб яшашга мажбур бўлади. Ислом таълимоти қоидалари ҳукм сурган замонларда бундай яшаш залолат йўли, жаҳолатга тенг баҳоланган.

XVI асрлардан Шарқ номақбул яшаш йўлини танлади. Бу ғарбона йўл Ислом оламини кўп адаштирди. Қайси восита

бўлишидан қатъи назар, пулингни кўпайтир, одамларнинг ичига нифоқ сол, фойда келишини билсанг, ёлғон сўзла, лафзингни буз, дейилди ғарб технологияларида. Шу тариқа, Марказий Осиё, Яқин Шарқ халқлари осон алданди, аммо Хитой, Япония сингари мамлакатлар “Нафс технологияси”ни умуман қабул қилишмади. Кунчиқар юрт “Япон руҳияти ва ғарб технологияси” номли “вакон ёсай” ғоясини жорий этди. Собиқ самурай ва ҳукумат амалдори С.Судзуки (1579–1655) дзен-буддавийликка суянган этикасида “Меҳнат– сабр-қаноатга тенг, у художўйлик даражасидаги иш, меҳнат қилиш – иймон-эътиқод йўли”, деган умрбоқий ғояни киритди. Айни шу таълимот буюк бобомиз Баҳроуддин Нақшбандийнинг доимо қўлинг меҳнатда банд бўлиши, немис файласуфи Макс Вебернинг протестантча этика ғояларига яқин турадиган ғоя эди. Энг аламли жиҳати шундаки, Судзуки ва Вебер таълимоти Япония ва Европа мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаб, фуқаролар турмушини юқори поғонага кўтарди, ундан-да кучли бўлган Нақшбандий таълимоти эса ўлкамиз ҳукмдорлари томонидан бир чеккага суриб қўйилди. Демак, япон, немис, инглиз, французлар ўз халқининг бой-бадавлат ва фаровон ҳаёт кечиришини кўпроқ хоҳлади ва мақсадига эришди.

Саййид Муҳаммад Баҳроуддин ибн Саййид Жалолиддин Нақшбанд (1318-1389) пиримизнинг “Дил ба ёру даст ба кор – Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин” ҳикматида ифодалаган олтин қоида дунёнинг бирон бир миллатида учрамайди. Амалиётга йўғрилган ва инсонни меҳнат қилиш орқали орзусига етишиш таълимоти соддалиги ва адо этиш энгиллиги туфайли минтақадаги ўттизга яқин мамлакатга тарқалган эди...

Собиқ иттифоқ даврида одамларда давлат ҳамма ташвишларимни амаллаб қилиб беради, деган боқимандалик кайфияти ва руҳият психологияси пайдо бўлганди. Боқимандалик психологияси аждодлар ва бизнинг генларимизда, бошқарув маданиятида, жамият сиёсий ҳаётида ҳануз йўқолмаган. Янги Ренессансга

тайёргарлик жараёнларида (у 5, 10, 20 йилга чўзилиши мумкин) миллий дастурларни тузиш чоғида Нақшбандий бобомиз олға сурган олтин қоидаларга асосланган мукамал таълимотни яратиш, айниқса, ёшлар учун меҳнатга ўргатиш замонавий усул ва механизмларини ишлаб чиқишга зарурат кучайган. Сабаби, жамиятимиз аъзоларида гоҳо боқимандалик кайфияти ғолиб келмоқда. Фуқароларимизга меҳнат инсонни улуғлаши ва бой-бадавлат қилиши тамойилларини сингдиришда бирқатор муаммолар тўпланган. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларида, хусусан, биз сабоқ бераётган олий ва ўрта таълим тизимида ёшларнинг меҳнатга ёндашуви салбий томонга ўзгариб, енгил йўллар билан пул топишга интилиш пайдо бўлмоқда. Нақшбандий таълимотидан таълим ва тарбияга оид ғояларни илгари суришимиз боиси шуки, у четдан таълим технологияларини, янги ўқитиш усулларини, одам ресурсларини талаб қилмайди, ҳукумат ва давлатдан ҳам ортиқча маблағ сўралмайди. Муаммонинг ечими инсоннинг ўзига тақалади ва ўзи билан биргаликда ечимини топади!

Давлат ва фуқаро ўртасида консенсус, аҳдлашувга эришилса, бир-бири қўллаб-қувватланса, оғир тош жойидан қўзғалади. Бунинг учун давлат ҳокимияти фуқарога иш жойини тайин этиши ва унга етарли шарт-шароит яратиши, фуқаро эса сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиши, моддий ва номоддий маҳсулот чиқариб, ўз корхонаси, жамоасига фойда келтириши лозим. Мисол учун 1980-1985 йилларда халқнинг фаровонлигига олиб келган Дэн Сяопин ислохотлари Хитойни дунёдаги иккинчи давлатга айлантирди.

Учинчиси, эътиқодни тарбиялаш

Эътиқод – қатъий ишонч демак. Ўз турмушини онгли ташкил этиш, турли режалар тузиш, орзу-ҳавасларига кўнгли ва тафаккурига мос яшашга, комилликка интилиш инсоннинг хос белгиси ҳисобланади. Инсоннинг нафақат моддий-иқтисодий, шунингдек, маънавий эҳтиёжлари ҳам

бўлади. Инсон маънавиятининг ўзагини эътиқод ташкил қилади. Маънавият эътиқод теварагида шаклланади. Эътиқоднинг мазмунини биринчи галда илм ташкил этади. Чунки киши нимага ишонаётганини, интилаётганини, ўз хулқ-атворини, яратувчилик фаолиятини, ижодини мослаштириши зарурлигини билиши лозим. Эътиқод ҳар қандай билим (илм) эмас, балки қатъий ишончга айланган, инсон дунёқарашининг тамал тошини ҳосил қилувчи билим (илм)лардир. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражадаги қоришуви бўладими, қатъий назар, эътиқоднинг мазмунини белгилайди. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.

Шарқ одами фикрлашдан, ривожланишдан тўхтади, унинг учун техника ўйлай бошлади. Мисол учун, биргина техника – 1990 йилларда эстрада санъатимизга киритилган фонограма (оғиз кучайтиргич) асбоби овози йўқ, она тилини билмаган ҳаваскорни таниқли хонандага айлантирди, алал-оқибат, қўшиқчилик санъатида истеъдодли билан истеъдодсизнинг фарқи қолмади.

Бугунги ёшларимизнинг таълим ва тарбиясида ғарбга тақлид қилиш ҳолатлари кучайиб бормоқда. Ғарб технологияларига кўр-кўрона эргашишда давом этсак, вазият бутунлай қўлдан чиқиб кетади. Биз яна бегона таълим ва тарбияга қарам бўлиб, ўзимиз ўзбек, қарашларимиз ғарбники, тилимиз байналмилал, яшаш тарзимиз қоришмадан иборат жўн одамга айланишимиз мумкин. Биз эътиқодни, илмни қадрлашни маданият, санъат, мактаб ва институт аҳлига, жамики ёшларга сингдирган тақдирда, учинчи Ренессансни куришга осонроқ эришамиз. Инсон қалби буюкликка даъвогар, фақат унинг ички қувватини ишга солиб юбориш даркор. Қалбнинг призмалари чертилса, ёшларимиз маънан ва руҳан юксалса, давлат ислохотлари бардавом ва самарали кечади. Дунё тажрибасида кўрилганидек, фуқаро кеча-ю кундуз меҳнат қилса, вазифасини ҳалол адо этса-ю, яхши ҳаёт кечирмаса, қўлини силтаб, давлатни алдашга ўтади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маърифий жабҳада

бошлаган ислохотларида халқ бевосита бош фигура бўлиб қолади. Ҳа, учинчи Ренессанснинг бош ижодкори, ҳам ижроچиси Инсон эканлигидан келиб чиқсак, миллий ривожланиш омилларини Ғарб тамойилидан излаб ўтирмасдан, шахснинг тарбиясидан бошлашимиз керак.

Хулоса шуки, Учинчи Ренессанс пойдеворидаги ҳақиқий Триада: Қалбни англаш, Ақлий меҳнатга ўрганиш, Эътиқодини тарбиялаш тизимига ўтиш, оила – боғча – мактаб – университетда амалда уни жорий қилиш биринчи галдаги вазифамизга айланмоғи лозим. Бу фикрга келишимизга сабаб шуки, биринчи ва иккинчи Ренессанслар ҳам ана шу асосларга таяниб қурилган эди. Асли, “ренессанс” сўзи луғавий маънода французча *renaitre* – “қайта юзага келиш”, “уйғониш” маъноларини билдиради. Ренессанснинг асосий белгилари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий ва фикрий имкониятларини юзага чиқариш!

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublika-si-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. 26.12.2020.
2. <https://azon.uz/content/views/qalb-nima-degani> 29.12.2018
3. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент, Ёзувчи, 1999. –Б. 39.

ТУРК РУНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ

Назаров Насриддин

*Чирчиқ давлат педагогика университети профессори,
фалсафа ва сиёсий фанлар доктори*

Инсон ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда тарихий жараёнларни ўрганиб, унинг таҳлилига эътибор қаратиш ўтмишни ўрганиш асосида дунёқарашни ўстиришда аҳамиятли. Чунки, ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўрганиб, ундан хулоса ва сабоқлар чиқариш шахс, миллат ва жамият аъзоларида ўз аждодларига ҳурмат ҳиссининг юксалиши билан бир қаторда ўзликни англаш хусусиятларини ривожлантириб, минтақа халқларининг шаклланиш жараёни муштарак эканлигини идрок этишни ҳам таъминлаб боради. Ўтмиш меросларига эътибор қаратиш тарихий илдизлари бир бўлган халқлар, умуман инсоният тақдири учун масъуллик ҳиссини юксалтириб боради. Тарихий онг – бевосита аждодлар руҳи олдидаги масъулиятни идрок этиб, ўтмишнинг ижобий жиҳатларидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш, унинг камчилик ва мағлубиятидан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги билан аҳамиятли. Демак, “Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради” [1.7. Б. 274;].

Тарихни ҳаракатлантирувчи куч – бу халқ, ҳамда шу халқни улуғвор зафарларга чорлашга қодир бўлган маҳоратли етакчидир. Шу боис, тарихда шахс омилини, жамоа ва жамиятга хос хусусият бўлган этник шаклланиш жараёнларини ўрганиш тарихий онгнинг ривожига муҳим. “Тарих ва миллат: хаёлий ўтмиш ёки объектив ҳақиқат. Бу ерда биз маълум бир этник гуруҳни шакллантирувчи тарихий хотиранинг моҳияти ҳақида муҳим саволга мурожаат қиламиз” [2.4.С.7;]. Албатта,

тарих шакллантирувчилик ва ривожлантирувчилик моҳияти билан қадрли. У биринчи навбатда ўтмишга эҳтиромона муносабат ёки ўтмиш тажрибаларидан сабоқ чиқариш хусусиятини шакллантирса, иккинчидан тарихий тафаккурга асосланган ҳолда ўзликни англашни ривожлантириб боради.

Туркий халқларнинг тарихий тафаккурида кўчманчилик ва ўтроқ турмуш тарзи ҳосиласидан иборат “Туркий цивилизация” ҳақидаги ғоялар мустаҳкам ўрин олиб, ушбу цивилизация куртаклари милоддан олдинги X-V асрлардаги сак-скиф қабилалари фаолияти билан боғлиқ. Туркий цивилизациянинг такомил босқичлари эса милоднинг дастлабки асрларидан IX асргача бўлган даврни (дастлаб хунлар, сўнра Турк ҳоқонлиги даври) қамраб олади. Айрим манбаларда туркларга хос бўлган кўчманчилик турмуш тарзини алоҳида цивилизация сифатида талқин этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Лекин, ушбу жиҳат яхлит туркий цивилизациянинг етакчи элементи сифатида аҳамиятли.

Муайян тарихий даврда мавжуд маданиятлар ҳосиласидан иборат бўлган цивилизациянинг такомил босқичларида давлатчилик элементларини ўзида мужассамлаштирган сиёсий бирликлар муҳим ўрин эгаллайди. “Баъзи сиёсий уюшмалар кичик бир бекликдан йирик империя даражасига ўсиб чиққан. Хунлар, Турк ҳоқонлиги, Мўғул (Чингизхон) империяси ва Темурийлар салтанати йирик империяларнинг ёрқин намуналари бўлиб, улардан деярли барчаси Марказий Евроосиё минтақасининг аксарият қисмида ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишлари баробарида ўз даврининг дунёдаги энг қудратли давлатлари даражасига чиқишган” [3.2.Б.25;]. Шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, X-XX асрлардаги барча туркий давлатлар VI-VIII асрларда фаолият кўрсатган Турк ҳоқонлиги қурган асосларнинг устида барпо этилганлиги билан ҳам тарихий аҳамияти юксак. Шу боис, Турк цивилизацияси ривожда милоднинг VI-VIII асрларида турклар фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг ўрни муҳим. Зеро, тарихий

илдизнинг теранлиги миллий-сиёсий салобатнинг юксаклигини таъминловчи омилдир.

Қадимги турклар ўтроқ маданият ривожига ҳисса қўшиб келганлиги ҳам тарихий-археологик маълумотлардан маълум. Турклар моҳир металлурглари сифатида темирни эритишни ихтиро қилиб, ундан зарурий воситалар ясашни йўлга қўйди. Металлга ишлов бериш турклар моддий ҳаётидаги тараққиётни жадаллаштирди. Ва бундай ихтиролар инсоният томонидан ўзлаштирилиб, башарият мулкига айлана бошланди.

Тарихий қадриятлар тўғрисида тўхталар эканмиш ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар таъсирида шаклланиб, сайқалланиб, мукаммал характер касб этиб келган ижтимоий-маданий этномаданий қиёфа ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Зеро, ҳар қандай халқ ёки миллатнинг жаҳон халқлари орасида тутган мавқеини ҳам, тарихий тадрижий жараёнлардаги муваффақияти, ғалабаси ва мағлубиятини таъминловчи омил ҳам миллатга хос бўлган умумий маданий-маънавий кўринишлардир. Ҳар бир шахсга хос бўлган маънавият доимий ва турғун моҳиятга эга бўлгани каби миллий маънавият ҳам статик ва барқарор моҳиятга эгадир. Европа халқларини Осиё халқлари билан миллий маънавият жиҳатидан тенглаштириб бўлмайди, албатта. Сайёх Н.Спафарий (1636-1708 йй.): "...хитойликлар муғомбир, пишиқ, ҳар бир ишда уддабурондирлар, улар табиятан ҳарбий ишларга эмас, деҳқончилик, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларга кўпроқ мойилдирлар, -деб, бошқа бир халқ тўғрисида ўз фикрини шундай давом этади, - Курилл оролларида яшайдиган барча халқлар очиққўнгил, эҳтиёткор, тўғрисуз, ўз ваъдасига содиқдирлар" [4.5. С. 141-142;], - деган экан. Шу нуқтаи-назардан, Н.Спафарийнинг хитойликлар тўғрисидаги фикри Турк ҳоқонлиги даврига ҳам алоқадорлиги, яъни ҳоқонликни емиришга бўлган ўша даврдаги Тан империясининг ҳийла-найранглари тарихий онгни ривожлантиришни тақозо этиб, миллий тафаккурни ўтмиш хулосалари билан бойитишни тақозо этади.

Умуман олганда, инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларида этник шаклланиш жараёнлари, Турк ҳоқонлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, этноижтимоий ва маданий жиҳатларнинг тадрижий тақомили, умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссаси каби жиҳатларни ўрганиш муҳим бўлиб, бу табиий равишда тарихий қадриятларга эҳтиром ҳиссини юксалтириб, ўзликни англашнинг ривожига хизмат қилади. Демакки, бир томондан тарихий онгнинг юксалишини таъминласа, иккинчи томондан этник ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш орқали миллатга хос бўлган умумийликка эътибор қаратиш ҳамда ушбу жиҳатларнинг барқарор моҳиятини таъминлаб бориш – бугунги фуқаровий умумийлик сари интилаётган жамият шароитида муҳим.

Ижтимоий-маданий тараққиётни юксалтиришда, чунончи ўтмиш тажрибалари асосида тафаккурни бойитишда турк рунологиясини ўрганиш муҳим. Тарихий онгнинг ўзликни англашдаги ўрнига урғу бериш зарур. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тарихий қадриятлар манбаси бўлиб, аввало туркийлар тарихини далилловчи ёдгорлик сифатида аҳамиятли. Ушбу ёдгорликларда бирлик ва жипсликни таъминлаш – ҳар қандай муваффақиятнинг асоси эканлиги ғояси устувор эканлиги, ўзаро низо, рақобат ва хусумат барқарор тараққиётга раҳна солувчи салбий хусусият сифатида афсус ва надомат билан ифодаланади.

Турк рунололгиясининг намуналари сифатида Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, демак, ҳар қандай ютуқнинг асосида умумий муваффақиятни таъминлашга йўналтирилган яхлит фаолият ётади. Ва бундай умумийлик ижтимоий-маданий ривожланишни таъминлаб боради. Турк ҳоқонлигининг фаолияти ҳам бевосита ўзаро бирлик ва яхлитликнинг ҳосиласи эди. “Маданий унсурлар, қариндошлик алоқалари, кўчманчилик иқтисодиётига асосланган умумий ҳаёт тарзининг асоси туркий кўчманчи жамиятнинг ижтимоий бирлигини таъминлади” [5.3.С.124;]. Унда ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик барча муваффақиятларнинг асоси

сифатида эътироф этилиб, этник консолидациялашув жараёнлари туркий халқлар бирлашувида етакчи омили сифатида майдонга чиққанлиги кузатилади. Умуман олганда, ижтимоий-тарихий жараёнлардаги бунёдкорлик ва муваффақиятларнинг барчаси ўзаро бирлашув ва яхлитликнинг ҳосиласидир.

Ўрхун-Енисей тошбитиклари тарихий манба бўлиши билан бир қаторда уларнинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг ўзаро бирлиги, ҳамжиҳатлиги, ижтимоий-маданий ҳамкорликлари муваффақиятларни таъминлаш омили сифатида муҳим эканлиги заруратини ижтимоий тафаккурга сингдириб туради. Зеро, “Маълумки, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграциялашув ва интенсивлашув билан характерланади” [6.6.Б.9;]. Ва бу ҳамкорлик жараёнлари ҳар қандай тараққиётнинг бош омили сифатида ўзлигини намоён этади. Инсоният, шунингдек туркий халқлар тадрижий такомилидаги ривожланиш ўзаро яқдилликнинг ҳосиласидир. Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида республика раҳбарияти томонидан туркий халқларнинг, жумладан минтақа аҳолисининг ҳамкорлигига асосий эътибор қаратилаётганлиги, унда миллий манфаат билан бир қаторда умумтуркий манфаатни ҳам етакчи ўринга қўйилаётганлиги турк суперэтносини ташкил этувчи миллатларнинг ижтимоий-маданий яхлитлигини таъминлашга қаратилган интилишлар сифатида баҳоламоқ лозим. Зеро: “Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоеън минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда” [7.1. Б. 558;].

Юқорида эътироф этилган концептуал жиҳатлардан келиб чиқиб, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб

этишнинг тарихий ва ижтимоий-фалсафий аҳамияти шундан иборатки:

биринчидан, туркий халқларнинг ягона шаклланиш тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишлар илм-фан ривожини таъминлаши билан бир қаторда бу соҳада этно-ижтимоий-маданий жараёнлар узлуксиз кечган ҳудуд – Ўзбекистон омилининг етакчилик моҳиятини белгилайди;

иккинчидан, тарихий тафаккурнинг юксалишида турк рунологиясининг ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш умумтуркий тарихий муаммолар ечимида оптимал моҳият касб этиши туркий халқлар орасида азалий қариндошлик ҳамда дўстлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлиши учун ретроспектив характердаги илмий-назарий шарт-шароитларни яратиб боради;

учинчидан, Турк рунологиясининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиб, Евроосиё этнослари ёзма тараққиётида шарқ ва ғарб график қадриятларининг ўзаро симбиозлигинини, яъни уйғунлигини, бунда қадимги турк битикларининг тарихий илдизлари милоддан олдинги минг йилликларга бориб тақалиши таҳлилий ва таққосий материаллар асосида исботланганлиги миллий Туркологиянинг ривожини таъминлаш билан бир қаторда қадимий туркий тошбитикларнинг тарихий аҳамиятини ҳам кўрсатади;

тўртинчидан, умуминсоний қадриятлар тадрижий тақомилида турк рунологиясининг ўрни, маданий цивилизациялашув жараёнларини таъминлашда тошбитикларнинг аҳамиятини фактик маълумотлар асосида исботлаш тарихшуносликнинг янги концептуал қарашлар билан бойишининг таъминланганлигини далиллайди;

бешинчидан, қадимий тошбитикларда тасвирланган илк турк алфавитининг аجدодларимиз маънавий мулки эканлигини исботлаш, унда қадриятларимизнинг акс этганлигини, хусусан руник алфавит ва туркий тамғаларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларининг исботланганлиги ижтимоий-маданий анъаналарнинг

ворисийлик асосида тадрижий ривожини кўрсатиб, бу тамғалар (энлар)нинг айримлари этноижтимоий ҳаётда бугунги кунда ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш қадриятларимизнинг давомийлигини исботлайди.

Қадимий тошбитикларда эл бирлигини таъминлаш муаммолари, ўзаро яхлитликни таъминлашда турк рунологиясидаги ғоялар талқини, хусусан элпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари тарғиби – ўзининг тарихий аҳамияти билан бир қаторда бугунги кунда ҳам туркий халқлар мансуб бўлган жамият аъзолари, айниқса ёшлар орасида юқорида таъкидланган ғоялар тарғиби ва тарбиясини таъминлайдики, туркий халқларнинг бугунги ижтимоий-маданий ҳамкорлиги ривожланаётган шароитда бу ўта муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O'zbekiston, 2015. – Б. 558.
2. Бобоёров Ғ. Ғарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Т.: Yangi nashr, 2018. – Б. 25.
3. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал.Ун-та, 2006. – С. 124.
4. Исхаков Д.М., Измайлов И.Л. Этнополитическая история татар. – Казань: Школа, 2007. – С.7.
5. Кузнецов Ю.Ф. Философские проблемы этнопсихологии. //Социальная психология и философия. Ленинград, 1973. – С. 141-142.
6. Миллий ғоя – хавфсизлик ва барқарорлик омили /М.Жакбаров ва бошқ.: - Тошкент: "Turonzaminziyo" нашриёти, 2014. – Б. 9.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 8. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2004. – Б. 274.

МИЛЛИЙ УРФ – ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР МАЪНАВИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Суванов Илҳом Абдихалилович

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини Илмий котиби,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Жамият тараққиётида турли халқлар ва миллатларнинг шаклланиши ўзига хос урф – одат ва анъаналар билан боғлиқ бўлади. Яъни, урф – одат ва анъаналар шу миллатни характерловчи ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг миллий ўзлигини англашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тўғри айтганидек, шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади[1.8. Б.276;].

Миллий урф – одат – миллатнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг шаклланиши ва ривожига хизмат қиладиган ижтимоий – маданий ҳаётида ўз аксини топган, доим такрорланиб турадиган хатти – ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳулқ – атвор қоидалари ва кўникмалари кўринишидир[2.4.Б.418;]. Одатлар эса кундалик ҳаётимизда тез – тез такрорланиб турувчи, бир хил ҳаракатлар мезонидир.

Миллий анъана тарихий тараққиёт жараёнида миллатнинг маънавий, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги содир бўлган, миллат вакилларининг кўпчилиги томонидан қабул қилинган барча ижобий таъсир ўтказувчи омилдир. Урф – одат ва анъаналар авлодларни аждодлар билан боғлаб турадиган, маънавий мерос вазифасини ўташини ҳам эътиборга олиш зарур.

Халқимиз тарихи ғаройиб воқеаларга бой, миллий урф – одат ва анъаналаримиз ундан ҳам беқиёсдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, "... қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келади. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади"[3.8. Б.293;].

Дарҳақиқат, ҳар бир кишига келажакни яққолроқ тасаввур этмоқ, бўлажак воқеаларни аниқроқ башорат қилмоқ учун ўтмишимиз, урф – одат ва анъаналаримизни яхшироқ билишлик зарурий ҳолатдир. Ҳанузгача яхши ўрганилмаган муаммолардан бири халқимизнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган урф – одат ва анъаналардир. Халқ урф – одатлари, байрамлари ва маросимларининг теран илдизларини энг қадимги даврдан, яъни палеолит даврдан излаш керак.

Милоддан илгари 1 минг йилликлар бошида Марказий Осиёда ўтроқ деҳқончиликнинг ривож топиши, ибтидоий жамият емирила бориб, қулдорлик тузумининг вужудга келиши, Суғд, Хоразм, Бақтрия каби давлатларнинг пайдо бўлиши, диний қарашларнинг шаклланиши ўша даврга хос анъана, маросим ва байрамларнинг вужудга келишига замин яратган.

Бугун урф – одат ва анъаналарга мустақиллик мафкураси ва инсон эрки талаби нуқтаи назаридан ёндашганда, унинг амал қилиб келган назарий асослари ўзгараётганлигини кузатамиз.

Маълумки, урф – одатлар миллий, диний ва бошқа соҳалар билан ўзаро боғлиқ. Миллий урф – одатларнинг тарихий шакллари ҳамда улар билан боғлиқ маросимларнинг баъзиларига диний қарашлар ўзига хос таъсир кўрсатади. Зеро, ижтимоий онгнинг бошқа бирор шакли бу соҳада дин билан беллаша олмайди. Шу сабабли ҳам, миллий урф – одатлар ва халқ байрамлари намоён бўладиган маросимларнинг таъсирчанлигини оширадиган кўпгина одатлар ҳам дин билан боғланган.

Ўзбек халқининг ўтмишини, урф – одат ва анъаналарини ўрганишда Абу Райхон Берунийнинг Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқлар ва қабилалар, хоразмликлар, суғдийлар ва туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳақидаги маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Беруний асарларида туркий халқларнинг бир неча гуруҳларини: Мовароуннаҳр турклари (қорахонийлар), шимолий турклар (оғузлар, кимақлар, қирғизлар ва бошқалар), шарқий турклар ва Чу дарёси водийси, Хутан, Тибет, Афғонистон ҳудудидаги жойлашган туркларни ҳам тилга олади. Унинг асарларида қарлуқлар, печенеклар (бижанак) ва бошқа қабилалар ҳаётига оид материаллар ҳам учрайди. Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”[4.1:] номли асарида қадимий хоразмийлар, суғдлар, эронийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, ҳиндлар ва бошқаларнинг календаридagi машҳур кунлар, ҳайитлар ва одатлар ҳақида бебаҳо тарихий-маданий бойлик қолдирган.

Маълумки, милоддан илгари Эрон, Суғд ва Хоразмда зардуштийлик (“зороастрий”) календаридан кенг фойдаланилган. Беруний ўзининг асарларида бу халқларда йилнинг ҳар фасли, ойида ўз байрамлари ва машҳур кунлари бўлганлигини кўрсатади. Масалан, “фарвардин моҳ” - ёз боши, “тир моҳ” - куз боши, “меҳр моҳ” - қиш боши, “диний моҳ” - баҳор боши эди[5.1:].

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқларда жуда қадим замонлардан буён табиатнинг стихияли кучларига ва диннинг қадимги шакллариغا сиғиниш кенг тарқалган эди. Бу каби сиғинишнинг излари халқ дostonларида ҳам сақланиб қолган. Хусусан, “Ҳасан чопсон” дostonида “Ўчоқда ёниб турган олов урсин” деб қасам ичилиши, “Муродхон” дostonининг бош қаҳромони дарёдан ўтишда сув пири – “Хуббига сиғиниш”, Алпомиш унинг истаклари, “амалга ошсин” учун Мурод тоғи чўққисига кўтарилиши фикримизнинг далилидир[6.7:].

Юртимизда мавжуд кўплаб зиёратгоҳ жойларнинг

булоқ ё чашма билан боғлиқлиги, кишиларнинг хануз улардан шифо ва фарзанд истаб келишлари сув култига эътиқод қилишнинг халқимиз тарихида нақадар ривожланганлигини кўрсатади. Туркийларда сув қадимдан барчага барабар, деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳатто уч хонликлар даврида ҳам ердан фарқли равишда сув умумхалқ мулки ҳисобланган[7.7.Б.201;]. Фақат ундан тартибли фойдаланиш учун махсус мироблар тайинланган.

Буларнинг барчаси халқимизнинг байрамлари, маросимлари ва урф – одатлари қадимий ва ранг – баранг эканини, улар табиий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлганини, кишиларнинг меҳнат фаолияти ва турмушининг муҳим томонларига бағишланиб, одамларга шодлик, хурсандчилик ҳолатини туғдирганлигини кўрсатади. Халқ байрамлари ва урф – одатларида ҳамжиҳатлик, дўстлик иплари, келажакка ишонч руҳида мустаҳкамланган. Улар халқнинг маънавий – руҳий дунёсини бойитишда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг ҳар бирини ўша пайтдаги ижтимоий ва табиий шарт – шароитлардан, халқнинг миллий руҳидан, эътиқоди ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш лозим.

Биринчидан, халқимизнинг қадимий байрам ва маросимлари муайян жамоаларнинг яшаш шароити, ташқи муҳит билан алоқаси, ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражасига асосан шаклланган ва секин – аста одатга айланиб оммавий тус олган; иккинчидан, бундай байрам, маросим ва урф – одатларга мавжуд динларнинг таъсири кучли бўлган; учинчидан, байрам, маросим ва урф – одатларнинг халқ ҳаёти, иқтисодиёти, турмуш тарзи, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлганлари халқлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган ва бугунги кунда ҳам халқимизнинг миллий ўзлигини англашида муҳим омил бўлмоқда.

Исломгача мавжуд бўлган анъаналарнинг аксарияти соф диний хурофотдан иборат бўлмаган, улар моддий оламнинг муайян қонуниятларидан келиб чиқадиган воқеа – ҳодисалари билан бевосита боғланган эди. Чунончи,

юртимизда – жуда кенг тарқалган Наврўз йилнинг баҳорги тенг кунлигига тўғри келиб, уни тарихий манбаларнинг хабар беришига қараганда, қадим-қадим замонларда, яъни эрамизгача бўлган I минг йилликкача даврларда ҳам аجدодларимиз томонидан нишонланган. Ҳозирги кунда шу байрам ўзининг объектив тарихий замини бўлганлиги учун ҳам яшовчан ва қадрлидир[8.5;].

Марказий Осиё халқларининг тарих синовидан ўтган байрамлари ва маросимлари, диний қадриятлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатлар, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни ҳам акс эттиради. Бу ижобий қадриятларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, ўз-ўзини англаши, маънавий онгининг шакллари намоён бўлади. Яъни, Ватанга садоқат, катталарга ҳурмат, ота-онага ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-қариндошлик, ўзаро ёрдам, оила шарафи ҳамда аёллар шаънини эҳтиётлаш, ҳаётдан кўз юмган кишиларини хотирлаш кабилар ижтимоий-сиёсий, маънавий характер касб этган. Бундан ташқари, миллий тусга эга бўлган табиат фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар мавжуд бўлган: гап-гаштак; Наврўз, шоҳмойлар(қўш чиқариш); лола ва қизил гул сайли; “суст хотин”, “чай момо”; ҳосил йиғими билан боғлиқ меҳржон, “облобарака”, шамол чақириш, узум сайли ва бошқалар.

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида қайд этилишича, Наврўз анъанаси ислом қадриятларига зид қўйилмаган. Бундай сиёсат исломнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган ва у кейинчалик ривожлантириб борилган. Шу тариқа, Наврўз байрами кўпгина халқлар орасида жуда кенг тарқалган. Чунки, Наврўздаги кўп удумлар кишиларнинг бевосита кундалик турмуш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, улар исломга зид эмас эди.

Йиллар ўтиши билан Наврўз аста-секин дин таъсиридан халос бўла борган. Бу ишни халқнинг ўзи ҳеч қандай фармонсиз, буйруқсиз амалга ошириб, ўзининг кўхна маданиятини тиклаган ва уни замонавий мазмун

билан бойитган. Демократик тамойиллар амал қилинган мамлакатда Наврӯз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган. Тарихда нодемократик жамиятда унинг қувғинга учраганлигини кўрамиз. Бу унинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари фаолиятини мадҳ этишга қаратилган “Меҳржон” байрами Берунийнинг ёзишича, Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврӯз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир. Демак, “Наврӯз” баҳорда кун ва туннинг баравар келишида нишонланса, “Меҳржон” куздаги бу ҳолатни нишонлайдиган байрам ҳисобланган[9 .3.Б.153;6.Б.70;].

Халқ қадриятлари ва диний урф-одат, маросимларнинг сиёсий, фалсафий мазмуни шундаки, биринчидан, эзгулик, яхшилик, элнинг бағри бутунлиги, жамоа ёки гуруҳларнинг бажариладиган барча юмушларда ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик тасаввурлари кишилар онгида шакллана боради; иккинчидан, кишилар бошига қийинчиликлар тушганда, уларга пешвоз чиқиш, улар ғамига шерик бўлиш, қўлидан келганча ёрдам бериш ўзбек халқи асрий анъаналарининг таркибий қисмини ташкил этган; учинчидан; ёши улуғларни ҳурмат қилиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларини қабул қилиш, тарихий ришталарини сақлаш, ворисийликни тан олиш демакдир. Уларнинг ахлоқ, одоб, инсоф, имон, виждон ва диёнат каби фазилатларини асраб-авайлаш халқ руҳиятининг асосини ташкил этган.

Халқимизда шундай миллий одат, анъана ва фазилатлар борки, улар инсоният маънавиятининг энг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотишга иймонимиз комил. Айримларини мисол сифатида келтириш ўринли. Халқимиз том маънода жамоага меҳр – муҳаббатли халқ. Бундай жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий – ахлоқий расм – русмлар исбот қилиб келмоқда. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада

ҳам ёнма – ён туриб, оддий кунларда ҳам бир – бирининг холидан хабар олиб, каттанинг ҳурмати, кичикнинг иззатини жой – жойига қўйиб, бева – бечораларнинг, етим – есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандларимиз. Фарзандларни авлодларнинг бой мерос руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Оилада ота – оналар ўз фарзандларига халқимиз томонидан минг йиллар давомида тўпланган амалий тажрибалардан, ахлоқу – одоб, урф – одат ва маросимлар, қадриятлардан сабоқ бериб борганлар. Жумладан, ўзбекларнинг фарзандларига бўлган меҳр – оқибати, уларга турли – туман яхши, эзгуликка йўғрилган урф – одатлари, расм – русмлари, анъана таомил ва удумлари қадриятларининг бисёрлигидан, уларнинг аждодларидан авлодларга сингдириб келинаётганлигидан ҳайратга тушган сайёҳ Херман Вамбери “Ўрта Осиё халқларининг урф – одатларини юксак даражада мақтовга сазавор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характериға эға бўлган ажойиб фазилатларини қатъият билан сақлайдилар”[10.2;], деб ёзган эди.

Қадриятларимизнинг сақланиши ва авлоддан – авлодға ўтишида маҳаллаларнинг азалдан роли ниҳоятда катта бўлган, ҳозирги кунда маҳаллаларға катта эътибор берилиши бежиз эмас.

Бугунги кунда маҳаллаларға шунинг учун ҳам эътибор бериладик, биринчидан, ўзбек халқи урф – одат, маросим ва қадриятларининг аксарият кўп қисми маҳалла аҳли билан биргаликда ўтказилади. Бу ҳол жамоатчилик фикрини уйғунлаштириб, кўпинча ижобий характер касб этади; иккинчидан, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, жуда қадимдан халқлар катта ва кичик гуруҳларға бирлашиб меҳнат қилганлар (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва бошқалар) ва ҳар бир меҳнат фаолияти жараёнида муайян халқларға мос урф – одат ва маросимлар ҳам шакллана борган. Ўзбек халқининг тарихий тараққиёти бунга яққол мисол бўлади; учинчидан; бундай маҳалла – жамоатчилигининг асосида оила билан маҳалланинг

узвий боғлиқлиги ётади. Шу боисдан оилада бўладиган оммавий маросимлар маҳалла фаоллари иштирокисиз ва аксинча, маҳалладаги маросимчилик оила бошлиқлари ва ҳатто аъзоларисиз ўтмайди. Бундай умумалоқадорлик халқимиз қадриятларини тўғри йўлга солиш ва улардан ижобий мақсадларда фойдаланиш имкониятини яратади; тўртинчидан, оила ва маҳалланинг диалектик бирлиги ота – боболаримизнинг удумига, маънавий маданият қадриятларига содиқлик руҳини, уларни асраб – авайлаб ривожлантириш тўғрисидаги туйғусини шакллантиради. Энг муҳими, бу қадриятларимиз ёшларни ахлоқли – одобли бўлиши, ўз миллати, халқи ва ватанига содиқ бўлиш руҳида тарбиялаш ва уларнинг миллий ўзлигини англашида муҳим омил бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллаларда миллий анъаналарни кенг тарғиб қилиш, қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги қувонарли ҳолат. Жумладан, “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” каби тамойиллар асосида маҳаллаларда ижобий ишларнинг амалга оширилаётганлиги фикримизнинг далил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи тарихий – маданий ҳаётида, бугуни ва истиқболида урф – одатлар, анъаналар чуқур маъно ва аҳамиятга эга. Унда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги, ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Республика халқлари маънавий ҳаёти, урф – одат ва анъаналарига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва маъно, мазмун, моҳиятга эга эканлигини кўрамиз.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирганда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, халқимизнинг урф – одат, анъаналарида, уларнинг ҳаётий фалсафаси, дунёқараши, инсонларга бўлган муносабати, воқеа – ҳодисаларни тушуниш, уни

идрок этишда онг ва тафаккур шакли, даражасини кўриш мумкин.

Иккинчидан, урф – одат ва анъаналар авлоддан – авлодга ўтиб келганлиги уни миллий ғоямизнинг негизи сифатида миллий – маданий меросимизга, маънавий мулкимизга айлантирган. Бу уни қадрлаш ва қадрият сифатида эътироф этилишига асосдир.

Учинчидан, урф – одат ва анъаналар халқларнинг тарихи, турли хил ҳаёт тарзи соҳалари идеаллари билан боғлиқ тарзда хилма – хил кўринишларга эга. Миллат – ижтимоий ҳаёти соҳаси негизлари билан боғлиқ ғояларни, мақсадларни ўзида ифодалайди, ҳамда миллий ғоя шаклланишида ва ривожланишида муҳим негиз ҳисобланади. У тарих синовларидан ўтиб келганлиги сабабли халқлар ва миллатлар ҳаётида муҳим ўрин тутати, уларнинг ривожланишига ва тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, дунёда халқларнинг миллий – маданий мероси, урф – одат ва анъаналарига қараш бир хил бўлмаган шароитда, уни “замондан орқада қолиш”, “тараққиётга ҳалақит қилувчи омил сифатида қарашлар” миллий ғоя мақсадларига, негизлари бўлган урф – одат, анъаналарнинг ҳақиқий моҳиятига тўғри келмайди.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистонда кўп миллатли давлат сифатида, миллий урф – одат ва анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мамлакатдаги барча халқлар, миллатлар ҳаётининг муҳим жиҳати бўлган турли хил урф – одатларни асраб авайлаш, уни ривожлантириш орқали, обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренесанс пойдеворини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1969.
2. Вамбери Г. Очерки Средней Азии. – М.: “Наука”, 1968.

3. Қодиров М. Байрамлар, томошалар, маросимларлар. Мозийдан таралган зиё. – Т.: Шарқ, 1998. - Б. 153;

4. Маънавият асосий тушунчалар луғати. – Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2021. – Б. 418.

5. Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар шарқ ёзма манбаларида - Фирдавсийнинг (934-1025) «Шоҳнома» достонида, буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар) нинг «Китобаш тавҳим» («Тушунтириш»), «Қонуни Маъсудий», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Хайёмнинг «Наврўзнама», Маҳмуд Қашғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» номли китобларида баён этилган.

6. Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010. – Б.70.

7. Ҳасан чопсон. –Т.: Фан, 1970- Б. 57; Муродхон (Фозил Йўлдош ўғли) – Тошкент: 1974. – Б. 74; Алпомиш (Берди бахши). – Т.: Фан. 1969. – Б.24.

8. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. – Т: О‘zbekiston” нашриёти, 2022. – Б.276.

9. Мирзиёев М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. – Т: О‘zbekiston” нашриёти, 2022. – Б.293.

10. Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. - Б. 201.

ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИДА ДИНИЙ МЕРОС ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ УЙЁУНЛИГИ

Кимсанбаева Шахноза Бакридиновна

*Тошкент давлат аграр университети
Гуманитар фанлар кафедраси доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Ҳозирги кунда мамлкатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан бораётган ўзбек халқи миллий онгининг ўсиб бораётганлиги натижасида ўз ўтмишини, бой маданий меросини, миллий урф-одат, байрами ва маросимларини, маънавий қадриятларини, диний меросини тиклашга ва ўзлигини англашга бўлган интилиши тобора ўсиб бормоқда. Бу ҳол табиий ва қонунийдир. Ўз миллий маданиятини қадрлаш, ўз тарихининг шонли саҳифаларини эъзозлаш, тарихий хотиранинг тикланиши, ўз она юрти, унинг дунёга машхур буюк алломалари, қаҳрамонлари ва муқаддас шайх-уломалари билан фахрланиш, миллий урф-одат ва анъаналарига, диний меросига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уни ривожлантириш, ўзлигини англашга интилиш муайян миллат, элат, халққа мансубликни англашнинг муҳим жиҳатидир.

Маълумки, деб таъкидлайди Президентимиз «қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан Ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади»[1.2;].

Дарҳақиқат, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётганлиги, миллий ва диний меросимиз, қадриятларимизнинг ўз

ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» номли рисолада таъкидланганидек, «Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, ислом динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган... Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўللاردан узоқ юришга, яхши бўлишига, яхши из қолдиришга ундаб туради»[2.3.Б.21;].

Мустақиллик диний мерос ва қадриятларни қайта тиклаш, улардан жамиятни маънавий янгилаш жараёнларида фойдаланиш имконини берди. Айниқса, исломий мерос ва қадриятлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Исломий меросни англаш ва қайта тиклашда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ-ас-саҳиҳ», Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий», «Шамоили Муҳаммадия», Абу Лайс Самарқандийнинг «Бустон ул-орифин», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балоғардан», Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Қалблар кашфиёти», «Тафаккур», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қисаи Рабғузий», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар», Муҳаммад ибн Абубакрнинг «Ҳадиси Усфурий», Сайфур-Зафар Навбаҳорийнинг «Дурр ул-мажолис», Муҳаммад Закариёнинг «Фазоилул аъмол», Хўжаназар Хувайдонинг «Роҳати дил», Кайковуснинг «Қобуснома», Фариддин Атторнинг «Илоҳийнома», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Розииддин ибн Фаруддиннинг «Насийҳат» каби асарларининг ўрни беқисдир. Шунингдек, мустақиллик йилларида улўғ аждодларимиз ҳақида Нажмиддин Комиловнинг «Кубро», Ҳамидхон Исломийнинг «Ипор ҳид ила туғилган ориф», Садриддин Салим Бухорийнинг «Табаррук зиёратгоҳлар», Ботир Валихўжаевнинг

«Хожа Ахрортарихи», Шайх Муҳаммад Содиқ муҳаммад Юсуфнинг «Ислом тарихи», Убайдулла Уватовнинг «Буюк юрт алломалари» каби асарларининг чоп этилиши юртдошларимизнинг диний мерос ва қадриятлар асосида ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тадқиқотимиз кўрсатишича, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғоя асосида инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш, ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш»[3.5.] эканлиги кўрсатилган.

Баркамол ахлоқ ва яхши хулқ аста-секинлик билан шаклланади. Халқ ахлоқий мезонлари, қадриятлари ўтмиш маънавий мероси билан кўҳна она замин билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар натижасида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, байрамларимиз, ахлоқ-одобимиз, тарихий, миллий ва диний меросимиз, эзгу фазилатларимиз аста-секинлик билан қайтадан тикланмоқда ва ўзининг тарбиявий вазифасини бажара бошлади.

Жамиятнинг маънавий янгилианиши шароитида миллий ўзликни билишга маҳаллий ҳалқларимизда қизиқиш даражаси қандайлигини билиш мақсадида тадқиқотчилар томонидан республикаимизнинг бир қанча вилоят ва туманларида ўтказилган социологик сўровлар қуйидаги

натижаларни берган. «Ҳозирги шароитда ўзбек халқи миллий онги уйғонишининг асосий омиллари нимадан иборат?» деган саволга сўралганларнинг кўпчилик қисми – Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий мустақилликка эришганлиги туфайли деб ҳисоблайдилар, улар 83,7 фоизни ташкил этади. Респондентлардан 73,2 фоизи – миллий онгнинг уйғонишига биринчи сабабларидан қилиб миллий урф-одат ва қадриятларимизнинг тикланиши, деб ҳисобламоқдалар. Сўралганларнинг 69,2 фоизи эса бугунги кунда миллий ўзликни ўрганишга қизиқишнинг тобора ортиб боришини табиий ҳол, деб биладилар.

Бу янгича сиёсат, диний мерос ва миллий ўзликни англаш муносабатидаги янгиланишларнинг ўзига хос натижасидир.

Буни ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Шахсларга хос бўлган ижобий фазилатлардан бири, ўз халқининг анъаналари билан фахрланиш ҳисобланади. Бу ҳолат миллий ўзига хосликни мустаҳкамлайди, анъаналарнинг қадри ҳақида фикрлаш имконини беради. «Сиз ўз халқингиз анъаналари билан фахрланасизми?» деган саволга респондентларнинг 84,3 фоизи «жуда фахрланаман», 15,7 фоизи «мен фахрланаман ва ҳурмат қиламан» деган жавобларни беришди. Ўз урф-одатлари билан фахрланмаганлар аниқланмади, урф-одатларга турли даражадаги муҳаббат ва ҳурмат билан муносабатда бўлганлар кўпчиликни ташкил қилди. Ўз халқининг тарихий ўтмишига қизиқиши, аксарият оилаларида анъаналар сақланиб қолганлигини, айрим респондентлар баъзан бу ҳақда ўз оилаларида унутганлигини, баъзи респондентлар жавоб беришга қийналишини ҳам кўрсатди, яъни 89,7 фоиз «ҳа, биз анъаналарни имкон қадар сақлаймиз», 5,3 фоизи «бизнинг оиламизда бу ҳол кўпинча эътибордан четда қолади», 2,0 фоизи «биз ўтмиш билан анча вақтдан буён алоқадор эмасмиз» деган жавоблар берилган бўлса, 3,0 фоизи жавоб беришга қийналди.

Респондентларнинг 74,3 фоизи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг маданияти ва урф-одатлари ҳақида кўпроқ билишни исташларини билдирди. «Сиз билан қўшни бўлиб яшайдиган халқларнинг урф-одатлари ҳақида қандай фикрдасиз?» деган саволга респондентларнинг 76,8 фоизи «Менинг халқимнинг урф-одатларига зид бўлмаса, яхши, унга ҳурмат билан муносабатда бўламан», 23,2 фоизи эса «Мен ҳурмат қиламан, лекин бефарқ эмасман» деган жавобларни берган бўлса, «Мен қабул қилмайман» деган жавоб вариантыни белгилаганлар бўлмади. Респондентларнинг аксарияти бошқа халқлар анъаналарини ҳурмат қилиши ҳамда бефарқ эмаслигини кўрсатди[4.4.Б.119;].

Диний тасаввурлар ва расм-русумларнинг оммавийлашиб, миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланишига сабаб, бизнинг фикримизча, уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хаста кўнгилларга мадад, бесабр бандаларга имон тилаши балан изоҳланади. Ҳар бир инсон бошига ҳаётнинг оғир кулфати – ўлим тушганда унга руҳий мадад, тасалли бериш учун дин аҳлларида тортиб қўни-қўшниларгача келишади. Диний эътиқод қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ёки мансаб, шуҳрат танламайди. Халқимиз ҳайит кунлари ёки бегим кунлари қайси дарвозага ўриндиқлар қўйилиб, кўрпача тўшалган бўлса, шу хонадон жудо бўлган кимса ҳурматини бажо келтириб ўтишни ўзининг инсоний бурчи, деб билади.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши шароитида диннинг ана шундай тарбиявий аҳамиятини тўғри тушуниб етишга аҳамият берилмоқда, дин аҳилларининг мустақиллик шароитида одамларни ҳамжиҳатликка, биродарликка, самимият ва покликка ундашлари жамиятимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ҳақда Президентимиз алоҳида қайд этганларидек, «имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз

минг йиллардан буён пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур»[5.1.Б.485;]. Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, диннинг ижтимоий ҳодиса сифатида одамлар тотувлиги, тинчлиги ва одоби учун олиб бораётган илғор фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда одамларнинг дунёвий тасаввурлари ҳаққониятини ҳам унутиб қўймаслигимиз лозим.

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, «мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз, буюк азиз- авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда»[6.1.Б.466;].

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида миллий онгимиз ва руҳимизни кўтариш, аجدодларимизни, ўзлигимизни танишимиз, миллий ва диний меросимизни ўрганишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни тўғри тарбиялашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Одамлар ўз қадриятларини англаши, улар фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳуқуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, инсонийлик фазилатларини чуқур ҳис қилишлари зарур.

Юқоридаги баён этилган фикрлардан шу нарса аён бўлдики, ўзбек халқининг маънавий маданияти, маросим ва урф-одатларининг шаклланиши ва ривожланишида ислом омилининг ўрни ва роли ниҳоятда сезиларли бўлган. Лекин, бу жараёни фақат ислом динига, унинг ақидаларига боғлаб қўйиш бир томонламалик бўлиб қолади. Бунда исломгача бўлган умумбашарий маданий меросларнинг, бошқа динлар таъсирини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, миллий ўзлигини тўла англаган халқ барча ахлоқий мезонларни, жамики

эзгуликни муқаддас деб билади ва уларни чин кўнгилдан ардоқлайди. Муқаддаслик инсон воситасида ўтмишни, ҳозирги замонни ва келажакни бир-бири билан ўзаро боғлайди;

иккинчидан, ўтмишга бўлган оқилона муносабат, тарихни тиклаш ахлоқий сифатларнинг қарор топишидаги зарурий шартлардан бўлиб, ҳозирни ўтмишдан ажратиб бўлмайди, яъни аجدодларимиз яратган ва биз учун қолдирган эзгулик туфайлигина биз тараққий этишимиз мумкин;

учинчидан, бизнинг бугунги кундаги тарихий вазифамиз диний, маданий-маънавий мерослардан энг муқаддасларини танлаш ва улар асосида янгича умуминсоний маданиятни шакллантиришдан иборат. Ҳозирги замонни баҳолай билиш, ўтмишни баҳолай билиш, демакдир. Ўтмишни инкор этиш – демак, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам қадрлай билмасликдир. Ана шуларни ҳисобга олсак, халқ маънавий маданияти, урф-одати ва қадриятларини тиклаш халқнинг миллий ўзлигини англаш йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б.-466, 485.

2. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

3. Ислон зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: Тошкент ислон университети, 2001.-Б.-21.

4. Суванов И. Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикаси. Фалсафа доктори (PhD) Дисс. – Тошкент, 2018. –Б.119

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Халқ сўзи, 2018 йил 17 апрель.

МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.

Камолова Кимёхон Ғуломжоновна

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини тадқиқотчиси,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Баркамол инсон тарбияси жамият тараққиётининг барча даврида етакчи майл бўлган. Қайсики халқ, давлат, миллат фарзандларининг баркамоллигига эътиборни қаратса, уларни комил инсонлар даражасида вояга етказишга интилса ўша жойда тараққиёт, жамият фаровонлигига эришилган. Маърифатли жамият сари қадам ташланган.

Янги Ўзбекистонда ҳам юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин ва бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ишлаб чиқилди.

Ушбу концепция авваламбор, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маданий ва маърифий йўлда юксалиш имконини беради. Маънавий-ахлоқий қадриятларимизни бойитиш ва ривожлантириш эса ўз-ўзидан тарихимизга назар солишга ундайди. Маълумки, Ўзбекистон замини қадимда икки буюк

2

уйғониш даврига - Биринчи (маърифий - IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар - XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Буни бутун жаҳон ҳам тан олган ва унга шубҳа йўқ.

Жамият ва давлат, одоб-ахлоқ ва бошқа соҳалардаги қимматли фикрлар бир неча асрлар муқаддам аجدодларимиз Абу Наср Фаробий, ал Беруний, Абу Али Ибн Сино, ал Фарғоний, имом Бухорий, имом ат Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий ва шулар каби улуғ алломалар ва буюклар томонидан яратилган ва бугунги кунга қадар эзгу фазилатлар билан суғорилиб келинмоқда. Буюк мутафаккирларимиз инсоннинг шаклланиши, унинг баркамол шахс бўлиб етишишига, айниқса маънавий ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбияланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Жасурлик, дадиллик, дўстоналик, сахийлик, ростгўйлик, адолат, халқпарварлик, миллатсеварлик, қалби тозаллик ва шу каби турли ахлоқий фазилатлар ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблашган.

Улар томонидан яратилган асарларда инсон, инсон қадри, жамият ва уни бошқарув борасида қимматли фикрларни билдиришган. Масалан, Абу Наср Форобий “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун шундай инсонлар жамоасига эҳтиёж туғиладики, бундай жамоанинг ҳар бир аъзоси унинг эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсалардан бирортасини етиштириб беради”.[1.4. Б.156–157;]

Улуғ алломаларимиздан бири Абу Наср Форобийнинг фикрича, инсоннинг ва жамоанинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукамалликка кўтарилиши инсон ва жамоанинг ўз кўлидадир.

У “Фозил одамлар шахри” асарида жамиятни фозил ва жоҳил одамлар шахрига қиёслайди. Фазилатли шахарда илм, фалсафа, ахлоқ, маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда одамлар етукликка эришишлари

мумкин, деб инсон баркамол ёки нокамоллигини ижтимоий муҳит билан боғлайди. “Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат – фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, – деб, қуйидагиларни санаб ўтган:

– Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-саломат бўлиб, унга юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги касал халал бермаслиги лозим, зеро, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши мумкин. Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан дид- фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез англаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги лозим. Тўртинчидан, У зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг бўлар-бўлмас аломатларини ва у аломатлар нимани англатганини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши керак. Олтинчидан, у (устозлардан) таълим олишга, билиш, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши лозим. Еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга муносабатда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши шарт. Тўққизинчи, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли инсон бўлишга, пасткашликлардан юқори турувчи, жуда олийҳимматли, улуғ, олий ишларга интилиши зарур. Ўнинчидан, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидаш қувмайдиган) бўлиши керак. Ўн биринчи, табиатан

адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз қавмларига ҳам, бегоналарга ҳам раҳм-шавқатли, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, ҳаммага яхшиликни ва ўзи суйган нарсаларни уларга ҳам раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўз халқи олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутган ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур. Ўн иккинчи, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги лозим.

Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жаъмланиши амри маҳол, зеро, бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлиш жуда кам учрайди. Мабодо фозиллар шахрида шундай баркамол инсон топилиб қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси, ёки бештаси мужассам бўлганда ҳам, у ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади”[2.2. Б.41-42;].

Форобий бу билан агарда жамиятда шундай инсонлар кўпайса, маънавият қарор топади ҳамда бундай давлат тараққиётга юз тутади, бу жамиятда инсонлар роҳат-фароғатда яшайди, деган ғояни илғари суради. Ушбу ғоя ҳозирги даврда ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, раҳбарлар шу фазилатларга амал қилишса, жамиятимизда баркамол инсонлар кўпайиб, давлатимизда бундан ҳам кўпроқ яратувчилик, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мумкин. Чунки бундай инсонлар маънавий етук бўлиб, ўзи ва қўл остидагиларга нисбатан меҳрибон, раҳмдил, кечиримли бўлади. Давлатидан ва бошлиғидан ҳурмат-иззат кўрган инсонда яшашга ва меҳнатга бўлган иштиёқ ошади.

Ўзбекистонда халқимиз маънавиятни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишда мутафаккирларимиз ундан кўпроқ рамзий маънода ифодалаганларини назарда тутиш зарур. IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожига кўзга кўринган шоир Юсуф Хос Хожиб ўзининг “Қутадғу

билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида рамзий образлар орқали маърифатли жамият бошқарувини кўрсатиб берган.

Масалан, дoston қаҳрамонлари – ҳоким Кунтуғди – адолат рамзи, вазир Ойтўлди – бахт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш – ақл рамзи, Ўзғурмиш – қаноат рамзи сифатида тасвирланади.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон фақат жамиятда, бошқа одамлар билан мулоқотда ва фойдали меҳнатда чинакам камолга етади, деган ғояни илгари суради. Инсониятга фойда келтирмайдиган одам – ўликдир, – деб таъкидлайди. Жамиятда меҳнат аҳли – деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб уқтиради. Шунинг учун, Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимга адолатли бўлиш, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради.

Мутафаккир одам кимлигидан қатъий назар инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийликкина абадул-абад қолади, – дейди. Шу сабабли ўз номини ҳамиша яхшилик билан эслашни истаган инсон фақат эзгулик қилиши лозим. У шундай ёзади: “Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши мақсадига етади ва бахт унга кулиб боқади”, чунки “яхши ахлоқ жаъмики яхшиликларнинг заминидир”. Юсуф Хос Ҳожиб илм ва маърифатни жамиятнинг тараққиётига, гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб билиб, уларни эгаллашга даъват этади. У одамни зулмат ичидаги уйга, билимни эса ана шу уйни нурафшон этувчи машъалга ўхшатади.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг ташқи қиёфаси унинг ички маънавий дунёсига мос бўлишига катта аҳамият беради. Мутафаккир ёлғончи, мунофиқ одамлар жамият учун зарарли, бундайлардан узоқ бўлиш керак, дейди.

Маърифатли жамият қуриш борасида улуғ саркарда Амир Темур “Темур Тузуклари”да шундай дейди: “Давлатни бошқарувчи салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик. Шундай экан, салтанатни

бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритган инсон токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагай. Яна шуни ҳам бигилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру-тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, қатъийлик, сабр, чидамлилик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай”[3.3.Б.25;]. Бу билан Амир Темур вазирларга садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликпарвар, сабрли, мулойим ва ташаббускор бўлишлари кераклигини талаб қилган. Инсоний фазилатларни эгаллаган одамлар билан жамиятни бошқариш осон, аксинча, жамият бошқарувчилар ҳайвоний ҳирсларга берилган бўлса, бундай жойда фаровонлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам аجدодларимизнинг келажак авлодларга қолдириб кетган бебаҳо маънавий-ахлоқий бойликлари бисёр. Уларда акс этган ғоялар, ибратли фикрлар, панд-насиҳатлар бугунги маърифатли жамиятни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун хизмат қилади. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев, “Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуғ аجدодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз”[4.1.], - деганда алломаларимиз билан ғурурланиб, фахрланиш билан айна чоғда уларнинг маънавий меросларига таяниб, маърифатли жамиятни қуриш, аجدодларимизнинг орзу-интилишлари ва армонларини рўёбга чиқаришни ҳам назарда тутган эди. Бунинг учун эса, ҳар бир тарғиботчи, ташвиқотчи, педагог ходим алломаларнинг меросини ёшлар қалби ва онгига сингдиришга, улардан ҳаёт фаолияти давомида фойдалана олишга ўргатиши, маънавий-ахлоқий меросни қадрият сифатида асраб-ардоқлашга ва келажак авлодга етказишга

ўрганта олиши зарур. Шундагина биз ўз олдимизга қўйган “Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият”ни ярата оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. ОАВ ходимларига берган интервьюсидан. 2021 йил 17 август.

2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашр., 2012. – Б.41-42.

3. Темур Тузуклари. Б. Аҳмедов таҳрири остида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.: 1996. –Б. 25.

4. Трактат о взглядах жителей добродетельного города. Приложение книги С. И. Григоряна “Из истории философии Средней Азии и Ирана”, Изд. Ан СССР, М., 1960. 156–157-бетлар.

АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Кучкаров Худайназар,
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институту кичик илмий ходими*

“Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”.

Махатма Ганди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётгани, бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серқирра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистиканинг янги авлодини тарбиялаш зарур”[1], -дея таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Зеро, бугунги замонавий даврда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг шиддат билан ривожланиб бориши натижасида инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланишига замин яратди.

Дунё давлатлари тажрибасидан маълумки, ҳар қандай давлат ҳаётида ёшлар тарбия масаласи ҳамиша долзарб масала эътибор қаратиб келинган. Айниқса, ёшлар тарбияси ва уларни маънавиятини шакллантириш муаммоси жамиятимизда фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, психология, социология каби гуманитар фанларга бу борада долзарб вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон ахборот майдонида глобаллашувининг тобора авж олиши айтилиб берилади. Бир вақтда ёшлар қалби ва онгига, миллий менталитетимиз, соғлом эътиқод, ватанпарварлик фазилатларини камол топишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ғоявий-мафкуравий, ахборот таҳдидлари намоён бўлишини кузатиш мумкин. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида ахборотга бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Шу боисдан, бугунги кунда ҳолис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, аҳолини, хусусан, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ахборот хуружи авж олган бугунги замонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш, ҳар қандай ноҳолис ахборотлар замирида ёт ғоялар мавжудлигини ёшларимизга тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучининг беқиёслиги аён бўлмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали жуда тез фурсатда тарқалаётган ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий ахборотларнинг аксарияти дунё миқёсида ташвиш уйғотмоқда. Дунёга гегемонлик қилишга интилаётган кучлар айнан ахборотдан ғаразли қурол сифатида фойдаланишга уринмоқда. Бошқача айтганда, бир томондан ахборот инсоният маънавий оламини кенгайтириш, инсон илму-тафаккурини бойитишга хизмат қиладиган манба сифатида аҳамият касб этаётган бўлса, иккинчи томондан, ахборот инсонни ўзлиги, миллати, ватанидан жудо қилишга гирифтор этадиган ва охиروқибат манқуртга айлантираётгани афсуски, бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш ва тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир инсон уёқи бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда “Бу ахборотни ким узатапти?”, “Нима учун узатапти?” ва “Қандай мақсадда узатапти?” деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олди олинади[2].

Ёшларда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни баҳолашда, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, қадриятлар тизими муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамиятининг анъанавий шакллари нафақат ўзгартиряпти, балки яқин келажакдаги янгича кўринишини ўзида намоён этмоқда. Шу тариқа, ёшлар онгига ва маънавиятига таъсир кўрсатишнинг қудратли ахборот-сиёсий воситасига айланмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча соҳаларига татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда ёшлар интернетда фойдаланишда уларни ижтимоий тармоқлардан ҳимоясиз фойдаланаётгани афсуски, ташвишлидир. Жаҳон ахборот тармоғида ёшларни доимий иштирок этиш, ота-оналар назорати йўқлиги, болаларнинг ахборот маданиятини билмаслик аксарият ҳолатларда уларнинг Интернетга қарам бўлишига замин яратмоқда.

Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»[3]. Зеро, бугунги кунда ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг аксарият қисми ёшлардан иборатлигини инобатга олсак, Ислон Каримовнинг ёшлар қалбига қулоқ солиш ҳақидаги гаплари нечоғлик долзарб аҳамиятга эга эканлигини англаймиз. Интернет, уяли телефонлар, ахборот техникаси – буларнинг барчаси инсон ақл-идроки, салоҳиятининг самараси, инсон учун, унинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун хизмат қилади, бироқ очиғини айтганда, ҳеч

қандай автоматлар, машиналар, компьютерлар инсон ўрнини боса олмайди, инсон қалби, руҳига маънавий озуқа бўла олмайди. Бизнинг мақсадимиз улардан воз кечиш эмас, улардан оқилона фойдаланган ҳолда, ўзлигимиз, қадриятларимизни сақлаб қолишдан иборат. Бунда албатта, оила, маҳалла, таълим муассасалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг роли ниҳоятда катта. Мамлакат ва миллат тақдирида маънавий тарбиянинг ўрни нечоғлиқ катта эканлиги, ҳар қандай ахборот таҳдидларига мунтазам ва узлуксиз тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкинлиги мазкур асарда жуда таъсирли қилиб айтилган: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», - дея таъкидлагани бежиз эмас.

Фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин». Дарҳақиқат, глобаллашган ахборот шароитида, ҳар бир хатти-ҳаракатида Ватан ва халқ манфаатларини ўйлаб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялаш бош мақсадга айланиши лозим. Фикримизча, ёшларнинг онги, тафаккури ва тарбиясига эътиборни қаратиш уларнинг маънавий олами дахлсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ёшларда ғоявий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги давр талаби ҳисобланиб, бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар асосида, таълим тизимининг барча босқичларида, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ва узлуксиз тарғибот ишларини олиб бориш

мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда, ёшларнинг ахборот оқимиغا муносабатини тўғри йўналтиришда ота-оналар, устоз ва мураббийлар тарбия бериш жараёнида ёшларга тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизда ахборот маданиятини шакллантириш орқали уларни қалби ва онги ҳамда тафаккурини ғоявий-мафкуравий бўшлиқдан асраш орқали ҳақиқий ватанпарвар баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/27/congratulation/>

2. Тайлакова Ш.Н Глобаллашган ахборот шароитида ўқувчи-ёшларнинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини оммавий ахборот воситалари асосида шакллантириш./ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ журнали 2015, -3 бет

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 12 ноябрь.

СОҒЛОМ БОЛАНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАДАГИ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Мадрахимов Алишер Усубжон ўғли,
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
инститuti кичик илмий ходими
ва мустақил тадқиқотчиси*

Ижтимоий ҳаётда айрим муассасалар ўз хусусияти ва вазифасига кўра мафкурага бевосита дахлдор ҳисобланади. Мафкура ўз моҳиятига кўра бўлинмас ва яхлит механизм бўлганлиги учун ҳам унинг амалиётини мафкуравий муассасалар ва унда фаолият юритувчи мафкурачи шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мафкуравий муассасалар деганда моддий товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқармайдиган асосан, инсон онгини ривожлантириш ёки янада такомиллаштириш билан шуғулланадиган, фаолияти бевосита инсон онгига йўналтирилган ижтимоий институтлар тушунилади. Улар доирасига оила, маҳалла, барча таълим муассасалари (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: Ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидение ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар киради. Диний мазмундаги мафкуралар дунёвий мазмундаги мафкуралардан фарқли ўлароқ юқорида санаб ўтилган мафкуравий муассасалар қаторида махсус ташкил этилган ибодатхона (масжид, черков, синогогия ва хакозо)лардан ҳам мафкуравий муассаса сифатида фойдаланадилар.

Жамиятдаги барча институт ва муассасалар ҳам мафкуравий муассаса ҳисобланавермайди. Бирор муассасага мафкуравий муассаса сифатида ёндашишнинг асосий мезони сифатида унинг муайян бир мафкура таъсирида эканлиги ва унда ғояларни сингдириш амалга оширилаётганлиги эътиборга олинади.

Барча мафкураларда мафкуравий амалиётни ташкил этишда жамиятнинг ўзига хос субатоми бўлган оила мафкуравий муассаса сифатида асосий ролни ўйнайди.

Маълумки, оила бу – никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бири-бирига боғланган бўлади. Оиланинг энг муҳим ижтимоий вазибалари – инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналсада, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради [1.4.Б.63;].

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлиқ”.

Жамиятдаги барча оилалар мафкура учун объект ҳисобланади. Оилаларга кириб бора олган мафкуралар учун оила ўз аъзоларига ана шу мафкура ғояларини сингдирувчи мафкуравий муассаса ролини ўтайди. Таъкидлаш керакки, тарихан барча мафкуралар оилага айнан мана шундай тамойиллар орқали ёндашиб келган. Улар ўзларидаги энг асосий ғоя ва категорияларни айнан оила орқали кишилар онгига етказган. Бунга мисол сифатида тарихчи Наршахий томонидан ёзиб қолдирилган Араблар томонидан Бухоро халқига ислом ғояларини сингдириш жараёни келтириш мумкин: “Қутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга

ундаб буйруқ чиқаришни тўғри топди ва шу йўл билан у мусулмончилиқни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди” [2.3; Б.123.].

Араблар бу ишлари орқали дастлаб Бухоро шаҳридаги оилаларни кейинчалиқ эса, бутун Моввораунахрдаги оилаларини ислом мафкураси учун мафкуравий муассаса бўлишига ҳаракат қилдилар. Улар оилаларга кириб боргач у ерда Ислом мафкурасидаги барча ғоя ва категорияларни кундалиқ турмуш асосида кишиларнинг онги ва қалбига киритиб боришди. Ислом мафкурасининг амалиёти шундай усталиқ билан ташкил этилиши ва дастлабки вақтларданоқ оилага ушбу мафкура тарғиботчилари томонидан мафкуравий муассаса сифатида қаралиши халқимиз ҳаётида исломни дин сифатида мустаҳкам ўрнашишига олиб келди. Кейинги қисқа вақт ичида бу ҳудуддан диний ва дунёвий билимларда араб уламулари билан беллаша олдиган, ҳатто уларни ҳам ортида қолдирган алломалар етишиб чиқди. Хусусан, Бухоро шаҳрининг ўзида нисбатан қисқа муддат давомида кучли исломий муҳит вужудга келиб, бу шаҳар бутун Ўрта Осиё учун ислом динининг маркази яъни “Қуббатул Ислом” даражасига кўтарилди.

Кўриниб турибдики, тарихан мафкуравий амалиётда оиланинг ўзига хос функцияси мавжуд бўлган. Бу функция орқали жамиятда амалга ошиши ўта қийин бўлган мафкуравий амалиёт ҳам оилаларда кундалиқ турмуш билан бевосита боғланган ҳолда доимий амал, кундалиқ юмуш кўринишида амалга оширилган. Тарихан муайян мафкурани оиладан барқарор ўрин эгаллаши мазкур мафкурани амалиётда энг кучли мафкуравий муассасага эга бўлишига олиб келган. Бу ҳол ана шу мафкурани мафкуравий рақобат ўта кучли бўлган даврларда ҳам яшовчанлигини таъминлаган. Оилага кириб бора олмаган ёки у ердан юзаки жой олган мафкуралар эса, амалиётда юз берадиган мафкуравий рақобатлар даврида сўзсиз равишда жамият миқёсидаги мавқеидан ҳам айрилган.

Бизнинг давримизга келиб оиланинг мафкуравий амалиётда тутган ўрни барча даврларга нисбатан ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Маълумки, дунёдаги ҳар бир

жамиятнинг ўзига хос оила тизими бор. Бизнинг жамиятда оила тизимининг ўзига хос ютуқли томонлари шундаки, ҳозирда жаҳоннинг баъзи (айниқса Ғарб) мамлакатларида оила инқироzi кетаётган бир шароитда миллий менталитетимизнинг ўзига хослиги ва давлатимизни оилани қўллаб қувватлаш борасида олиб бораётган сиёсати натижасида жамиятимиздаги оилавий муҳит соғлом сақлаб қолинмоқда. Жамиятимиздаги оилавий муносабатларнинг яна бир ютуқли жиҳати шундаки, бизда оилавий тарбия жараёни жуда узоқ муддатни ташкил этади. Унда нафақат ёш авлод тарбияланади балки, тарбиячи (ота-она)ларнинг ўзи ҳам бу жараёнда ўз-ўзини тарбиялаш ҳамда фарзандлари таъсири орқали тарбияланиб боради. Ғарбда эса, оилавий тарбия жараёни нисбатан қисқа муддат (фарзанднинг 12-14 ёшигача) давом этади халос [3.2; Б.643].

Шарқона оила тизимида мавжуд бўлган мана шундай омиллар мафкуравий амалиёт жараёнида ижобий роль ўйнайди. Бу омиллардан унумли фойдаланиш учун эса, албатта, мафкуравий амалиётда оилага ва ундаги муносабатларга шахсий иш эмас, балки ижтимоий аҳамиятга молик масала сифатида ёндашишни, мустаҳкам, соғлом турмуш тарзига асосланган оилалар – мафкуравий ижтимоий институт сифатида миллий ва давр руҳи асосида ёш авлодни тарбиялай олишини назарда тутиш муҳимдир [4.1; Б.169].

Хулоса сифатида айтганда, жамиятда оилага нисбатан мафкуравий муассаса сифатида қаралиши жамият мафкурасини оилага кириб боришини асосий шарти ҳисобланади. Бу жараёнда оила, ундаги анаъналар, оилада соғлом муҳитни қарор топтирувчи омиллар бевосита мутахассислар томонидан ўрганилади ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади. Мафкура объектига айланган ва ўзига хос кўринишда мафкуравий амалиёт (катталарнинг кичикларга ёхуд кичикларнинг катталарга ғоявий таъсир этиши) йўлга қўйилган оилаларда албатта мақсадли тарбия вужудга келади. Бу вазиятда оиладаги мақсадли тарбия жараёни жамият мафкурасининг мақсади билан уйғунлашади. Оилада ўзига хос кўринишда мафкуравий амалиётни

ташқил этилиши ғоя ва мафкуравий категорияларни бу жараёнга содда шаклда кириб боришини таъминлайди. Кундалик ҳаётга мослашган ва нисбатан соддалашган ғоялар ҳамда борлиқни дихотомик (“Оқ” ва “қора”, “яхши” ва “ёмон” ёки “эзгулик” ва “ёвузлик” каби тушунчаларни биргаликда қўллаган ҳолда дунёни тушунтириш йўли) тарзда тушинтирувчи категориялар оиладан эртақлар, ривоятлар, ижтимоий-сиёсий жараёнларни акс эттирувчи кундалик суҳбатлар кўринишида жой эгаллайди. Буларни ёш авлодга етказувчи бобо-буви ёки ота-она ўз сўзларига аввало ўзлари амал қилиши лозимлигини тушуниб етган ҳолда ўз меҳри ва ибрати билан мафкурачи шахс ролини бажаради. Мазкур маълумот ва ҳаракатлар албатта, оилада тарбияланаётган ёш авлодни қисқа муддат ичида етуклик даражасига кўтармасада, лекин улар ёш авлодда соғлом эътиқод ва дунёқарашни қарор топтиришда асосий ролни ўйнайди. Оила муҳити орқали ёш авлодда шакллана бошлаган соғлом эътиқод ва дунёқараш ҳаёт синовларида ушбу авлод учун таянч нуқта вазифасини бажаради.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ҳар бир инсон (айниқса, оиладаги ёши катталар) томонидан оилага мафкуравий муассаса сифатида ёндашилиши ҳамда бу ерда мафкуравий тарбияни тўғри йўлга қўя олиши ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади. Бу масалага тўғри ёндашган оила вакиллари (айниқса ёши катталар) мафкура соҳасидаги билимлари орқали ўзлари ва авлодларининг бахтли келажакларининг мустаҳкам кафолатига эга бўлишади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. “Ноосфера: геосиёсат ва мафкура”. Т.: “Фан”. 2007.
2. “Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти”. Т.: “Ғофур Ғулом” нашр. 2007.
3. Наршахий. “Бухоро тарихи”. форс тилидан Расулев А. тарж. Т.: “Камалак”, 1991.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, №6 Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат нашрети. 2010.

4-ШЎЪБА

ШАРҚ
МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИ

ШАРҚ УЙЎНИШ ДАВРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАЪРИФАТИ

*Муҳаммаджон Куронов,
педагогика фанлари доктори, профессор,*

*Шоҳруҳ Қудратов,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини мустақил изланувчиси.*

Шарқ Уйғониши, Шарқ Ренессансига турли соҳа олимлари – педагоглар, тарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар катта қизиқиш билан қарайдилар. Мавзуимиз нуқтаи назаридан бу давр Марказий Осиё минтақасида педагогик юксалишдан бошланган, дейиш мумкин. Зеро айнан шу ҳудудда амал қилган таълим ва тарбия назарияси ва методикасининг креатив натижалари жаҳонни ҳайратга солган буюк зотларни етиштириб берди. Дунёвий, бадий, касбий таълим, “Устоз-шогирдлик” деб аталган педагогик ҳамкорлик боис ўша даврда аниқ фанлар, тиббиёт, фалсафа, монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва мусиқа санъати беқиёс даражада ривожланди. Кутубхоналар фаолият кўрсатган.

Уйғониш даври намоёндалари ўз қарашларида ҳам миллий, ҳам умуминсоний педагогик меросга таяндилар. Улар қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, хиндистонликлар ва хитойликларнинг педагогик маданиятини яхши билишган. Зуллисонайн бўлишган. Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизда миллий тарбияга хос

эзгулик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик, хайр-мурувват, оққўнгиллик, бағрикенглик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч эҳтиром фазилатларидир.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ватанпарварлик тарбияси самараси ўлароқ, она юрт мадҳи бу даврда юксак даражага кўтарилади. Оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифлар қўллаб-қувватланди. Китобхонлик, кутубхоналар ривожланди. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдоси кенг йўлга қўйилди. Бухоро, Самарқанд, Марв шаҳарларида катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари кўпайди, китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғулланувчилар фаолияти кенгайди.

Марказий Осиёда биринчи уйғониш даврининг ёрқин вакилларида бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эди. Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. У Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида вояга етган, яшаб, таълим олган. Уз хизмат вазифалари юзасидан Бухорога тез-тез бориб турган ва кўпгина алломалар билан ҳамсухбат бўлган.

Машхур файласуф ва мутафаккир педагог, қомусий илмлар билимдони Абу Наср ал-Фаробий устоз-мураббийга шундай педагогик талаб қўяди: Устоз ўз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки, ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У устозларга болаларнинг феъл-атворига қараб тарбия жараёнида қуйидаги “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойил бўлса, таълим-тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлса, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

“Муаллими соний” номи билан машхур аллома Абу Наср Фаробий тарбия диагностикасининг асосчиларидан биридир. Инсонларнинг тарбияланганлик даражасини

баҳолаш ҳақида аллома "...Инсонлар турли илм, ҳунар фаолиятига мойиллиги ва қобилиятлиги билан табиатан фарқ қиладилар. Тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси (малакалари) билан тафовут қиладилар. Тарбияси жиҳатдан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-биридан фарқ қиладилар", дейди.

Абу Наср Форобий таълим ва тарбияга биринчилардан бўлиб илмий таъриф берди. "Таълим сўз ва ўрганиш билангина амалга оширилади. Тарбия эса, амалиёт, иш-тажриба билан, яъни шу йўл орқали амалга оширилади",- дейди. Унинг фикрича, ҳар бир шахс муносиб одам бўлиши учун унга таълим ва тарбия зарур. Инсон таълим орқали назарий камолотга эришади. Тарбия орқали эса кишилар билан мулоқотни, ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни ўрганади. Аллома болаларнинг феъл-атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланиш керак,- деб ҳисоблайди.

Буюк аллома Ибн Сино ўқувчига билим бериш устозларнинг бурчи эканлигини таъкидлайди. У устозларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, уларга шундай йўл-йўриқлар беради:

- болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- болаларга берилаётган билимнинг қандай ўзлаштириб олинаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- боланинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажрата олиш;
- билимларни болаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Буюк аллома Ибн Сино ҳам таълим-тарбия ва ахлоққа оид "Тадбир ал-манозил", "Рисола фи илм ал-ахлоқ", "Рисола фи ал-аҳд", "Рисола фи тазкияи ан-нафс", "Сиёсат ал-бадан",

“Китоб ал-ансоф” каби асарлар яратган. Ибн Синонинг фикрича, бола тарбияси билан аввало оила, ота-она шуғулланмоғи лозим. “Бола ахлоқи шаклланишида, – дейди у, – эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати муҳим ўрин тутати. Бунинг учун оила аъзоларининг ҳар бирига маълум вазифалар юклатилган бўлиши керак”.

Ибн Сино бола хулқини мўътадилликда сақлашга катта эътибор беради. Унинг фикрича, бунинг учун ҳамма вақт боланинг истаган нарсасини муҳайё қилишга ва истамаган нарсасидан узоқлаштиришга тайёр туриш лозим. Ана шундагина бола ёшлиқдан яхши хулқли, эс-хуши расо бўлиб тарбияланади. Бундай тарбия усулини қўлламайдиган оилаларда болалар қизиққон, жаҳлдор, қўрқоқ ва нозик бўлиб ўсадилар.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, инсон яратадиган ҳар бир нарса унинг руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлиши керак: “Ҳадеб бир нарсани ўқитиш ва ўргатиш зерикарли бўлади, тоқатни тоқ қилади. Агар шогирд бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. “Ҳар бир нарса роҳат бағишлайди”,- дейди.

Сулаймон Боқирғоний тарбиявий қарашларда тасаввуф таълимоти асосида ишлаб чиқилган тарбия усуллари таяниб шахс тарбияси билан шуғулланган ва ушбу жиҳатларга эътибор қаратган: Устоз шогирд ўртасида беғараз, самимий муносабат бўлиши керак. Устозлар шогирдларини “фарзанд”, “асҳоб” (суҳбатдош), “аҳрон” (фикрдош) деб атаган.

Марказий Осиё XIV-XV асрларга келиб Соҳибқирон Амир Темурнинг ватанпарвар фидойилиги туфайли мўғуллар истибдодидан қутулди ва мустақил давлатга эга бўлди. Натижада мамлакатнинг маданий ҳаётида кескин юксалиш юз берди. Амир Темур – йирик давлат ва сиёсат арбоби, саркарда, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотик, руҳшунос бўлиш билан бирга Туркистонни

жаҳонга машҳур қилган миллий ғурурли, сўзи билан иши бир, ватанпарвар инсон – буюк мураббий шахс эди. Унинг номи билан бошланган “Темурийлар маданияти” ўзига хос “Темурийлар тарбияси”ни яратди. Навоий, Улуғбек, Бобур каби улуғ зотлар ва ана шу тарбиянинг натижаси – мевалари бўлдилар.

Темурийлар тарбиясини олган Мир Алишер Навоийнинг педагогик даҳоси ҳар бир мўмин мусулмон кишига фарз бўлган фазилатларга муносабатида ҳам намоён бўлади. Улуғ мутафаккир ўз асарлари орқали айрим замондошларига хос бўлган салбий сифатларни ҳам ғоят таъсирли тасвирлаб, улардан қочишга, яхши сифатларни эгаллашга ундайди.

Алишер Навоий ўз ижодида муносабат билдирган инсоний сифатларни икки гуруҳга – ижобий ва салбий сифатларга бўлиш мумкин: ижобий сифатлар – тавба, мурувват, вафо, ҳаё, иймон, ҳилм (мулойим табиатлилиқ), жон дўсти бўла олиш, сабрлилиқ, тавозеъ, одоб сақлаш, ҳоксорлиқ, қаноат ва бошқалар: салбий сифатлар – хасислиқ, нокаслиқ, бировларни камситиш, енгилтаклиқ, разиллиқ, тамагирлиқ, такаббурлиқ, нафс кетидан тушмоқ, эркакларнинг ўз-ўзини кўз-кўз қилиш учун яسانيши, ўзига бино қўймоқ, шахвоний нафсга берилмоқ, худбинлиқ, ҳимматсизлиқ, мақтанчоқлиқ, исрофгарчилик, чақимчилик иккиюзламачилиқ, таъма, ҳасад, ичкиликбозлиқ, бангилик, нашавандлик, ғийбатчилик, бачканалиқ ва ҳ.к.

“Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий тавозеъ – одоб сақлаш, хоскор бўлиш тушунчаларига алоҳида ўрин ажратади. Тавозеъ яхшиликнинг таркибий қисми ва такаббурлиқ, манманликнинг акси бўлганлиги туфайли Алишер Навоий одамларни тавозели бўлишга чақириб, ундай кишига халқ меҳрининг ошиши, дўсти кўп бўлишини алоҳида таъкидлайди. Демак, хуштавозеъ киши бошқа миллатлар викиллари билан ҳам ўз муносабатларини меҳрибонлик асосига қуриши туфайли самимий дўст бўла олади. Алишер Навоий “ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида “яхшиликка яхшиликдан зиёда мукофат йўқлиги исботланган” лигини XV асрдаёқ эътироф этди. Чунки

Кўнгилни олса малоҳат била, тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину, ё армани ва ё хинду.

Навойнинг замондоши Жалолиддин Довонийнинг “Болаларни тарбиялаш усуллари”, “Истаклар ахлоқи” асарлари илмий педагогикага самарали таъсир кўрсатди. АБАБу Тоҳир Самарқандийлар педагогик қарашлари Довонийнинг педагогик қарашлари таъсирида шаклланди. Довоний бола тарбиясида ўзидан олдинги қараш- одамнинг тақдири олдиндан, “пешанасига ёзиб қўйилган, уни ўзгартириб бўлмайди”, деган қарашга ўзгартириш киритди. У бола тарбиясида муҳитнинг тутган ўрнини асослаб бериб, бола феъл-атворини тарбиявий муҳитни ўзгартириш орқали ўзгартириш мумкин, деган фикрни билдирди. Хуллас Жалолиддин Давоний “бола қалби гўёки тоза пахта, унга тарбия ёрдамида исталган шаклни чизиш мумкин”, -деган методологик фикрни машҳур инглиз педагоги Жон Локкдан қарийиб 200 йил илгари айтган эди.

“Бобурнома”- йирик қомусий асар. Бу асарни XVI асрда мавжуд бўлган миллий педагогик маданиятимизнинг кўзгуси деб аташ мумкин. “Бобурнома”даги персонажларга муаллиф томонидан берилмиш сифатлар ўша замон туркий тарбиясидаги ютуқ ва камчиликларнинг педагогик қайди, дея уларни қайд қилдик: ижобий сифатлар - покиза эътиқодлилиқ, равон саводхонлиқ, саховатлилиқ, хушхулқлиқ, ширинзабонлиқ, шужоъ ва мардоналиқ, хушсуҳбатлиқ, мерганлиқ, одиллиқ, ҳаёлилиқ, шатранжни яхши ўйнаш, қуш илмини ҳуб билиш, мусиқий илмидин бохабарлиқ, сахийлиқ, сиёқ илмини ҳўб билиш, одми ва асиллиқ, толиби илмлиқ, луғати бойлиқ, адолатпешалиқ, хуштаъблиқ, фазилатлилиқ, шеърхонлиқ, ғижжакни покиза чалмоқ, қиличга мардоналиқ, ҳикояти ширинлиқ ва ҳ.к.

Салбий сифатлар - муштазанлиқ, пуршарўлиқ (ғавфо чиқарувчилиқ), емоқда бетакаллуфлиқ, бенамозлиқ, рўза тутмаслиқ, золимлиқ, кофирвашлиқ, ичи торлиқ, кам ҳафсалиқ, фитначилиқ, бахиллиқ, совуқ юзлилиқ, қаттиқ сўзлилиқ, ўқимаганлиқ, омилиқ, кўп ичиш, юраксизлиқ, бадкаломлиқ, шурб(ичкиликбозлиқ)ва зино билан машғул

бўлиш, бефаҳмлиқ, айшга машғуллик, падаркушлиқ, танбаллик, кажхулқлик, бераҳмлиқ, шарирлик (одамларга зарар етказиш), нозук мардаклик, уйда бемажлислиқ, бесухбатлик, ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган мумтоз фикрлар Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари ҳаракат учун ёшларимизга кучли маънавият бахш этади. Юксак ахлоқли одамларга хос фазилатларни бизнинг боболардек кўп ва ҳўп айтган, ёзган боболар бормикин? Ота-боболаримиз яхши одам қандай бўлиши керак, деган саволларга энг тўғри жавобларни айтиб ўтиб кетишди. Бизнинг маънавиятимизни кучли қиладиган фазилатлар Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси(2019)да белгилаб берилди. Яъни ҳар биримизда Концепцияда белгиланган Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик фазилатлари мужассам бўлса, биз кучли, маърифатли жамиятга айланамиз.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ - МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗИ СИФАТИДА

Акрамова Феруза Акмаловна

Низомий номидаги ТДПУ, “Умумий психология”

кафедраси,

психология фанлари доктори, доцент

Фарзандга ота-оналардан қоладиган энг катта бойлик - илм ва тарбиядир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган Тараққиёт Стратегияси дастурида Янги Ўзбекистонни барпо этишда 100 та мақсад белгилаб берилган. Тараққиёт Стратегиясининг 73-мақсади “Буюк аждодларнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш”га қаратилганлиги алоҳида аҳамият касб этади [1].

Қадимдан бошлаб ва глобаллашув даврида ҳам етук, теран фикрлайдиган ёшларни аниқлаш, уларга ҳамроҳлик қилиш ва қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамиятга молик масалалардан бўлиб келмоқда. Шу боис инсоният тарихининг узоқ даврларидан бошлаб тафаккур ва у билан боғлиқ муаммолар мураккаб бўлган ва бу масалалар шахс ривожланишига бевосита таъсир кўрсатган.

Шарқ илмий-фалсафий дунёсида қатор мутафаккирларнинг тафаккур, фикрлаш, ақл хусусиятларига оид фикрларини ўқишимиз мумкин.

Буюк донишманд Абу Наср Форобийнинг қарашларида инсон тафаккурига оид фикрлар «ақл» тушунчаси билан уйғунлаштирилади. Унинг «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ҳар қандай шахсни ақлли деб тан олиш учун унда ўзига хос хислатлар бўлиши лозимлиги ва бу хислатлар орасида унинг фикрининг равонлиги, мулоҳазаларининг ойдинлиги ҳамда сўзларининг аниқ эканлиги унинг ақлини белгилайдиган фазилатларидан эканлиги уқтирилади. Аввало ҳар қандай инсоннинг моҳияти унинг ақлида эканлигига аллома диққатни қаратиб дейди: «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг

моҳияти ҳаракатда намоён бўлади». Демак, инсоннинг инсонлигини ифодаловчи ягона мезон бу унинг ақли ва тафаккур даражаси экан. Абу Наср Форобий ақлга оид фикрини давом эттириб дейди: «Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват - руҳий куч билан боғлиқдир». Бундан кўринадики, инсондагина унга куч бағишлайдиган ақл мавжуд бўлиб, бу унга қувват бағишлайди. Донишманд фикрича, ўзида маълум даражада яхши сифатларни мужассам этган одамни ахлоқли деса бўлади, лекин бунинг учун унда албатта фикр, ақл, мулохаза бўлиши муҳимдир. Форобий ақлгина инсонни мукамал эта олишини ва бунда тафаккур шакллариининг ўрнини кўрсатиб беради. Абу Наср Форобийнинг фикрича, ақл намоён бўлишида мантиқий тафаккурнинг қайси турга мансуб эканлиги муҳимдир, чунки бунинг таъсирида кишида фикр юритиш орқали тушунча ва ҳукмлар пайдо бўлади, энг асосийси шахсда бирор вазиятга нисбатан хулосалар чиқара олиш, тафаккурида анализ ва синтез, таққослаш кабилар шаклланади, бу операциялар воситасида билим олиш, ақлни ишлатиш ҳамда фозилликка эришишини баён этилади [3].

Форобийнинг инсон ақлининг тарбияси ҳақидаги таълимоти Ўрта асрнинг энг илғор таълимотларидан бири бўлган. Унинг фикрича, бахтга эришиш йўлида «бир қисми ақлий ва бир қисми жисмий бўлган эркин ҳаракатлар йўли билан эришилади, ҳар қандай ҳаракатлар жисмий ҳаракатлар йўли билан эмас, балки меъёрий ва муайян одоб-ахлоқ ва одатларга мувофиқ тарзда бир меъёрдаги ҳаракатлар йўли билан эришилади». Гувоҳи бўлганимиздек, инсон камолотида таълим орқали ақлий ҳаракатга эътибор кўрсатиш, тафаккур масаласи нақадар кераклигини яна бир бор кўрсатади. Кўриниб турибдики, 11 аср аввал билдирилган бу қарашлар ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳамияти ва салоҳиятини йўқотмагандир.

Абу Райҳон Берунийнинг тараққийпарвар ғояларида инсон тафаккури доимо воқеликни билишга йўналтирилганлиги, билиш учун эса фикр юритиш керак

эканлиги уқтирилади. Беруний қарашларининг ўзига хос томони шундаки, у тафаккурни қўллаш жараёнида инсон атрофидаги нарсаларни қўлатиш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилишни амалга оширади; бу орқали яхшиликни ёмонликдан, ростни ёлғондан, ҳақиқатни адоватдан ажратиши мумкинлиги асосланади. Беруний фикрича, жонзотлар ичида инсонгина фикрлаш, тафаккур, тушуниш, таҳлил қилиш, ўйлаш каби сифатларга эгадир. Донишманд талқинига кўра, фикр юритиш орқали нарсаларни чуқур ва ҳар томонлама билиш амалга ошади. Ақлий фаолият кечиши тафаккур ва ақл воситасида юз беради, таҳлил, солиштириш, таққослаш усуллари эса воқеликни объектив англаш, тушунишга ёрдам беради.

Абу Райхон Беруний ўзининг машҳур «Ўтган авлодлар обидалари» асарида маънавий мамнуният концепциясини илгари суради: «Оқил киши ҳамма нарсани ақл-идрок ва фаросат билан хис қилгандагина маънавий мамнуният сезади, холбуки, беғам одам жисмоний лаззатнигина тан олади». Унинг фикрича, «хақиқий одам шахсий ва ижтимоий ҳаётни ақл-идрок ва адолат талабларига мувофиқ тарзда ташкил этиши лозим». Бундан кўринадикки, инсон учун энг аввало ақл-идрок билан иш кўриш, яъни тафаккурни ўринли қўллаш муҳим экан. Бундай асосли, илмий хулосаларни ўзида мужассамлаштирган Абу Райхон Беруний қарашлари ҳозирги замон психологиясида инсон ривожланишининг асоси бўлган тафаккур жараёнини тушунтиришда ҳам ўз аксини топиб келмоқда, бу эса аллома қарашларининг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади [5].

Шарқ донишмандларидан Абу Али ибн Синонинг бир қатор рисоаларида («Тиббий рисоалар», «Уржуза») ақлни қўллаш зарурати, тафаккур хулосаларни далилларга кўра амалга оширишни уқтиради. Унинг махсус «Тиббий рисоалар»ининг «Далилларга асосланиб ҳукм қилиш кераклиги ҳақида» деб номланган бобида хатто тиб муолажаларини қўллаш учун ҳам тафаккурни ишлатиш, тафаккур операциялари ва тушунчаларини билиш лозим эканлигини келтиради. Бунда эса тафаккур шакллари

тушунча, хукм, хулосага келиш лозимлиги ва кайси ҳолатда кайси бирини ишлатиш кераклиги уқтирилади [2].

Абу Али Ибн Синонинг бир қатор асарларида («Туш таъбири», «Тиб қонунлари») кишини ўрганиш орқали кўп нарсаларга эришиш мумкинлиги ва бунда албатта ақл, фаросат, тафаккур қўлланилиши лозим эканлигини баён этади. Бемор шахсини, унинг мижоз тоифасини, феъл-атворини билиш учун ақл, фаросат даркор бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, ақл-фаросат билан бошқаларни ўрганиш бошқа кишилар феълени билиб олиш, нарсаларнинг моҳиятини яна ҳам чуқурроқ тушуниш имкониятини яратади.

Донишманд асарларидаги асосий ғоя шуки, инсон ҳаёти яхши кечишида, бошқалар билан муносабатда албатта ақл-фаросатни ишга солиш муҳимлигини уқтирилишидир.

Демак, инсонлар жамоасида, инсоният тараққиётининг асосий мезони сифатида ҳамиша ақл, тафаккур, унинг юқори даражаси сифатида иқтидор саналиб келинган экан.

Буюк шахс Алишер Навоий асарларида эса «ақл» тушунчаси энг кўп қўлланилган терминлардан саналади. Унинг фикрига кўра, ақлнинг 27 даражаси ва 27 сифати мавжуд бўлиб, некбин ақл соҳиблари инсониятга эзгулик келтириб, соҳибини бахтли бўлишига сабаб бўлади, худбин ақл туфайли эса ўзгаларга зиён етади, соҳибига эса зарар келади [6].

Буюк саркарда Амир Темурнинг ўғитларида бирор бир ишни амалга ошириш учун аввало бошқаларнинг фикрига қулоқ солиш, мушоҳада қилиш ва сўнгра бир қарорга келиш зарурлигини уқтиради. У: «Ҳар кимдан кенгаш олдим. Ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгул хазинасида сақлаб, миямда билдим», - деб ёзади. Демак, инсонлар орасидаги мулоқот жараёнида ақлни тўғри ишлатган одам ўзи учун фойда бўладиган жиҳатни тўғри топиб олиши мумкинлиги келтирилиши бу жуда ҳам яхшидир.

Илм, тафаккур ва у билан боғлиқ муаммолар нафақат Ўрта Осиёнинг ўрта асрда яшаган донишмандлари

қарашларида, балки йигирманчи асрда яшаб ижод этган маърифатпарвар адибларнинг ишларида ҳам ёритиб берилган. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ва ахлоқ» асарида тарбия ва тарбиячи фаолияти энг керакли эканлигини, инсонни фикрга эга бўлиб тарбияланишида тарбия берувчи шахсининг таъсирини кўрсатади. Фикри мавжуд, тафаккурли инсон ғайратли, шижоатли бўлишига боғлиқ эканлигини, тарбияланувчидаги фикрлаш қобилияти, билим савияси, интилиш ва йўналишлари эса тарбияланувчига бевосита таъсир этиши уқтирилади: «Фикрни тарбияси энг керакли кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур». А.Авлоний шахс фикрини ўстириш кераклигини, буни тарбия қилиш натижасида ақл олмосдан ҳам ўткир бўлиши мумкинлигини асослайди: «Фикр агар яким тарбият топса, ханжар олмосдан бўлур ўткур». Бундай тадбирлар эса охир окибат инсоннинг фикр доирасининг кенгайишига, бу эса шахсда яхши ва олижаноб хулқ ҳамда қараш шаклланишига олиб келишини уқтиради.

Демак, Шарқ мутафаккирларининг қарашларида таълим-тарбия шахс тафаккури билан боғлиқлиги, фикрлаш орқали ҳар бир инсон умрининг паст-баланд йўлларида психологик зарбаларга дуч келмаслик учун ҳаёти ва фаолиятини мазмунан бойитилишига эришиши муқарра эканлигини ўқиймиз.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони.

2. Абу Али Ибн Сино. Тадбири манзил. – Т.: 1957. – Б. 44.

3. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. М.М.Хайруллаев. Тошкент. «Фан», 1975. -71-72 бет.

4. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Ислом одобидан мумтоз намуналар. Т., 1993. 120 б.

5. Беруни Абу Райхан. Минерология. – Т.: «Фан», 1966. – Б. 10.

6. Навоий Алишер. Қутадғу билиг. – Т.: «Фан», 1972. – Б. 163.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР – ЎН БЕШИНЧИ АСР БУНЁДКОРИ

**Абдулҳай Собиров,
Андижон давлат университети профессори**

Бобур характерида бугунги ёш авлодга ибрат бўлгудек жиҳатлар истаганча топилади. Унинг ижоди ватанпарварлик, юртпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, яратувчанлик ғоялари билан суғорилган. Бугунги шиддатли, таҳликали замонда жаҳон аҳлига ўрناк бўлгудек фазилатлар унинг харктеридажамулжам бўлганэди. Жанггоҳлардаумриўтганига қарамасдан, “Девон” тартиб берди, “Ҳарб иши”, “Муфассал”, “Мубаййин”, “Мусиқа илми” каби асарларни яратди, “Хатти Бобурий”ни кашф қилди, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асарини туркийга таржима қилди. У ҳинд, афғон ерларига қурол кўтариб, уларни талаш, пароканда қилиш, даҳшат солиш, бойлик орттириш учун эмас, Яратганнинг изми билан уларни бирлаштириш, жипслаштириш, тарқоқ қабилаларни ягона давлат байроғи остига тўплаш мақсадида борди. Гарчи ўша давр тақозоси билан она юртини ташлаб чиқиб кетган бўлса-да, умр бўйи унга интилиб яшади, Ватанидан узоққа кетишни “юзи қоралик” деб билди, ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам, ўзини бенаво, мискин, ғариблар қаторига қўшди. Унинг барча асарларида бу руҳ устунлик қилади. Бобур рубоийларининг бирида шундай деб ёзади: “Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур, Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур. Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла, Лекин борурида ихтиёрим йўқтур”. Бундай ҳароратли, ўтли, кўнгил исёни уфуриб турган мисраларни битиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу каби Ватан, она диёр соғинчи, ушалмас орзу-армонлар шоирнинг “Гурбат ичра, эй кўнгил, элдин вафо истарни қўй, Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг”, “Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не? Тенгрининг хости мундоқ эса, мен нетгаймен?”, “Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган, Осойише кам кўрган мендек яна бир борму?” кўринишидаги сатрларида бор бўй баста билан намоён бўлади.

Айниқса, бу ҳолат адибнинг “Бобурнома” асарида катта маҳорат билан қаламга олинган. Бобур Маворауннаҳрдаги шаҳарларни, улардаги наботот ва ҳайвонот оламини, тарихий шахсларнинг характерларини тасвирлаганда, уларга чексиз меҳр-муҳаббат билан, фарзандлик тавозеси билан ёндашади. Хусусан, Андижон ҳақида: “Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эрмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Эли туркдур. Шаҳр ва бозорасида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам бирла росттур”; Самарқанд ҳақида: “Бу рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Узуми ва олмаси ва қовуни ва анори, балки жамиъ меваси ҳўб бўлур. Ҳўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар”; Марғилон ҳақида: “Пур неъмат; анори ва ўруги асру ҳўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигида зардолу майхушлигидин андак чошни бор”; Аҳси ҳақида: “Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, “Мир Теурий” дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай” сингари ҳаққоний сатрларни ёзиш, холис баҳо бериш учун шу юртни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини, бу ерларнинг хоссаларини мукамал билиш зарур эди. Ҳазрат Бобурда бу фазилатларнинг барчаси муҷассам бўлган.

Иккинчидан, Бобур характерида унга теурийлардан мерос бўлиб ўтган тўғрилиқ, ростлик, ҳар бир ишга адолатпешалиқ билан қараш фикри кучли эди. Амир Теурунинг “Куч адолатдадир” деган шиори унга ҳам ўтган бўлиб, ҳар бир ҳодисага ёндашганда, бу шиор унга мадад бўлди. Бу ҳақда Бобур “Бобурнома”да отаси Умаршайх Мирзодан ибрат бўлиб қолган бир воқеани қаламга олади: “Адолати бу мартабада эдики, Хитой карвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидағи тоғларнинг тубида минг ўйлуқ корвонни андоғ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужудки эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб,

молларини солим топшурди”. Отасидан ўтган бу фазилатга Бобур тахтда ўтирганида ҳам, қўлида қилич тутиб жангга кирганида ҳам, ғамли кунларида ҳам, шодон онларида ҳам содиқ бўлиб қолди.

Масалан, Қорабоғ яқинидаги Оқсарой деган жойда “Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтуриб, таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди”, деб ёзади. Қалот деган жойда Ҳиндистондан келган савдогарларни “Аксар барин бўлдиларким, мундоқ ёғийлик маҳалда ёғий вилоятига келадурганни таламоқ керак, мен ризо бўлмадим. Дедимким, савдогарнинг не гуноғи бор?”- дея уларга озор етказишларига йўл қўймайди.

Айниқса, Бобурнинг ҳалоллиги, пок эътиқодлилиги, тўғри сўзлилиги темурий шоҳларга, шаҳзодаларга, саркардаларга, уларнинг уламоларию умароларига берган таърифу тавсифларида яққол намоён бўлади. Бу борада Бобур ўз отасидан тортиб, тоғаларигача, амакиларию яқинларигача – барчасининг яхши-ёмон томонларини бирма-бир тасвирлаб ўтади. Бу нарса биз – бугунги авлодга, айниқса, сабр-тоқат, қунт, ҳафсала борасида бироз шошқалоқлик қилаётган, илм-хунар ўрганиш борасида ўз устида тинимсиз ишлаши лозим бўлган ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши даркор. Масалан, Бобур отасининг яқинларидан Али Мазидбек қавчиннинг “мунофиқ ва фосиқ ва харомнамак ва ярамас киши” эканини тасвирлайди. Ҳасан Ёқуббекнинг “кичик кўнгуллик, яхши таъблик, чуст ва часпонлик, мардона” эканлигини айтиб, шу билан бирга “ичи тор ва кам ҳафсала ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди”, - деб баҳо беради. Бундан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак.

Учинчидан, Бобур ўз замонасининг илғор фикрли, маърифатли кишиларидан бири сифатида яратиш, янги биноларни, боғу роғларни, саройларни қуриш билан машғул бўлди. Ўз юрти Андижону Самарқандда қура олмаган биноларни Афғонистонда, Ҳиндистонда барпо этишга ҳаракат қилди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини эътироф этган инглиз адиби Вильям Рашбрук Бобурни “Ўн

олтинчи аср бунёдкори” номи билан улуғлаб, у тўғрисида асар яратган. “Бобурномада” да унинг бунёдкорлигини, яратувчанлигини тасдиқловчи сатрларга жуда кўп дуч келамиз. Масалан, “Одинапур қўрғонининг олида, жанубий тарафида, бир баландида тарихи тўққиз юз ўн тўртта бир чаҳорбоғ солдим”; “Исталифча кент маълум эмаским хейли ерларда бўлғай. Улуғ руд кентнинг ичидин оқар. Бу кентта Боғи Калон отлиғ Улуғбек мирзонинг бир мағсуб боғи бор эрди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдир. Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун ариқ эгри-букри ва бесиёқ эрди. Мен буюрдимким, бу ариқни режа ва сиёқ била қилдулар. Бисёр яхши ер бўлди”, - дея ўзининг бунёдкорлик борасидаги ишларини эътироф этади. Худди шундай улуғ ишларни Ғазни, Қобул, Огра, Пирўзпур, Дулпур деган жойларда амалга оширади, жойлар танлаб, боғлар барпо этади, атрофини обод қилди.

Бобурнинг яратувчанлиги унинг Фарғонадан мевали дарахт кўчатларини афғон, ҳинд ерларига олиб бориб эктиришида ҳам кўринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “Қобул ва кентларида сардсери мевалардин узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олу-болу ниҳоли кетуриб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди.” Будай ҳолат илм-фанда иқлимлаштириш деб аталади.

Тўртинчидан, Бобур яшаган давр жангу жадалларга, тўс-тўполонларга тўла, шиддатли бир давр эди. Ҳар бир йигит киши чавандозлик, қиличбозлик, камонбозликдан бохабар бўлиши талаб этиларди. Бобур сарой тарбиясини кўрган шахс сифатида буларнинг барчасидан нафақат хабардор бўлган, балки у ўша даврнинг мард ва қўрқмас, матонатли, шижоатли жасур жангчилардан, саркардалардан, уруш тактикасини мукамал эгаллаган сара лашкарбошилардан бири эди. От минишда, қиличбозликда, сузишда, камон отишда унга енг келадиган навкарлар кам бўлган. Бобур жанглarda тобланган, пуртажриба, ҳарб ишининг ҳадисини олган ҳукмдорлардан саналарди.

“Бобурнома”дан олинган “Маҳкам зарб совуқ эди. Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Бир ариқ суйидаким ёқалари қалин муз тўнгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувға кириб ғусл қилдум. Ўн олти қатла сувға чўмдум. Сувнинг совуқлиғи хейли таъсир қилди”, - деган сатрлар Бобурнинг жисмоний жиҳатдан тобланганини, бақувватлилигини кўрсатиб турибди. У жангларда юз, балки минг бор ёғий билан юзма-юз келган, аммо қўрқиб ортига чекинмаган, ҳар вақт душманига тик боқиб, уларга қарши мардонавор курашган. “Ёғийни кўчадин қочируб тузға чиқориб, қилич тегурур маҳалда отимнинг оёғига ўқладилар. Отим букилиб, ёғийнинг ўртасига мени ерга урди”; “Аҳмад Юсуфбек изтироблар қилиб, ҳар замон айтадурким: – Ялонғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти. Мен дедимким: – Сиз мардона бўлунг, менинг бошимдан бундоқлар хейли ўтубтур.”; “Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак”; Ҳар неча дедиларким, ҳаволга боринг, бормадим. Кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чопкунда, мен иссиқ уйда ва ва истироҳат била мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда уйқу била роҳатта. Мурувваттин йироқ ва ҳамжиҳаттликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса тураин, бир форси масал бор: “Марг бо ёрон сураст”(Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир).

Умуман олганда, биз – бугунги авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ҳар томонлама ўрнатилган арзийдиган жиҳатлар бисёр. Ундаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, кенг мулоҳазалик, мардлик ва жасурлик бизга ҳақиқий ибрат мактабидир.

Ўрта асрларда яшаган улуғ аждодларимизнинг намояндаларидан бири сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди мана шундай шарафга ва эътиборга лойиқдир.

Бобур даҳоси олдида ҳамиша таъзимдамиз.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМІЙ МЕРОСИНІНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Бобожонова Дилором Бобожонова,

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
тарих фанлари доктори, профессор*

Узоқ йиллар давомида халқимиз орзиқиб кутган мустақилликнинг 31 йиллигини нишонлаш асносида, сўнгги йиллар ичида, ҳар куни, ҳар ҳафтаси йилларга тенг бу даврда иқтисод, сиёсат, маданият, маърифат, маънавият соҳасида қандай натижаларга эришганимизни сарҳисоб қилиб кўриладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, "...миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади"[1].

Янги Ўзбекистон барпо этилаётган бугунги кунда мамлакатимизга бутун дунёнинг нигоҳи қадалган, қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли тан олаётган бир даврда аждодларимиз қолдирган бой миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунда биз, ўтмишдаги буюк зотларимиз: "Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти, фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди"[2.16], деб айта оламиз. Улар қолдирган улкан маънавий меросдан ўрнак ва ибрат олиб, бу ғояни ёшлар онгига тезроқ еткази оламиз ҳамда уларнинг илмга, тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширамиз, уларда миллий ғурур шаклланишига имкон яратган бўламиз.

Ҳозирги кунда тобора янгиланаётган Ўзбекистонга қараб, унинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг

умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини англаш қийин эмас. Мамалакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ўтган буюк аждодлар хотирасини ёдда сақлаган ҳолда, эъозлаб, юсак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, янги Ўзбекистоннинг буюк неъмاتي бўлган эрки ва озодлиги халқимизнинг саъй-ҳаракати, баракали меҳнати ва ижодий фаолиятдан келиб чиқиш билан бирга, Турон заминда вояга етган ҳамда жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиб, ўз ғоялари, тафаккури билан ўзбек миллий ғоясига асос солган аждодларимизнинг бой мероси ва сермазмун тарихимизга, миллий қадриятларимизга ҳам таянади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини, хусусан, маънавиятини юксалтиришда энг аввало, беқиёс таъсир кучига эга бўлган миллий-тарихий қадриятининг ўрни катта. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий, диний ва тарихий қадриятларнинг қайта тикланиши, буюк зотлар, хусусан, буюк алломаларнинг тарбияга оид таълимотларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Янги Ўзбекистонда тарихимиз, энг аввало ўтган буюк сиймолар халқ орасидан чиққан шу омма тақдири билан ҳамнафас аждодларимиз, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида “2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонланади. Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб

этади”, деб таъкидлаган эди. Айниқса, янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт йўлида халқнинг энг катта бойлиги бўлган улкан интеллектуал ва маънавий салоҳият эгаларидан бўлмиш ёшлар маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни янада муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик берган буюк неъматлардан бири ҳам шундаки, миллатимизни ўтмиши камида уч минг йилга бориб тақаладиган ҳаққоний тарих билан қурооллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк аجدодлар, шунингдек, жадид алломаларимизнинг тарбияга оид таълимотларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Тарихнинг ўтган қисқа муддати даврида биз ўзлигимизни, ўз ғоямиз, миллий ғуруримиз ва тафаккуримизни англаш туйғусини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бу туйғунинг илдизи бўлган ўтмиш эса бугунги кунга ҳамоҳанг буюк аждодлар ғоялари, тафаккури билан маънавий боғлиқдир.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросининг кенг ўрганилиши, ёшлар қалби ва онгига миллий ғоянинг чуқур сингдирилаётганлиги билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари шароит ва янги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломалар ва устозлардан ибрат олиб иш юритсалар, жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини тўлиқ эгаллайдилар, мамлакат тараққиёти, юксалиши учун етук ва малакали кадрлар бўлиб етишадилар. Ана шуларни назарда тутиб, Президент таъкидлаганидек, “...биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз”[3]. Зеро, тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўяётган Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган бир пайтда, аждодларимизнинг бебаҳо

мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазина эканлигини чуқур анланса, бу жараёнда ёшлар қанчалик салоҳиятли, маънавияти ва ҳуқуқий билими юсак бўлса, илм-фан янада тараққий этади. Бу борада ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизга бутун дунёнинг нигоҳи қадалган, қадимий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни жаҳон аҳли тан олаётган бир даврда ҳамжиҳат, бағрикенг халқимизнинг миллий-тарихий қадриятларини авайлаб-асраш ва ривожлантириш асносида ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилган. Буюк сиймоларимиз номлари дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшганликлари боис, мангуликка дахлдордир. Уларнинг илму маърифат ўрганиш орқали оламни эзгуликка, тараққиётга етаклаш мақсадида авлодларга қолдирган буюк мероси инсоният учун бебаҳо хазинадир. Ана шу буюклар қаторида улуғ аллома бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ҳам бугунги авлодларга қолдирган илмий ва маънавий мероси беқиёс бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил саналади.

Янги Ўзбекистонда тарихимиз, энг аввало ўтган буюк сиймолар халқ орасидан чиққан, шу омма тақдири билан ҳамнафас аждодларимиз, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361-сонли қарорининг қабул қилиниши [4].ва унга кўра, буюк аждодимиз юбилей тантаналарини нишонлашга жиддий тайёргарлик кўрилиши ва муносиб нишонлашга доир вазифаларнинг белгиланиши айни муддао бўлди. Жумладан, 2022-2023 йилларда буюк мутафаккир, қомусий олим, табиатшунослик асосчиларидан бири Абу Райҳон Беруний мажмуаси қурилишининг режалаштирилиши, боғ барпо этилиши,

китобларининг чоп этилиши ва шу каби эзгу ишларнинг амалга оширилиши мақсад этиб қўйилган.

Ўзбекистонда Берунийнинг ижодига катта эътибор бериб келинмоқда. Унинг ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, У.Каримов, С.Булгаков, А.Д.Шарипов каби олимлар рисола, асарлар яратдилар. Унга бағишланган қатор халқаро илмий конференциялар ўтказилди ва бугунги кунда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Берунийнинг “Қадимги ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Сайдана” каби асосий асарларини ўз ичига олувчи кўп томли сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан нашр этилиб, китобхонлар жамоасига етказилди. Шунингдек, 2010 йилда чоп этилган китоблар орасида файласуф олим Б.О.Тураев томонидан “Абу Райҳон Беруний” китобчаси, 2019 йилда эса олима Г.Машарипованинг “Хоразм Маъмун академияси алломалари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросининг ижтимоий тафаккур тараққиётига таъсири” номли монографияси ҳам нашр қилинди.

Катта умидлар билан олға қадам ташлаётган Ўзбекистон бугунги кунга келиб, тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Дунё тамаддунида юртимизни “Янги Ўзбекистон”, “Янгиланаётган Ўзбекистон” каби номлар билан эътироф этмоқдалар. Бу эътироф янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишларни амалга оширган халқимизга хос яратувчанликшижоати, билим ва салоҳияти, куч ва имкониятлари ҳамда олиб борилган кенг қўламли ислохотларга нисбатан изҳор этилди, дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Буюк аждодларимизга хос азму шижоат, халқимизнинг метин иродаси, тобора улғайиб келаётган баркамол авлодимизга таяниб, жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилаш йўлини изчил давом эттириш – энг долзарб вазифамиздир”[5.9].

Мамлакатимиз бой ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий, маданий тараққиётида XIX асрнинг иккинчи

ярми ва XX асрнинг биринчи чораги ўзининг ниҳоятда сермазмун, ғоявий-назарий ва мафкуравий ҳаракат шакллариининг хилма-хиллиги билан ажралиб турувчи-миллий-тараққийпарвар зиёлиларнинг янги ислохотчилик ҳаракати – жадидчилик вужудга келди. Жадидлар таълимоти – ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Бу ҳақда филолог олим, пофессор Бегали Қосимов Туркистон тарихининг XX аср бошидаги энг муҳим ҳодисаларидан бири ҳисобланган жадидчилик ҳаракатига бағишланган “Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик” китобида “Жадидчиликнинг моҳиятини миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир офатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди. Хусусан, жадидлар миллатнинг яшамоғи, тараққий топмоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар”.

Халқимизнинг маърифатпарвар фарзандлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби буюк боболаримиз васиятлари ва улар қолдирган улкан маънавий-тарихий меросдан ўрнатилган ва ибрат олиб, бу ғоявий таълимотни ёшлар онгига қанчалик даражада сингдира олсак, уларнинг тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширган бўламиз.

Жадидчилик ҳаракатининг етакчи раҳнамоларидан бири Бехбудий ўз даврининг буюк донишмандидир. Бехбудийнинг маориф масаласидан тортиб мустақиллик мавзусигача бўлган барча асарлари – Туркистоннинг тақдирини белгилайдиган муҳим муаммоларга бағишланган. Унинг барча фикрларини жамият ва мамлакатни ривожлантиришнинг изчил назарий концепцияси сифатида кўриш мумкин. Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти ва унга боғлиқ дунёқарашида

замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш, миллат тақдири ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш, миллий бикиқликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар ва мулоқотларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш каби қарашлар мавжуд. XX аср бошларида илгари сурилган бу қарашлар ҳозирги даврга ҳамоҳангдир ва бу нарса улуғ сиймонинг нақадар узоқни кўра билганидан далолат беради.

Беҳбудийнинг Туркистонда янги усулдаги мактабларни ташкил этишдаги ва жадидчилик ғояларини матбуот орқали тарғиб қилишдаги хизматлари ғоят катта. У 1903-1904 йилларда ўзбек ва тожик тилларида “Қисқача умумий география” асарини, янги усулдаги мактаблар учун дарслик ва қўлланмаларни ёзди. “Беҳбудий” номли нашриётни ташкил этиб, унда ўзбек тилида дарсликлар босиб чиқарди. Самарқандда маҳаллий аҳоли учун қироатхона очишга бошчилик қилди. Беҳбудий 1913 йилнинг апрелида “Самарқанд” газетасини, ўша йилнинг август ойидан бошлаб эса “Ойна” газетасини чиқаришга киришди. У миллат тараққиёти ва истиқболи, Туркистоннинг келажаги ҳақида ўйлар экан, халқни жаҳолат ва нодонлик, эркисизлик ва қашшоқлик ботқоғидан қутқариб олишнинг бирдан бир йўли илм-маърифатли бўлишдир, деган хулосага келди.

Ушбу тарихий даврда яшаган олим М.Беҳбудий ва А.Фитрат каби маърифатпарварларнинг миллий тараққиёт учун аввало, дунё тажрибасини ўрганмоқ даркор деб, замона ёшларини илм-маърифатга, чет тилларни пухта эгаллашга чақиргани, уларнинг асарларида акс этади[6.256]. Бироқ, бу даврда ўзига хос йўналиш сифатида майдонга келган маърифатпарварлик ҳаракати мазкур масалада янгилик киритишга уринди. Уларнинг асарларида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж асосланди. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Иброт ва уларнинг бошқа сафдошлари ўзларининг серқирра

фаолиятида тил ўрганиш масаласини илгари сурдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маърифатпарвар жадидчилар замоннинг долзарб масалаларини, ҳаётнинг муаммоларини ижтимоий – сиёсий, маданий маънавий йўл билан ечиш йўллариини ўз мақола ва асарларида кўрсатганлар. Ёшларни ўқишга, билим олиш ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, савиясини юксалтиришга чорлайди. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий фаолиятларини таҳлил қилиб ва уларнинг аср бошидаги ғоявий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш ўринлики, жадидлар халқни саводсизлик, қулликдан қутқаришга бел боғлаб, шу йўлда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосий кучни қаратиш кераклигини тушунганлар, улар жадид алломаларнинг тарбияга оид таълимотларини сингдириш, шу йўл билан уларнинг онг-савиясини ошириш учун кўп саъй-ҳаракат қилганлар. Ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлатда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратиш борасидаги фикрлари бугунги янги Ўзбекистон ёшлари учун муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саҳоват ва мурувват, бағрикенглик сингари халқимизга хос бўлган фазилатларнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бири-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий халқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, алломаларнинг тарбияга оид таълимотларидан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-мутафаккир боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва

анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш, янгиланаётган бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай даражада сақланиб, авайланиб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш борасида амалий ишлар фаол олиб борилмоқда. Ватанимиз келажаги бўлган баркамол авлодни етиштириш учун миллатимизнинг ҳар бир вакили ўз фарзандини миллий ғоямиз, қадриятларимиз, тилимиз, қадимий тарихимиз, маданий бой ўтмишимизда чуқур из қолдирган буюк сиймоларимизга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялашимиз, бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/5484>.

2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.16.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/5484>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-361 сонли қарор www.xabar.uz › jamiyat › abu-rayhon-beruniy-

5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.9.

6. Бехбудий М. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов). – Тошкент: Маънавият, 1997. – 60 б.; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд: Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. – Тошкент: Маънавият. 2000. – 256 б.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР СОЦИОМАДАНИЙ ҚИЁФАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМИЙ- МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ғаффорова Мавлюда Курбонбоевна

Социология фанлари доктори

Халқаро лойиҳалар тренери

Шарқ алломаларининг хотин-қизлар социомаданий қиёфаси билан боғлиқ қарашлари, фикр ва мулоҳазалари зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» [1.31.С.363;]да улуғланиб, уларнинг мавқеи ва мартабаси кўкка кўтарилган. Зардуштийлик таълимотида[2.3.Б.3-20;] хотин-қизлар ахлоқи нуқтаи назаридан саҳоватли инсон хулқ атворининг асосий мезонлари, оилапарварлиги, меҳнатсеварлиги билан бирга, фарзанд тарбиялаши, орасталиги, эзгу иш қилиши ҳам эътиборга олинган.

Ахлоқийлик халқ оғзаки ижодида ҳам аёллар фазилатнинг бош мезони сифатида намоён бўлади. Жумладан, Зарина-жангчи аёл ўз халқи мустақиллигини ҳомийси, шаҳарларни бунёд этувчи улуғвор образ сифатида[3.23.Б.25;], Спаретра ҳақидаги ривоятда, бир томондан, жасур ва саботли аёл жангчининг сиймоси, иккинчи томондан фидойи маъшуқа, содиқ умр йўлдош сифатида гавдаланади[4. 23.Б.26;]. Кир Мидия билан Вавилонни забт этиб, Каспий денгизи шарқидаги ялангликлар томон йўл олганда, у ерда малика Тўмарис[5.21;] ҳукмдорлиги остида массагетлар яшар эди. Тўмарисга қарши жанглarda Кир Амударё ортидаги чўллар ичига кириб кетиб, орқа томонда қолган таянч қўшинларидан узилиб қолиб, мағлубиятга учрайди ва жангда ҳалок бўлади[6.22.Б.70;]. Тўмарис Кир билан жангга киришар экан, ғалаба қилганимдан кейин истилочини қон симиришга мажбур этаман, деб ваъда беради. Ғалабадан кейин у Кирнинг бошини қон тўлдирилган мешкопга солишни буюради[7.9.Б.12;]. Ушбу ривоятда Тўмарис мард, жасур жангчи аёл сифатида тасвирланган.

Марказий Осиё ёзма ёдгорликлари, жумладан «Авесто»[8.17.Б.57;] да оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш ғоявий софликнинг энг биринчи белгиси сифатида талқин этилгани, инсон камоли, унинг маънавий ҳаёти, моддий таъминоти ва жисмоний соғломлиги уйғун тушунилганлигидир.

Аёлларга хос имманент[9.18;] белгилар тўғрисида мулоҳаза юритганда, мил.ав. 1-минг йилликда яшаган хитойлик файласуф аёл Цзинь-Нин Цуннинг қуйидаги фикрларини қайд этиш жоиз: «Аёллар гўзаллик ижодкоридир»[10.29.С.114;]. Унда аёллар ўзини гўзаллик, софлик ва Ердаги тартибнинг мухтор вакиласи сифатида тутиши зарурлиги уқтирилган. «Ҳаёт аёлнинг қўлларига муҳтождир»[11.29.С.114;], деб қайд этар экан унинг фикрича, аёллар лидерлиги ва тадбиркорлиги шарқона анъаналарга, хусусан, Дао фалсафасига мос келиб, Шарқ аёли қандай фаолият билан шуғулланмасин, доно аёл, у гўзалликни тарғиб этувчи, ахлоқий идеалларни ўзида ифода қилувчи тимсол бўлиб қолаверади.

Шарқ мутафаккири Низомулмулк (1018-1092 й.й.) эса «Сиёсатнома» асарининг 43-бобида «Улар мавжудлигининг мақсади – наслини сақлашдан иборат», [12.19.С.179;] – деб ёзилган.

Дарҳақиқат, тарихда аёл подшоҳлар ҳақида ривоятлар талайгина. Масалан, Унсур ал-Маолий (Кайковус[13.30.Б.28;])нинг «Қобуснома»[14.14;] асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур, унда қатор ибратли панд-насиҳатлар ва ҳаётий ўғитлар ўрин олган. Асарнинг «Ишқ ва унинг одатлари зикрида», «Хотин олмоқ зикрида» номли фаслларида инсон ҳаёти учун зарур қимматли ўғитлар баён этилган. Асарнинг 29-бобидаги[15.13.Б.93;] қуйидаги ривоят диққатга сазовор. Бир вақтда хотин подшоҳ бор эди. Уни Саййида (Жамиятда садоқат тимсоли ва авлиё сифатида танилиб, ўзлигини англаган аёлларни «Саййида» деб аташган) [16.12.Б.136;] дер эдилар. У подшоҳ бағоят диндор хотин эди. Унинг эри вафотидан сўнг, Мажидудавла исмли

Ўғлига подшоҳлик отини бердилар. Аммо 30 йилгача онаси подшоҳлик қилди. Ўғли катта бўлди, аммо у жуда ярамас эди, ўзи подшоҳ бўлса-да, бироқ, маишатпараст эди. Бошқа мамлакат подшоҳи хотин подшоҳга элчидан «Хутба ва сикка[17.27;] менинг номимга музайян этгил ва хирож бергил. Йўқ эрса бориб, вилоятингни олиб, сени нес-нобуд қилурман ва кўп таҳдид, тахвиф қилурман», деб нома юборди. Шунда Саййида элчига: «Султон Маҳмудга айтгил, менинг эрим тириклигида Сен биз томонга хужум қилмасанг, деб кўнглимга келур эди. Энди менинг эрим ўлди. Султон ўзи улуғ ва оқил подшоҳдир ва ўзи яхши билурки, унингдек, улуғ подшоҳ менингдек бир ожиз хотин билан уришмоқ бағоят номуносибдир. Энди шунча сўз билан ҳам келмак тиласа келсин. Ҳақ гувоҳ бўлгайки, мен ҳаргиз қочмагумдир, уруш майдонида барқарор тургумдир. Агар ғолиб келсам, «барча оламга Жаҳон подшоҳларига шикаст берган Султонга шикаст бердим», деган мазмун билан нома ёзарман. Шоирлар, олимлар фатҳномалар ёзарлар, қасидалар айтарлар. Бу иш оламга машхур бўлур. Агар у зафар топса, на сўз ёза олгай, чунки бир хотин устидан ғолиб келиши унингдек улуғ подшоҳга фахр бўлмағусидир». Бу сўздан сўнг, ул хотин подшоҳ ўлмагунча унинг мулкига қасд этмади[18.13.Б.94-954;]. Демак, аёлларда шу каби оқилалик, донишмандлик каби фазилатлар талайгина. Бундай ибратли ҳикоялар ёшларимиз, оқила қизларимиз дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир этиши табиий.

Абу Райҳон Беруний турли халқларнинг тарихий-маданий хусусиятларини тадқиқ этар экан, Сосонийлар давлатида лақаби Бахтли бўлган Бўрон Хисрав Парвиз қизи (тахминан 409 – 458 й.) ва лақаби Адолатли бўлган Озармидухт Парвиз қизи (тахминан 411 – 459 й.) каби аёллар шоҳлик қилганини қайд этиб ўтган [19.2.Б.142-146;]. Демак, бу даврда минтақада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тақиқланмаган, аксинча, ҳатто, улар давлат бошқарувида иштирок этишган.

Ислом дини кириб келгач (VII-VIII асрлар), диний илмлар дунёвий илмлар билан узвий боғлиқ ҳолда

ривожлана борди. Ислом даврида, хусусан, Уйғониш даврида хотин-қизлар мавзуси адабиёт, аниқ фанлар, фикр (ислом ҳуқуқшунослиги) ва бошқа соҳалар билан бирга давлат бошқарувидек муҳим масалаларда ҳам етакчи ўрин тутган [20.8.Б.17;]. Марказий Осиё Уйғониш даври саналган IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирлар ўз асарларида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи борасидаги фикрларини билдириб ўтганлар. Айнан ушбу даврда кузатилган иқтисодий ва маданий юксалиш аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигига қулай муҳит яратди. Ўрта аср Шарқ мутафаккирларидан Форобий «Фозил одамлар шаҳри»[21.1.Б.224;], Абу Али ибн Сино «Ахлоқ»[22.15;], «Оила қурилиши», Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон»[23.7.С.31-32], «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида бу борада фикрлари эътиборга молик. Хусусан, X-XV асрларда яшаб ўтган Донишманд Амъақ Бухорий қуйидагича мурожаат этган:

Мардон созан жой дар хонаи зин,
Бошад занон хонанишин ҳамчу нигин.
Гар акс буд кори ман ба дил ва дин,
Дар хонаи зин зану манам хонанишин

Мазмуни: Мардлар (ҳақиқий инсонлар) ҳамиша зин, яъни берк уйларда (жойлашадилар) ўтирадилар, хотинлар ҳам нигиндек хонанишиндирлар, менинг бу борада кўнгил ва динга ёндашишим, аксинча, берк уйда хотину мен ҳам хонанишин.

Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Фаридиддин Аттор ва бошқалар ўз асарларида аёл сиймосини улуғлаб, унинг ҳаёт йўлини садоқат намунаси сифатида тасвирлайдилар.

Амир Темур[24.26.Б.529;], Алишер Навоий[25.6.Б.79;], Заҳириддин Муҳаммад Бобур[26.11.Б.36;] ўз асарларида ҳаёлилик, эҳтиёткорлик, ифбат, уялиш, ор-номус аёлларга хос, улар қадр-қимматини оширилиши баён қилишган. Жумладан, Алишер Навоий хотин-қизларни улуғлаган[27.6.Б.79;]. Шоир уларнинг қиёфасидаги

маънавий ўзгаришларни мустаҳкамлашга бағишлаган асарларида: «Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал ҳусни, андиша ва сабр-тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган хотин-қизлар жуда кўплиги»[28.28.Б.152;] алоҳида таъкидлаган. Ахлоқ масаласига Абдулла Авлониё алоҳида тўхталгани диққатга сазовор[29.5.Б.31;]. Хусусан, А.Авлониё айтганидек: «Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир... Ифбатнинг пардаси,виждоннингниқобиҳаёдир»[30.4.Б.246;],Абдурауф Фитрат[31.24.Б.95-98;] асарларида хотин-қизларнинг мавқеи масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Албатта, асарларда ижтимоий-маданий соҳаларда Шарқ аёлларининг номи қайд этилади. Аёллардан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, оташин ватанпарварлар, машҳур олималар билан бир қаторда, қадим замонлардан буён сўз санъатининг ифтихори саналган истеъдодли шоиралар ҳам борлиги маълум. Бироқ, аёллардан пайғамбарлар чиқмагани ҳам ҳақиқат.

Ижтимоий қиёфа ва социомаданий хусусиятлар тарихий жараёнларни намоён этади. Назаримизда, инсоният тамаддунига буюк ҳисса қўшган улуғ аждодимиз, мутафаккир олим Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асари[32.16;] хотин-қизлар ижтимоий қиёфасини ёритиш, ўша давр тарихий социомаданий жараённи ифодалашда муҳим социологик манба ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек[33.16.Б.43-44;] оила қуришда кўнгил хоҳишини муҳим жиҳат деб билган. Хусусан, туркий халқлар этногенезисида муҳим ўрин тутувчи Ўғузхон ўз яқин қариндошига уйланишдан воз кечиб, ўзини уруғидан узоқ тутди. Бироқ қиз билан учрашганда, унга кўнгил қўяди ва мулоқотга киришиб, никоҳ тўғрисида биргаликда қарор қилади. «Ўғузхон бир куни шикордан қайтар эди. Ўғузхоннинг кўзи ўша қизга тушди. Кўриниши унчалик соҳибжамол бўлмаса ҳам ботиний сафолиги, ақидаси сидқида шоҳидлар аҳли назарида бир оят намоён бўларди. Кўзлар бу қиз рухсорида очилар, рамз билан имо қилардики,

агар сен Ҳақ субҳона таоло ягоналигига гаров бўлсанг, мен сени ўз никоҳимга олурман ва ширин жонимдан ҳам ортиқроқ севарман... сўзларини ул қиз эшитди, ибо билан секин жавобини деди. Аҳду паймонингдан бўйин товламам, сеники бўлганда фармонингдаман. Ўғузхон ўз амакисининг қизидан бу изҳори итоатни ва итоатгўйликни фаҳмлагач..... сен никоҳимга кирадиган бўлсанг, дунё ва дин номидан севишим ҳимматим бордир. Меҳрим билан юзинг қуёшини (нурга) тўлдурурман. Ойникидек лаъл (тиш)ингни дур қилурман. Қўлимдан келгунча сени бошга кўтараман, доимо хотинлар сарвари бўлиб қолурсан»[34.16.Б.61-62;]. Бунда аёллардаги нафосат, ибо, ҳаё жуда нозик ифода этилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Мирзо Улуғбек аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини юксак баҳолайди.

Маълумки, Алишер Навоий ўз дostonларининг деярли барчасида саводли, илмли, доно, зукко аёллар образини тасвирлайди. Шоир яратган Лайли[35.6.Б.79;], Дилором[36.10.Б.119;], Ширин[37.25;], Меҳинбону каби образлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonида Меҳинбону образига алоҳида муҳаббат билан ёндашиб, унга адолатли ҳукмдор, маърифатпарвар аёл тимсолида кўради. У илмни қадрлайди. Унинг саройидаги ўн қиз илми ва ҳунарда ажойиб кишилар бўлиб етишади. Алишер Навоий ижодида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шоир «Маҳбуб-ул-қулуб» асарининг биринчи қисмидаги «Уйланиш ва хотинлар ҳақидаги» фаслида оила ва унда аёлларнинг роли борасида сўз юритади.

Навоий ўз муҳаббатини ҳам бир асарида ёдга олиб, «Лисон ут-тайр» дostonида афсонавий Шайх Санъоннинг (мусулмон руҳонийсининг) христиан қизига муҳаббатини тасвир этиб, Навоий ўзининг кимгадир муҳаббати Шайхнинг муҳаббатидан ҳам оташин эканини гапириб, ҳикояни агар бир неча кун умрдин амон топса (саломат бўлса), ўз оташин ишқи тарихи ҳақида дoston ёзажагини ифодаловчи сатрлар билан тамомлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида шахсларнинг ташқи шакл-шамойил тасвирида қўлланган сўзларини ўз қаҳрамонларига нисбатан меҳр-муҳаббатни ифода этган. «Бобурнома»да хотин-қизларнинг характер хусусиятлари ва аёлларнинг қиёфаси моҳирона очиб берилган. Бобур лирикасида бадий тасвирлар жуда кўп берилгани билан миллий менталитетимизга хос бўлган фазилатлар, яъни оиладаги аёлларни ёт кимсалардан асраб-авайлаш, бегоналардан қизғаниш, ор-номус, диний тарбиясини намоиш қилиш орқали хотин-қизларнинг қиёфаси, кийиниш тарзи, зебу зийнати, пардози билан боғлиқ жиҳатларига эмас, уларнинг ақли, одоби, фаросати, ҳурмат ва эътибори, латофати, меҳр-муҳаббати, идрокига эътибор қаратади. Шоир таърифида ижтимоий ҳаракатчанлик ва фаоллик ҳолати ҳокимиятга хайрихоҳлик, кучли индивидуализм кабилар фақат Эсон Давлатбегимга хос. Асарда «улуғ онам» деб 3 ўринда қаламга олинган Эсон Давлатбегим ҳақида жуда кам учрайдиган нодир маълумотлар берилган. «Ул фурсатда сағрийча бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эди, анинг қизи Эсон Давлатбегимни олди». Демак, Эсон Давлатбегим бекларнинг улуғи оиласидан чиқиши ва мўғул хонларидан Юнусхон никоҳига кириши унга сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан илғор муҳитга киришига имкон берган. «Мўғул тўраси била хонни ва Эсон Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғузуб хон кўтардилар» хабари эса тўра — қонун билан кафолатланган малика сиймосини намоён қилади. Улуғ онанинг ташкилотчи ва тактик сифатидаги маҳорати боис Бобур давлатига қарши курашга отланган Ҳасан Ёқуб бошчилигидаги душманлар ҳамласи барбод қилинади. Баъзи манбаларда ушбу фитна ва унинг фош этилиши билан боғлиқ таҳлилларда негадир Эсон Давлатбегим тилга олинмаган[38.20.Б.46;]. Ваҳоланки, Бобур сиёсий ҳаётини бойитган улуғ онасига бўлган муҳаббати ва ҳурматини эҳтиром билан сўзлаган: «Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимча

кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди»[39.11.Б.36;]. Бу таърифда илғор тафаккурли, эркин фикрловчи хотин-қизлар қиёфасида келажак оналари тимсоли шаклланиб, у вояга етаётган авлод тафаккури ва салоҳиятини оширишга хизмат қилишини англатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: «Халқ мероси», 1993. – Б. 224.
2. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. –Тошкент: Фан, 1968. – Б. 142-146.
3. Авесто. -Т.: Шарқ, 2000. - Б.48. Авесто – тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2001. Б. 3-20.
4. Авлоний А. Тошкент тонги. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1979. – 246 б.
5. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. Б.31.
6. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: «Янги аср авлоди» 2019. –Б.79.
7. Булгаков П. «Жизнь и трудъ Беруни» («Берунийнинг ҳаёти ва асарлари») китобида муфассал баён қилинган (Т. «Фан» 1972, с. 31-32).
8. Ғаффорова М. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи. Монография.Тошкент: «Янги китоб», 2017. Б.17.
9. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар таракқиёти тарихидан. –Т.: «Ўқитувчи» «Зиёношир». 1997. б. 12.
10. Жўракулов У. “Хамса”да Баҳром “Йўли” тасвири// Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий таракқиётидаги ўрни. Навоий. 2017. Б.119.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Тошкент: «Ozbekiston» НМИУ, 2019. Б.36.

12. Избуллаева Г. Фариддин Аттор асарларида аёл сиймоси садоқат тимсоли сифатида. БухДУ.№6.2020.-Б.136.

13. Кайковус. Қобуснома Тошкент: Истиқлол. 1994. - Б.93, 94-95.

14. Кайковус. Қобуснома. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов.-Тошкент: «Ўқитувчи», 2006

15. Қаюмов А. Абу Али ибн Сино (980-1038) ҳаёти ва ижоди. -Т.: «Ёш гвардия». 1987. 252 б. Қосимов Б. Миллий уйғониш.- Тошкент: Маънавият, 2002

16. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. - Тошкент: «Чўлпон», 1993. Б. 43-44, 61-62.

17. Муаллифлар жамоаси. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2013. -Б. 57.

18. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри. ...дисс.автореф. - Тошкент: ЎЗРФА ТАИ, 2000. - 47 б

19. Сиасет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам Ал-Мулька/ Пер., введение в изуч. памятника и примечения проф. Б.Н.Заходера. -Москва-Ленинград. 1949.- С.179

20. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-жилд. XVI асрдан XVIII асрнинг 70-йиллари.-Тошкент: «Фан», 1978. 46-б.

21. Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Т” ҳарфи. Ад.: Геродот, История (в девяти книгах), Ленинград: 1972;

22. Ўзбекистон тарихи. 1 жилд. Тошкент: 1996. Б. 70.

23. Ўзбекистон халқлари тарихи. I том -Тошкент: “Фан”. 1992. - Б.25, 26.

24. Фитрат А. Оила. -Тошкент: 2000. Б. 95-98.

25. Холиқова Н. Ўзбек мумтоз адабиётида хотин-қизлар образининг бадиий тадрижи. Academic research in educational sciences. ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. PP.518.

26. Хотин-қизлар энциклопедияси. - Тошкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» давлат илмий нашр, 1999. 529-б.

27. Хутба ва сикка – олтин, кумуш ва чақа пул устига урилган тамға.

28. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1993. – 152 б.

29. Цзинь-Нин Цун. Искусство войны. Древнекитайская мудрость Сунь-Цзы для женщин, стремящихся к успеху. – М.: ЭКСМО, 2008. - С.114.

30. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашр. 2008. Б.28.

31. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. Монография. – М.: 1992. - 363 с.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҒОЯЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОД ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Н.Н.Шомуродова,

*Жамоат хавфсизлик университети
доценти, психология фанлари номзоди*

Ҳар бир тараққиёт даврининг, янги авлодлар тарбияланишининг асосида маънавий мерос ва уни ҳаёт билан ҳамнафас ҳолда идрок қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ахборот кучининг тезкор таъсири даврида, креативлик ва инновацияга асосланган фикрлашга эга ёш авлодни тарбиялаш аجدодларнинг ҳар қачонги даврда ҳам эскирмас, аҳамиятини, йўқотмас илмий меросини тадқиқ қилиш, тараққиёт сари жорий қилишни тақозо қилади. Тараққиёт ва юксакликни олий мақсади эса инсон қадрини, шаънини юксалтириш, эъзозлаш ва ҳаётдан қониққанлик ҳисси билан яшашини таъминлашдир. Зеро, жамиятда инсонлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашлари, руҳан эркинликлари, хавфсиз ҳаёт кечиришлари келажакка бўлган ёрқин умидворликни, яратувчанлик ғоялари билан тараққиётга муносиб ҳисса қўшишларини, руҳан соғлом бўлишларини таъминлайди.

Шарқ мутафаккирлари бўлган алломаларнинг асарлари, ижод намуналарига эътибор қаратадиган бўлсак, инсон, унинг тақдири, бахти, саодати, унинг яхши яшаш, ўз қиёфасида энг юксак инсоний фазилатларни мужассам эта олиши ғоялари атрофлича ёритилади. Алишер Навоий «Ҳамса», «Маҳбул-қулуб», «Муножот», «Вақфия», «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайин», «Чихил ҳадис» («Қирқ ҳадис») каби асарларида илм олиш ва илмга бўлган муҳаббат орқали ўз тақдирини яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Ўз кучи ва ақл-заковатига суянган инсонгина ҳаёт синовларига бардош бера олади, ҳар қандай муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қила олади, қачонки билимлар заҳирасини йиға олган бўлса

деб илмни қадрини баҳолайди. Алишер Навоий асарларида инсон психологиясига оид илмлар ҳам келтириб ўтилган бўлиб, яхши хулқ барча инсоний хислатларнинг асосидир деб таъкидлайди. Маънавий-ахлоқий хислатларга эга инсонлардаги характер хислатларини санаб: қаноат, сабр, тавозе, вафо, саҳоват, ҳиммат, мурувват, ҳилм, сабр, саҳийлик, каби фазилатлар маърифатли кишилар қиёфасига хос фазилатлар эканлигини келтириб ўтади.

Ўрта Осиёда ўрта асрларда яшаб ижод қилган мутафаккирлардан бири Абу Носир Муҳаммад Ибн Тархан (Ал Фаробий) инсон шахсининг ахлоқий сифатлари ҳақида сўз юритади. Фаробий асарларида педагогика, психология, этика-эстетика, бошқарув илми бўйича ноёб маълумотлар берилган бўлиб бу шарқона фалсафа ва руҳият билан ифодаланган. Фаробий фикрича инсон шахсининг баркамол шаклланиши учун характеридаги 4 та тўсиқ салбий таъсир қилади:

1. ҳурматсизлик;
2. ахлоқсизлик;
3. ўзгарувчанлик;
4. иккиланиш.

Фаробий тарбиянинг қаттиқ ва юмшоқлиги ҳақида ҳам сўз юритиб, унинг фикрича таълим-тарбия беришда ҳаддан ташқари қаттиққўллик нафрат ҳиссини, ҳаддан ташқари юмшоқлик эса, шогирдга устозга нисбатан менсимаслик ҳиссини юзага кетиради. Тарбияда олтин меъёрни топиш таълим олувчининг ички дунёсидан келиб чиқиб танланишини уқтириб ўтади.

Яна бир фалсафий, ҳиссий билимларни муаллифи Абу Райҳон Беруний «Қадимги авлодлар обидалари» асарида инсон шахсининг шаклланиши, ахлоқий камолоти, ақл-идроки, тафаккури ҳусусида фикр юритади. Берунийнинг баъзи одамлар шахсининг шаклланишида уларнинг хулқ - атворида мавжуд бўлган зиқналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилик каби иллатларнинг шахс тараққиётига салбий таъсири ҳақида тўхталиб ўтади. Бу иллатларга қарама-қарши оқил

одамлар ҳақида ўз фикрини баён қилади. Беруний «агар сезги аъзоларимиз бўлмаганда олам ҳақидаги тасаввурга эга бўлмасдик. Умуман инсон нарса ва жисмларнинг рангини билмаган бўлардик» дейди. Унинг «Минералогия», «Ҳиндистон» асарларида руҳ ҳақидаги қарашлари, руҳиятнинг билиш ва тафаккур жараёнлари ҳақидаги жуда кўп, қимматли мулоҳазалари мавжуд.

Беруний қарашларида психологик жараёнлар яққол келтирилган бўлиб, инсон онги ва тафаккурини, руҳиятини моддий жисмдан айро ҳолда тасаввур этади. Беруний барча нарсаларнинг асосида 5 та элемент, яъни сув, олов, ҳаво, ер ва бўшлиқ мавжудлигини ҳамда дунёни англаш жараёнида сезги аъзолари ва улар орқали қабул қилган ҳиссий билимлар онгли илми ташкил этишини тушунтиради.

Тиб илмининг асосчиларидан бўлган Ибн Сино ҳам «Табобат қонуни» асарида жаҳонда биринчи бор психология фани доирасида эмоционал ҳолатлар бўйича дастлабки тажрибаларини келтириб ўтади. Ибн Синонинг «Тадбири манозил» асарида болаларни тарбиялаш, мактабда ўқитиш деб номланган алоҳида боб берилган бўлиб, унда таълим-тарбияда психологик асосларга алоҳида эътибор берган. Ибн Сино ижтимоий психологияга тааллуқли бўлган мулоҳазаларини баён қилиб, ўқитишда ва тарбиялашда бир гуруҳда ёки жамоада тарбияланса, фаолият турларини амалга ошириш жараёнида бир-бирига мослашиш, бир-бирига ҳурмат-эътибори кучайишини ва жамоанинг таъсирида кераксиз одатларни йўқотиш осон кечишини тушунтиради. Ибн Сино шахс тараққиётида мусиқанинг ўрни ҳақида ҳам тўхталиб, у алланинг аҳамияти руҳий озуқа беришини алла таъсирида бола асаб тизими, ақлий имкониятлари ва жисмий камолоти жадаллашиши хусусида фикрлайди.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғати турк» асарида этнопсихологик билимлар келтирилган бўлиб, унда турли миллат ва элатларнинг урф- одатлари, анъаналари, эътиқодлари, турмуш тарзи хусусида баён қилинади. Бу эса турли миллат психологиясини, фикрлашини қиёсий ўрганиш имконини беради.

«Қобуснома» асарини муаллифи Унсурмоний Кайковус «Фарзандларни парвариш қилиш фикрида» деб номланадиган 27 бобида фарзанднинг ота-онани ҳурмат қилиш, оила тарбияси, оилада ота-онанинг фарзандига тарбия бериш усуллари ва фарзандларни парвариш қилишда унинг ёш даврларга эътибор бериш ҳақида тўхталади. Бу эса бугунги кундаги ота-оналардан медиасаводхонлик компетентлиги талаб қилинаётган даврда амалий қўлланилиши зарур бўлган аҳамиятли ёндошувларни тақдим қилади.

Шарқ мутафаккирларидан бўлган Абдурахмон Жомий ўз асарларида шахс тараққиётига оид қарашларини ёритиб, 6 та типдан иборат қуйидагича шахс типологиясини яратган:

1 тип – Ҳасадгўй (бировларнинг ютуғини кўролмайди, кайфиятини бузади);

2 тип – Ғийбатчилар;

3 тип - Тасодифий бойиган камбағаллар;

4 тип – Амалпарастлар;

5 тип – Зиқналар;

6 тип – Аҳлоқсизлар.

Бу типология фақат салбий сифатларни ёритган бўлса ҳам (бадий нуктаи назардан) шахс типологияси ҳақидаги дастлабки классификация ҳисобланади.

Боланинг психик тараққиётида муҳитнинг ролига юқори баҳо берган алломалардан бири Жалолиддин Давоний ҳисобланади. Унинг «Ҳоҳишлар этикаси» асари таълим психологияси бўйича болаларни тарбиялаш методлари, характер хислатларини ўзгартириш омиллари хусусида. Буюк инглиз файласуфи Джон Локк «Tabula rasa» таълимоти билан фанга киритган ғояларини илк бор Давоний болаларнинг қалбини тоза тахтага ўхшатиб, унга ҳоҳлаган нарса ёзиш ёки чизиш мумкин деб таъкидлаган эди.

Демак Ўрта Осиё мутафаккирлари ўзларининг илмий дунёқарашлари билан жаҳон фани тараққиётига ва унинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиш баробарида

бугунги тезкор тараққиётга эга даврда ҳам ҳар томонлама таъсир кучини, аҳамиятини йўқотмаган ноёб асарлар сифатида қадрланади. Ёш авлодни ахборий хуружлар таъсирида йўқолиб бораётган миллий қадриятлар, миллий руҳ ва кенг қамровли фикрлашга эга дунёқараш эгаси қилиб тарбиялашда ҳар бир ота-она, тарбияга масъул вакиллар шарқ мутафаккирлари ғояларини, асарлари мазмунини дастуриламал қилиб олишлари, яқиндан улар шахси, ижоди, кашфиётлари ва асарлари билан таништиришлари кучли психологик тарбиявий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўрта асрлар шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари. Тошкент. 2014. Б.18-42.
2. Тиллашев Х. Общепедагогические идеи ученыхэнциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. Ташкент. 1985. -С.24-33
3. Я.Шермухамедов. Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари. Т: 1970.Фан, Б.36.
4. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. "Абдулла Қодирий" нашриёти, Т:1993.Б.10.
5. Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Т: "Sanostandart" 2016.Б.82.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АДОЛАТНИ ЖАМИЯТ ҚУРИШГА ОИД КОНЦЕПТУАЛ ҚАРАШЛАРИ – ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ АСОСИ

Замонов Зокир Турғинович,

ЎзДЖТУ доценти,

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бугунги кунда нафақат пировард мақсад, айни пайтда биз яшаб турган жамият мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Шу маънода жамиятда яшаб унга нисбатан апатияга учрамаслик, тушкунлик кайфиятини бартараф этиш, эътиборсизликдан ҳоли бўлиш, доимо сергак, шижоатли бўлиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун катта масъулият ва ўзи-ўзига нисбатан талабчанликни юклайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделида мамлакатнинг маънавий қудратини ошириш “Ҳар бир шахснинг эркин ривожланишига шарт-шароит яратиш жамиятни инсонпарварлаштириш ва демократиялашнинг истиқболини белгилаб беради”.

Маълумки, шахс камолотининг муҳим омилларидан бири маънавий-ахлоқий муҳитдир. Маънавий-ахлоқий муҳит қандай бўлса, шахснинг характер хусусиятлари шундай кўринишда намоён бўлади. Бу хусусиятни англаш ва ривожлантириш асосида мамлакатда барқарорлашиб бораётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос муносабатларнинг янгича, мустаҳкамланган кўриниши шакллантирилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омиллари ичида шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари алоҳида ўрин тутди. Бундай ўзига хосликнинг асосий сабаби – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга эришиш ўз навбатида маънавий-ахлоқий категориал тафаккурни талаб қилади. Шу маънода “Кучли мамлакатдан кучли фуқаролик

жамияти сари” ғоясига асосланган ҳолда мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил давом эттириш бугунги кундаги устувор вазифа, дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Бугунги кундаги энг долзарб муаммо ҳамда вазифалардан бири, бу инсон ва унинг маънавий қиёфаси, маънавий компетентликка эга бўлиши ҳисобланади. Демократик тараққиётнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлиги халқимизнинг шарқона фазилатлари, тафаккури ва шарқона турмуш тарзидан келиб чиқади.

Шарқда азалдан жамиятда маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш негизда инсон ахлоқи, одоби, имон-эътиқоди, меҳр-муҳаббат ва маърифатини юксалтириш мақсади ётган. Бундай ёндашувни Шарқ олимлари, хусусан, Марказий осиелик алломалар асарларида кузатиш мумкин.

Шарқнинг етакчи олимлари адолат, эзгу амаллар ва маънавий-ахлоқий фазилатларни барча подшоҳ ҳам, фуқаролар ҳам ўзида шакллантириши, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши зарур, деган фикрни илгари суриб бу мақсадларни ижтимоий-ахлоқий меъёр даражасига кўтарадилар. Ушбу меъёрлар Шарқ халқларининг менталитети, турмуш тарзи ва эътиқодига айланганки, бугун уларсиз демократик тараққиётни тасаввур қилиш қийин. Қадимий Шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон озодлиги ва хатти-ҳаракатлари эркинлиги таъмин этилган эди. Булар айтилиши демократлаштиришнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Марказий Осиё ҳудудларида фуқаролик жамиятини юзага келтирувчи омиллар, мезонлар ўзгача талқинини топган. Бу, бевосита, ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Мисол учун, Шарқ донишманди Конфуций давлатни адолатли бошқаришда ҳукмдорнинг қандай йўл тутиши лозимлигини таъкидлайди. Бунинг учун “беш бебаҳо сифат” зарур деб

кўрсатади. Улар эзгуликка исрофгар бўлмаслик, меҳнатга мажбур эта туриб нафрат уйғотмаслик, истакларга зикна қилмаслик, улуғ бўла туриб, мағрурлик қилмаслик, ҳурмат уйғота туриб бағритош бўлмасликдан иборатдир.

Шунингдек, Конфуций қарашларининг бош ғояси ҳукмдорларни халқ ва жамият ривожига учун фидойи бўлишга даъват этишдан иборат бўлган. Унинг учун “дао” (“ҳақ йўли”) инсонлар ва уларнинг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш, улар меҳнатидан фойдаланишда адолатга амал қилишдир. Жамиятда адолат устунлик қиладиган бўлса фуқароларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ҳам шунга мос равишда ривожлана бошлайди.

Файласуф олим В.Алимасовнинг таъкидича: “Конфуцийчиликда жамият ва давлатни бошқариш инсон (подшоҳ, ҳукмдор, амалдор)нинг ўзини-ўзи ахлоқий-маънавий тарбиялашига, такомиллаштиришига боғлиқ деган гуманистик ғоя, ёндашув илгари сурилади”.

Шарқ алломаларидан Абу Наср Форобий жамиятга таъриф берар экан, “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маънода озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди”, дейди. Форобий адолат тарозиси устун бўлган жамиятни маърифатли ҳукмдор бошқариши лозимлигини уқтиради. Бу жиҳат айнан Арестотелнинг жамиятида адолат тарозиси устун бўлиши натижасида эркинликнинг юзага чиқиши ҳақидаги қарашларини синонимик аксидир.

Қомусий олим Ибн Синонинг фикрича, ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Идеал давлат қуриш жамият аҳолисининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқ. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг юксак қадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

“Сен ўз қўл остингдагиларни туртиб ташлама, улар билан дўстона, хурмат-эътиборга асосланган муносабатни ўрнат. Зеро, улар ҳам бу дунёга инсон сифатида келганлар”, дейди аллома. Табиийки, бу даврда Шарқда ижтимоий адолат, маърифат ва тенглик назарий меъёр бўлиши билан бир қаторда, амалий ҳаёт меъёри, жамоа бўлиб яшашнинг асосий шarti сифатида тушуниланган, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг адолат ва маърифат йўли танланган. Айнан шу боис, адолат ва маърифат маънавий институтлашувга асос бўлган. Маънавий институтлашув эса – қадриятларга айланган, узоқ йиллар давомида халқнинг, миллатнинг турмуш-тарзини ифодалаб, уларни эзгулик йўлида бирлаштиришга хизмат қилувчи негизларнинг тизимлашган шаклидир.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ҳамда “Ҳиндистон” асарларида адолатли жамият ва унинг амал қилиши асосларини шакллантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурган. У, жамият пайдо бўлишининг бош сабабларидан бири – одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бирга яшашга эҳтиёжи ҳамда интилишлари натижаси, деб баҳолайди. Шунингдек, адолатли жамиятни қуришда маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниш лозимлиги айтиб ўтилади.

Бизнинг назаримизда, йиллар ўтган сари ҳар қандай кўринишдаги давлат ва жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳада, бир томондан, ушбу соҳаларга оид билим ва тажрибаларни шакллантириб борса, иккинчи томондан эса, уларни халқнинг менталитети, турмуш тарзи билан уйғунлаштиришга қаратилган чоратадбирлар, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилган.

Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ул-ард” асаридаги “Ҳукмдорлар ва бошқарув тизими” деб номланган 7-бобида “Ҳар сафар [тарқатиладиган] нафақаларнинг йиғиндиси беш минг дирҳамни ташкил этади, тўрт марта [тарқатиладиган] нафақалар йиғиндиси эса бир марта йиғиладиган хирожга тенг бўлади. [Одамлар] эса бунини очиқ кўнгиллик, қувонч, қалб шодлиги ва очиқ хурсандчилик

ZJV5401

билан, ўзларига нисбатан адолатли муносабатдан тўла мамнун равишда амалга оширадилар. ...Бу ҳол раъиятга нисбатан адолат, оддий халққа нисбатан ҳаққонийлик ва ҳокимлар кўлига [катта] масъулият [туфайли]дир”, деб баён қилинган. Аслида ҳам, агар жамиятда адолатли бошқарув тизими ўрнатилган бўлса, жамият аъзолари ҳам ундан хотиржам, ўзаро ишонч ва ижтимоий муносабатлар тартиби етакчилик қилишини кузатиш мумкин.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг яшовчанлиги, халқчиллиги, ҳаётийлиги ва самарадорлиги ўша давлат бошқарувчисининг хатти-ҳаракатлари ҳамда давлатдаги ҳуқуқий меъёрларнинг қай даражада амал қилинишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Амир Темур давлатчилиги икки асосга ўрнатилган эди: бу диний ва дунёвийлик. Диний аҳкомлар бир томондан, иккинчи томонда эса, куч, адолат ва қонун устуворлигини кузатиш мумкин. Унинг давлат бошқарувида динга, хусусан, Қуръони карим, ҳадислар, бу энг аввало, маънавий негизлар инсонларни бир-бирга яқинлаштирувчи, меҳр-муҳаббатли, садоқатли, меҳмондўст бўлишга чорловчи ахлоқий тамойиллар устунлик қилган.

Бундан кўринадики, буюк Темур адолатли ва фозил бошқарувга алоҳида эътибор қаратган. Амир Темур даври мафқурасининг бунёдкорлик кучи ҳамда Соҳибқироннинг бевосита амалий саъй-ҳаракати ва раҳнамолиги туфайли мамлакатда фан, маданият, санъатнинг кўп соҳалари гуркираб тараққий топди. Маънавиятда юксалиш бўлди.

Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Соҳибқироннинг юксак инсоний кечинмалари, унинг узоқ ва машаққатли юришлари, зафарли жанглари, сиёсий, маданий ёки маърифий ишларининг натижаси – унинг адолат эгаси сифатида гавдалантирилади.

Ўша даврнинг йирик мумтоз намоёндалардан бири – шоир ва мутафаккир Алишер Навоий адолатли жамиятга эришиш учун инсонлар маърифатли, илмли бўлиши зарур эканини таъкидлайди. У адолатли раҳбарнинг иш услуби ва маънавий-ахлоқий қиёфасини тасвирлаб беради. Инсонлар ҳаётидаги энг афзал томонларидан бири – яхшилик ўлидаги ўзаро ёрдамдир. У назариётчи ва амалиётчи сифатида

давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Хусусан, унинг "...давлат иши билан машғул амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкни турли одатларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим", деган мулоҳазаси юқоридаги фикрни тасдиқлайди. У адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътибор қаратади: "оиламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феъл-атворини ўргандим; яхшилик ва ёмонликнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва паскашларнинг захмини, саҳоватли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди". Мавлононинг эътирофича, жамиятда адолат устун мустаҳкам ўрнашган бўлиши керак. шундаги жамият аъзоларининг қарашлари турмуш-тарзи ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммаллашиб боради.

Умуман олганда, жамият тарихи, ижтимоий келиб чиқиши, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва тўла қарор топиши, демократик жамият талабларини ишлаб чиқилиши ва амал қилиши, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг эркинлаштириш талаби ва унинг назарий асослари Шарқ мутафаккирларининг қарашларининг дастуруламали бўлиб хизмат қилган ва бу қарашлар бугун кунда ҳам жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асослари билан ҳам боғлиқ эканлигини ўзининг исботини топиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 65-67.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босчиқга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 1-том. –Б. 58.

3. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. / Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. –Б. 34-40.

4. Алимасов В. Конфуций ва Шарқ давлатчилиги. И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2006. –Б. 21.

5. Утамурадов А. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси: монография.. –Т.: Адабиёт учқунлари. 2018. –Б. 13.

6. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. –Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2006. –Б. 53.

7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 1993. –Б. 190.

8. Ибн Ҳавқал “Китоб сурат ул-ард” (Мовароуннахр) араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.Камолиддин. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2011. –Б. 23.

9. Н.Ғойибов. Амир Темур даври маънавияти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. –Б. 28.

10. Навоий А. Маҳбуб ул-Қулуб. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –Б. 12.

11. Комилов Н. Навоий ва замонамиз. “Jahon adabiyoti” журнали, 2001. Февраль сони. –

АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АДОЛАТ ФАЛСАФАСИ

Аброр Қиличев,

*Республика Маънавият ва маърифат
маркази маъсул ходими,
Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори*

“Мулки Турон” гарчи (XIV-XV асрлар) ўрта асрлар даврида тарих саҳнасига чиққан бўлса-да, Амир Темур даҳоси билан давлат бошқарувида сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий ва азалий ижтимоий анъаналар уйғунлаштирилиб қудратли бир институтга айлантирилди. Шу сабабдан ҳам Амир Темур шахсига, унинг давлати қурилиши тизимига, иқтисодий, ижтимоий сиёсати тарихига бўлган қизиқиш ниҳоятда ошиб кетди. Натижада бугунги кунда Турон ҳукмдори фаолиятига оид Европада 3000 дан ортиқ, Шарқ халқлари тилларида эса 4000 дан ортиқ махсус илмий, адабий-бадий асарлар дунё юзини кўрди. Бугунги кунда Буюк Британия, Франция, Испания, АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Эрон, Туркия, РФ ҳамда Венгрия каби бир қатор давлатларнинг шарқшунослик марказларида Амир Темурнинг давлатчиликдаги амалиёти ва ижтимоий сиёсати бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Таниқли рус олими С.Г.Кара-Мурза замонавий Россия давлат бошқарувининг асослари ҳақида фикр юритаётиб кенгашлар масаласига асосий урғу берар экан, давлат раҳбарининг бошқарувчанлик маҳоратини кенгашлар сиёсатининг муваффақияти билан боғлайди [1.7; Б.76.]. «Кенгаш - маълум бир мақсадни кўзлаб чақириладиган махсус йиғиндир» [2.8;]. Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилганидек, Амир Темурнинг кенгашлари нафақат сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, балки, ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олган. Кенгаш давлатнинг ўта муҳим масалаларини кўриб чиқувчи сиёсий тадбир сифатида салтанат сиёсатини мувофиқлаштиришда, шубҳасиз, катта роль ўйнаган. Бугунги кунда ҳам

кенгашнинг мавқеи замонавий давлатларнинг сиёсий ҳаётида юқори ўринда туриб, гарчи шаклан ўзгарган бўлса-да, моҳиятан ўзгармаган. Бунга мисол тариқасида дунё миқёсида давлатлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва хавфсизлик каби масалалардаги кенгашларни келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, жаҳоннинг ҳар бир тараққий этган давлатлар бошқарув институтлари кенгашлар сиёсатидан унумли фойдаланиб келади.

Кенгашлар сиёсатига қуйидаги мисолни ҳам келтириш жоиз. Жумладан, 1812 йилдаги рус-француз урушининг сиёсий-фалсафий жиҳатлари ёритилган А.К.Саврасовнинг «Изба совета в Филях» асарида [3.12; Б.56.] машҳур рус қўмондони М.И.Кутузовнинг французлар билан олиб борган жанг ҳаракатлари сўнгги босқичларини муҳокама этиш учун ҳарбий кенгаш чақиргани ва унда кўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ўша ҳарбий кенгашда (кенгаш 1812 йил 1 (13) сентябрда ўтказилган) таниқли рус генераллари М.Б.Барклай де Толли, Д.С.Дохтуров, Л.Л.Беннигсен, Н.Н.Раевский, Ф.П.Уваров, А.П.Ермолов, А.И.Остерман-Толстой ва бошқалар йиғилгани маълум. Сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинса, М.И.Кутузов ўтказган ҳарбий кенгаш билан Амир Темур даврида ўтказилган ҳарбий кенгашларнинг шаклида фарқ бўлса-да, моҳиятига кўра умуман фарқ йўқлигини кўрамиз. Демак, кенгашлар давлатларнинг бошқарув сиёсати – хавфсизлик, ҳарбий ва бошқа тадбирларда энг муҳим вазифаларни бажарган.

1823 йилдаги Россия империяси олий ҳарбий кенгаши ишчи низомида келтирилган [4.13; Б.102.] «Олий ҳарбий кенгаш аъзолари давлатга, давлат мулкларига, давлат қонунларига ва халқига тамоман содиқ бўлган шахслар бўлиши шартдир», деган сўзлар «Темур тузуклари»да Амир Темур таъкидлаган шахсий садоқат ҳақидаги фикрларнинг айнан ўзидир. Амир Темурнинг кенгаши аъзолари ҳам ўз ватанига, давлатига ва ҳукмдорига қатъий садоқатда бўлган шахслардан иборат бўлган.

Яна бир мисол. Ҳарбий кенгашлар собиқ шўролар давлатида армия ишларини йўлга қўйиш, ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштиришда етакчи рол ўйнаган. Биздаги маълумотларга кўра, «Темур тузуклари»дан бугунги кунда Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Россия каби ўнлаб давлатларнинг ҳарбий ва хавфсизлик [5.11; Б.80.] олий мактабларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

«Ишларимнинг барисида аввал кенгаш-маслаҳат қўлладим, ишни бажаришга киришар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб қўярдим, ҳамда бу иш қандай яқунланиши ҳақида фикр-мулоҳаза қилган ҳолда иш бошлардим; сўнгра, кези келганда, тўғри тадбир ва қатъий жазм, ёхуд мулоҳазакорлик ва эҳтиёткорлик, ёки узоқни кўриб ортини ўйлаган ҳолда уни кўнгилдагидек ниҳоясига етказардим. Яна тажрибамдан ўтказдимки, сўзларида иттифоқлик бўлган, қилмоқчи бўлган ишларини бирор важҳ кўрсатиб бажармасдан қолдирмайдиган кишиларгина кенгаш аҳли бўла оладилар» [6.14; Б.15.]. Ушбу сўзлар Амир Темур даври давлат бошқаруви институтлари тушунчаларининг сиёсий-фалсафий моҳиятини англатади.

Авалло, давлат бошқаруви қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий жамоатчилик институтлари орқали амалга оширилган. Тўғри, қурултой, кенгаш каби олий мақом йиғинлар ўз даврида қадим Туронда амал қилиб келган. Қурултой Турк ҳоқонликларида ҳам давлат бошқарувида қўл келган, кейинроқ чингизийлар империясида муттасил ўтказилган ва давлат аҳамиятига молик ишлар кўрилган, бироқ уларда Амир Темур давлат бошқарувида бўлгани каби ошкоралик руҳи бўлмаган, яъни, жамият барча табақасининг давлат ҳаётида кечаётган жараёнлардан хабардорлиги ва талаб-истаклари инobatга олинмаган. Амир Темур жамиятдаги ҳукмрон синф вакиллари: амирлар, лашкарбошилар ёки дин арбоблари билан бирга, оддий халқ билан ҳам яқин бўлишга, уларнинг кундалик муаммоларини ҳал қилишга эътибор қаратган. Бу ҳақда «Тузуклар»да бот-бот уқтириб ўтилган. Чингизийлар

қурултойларида фақат ҳукмрон синф вакиллари иштирок этган бўлиб, уларда асосан феодал табақанинг манфаатлари хусусида гап борган. Шунинг учун қурултой ва кенгашларда амирлар, вазирлар билан бирга, оддий халқ вакиллари, баҳодирлар (жангда жасорат кўрсатган шахслар), дин арбоблари иштирок этган [7.14; Б.56].

Таҳлилга кўра, мазкур йиғинлар том маънода ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик институтлари мақомини олган. Чунки, бу ерда кўриладиган ҳар қандай масала нафақат давлат манфаатларини, балки жамиятдаги турли тоифаларнинг талаб-истакларини ҳам ҳисобга олган.

Биринчидан, ҳукмдор давлат қурилишида жамиятдаги ижтимоий қатламларни ўн икки тоифага бўлади ва ҳар бир тоифанинг манфаатларини аниқ ҳисобга олади. Иккинчидан, давлатчилик сиёсатида ушбу ижтимоий-сиёсий тоифалар асосий ролни ўйнайди. Учинчидан, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда қурултой, кенгаш ижтимоий-сиёсий жамоатчилик институтлари – объект вазифасини ўтайди, жамиятдаги ўн икки тоифа эса ижрочи – субъект вазифасини бажаради.

Қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий институтлар тарихий давлатчилик қадриятларига таянган ҳолда ҳар томонлама пишиқ ва пухта тўра-тузуклар асосида барпо этилган [8.14; Б.67.]. Амир Темур ўзининг давлат қуриш ва унинг пойдеворини мустаҳкамлаш борасида амалга оширган ишларини «Тузуклар»ида қайд этиб борар экан, пири Мир Саййид Бараканинг мактубини мисол тариқасида келтириб ўтади: «Буюк зафарлар соҳиби (Амир) Темурга, Оллоҳ уни ҳамиша қўлласин, маълум бўлсинким, унинг салтанати корхонаси Тангри таоло корхонасининг [кичик] нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар, ноиблар, эшик оғолари бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо Оллоҳнинг амрига мунтазир туради. Шундай экан, сен ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёткор бўл, токи вазирлар, лашкарбошилар, амалдорлар, иш юритувчилар, сипоҳсолорлардан ҳеч

бири ўз мартабаси чегарасидан чиқмасин ва доимо сенинг ҳукмингни кутиб туришсин. Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз мартабаларида тутгинки, [бу билан] салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай» [9.14; Б.76.].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Амир Темури қонун-қоидалар асосида давлатни қураётган эди, пир-устозларининг ўғитларидан унумли фойдалангани қуйидагиларда акс этади. Биринчидан, жамият ҳаётида диннинг устувор ролидан Амир Темури кучли сиёсатчи сифатида ўта оқилона фойдаланган. Иккинчидан, авлат бошқаруви институтларининг асосий моҳияти ҳам, аввало, дин негизига қурилса-да, унинг фаолияти салтанатда амал қилаётган халқнинг қадриятлари билан уйғун ҳолда олиб борилади.

Қадим Турон халқлари ҳаётида «адолат» тушунчаси шаклланиши ва ижтимоий тафаккурининг узвий бир қисмига айланиши, аввало, азалдан шаклланиб келган ғоя, қарашлар ҳамда ислом динининг халқ дунёқарашига ўтказган таъсири билан белгиланади. Маълумки, халқимизнинг милoddан олдинги ҳаётини ўзида акс эттирган «Авесто» ҳам миллий ғояларни асраб-авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, адолатни қарор топтириш ва халқ анъаналарини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутди. Тарихга ва халқ ҳаётига ўта қизиқиш билдирган Амир Темури бу бебаҳо китобдан ҳам маънавий-руҳий куч олгани аниқ. Бу унинг давлатни тузиш, идора этиш ва халқ билан яқин алоқада бўлишга интилишларида ўз ифодасини топади.

Шунинг учун ҳам, биринчидан, Амир Темури одамни бой ёки камбағал эканига қараб баҳоламаган, оддий халқ вакили бўлса ҳам асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довжорак, тadbирли, сергак, эҳтиёткор, мард инсонларни ҳурмат қилган. Иккинчидан, айнан шу фалсафа Амир Темури Амир Темури даражасига кўтарган, юксак мартабаларга олиб чиққан. Учунчидан, халқдан куч олиш, халқ ичига кириб бориш, халқ билан бирга бўлиш фалсафаси қадим Турон

элида юксак қадрланганини, бунинг сиёсий аҳамияти бениҳоя юксак бўлишини қадим давлатлар тарихининг билимдони бўлган Амир Темур жуда теран англаган. «Хукмдорнинг адолатпеша бўлиши ва аъёнларнинг шу ахлоқ тарбиятида танланиши мамлакатда жорий қилинган буйруқ ҳамда таъқиқларнинг фуқаро манфаатлари асосида бўлишлигини таъминлашга олиб келган» [10.1; Б.9.], деб ёзади профессор Т.Алимардонов. Биз Т.Алимардоновнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилишимиз мумкин: Амир Темур нечоғли қудратли зот бўлмасин, у инсонпарварлик ғояларига содиқ бўлиб, қўл остидаги амирлар, вазирлар, энг муҳими, оддий халқ билан ўта инсоний муносабатда бўлишга ҳаракат қилган.

«Тузуқлар»да ёзилишича, салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш билан, қолган бир улуши эса, куч ёрдамида амалга оширилган. Бу ўринда кенгаш деганда, адолатга эришишнинг энг муҳим самарали омили бўлган, салтанатда бошқарув институтларидан бирига айланган ижтимоий-фалсафий тушунча ҳақида гап бормоқда. Бу тушунча ўз навбатида давлат бошқарув институтлари бўлган қурултой, кенгаш каби сиёсий тадбирларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган мавқеи, таъсири нечоғлиқ аҳамиятга эга эканини белгилаб беради.

Амир Темур давлатчилик сиёсатини юритишда давлатнинг бош йўналишини «Куч – адолатда» ғояси билан белгилашида чуқур маъно ва мазмун бор эди ва буларни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин: биринчидан, «Куч – адолатда» ғоясининг Амир Темур наздидаги моҳияти шундаки, давлат адолат билан бошқарилиши керак, агар адолатга путур етса, бундай давлатнинг умри қисқа бўлади; иккинчидан, Амир Темур давлатчилигининг асосини «Куч – адолатда» ғояси ташкил этади ва ушбу ғоя давлат бошқарувида мафкура вазифасини ўтайди. Учинчидан, бу ғоя давлат бошқарувининг барча тизимларига кириб борган ва давлатдаги ҳар бир тизим адолат тамойилларига суянган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, қўшиндаги тартиб-интизомнинг асосини [11.6; Б.71.] адолат тамойили

ташкил этиши, армияда рағбат масаласининг одилона жорий қилингани билан белгиланади.

Бу ерда «тизим» хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. «Тизим» (sistema) юнунча сўздан олинган бўлиб, бўлаклардан ташкил топган, асл моҳияти «яхлитлик», «бирлашма» деган маъноларни англатади [12.5; Б.610.]. Тизимни моҳият нуқтаи назардан бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Хусусан, иқтисодий тизим; ижтимоий тизим; сиёсий тизим ва ҳоказо. Ушбу тизимлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан бирга, фарқли томонлари ҳам мавжуд, масалан, сиёсий тизим ўзига хос сиёсат ва ҳокимият каби белгилари билан характерланади. Замонавий сиёсий тизим давлат, сиёсий партиялар, жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг мажмуасини ўз ичига олади. Сиёсий тизим – жамиятнинг сиёсий тизими ёки жамиятнинг сиёсий тузилмаси – ягона норматив-ҳуқуқий асосда ташкил этилган ҳокимиятни амалга ошириш ва жамият устидан назорат қилиш билан боғлиқ сиёсий субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир."Сиёсий тизим бу - сиёсий функцияларни, яъни давлат ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширадиган давлат ва нодавлат институтларнинг мажмуасидир" [13.2; Б.56.], деган таърифни беради Г.В.Атаманчук. Таъкидлаш керакки, сиёсий тизим давлат бошқарувини амалга оширишда қатъиятга асосланиши билан эътиборлир. Бу ҳолат Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида ёрқин кўзга ташланади.

«Сиёсий тизим» тушунчаси сиёсий фаолиятнинг муайян жамият тузилмаси ва сиёсий жараёнларнинг турларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини англатади [14.4; Б.78.]. Демак, қурултойнинг оммалашуви сиёсий жараённинг кучайишига ва жамиятнинг давлат билан яхлитлашувига хизмат қилган. Айни пайтда бу тушунчага қуйидаги таърифлар ҳам берилган «Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, жамият тизимидаги элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмдир» [15.10; Б.51.]. Келтирилган таърифларга қўшилган ҳолда,

фикримизча, сиёсий тизим жамиятда мавжуд бўлган давлат ва жамиятнинг барча жиҳатларини эмас, балки, сиёсий ҳокимият тармоқларини ташкил этувчи қисмларни ўз ичига олади.

Амир Темур давлатида бошқарув институтларининг катта тизими фаолият олиб борган. Мазкур тизимларнинг ўзаро муносабатлари давлат сиёсатини амалга ошириш – давлат ишларида иштирок, бошқарув давлат фаолияти вазифалари ва мазмунини белгилашда ўзининг амалий ифодасини топган. Амир Темурнинг қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий бошқарув институтлари жамиятдаги барча ижтимоий кучларнинг билими, тажрибаси, салоҳиятидан унумли фойдаланган.

Россиялик олим Л.А.Бобров «Тамерлан – воин всех времен и народов» [16.8;] деб номланган тадқиқотида Амир Темурнинг ҳарбий, сиёсий фаолиятини таҳлил этар экан, Турон ҳукмдорининг қўшин қурилиши ва уни бошқаришдаги маҳорати ҳақида, хусусан, ҳарбий кадрларни танлашдаги истеъдоди ҳақида таҳлилий фикрлар беради. Ушбу фикрларга қўшимча равишда айтиш мумкинки, Амир Темур кадр танлашда биринчи навбатда унинг ҳалоллиги, юртга садоқати ва шахсий жасорати каби сифатларига катта эътибор қаратган. Татаристонлик олим И.М.Мирғалиев «Материалы по истории войн Золотой Орды с империей Тимура» [17.8;] номли тадқиқотида Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги сиёсий муносабатларни таҳлил қилган. Унга кўра, Турон ҳукмдори ўз давлатининг тараққиёти учун Олтин Ўрдани шафқатсизларча маҳв этди ва уни геосиёсий ўйинлардан четлаштирди, деб ёзади. Бизнинг фикримизча, муаалиф геосиёсат масаласида бир томонлама бир фикр юритади. Айтиш жоизки, Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига биринчи ўринда Олтин Ўрда хонининг ўртадаги шартларни бузиши бўлган. Амир Темур Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрда ҳукмдори даражасига кўтарган эди. Лекин, Тўхтамишхон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, бир неча бор юртга бостириб

келади ва Занжирсарой ва Бухоро атрофларини талаб кетади. Шунинг учун ҳам ушбу олимнинг Амир Темур ҳақидаги фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунончи, тожикистонлик тадқиқотчи Г.Турсунова [18.9; Б.190.] ҳам «Амир Темур фаолиятининг асосий босқичлари: 1360-1405 йиллар» номли диссертациясидаги асосий ғоялар буюк Соҳибқирон Амир Темур амалга оширган ишларни йўққа чиқаришга бағишланган. Тадқиқотининг «Амир Темурнинг вайронкор фаолияти» номли иккинчи бобида Соҳибқирон бобомизни «ўрта асрнинг энг шафқатсиз талончиси» сифатида таърифлайди ва бу «чўпчак»ни илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Энг ачинарлиси, Г.Турсунова илмий ишининг методологик ёндашувида В.И.Лениннинг агрессив асарларига таянади ва шўро мафкурачисининг асарларидан тез-тезиқтибослар келтириб ўтади. Таъкидлаш керакки, ушбу «тадқиқот»да Амир Темур шахсига нисбат берилган «вайронкор характер», «шафқатсиз талончи», «ҳарбий талон-тарож корхоналар ҳукмдори» деган сўзлар ҳолислик йўқ. Агар Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида бузғунчилик, вайронкорлик устунроқ бўлганда, дунёнинг ўша пайтдаги йирик олимларидан бўлмиш Ибн Халдун у зот ҳақида хушнудлик билан ёзмаган бўларди. Шу боис ҳам, Г.Турсунованинг ушбу нореал тадқиқотидаги ҳақиқатдан узоқ фикрлари ўзи таянган «шўропарастлик» ғояси сингари эзгуликка хизмат қилмайди, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат қурилишининг муҳим институтлари бўлган Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат, қуйи палата – Қонунчилик палатаси, Адлия тизими ва мустақил суд ҳокимияти, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини йўлга қўйишда Амир Темур давлатида тажрибадан ўтган қурултой ва кенгашлар, уларнинг қонун қабул қилиш ҳамда ижросини таъминлашдаги анъаналаридан фойдаланилган, дейиш мумкин.

Таҳлилга кўра, Амир Темурнинг давлат бошқаруви, умуман давлатчилик асосларини яратишдаги маҳорати

ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларининг мувозанатини ушлаб туришда муҳим омил бўлган.

Давлат бошқарувида Амир Темур томонидан бу институтлар кучидан фойдаланишда икки мақсад кўзланган. Биринчидан, унда оддий фуқароларнинг иштироки, ўз муаммоларини ошкора айтиши ва уларни ҳал қилишда ҳокимият эътиборини қарата олиши. Иккинчидан, давлат бошлиғининг ҳокимият вакиллари билан оддий инсонлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашдаги имкониятни ҳам ҳисобга олиш. Энг асосийси, булар ҳар икки томон қарашлари ва манфаатларидаги умумий жиҳатларнинг ўзаро уйғунлашувига ижобий таъсир ўтказган.

Шу билан бирга, қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий институтлар тушунчалари ғоят серқирра бўлиб, ўзида бир қанча тамойилларни жамлаган мураккаб тизим бўлган. Яъни, бу тизимларда оддий маслаҳатлашувдан тортиб, салтанат миқёсидаги олий тузилма – марказий давлат бошқаруви институти, яъни, ҳукмдор девони ўз аксини топган. Тизимнинг мураккаблиги шундаки, тузилмаларнинг мақомлари турлича бўлган.

Биринчидан, қўшин ҳолатини яхшилаш ва такомиллаштириш, ҳарбий юришларга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш каби хавфсизлик масалаларига оид қурултой ва кенгашларни сиёсий институтлар сирасига киритамиз. Иккинчидан, жамиятдаги табақа ва тоифаларнинг ҳаётини яхшилашга бағишлаб ўтказилган, яъни, ер ислоҳоти, деҳқончилик, чорвачилик, боғ-у роғлар, работлар, карвонсаройлар, масжид-у мадрасалар, шифохоналар қуриш сингари масалалар кўриб чиқилган қурултой ва кенгашларни ижтимоий институтлар сирасига киритиш мумкин.

Буердаянабирмасалага аниқлик кирити бўтиш керакки, Амир Темур ўтказган қурултойларнинг аксариятида ҳам сиёсий масалалар, ҳам ижтимоий масалалар биргаликда кўриб чиқилган. Таҳлилга кўра, давлат бошқарувидаги олий орган ҳисобланган мазкур маслаҳатлашув йиғинлари

– қурултой ва кенгашлар кун тартибидаги масалалар моҳиятига биноан ижтимоий-сиёсий институтлар сирасига киради.

Маслаҳатлашувлар қурултой, кенгаш орқали амалга оширилса, ижро қилувчи институт вазифасини вазирлар, амирлар, лашкарбошилар, улус бошлиқлари, хабаргирлар (хавфсизлик хизмати), ғазна-молия ишларига масъуллар, қозилик хизматлари ҳамда асосий қарорни қабул қилувчи давлат бошлиғи – ҳукмдор адо этган. Бу тузилмада охириги қарорни ҳукмдор қабул қилган бўлса-да, у энг аввало, халқнинг вакиллари билан маслаҳатлашувни амалга оширгани ана шу учликнинг самарали фаолият олиб боришига ижобий таъсир ўтказган.

«Давлатнинг буюклиги эл-уюртнинг бойлиги, халқнинг тўқ, фаровонлиги ва юксак маданияти билан белгиланади. У давлат аппаратини шакллантирганда биринчи галда уни ихчам ва ишчан қилиб тузди. Ҳалоол ва ташаббускор одамларни ёнига олди. Бир учи Шарқда Чин ҳудудида, Ғарбда Ироқ билан Шомда, шимолда эса Сибир ва Жанубда Синд дарёсигача чўзилган улкан бир мамлакатни ҳаммаси бўлиб еттита девон (вазирлик) ёрдамида бошқаради. Шу улкан мамлакатни (ҳозир Амир Темур давлати ўрнида бир неча ўнлаб мустақил давлатлар мавжуд) идора қилишда Амир Темур Улус тизимидан фойдаланди. Масалан, икки азим дарё – Амударё билан Сирдарё оралиғида ўринлашган вилоятлардан ташқари мамлакатларни тўрт ўғлига тақсимлаб берди» [19.3; Б.113.], деб ёзган эди Б.Аҳмедов.

Таҳлилларга кўра, Амир Темур давлат бошқарувида қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий институтлар воситасида улус тизимига асосланиб бутун салтанатни идора этар экан, аввало қонун устуворлигини таъминлайди. Улус тизими гарчи чингизийлар замонидан бери мавжуд бўлса-да, уни ҳар томонлама такомиллаштирди.

Амир Темур давлатида бошқарувчи бошлиқларнинг таркиби асосан ҳарбий мансабдорлардан иборат бўлган. Улус – вилоятдан ҳажм жиҳатдан катта бўлиб, унинг кўлами мамлакат ҳудудига тенг келади. Улус бошлиқларининг

алоҳида давлат девонхонаси, ғазнаси, қозилик хизмати ва қўшини бўлган. Уларнинг Марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини империя пойтахти Самарқандга етказиб бериш ва олий ҳукмдорнинг ҳарбий юришларида ўз қўшини билан иштирок этиш ёхуд сўралган аскарый қисмларни юбориб туришдан иборат бўлган. Дарҳақиқат, Амир Темур қурган давлат ҳам ҳарбий, ҳам фуқаровий қонунларга эга бўлган ўз даври учун тенгсиз салтанат эди.

Сиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Амир Темур ўз давлатини бошқаришда фақат кучга таянгани йўқ, қонунлар асосида ақл билан идора этди, давлатнинг ҳуқуқий асоси қанчалик мустаҳкам бўлса, бу давлатнинг умри ҳам шунча бардавом бўлишини ҳукмдор яхши англаган. Амир Темур давлат бошқарув тизимининг моҳияти ҳам мана шундай тамойилларга суянган.

Таъкидланганидек, қурултой ва кенгашлар кўпнинг фикри билан ҳисоблашиш бўлиб, бу демократик ғоя ўрта аср шароити учун катта ижобий ҳодиса эди. Аслида қудратли ҳарбий машина – ўта интизомли ва кучли қўшинга эга ҳукмдордан бунинг ҳеч ким талаб ҳам қилмаган. Биринчидан, Амир Темур давлатчиликни санъат даражасига кўтарган. Иккинчидан, бунинг натижасида қурултой, кенгаш сингари сиёсий-ижтимоий ва жамоатчилик институтларига таяниб иш юритиши, унинг ўз давлатида демократик қадриятларни шакллантиришга интилганини кўрсатади. Учинчидан, бу нарса давлатнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланишига, бошқарув институтларининг таъсир доирасини янада кенгайтиришга сабаб бўлган.

Давлатчилик тарихидан яхши биламизки, сиёсий тизим жамиятдаги қадриятларни тақсимлашда авторитар (ҳокимият ёрдамида) тизим, деб қаралади. Сиёсий тизимни унинг яхлитлиги, шаклланадиган унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги ижтимоий тизим орқали бошқарилади. Ўрта асрларда ижтимоий ҳаётнинг асосий тамойилларидан бири феодал иерархия – зинапоялар сари жойлашган бўлса-да, Амир Темурнинг адолатпарварлик ғояси халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган, эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар бир халқнинг, миллатнинг қиёфасини белгиловчи омиллар – маданият, санъат, урф-одатларга Амир Темурнинг сиёсий маҳкамалари – бошқарув институтлари дахл қилмаганининг ўзиёқ ҳукмдорнинг узоқни кўзлаб сиёсат юритганини кўрсатади. Жаҳон тарихидан бизга маълумки, бошқа юртларни, давлатларни босиб олган ҳукмронлар маҳаллий аҳолининг маданиятини оёқости қилишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилган. Мисол учун, Александр Македонский Марказий Осиёни босиб олганда ерли халқларнинг бебаҳо маънавий бойлиги бўлган «Авесто» китобини йўқ қилишга уринган. Амир Темур эса давлат бошлиғи сифатида бундай тубан ишлардан юқори турган. Хусусан, у тобеинлари томонидан ўзга элларнинг маданиятини ғорат қилинишига йўл қўймаган. Аксинча, салтанат таркибига кирган барча мамлакатлар халқлари маданиятларининг ривожланиши учун имкон яратган. Агар тарихга назар ташланса, буюк империялар, довруқли ҳукмдорларни кўриш мумкин, лекин, уларнинг аксарияти фақат босқинчилик ва вайрончилик билан машғул бўлган. Амир Темур эса аксинча, яратган, бунёдкор бўлган. Ана шу объектив сабабларга кўра унинг яратувчанлик даҳосининг меваларидан бугунги кунда нафақат юртимиз, балки узоқ-яқин халқлар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимардонов Т. Амир Темур давлат бошқарувининг сиёсий-ахлоқий асослари. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти. - 2005.
2. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления. - М.: Омега-Л. 2019.
3. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Большая Российская энциклопедия, 34 том. 2017.
5. Философический энциклопедический словарь.- М.: “Советская энциклопедия”, 1983 г.

6. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. -Т.: Меҳнат, 1992.
7. Кара-Мурза С. Г., История государства и права России.- М.: Издательство "Былина", 1998 г.
8. Мазкур тадқиқотчининг асари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.
9. Турсунова Г.Н.Основные этапы деятельности Амира Темура (1360-1405 гг.)-Худжанд.
10. Отамуротов С. Эргашев И. Қодиров А. – Политология. -Т., "Ўзбекистон", 1999.
11. Рой О.С. Система государственной безопасности. 2-е изд. — СПб.: Питер, 2016.
12. Саврасов А.К. Изба совета в Филях.- М.: ИД Юность 2005.
13. Чиркин В. Е. Система государственного управления. М.: Юрист, 2018.
14. Темур тузуклари (форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.). – Т.: Шарқ, 2005.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Умаров Хайрулла Пайзуллаевич,
сиёсий фанлар номзоди, доцент

**Ҳақиқат ўз шиппагини кийгунича ёлғон бутун
дунёни кезиб чиқишга улгуради.**

**Бирлашган Қироллик Бош Вазири
Уинстон Черчилл**

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давлатимиз раънақи учун тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Бундай жараён, табиийки, халқимиз онгу тафаккурини шакллантириш, дунёқарашининг ўсишини талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий-маърифий ва тарғибот тизимини такомиллаштиришни, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

2021 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг навбатдаги қадами, десак адашмаймиз. Мазкур қарор негизида илгари сурилган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган янгиланишлар, маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган фаолиятнинг узвий давоми саналади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Учинчи реннесанс» даври нафақат ёшларда, балки ҳар бир шахс, ҳар бир фуқарода масъулият ҳиссини юзага келтирмай қолмайди.

Маълумки, миллий мафкура миллий манфаатларнинг қобиғи бўлиб, унинг вазифаси давлат ва жамият

жипслигини таъминлашдан иборат. Миллий мафкура ҳар бир давлатда турли ном ва қарашлар мажмуидан иборат бўлади. Масалан, АҚШда либерализм ғояларини ўзида мужассам этган “Америка орзуси”, Японияда император ва халқ ягона ғоясини ифода этувчи “Япон руҳи”, ХХРда “Мушук оқми ё қора – фарқи йўқ, асосийси сичқон тутса бас” шиори асосида конфуцианлик ғоялари ётади. Мафкура борасида мағлубият собиқ Иттифоқ мисолида мамлакатнинг парчаланишига олиб келиши мумкин.

Миллий мафкуралар ўртасидаги кураш Ахборот-мафкуравий уруш ёрдамида олиб борилади. Шу сабабли, қўйилган вазифаларни амалга оширишда юзага келган сиёсий воқеликни атрофлича илмий таҳлил этиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Сиёсий нуқтаи назардан ахборот уруши ўз ичига: 1. Соф мафкуравий таъсир ўтказиш. 2. Мамлакат аҳолисига нотўғри маълумот бериш (давлат ва ҳукумат раҳбарларига ишончсизлик уйғотиш, давлат сиёсатининг айрим йўналишларига норозилик кайфиятларини туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбалари ва каналларига ишончни йўқотиш). 3. Фуқароларга психологик босим ўтказишга уриниш (миш-мишларни тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, расизм, диний экстремизм ва фанатизмни юзага келтириш) каби вазифаларни қамраб олади.

Бугунги кунда халқаро майдонда янги жаҳон тизимининг шаклланиши, Евросиё маконида вазият ва кучлар нисбатининг ўзгариб бориши давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бевосита таъсир кўрсатади.

Глобаллашув жараёнини кучайиб бориши ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласини тобора долзарблашиб боради. Ахборот-мафкуравий урушнинг асослари хорижий мамлакатларнинг қатор ақлий

марказларида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб амалиётга жорий этилиб келинмоқда. Ахборот хуружи рақиб саналган ёки геосиёсий манфаатлар доирасида жойлашган давлатлар миллий манфаатларига салбий таъсир кўрсатиш, ички сиёсатида ижтимоий барқарорликни издан чиқаришда ҳам арзон, ҳам самарали амалиёт саналади.

Ахборот-мафкуравий уруш глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турфа хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини айтиш ўринли. Инсоният тарихида чуқур из қолдирган қудратли шахслар ҳарбий аслаҳалардан минг чандон устун турган «ахборот қуроли»дан самарали фойдаланиб келганлар.

Бу борада, Евросиё маконида вазият ва кучлар нисбатининг ўзгариб бориши, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизида мунтазам равишда кузатиб бориш, бу борада янгича ёндошувларни излаб топишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланиш жараёни якунига етмаганлиги, минтақада турли экстремистик гуруҳларнинг бош кўтариб чиқишлари эҳтимолининг мавжудлиги, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Марказий Осиё минтақасини ўз «таъсир доиралари»га тортишга интилишлари миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорлик масалаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ўз геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларига эришиш, халқаро майдонда етакчилик учун рақобат олиб бораётган кучлар тарафидан юртимизга нисбатан «ахборот ҳужуми» уюштирилаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай чиқишлар нафақат хорижий оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, балки юртимиз радио ва теледастурларида, реклама роликларида ҳам бўлиб турибди.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ахборот-мафкуравий хуружларни амалга оширишда энг кучли ва самарали қуролга айланиб бормоқда. Шу боис, хорижий давлатлар ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ОАВ, Телевидение, радио билан биргаликда ижтимоий тармоқлар устидан назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратадилар. АҚШ Қуролли кучлар уставида: “Ахборот мафкуравий уруш - рақиб томон саналмиш ўзга давлат фуқароларига “ҳақиқат”ни матндан узиб олган ҳолда, ёлғон хулосага келтирувчи далиллар орқали таъсир кўрсатиш саналади”, - деб таъриф берилади [1].

ХХР Ҳарбий фанлар академияси ходимлари, ҳарбий хизматчилар Ван Баоцунь ва Ли Фэй: “Ахборот хавфсизлиги ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. “Жанг майдонидаги ахборот уруши” деб аталувчи тор маънода “қўмондонлик ва бошқарув уруши”нинг моҳиятини ташкил этади ... Кенг маънода “ахборот уруши” тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳарбий/хавфсизлик даражаси билан бирга: 1) рақиб давлатнинг ахборот тизимига зарба бериш; 2) рақиб ахборот оқимига зарба бериш; 3) жамиятни бошқариш ҳамда акс таъсирларга тегишли жавоб бера олиш тизими имкониятларини чеклашни назарда тутати [2].

Хорижий давлатларда тарғибот тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро боғлиқ бўлган бир неча йўналишларда фаолият олиб борилади:

1. Нашриёт ва ОАВ йўналиши.
2. Ижтимоий тармоқлар йўналиши.
3. Оммавий тарғибот ва ташвиқот йўналиши.
4. Таълим – Халқ таълими ва Олий ўқув юртлири йўналиши.

5. Илмий-тадқиқот йўналиши.

6. Маданий-оқартув ишлари йўналиши.

Мазкур йўналишлар давлат бошқарувининг барча марказий ва ҳудудий босқичларини қамраб олган бўлиб, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаб беради.

Бугун ахборот хуружи юртимизга нисбатан тизимли асосда олиб борилиб, унинг кўлами тобора ортиб бормоқда. Маълумки, «Ахборот уруши» ҳарбий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан жуда самарали бўлиб, у ядро қуролидан ҳам қудратлироқ кучга эга. Яъни, ахборотга эга шахс ҳар қандай жараёни назорат қила олиши ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдалана олиши имкониятини қўлга киритади. Бу курашнинг объекти ҳам, субъекти ҳам Инсон саналади. Айрим давлатлар томонидан илгари сурилаётган концепция ва доктриналарда «инсонлардаги ижтимоийлашув ғояларини йўқотиш зарур»лиги очиқдан-очиқ айтилади.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар юзага келмоқда. Мазкур жараёнлар хорижий ақлий ва таҳлилий марказлар доирасида ишлаб чиқилиши билан бирга, ушбу жараёнга юртдошларимизнинг ҳам жалб этилиши, афсуски кузатилмоқда.

Атрофимизда маданият соҳасида кечаётган воқеаларни таҳлил қилиб кўрсак, бадий фильм, реклама, жумладан кўчалардаги баннерларида, мусиқа ва клипларда фақат пул, бойлик ва маънавиятсизлик тарғиботи мавжуд. Айрим ҳолларда мутлақо миллий маънавиятимизга зид кўринишлар, саҳналар намоиш этилади. Бозор иқтисодиёти муносабатларида бундай «бадий асарлар» фақат «сармоядорлар» томонидан ҳомийлик қилиниши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги воқеликни илмий таҳлил қилиш асосида қуйидаги йўналишларда «ахборот хуружи» олиб борилаётганини кўриш мумкин:

Биринчи йўналиш, давлат раҳбари, депутатлар, ҳукумат аъзолари шаъни ва фаолиятига нисбатан хуруж.

Иккинчи йўналиш, олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар моҳиятини тушириш, халқнинг ишончини йўқотишга қаратилган интилиш.

Учинчи йўналиш, жамиятни турли гуруҳларга ажратиш орқали дефрагментациялаш, уларни бир-бирларига қарши қўйиш.

Тўртинчи йўналиш, миллий ва маънавий қадриятларни барбод қилиш, «оммавий маданият»га асосланган сохта қадриятларни сингдириш.

Бешинчи йўналиш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар – ички ишлар, мудофаа, хавфсизлик идоралари фаолиятига нисбатан салбий кайфиятни туғдириш.

Олтинчи йўналиш, келгусида муайян мақсадларни амалга ошириши мумкин бўлган шахсларни оммалаштириш, уларни «халқ қаҳрамонлари»га айлантириш.

Демак, ахборот хуружини бартараф этиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқий, тузилмавий ва ғоявий асосларни ўзида мужассам этган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилган. Бу борада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташқи хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат миллий манфаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини кафолатли таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармонда маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилади.

Миллий-маънавий қадриятларимизга хуруж кеча ёки яқин ўн йилликлар олдин эмас, балки бир неча аср аввал бошланган. «Демократик нур» олиб келишга интилган қатор ёзувчи-шоирлар, кинорежиссёрлар, санъат арбоблари аждодларимиз нақадар қолоқ, маданиятсиз бўлганликларини ифода этувчи асарлар барпо этганлар.

Афсуски, қонунчиликда тегишли қоидалар белгиланган бўлсада, соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширувчи тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалий ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда, биринчидан, тарғибот-ташвиқот тизимини шакллантириш, иккинчидан, ташқи ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манфаатлар негизида кўриб чиқиш ва баҳо бериш, учинчидан, миллий мафкура негизларини аниқлаш ва аниқ сиёсий мақсадларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш керак бўлади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш керак бўлади:

Биринчидан, «Ўзбекистон Республикаси Ахборот-мафкуравий хавфсизлик концепцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ушбу ҳужжат ўз ичига қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олиши талаб этилади.

Иккинчидан, Ахборот-мафкуравий хавфсизлик тизимини шакллантириш, унинг субъектлари, объекти, предмети ва воситаларини аниқ белгилаб бериш.

Учинчидан, барча стратегик соҳа ва йўналишлар бўйича Ақлий марказлар жорий этиш ва уларни ягона марказга йўналтириш.

Тўртинчидан, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг барча қатлами, ОАВ, Телевидение ва радио фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бешинчидан, ижтимоий тармоқларда илгари сурилаётган ғоя ва фикрларни мониторинг қилиш, уларнинг динамикасини аниқлаш, ушбу фикрларни илгари сураётган шахсларнинг психологик портретини яратиш.

Олтинчидан, Мамлакатимизда муайян соҳаларни қамраб олган илмий-амалий таҳлилий марказларни ташкил этиш.

Маълумки, давлат сиёсати миллий манфаатлар ҳамда ташқи сиёсатга жавоб тариқасида олиб борилиши билан бирга, «ақлий марказлар»нинг илмий концепция ва назарияларига таянган тавсиялари асосига ҳам таянилади. Мамлакатимизда ҳам шундай таҳлилий илмий-амалий марказлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Глобаллашув жараёнидасиёсий,иқтисодийваижтимоиййўналишлардаги илмий-тадқиқот марказлари ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, тегишли муассасалар мазкур йўналишларда доимо изланишда бўлишликни, устувор йўналишларни мунтазам равишда коррекциялаш, уларни амалга оширишда кенг ўлчамли ва чуқур ўйланган фаолият олиб боришни, геосиёсий ва геостратегик тенденцияларни («геостратегик иштирокчилар» ёндошувини) кузатиб боришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Information Operations. Joint Publication 3-13. 27 November 2012 Incorporating Change 1 20 November 2014 // https://www.jcs.mil/Portals/36/Documents/Doctrine/pubs/jp3_13.pdf
2. Wang Baocun, Li Fei. Information Warfare // Liberation Army Daily, 13 June 1995. – Url-address: https://irp.fas.org/world/china/docs/iw_wang.htm

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИ - ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА.

Ф.А.Мамадалиева,

*Тошкент давлат аграр университети доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Исломий қадриятлар нафақат кишилардаги маънавий-ахлоқий тарбия, балки аجدодларимиз маданий меросини чуқур ўрганишда муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан қараганда Исломий қадриятлар кенг қамровли фалсафий тушунчадир. Бу тушунча Ислом динидаги ворисийлик, анъанавийликни, диалектик тарзда уйғунлаштиради. Исломий қадриятлар таркибига энг аввало мусулмон минтақаси тарихида чуқур из қолдирган барча буюк алломаларнинг ўлмас асарларини киритиш мумкин.

Исломий қадриятларга бўлган муносабатга объектив нуқтаи назардан ёндошиш, унинг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабатни шакллантириш энг асосий вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида, вояга етиб келаётган ёш авлод, қолаверса мутахассис-кадрларни комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «...Дин ўз мазмун-моҳияти билан азалдан жамият тараққиётига, кишиларнинг тафаккури ва маънавиятига, шу жамиятга ҳолисона хизмат қиладиган маънавий комил инсонларни тарбиялашдек шарафли ишга хизмат қилиб келган» [6: 4].

Исломий қадриятлар жамият ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли уларда миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келинган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Исломий қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси,

турмуш тарзи, умуман, жамият тараққиётини белгилай олмайди. Исломий қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатаётган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан узвий боғлангандир. Бу сўзларимизнинг исботи сифатида ўзбек халқи, унинг ҳаётида исломий қадриятларнинг турли даврларда турлича ўрин тутганлиги, айниқса, мустақиллик йилларида бу қадриятларнинг том маънода кадр топганлиги билан исботлашимиз мумкин.

Агар VIII-IX асрлар яхлит мусулмон минтақа маданияти шаклланаётган даврда Аллоҳ китобидаги муқаддас мазмунни шарҳлаб, ундаги улуғ ғояларни оддий инсонларга содда тил билан тушунтириб берган пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ҳадисларини мукамал йиғиш, қоғозга тушириш, уларни турли ровийлар орқали етиб келиш жараёнини ўрганиб, саҳиҳ ва заифга ажратиш энг муҳим вазифа сифатида Имом Бухорий, Имом Термизий каби бизнинг диёримиздан етишиб чиққан минглаб улуғ муҳаддисларнинг ҳаёт моҳиятини ташкил этган бўлса, кейинги босқичда - X-XI асрларда Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар мантиқий тафаккур йўлидан бориб, исломгача инсоният яратган илмий-фалсафий бойликни тавҳид таълимоти нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, сарасини сара, пучагини пучакка ажратиб, мусулмон минтақа маданиятини янада бойитишга хизмат қилдилар.

Бу буюк мутафаккирларнинг илмий мероси ҳам ислом маънавиятини юксалтириш учун хизмат қилди. Шунинг учун ҳам М.Хайруллаев "IX-XII асрларда мусулмон маданиятидаги умумий маданий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари ижодида ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Эллинистик даврнинг охирларида фан ва маданият маркази Мисрнинг Искандария шаҳри деб ҳисобланган бўлса, IX-XII асрларда мусулмон маданиятининг «олтин даври» бўлмиш фан ва маданият ривожини Хуросон ҳамда Амударё ортидаги ўлка - Мовароуннаҳр (Марказий

Осиё) ҳудудига кўчиб ўтди. Ўша даврларда Марказий Осиёдан Муҳаммад Хоразмий (783-850), Аҳмад Фарғоний (тах.865), Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810- 870), Муҳаммад Термизий (824-892), Абу Наср Фаробий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037), Маҳмуд Замахшарий (1075-1114) каби йирик алломалар етишиб чиқди, уларнинг беназир ақл-заковати она замин довуғини оламга ёйди, номлари эса тарих зарварақларига абадий ҳарфлар билан ёзилди”[7:7,11] деб таъкидлайди.

Француз олими А.Массенинг Қуръон суралари ва ҳадисларни ўрганиш асосида чиқарган хулосасига кўра диннинг эзотерик қатлами аслида Одам Атодан, ислом динида эса Муҳаммад (сав)дан бошлангандир.[2:9] Бу фикрлардан маълум бўладики, нафақат ислом динининг, балки барча динларнинг эзотерик мазмуни ўзаро уйғун. Лекин инсоният тарихий эволюцияси нуқтаи назаридан қаралса, энг охирги дин ислом дини бўлгани учун ва унинг энг мағзи, туб илдизи ислом метафизикаси, яъни сўфизм таълимоти бўлгани учун ва айнан унда “дил ба-Ёру, даст ба-кор”ғояси ва унинг амалиёти юксак ривожлантирилгани учун инсон ва инсоният маданиятининг кейинги тараққиёти айнан шу таълимотни англаш ва унинг кўрсатмаларига амал қилиш бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

Шу маънода нақшбандия тариқати мисолида энг юксак маънавий такомил, Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” асари, Форобийнинг “Фозиллар шаҳри” мисолида энг юксак ижтимоий идеал айни ўзбек миллати маданияти орқали шакллантирилган деб айтиш мумкин. Айни пайтда шуни ҳам “айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар”нинг ҳам аҳамияти катта [3:96]. Бундай миллий қадриятларимизнинг шаклланишида эса исломий эътиқоднинг маърифий қуввати беқиёс аҳамиятга эга. Шуларнинг ҳаммаси улкан ва улуғ ислом маънавиятини ташкил этади.

Исломий қадриятлар тизимида шахс масъулияти иймон, ахлоқ, бурч ва ижтимоий фаолликда намоён бўлади. Имон – исломий қадриятларда Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ҳамда қайта тирилишга бўлган қатъий ишончни мустақкамлигини ифода этади. Зеро, имон, ахлоқ, бурч ва масъулият ижтимоий ҳодиса бўлиб, барча яратилган махлуқотлар орасида инсонга хос хусусиятдир. Чунки Аллоҳ инсон зотини барча мавжудотлар орасида азиз ва мукаррам қилиб яратди. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар – сўз билан иш (амал), тил ва дил бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалоллик- поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик, шунингдек, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар Имонлилик шартлари ҳисобланади. Имон ишончгана исбатан чуқур фалсафий мазмунга эга. У дунёқараш ва эътиқод билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Қуръони Каримда имонли инсонларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, ҳалим, итоаткор, сўзи билан амали бир, поклик ва ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари ва шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи ва шунинг учун жаннат ворислари бўлган кишилардир»[5:94]. Имон уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: Эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод чин дилдан ишониш, иқрор – сўзда буни тан олиш, Амал – ишончни яхши ишлар билан исботлаш. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул - қулуб” асарида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ – андин одабийлик келмак имкони йўқ” [1:114] Демак, ҳазрати Навоий айтганидек, имонсиз кимса одам эмасдир. Ўзини ҳақиқий инсон деб билган кишида иймон бўлади. Ҳақиқий инсон эса иймон - эътиқодсиз яшай олмайди.

Кайковуснинг Қобуснома асарида имонли бўлмоқ ҳақида шундай жумлалар келтирилган: “Эй фарзанд, Худони таниғил, ҳамиша они ибодатин пеша қилғил. Эй фарзанд, ондин (Аллоҳдан) ўзга барча нимарсани танидинг, аммо

ҳар вақтким ўзингни танисанг, Они танурсан”[4:26]. Демак, Кайковус айтмоқчики, инсон ҳамма нарсани билса-ю, ўзини ким эканлигини яъни ўзининг инсонийлик моҳиятини билмаса, у Аллоҳни ҳам англамайди ва унда имон ҳам бўлмайди. Хулоса қиладиган бўсак, агар инсон ўзлигини таниса, бундай инсон Аллоҳни ҳам таниган бўлади. Аллоҳни таниган киши эса бу иймонли инсондир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. (Нашрга тайёрловчи А.Н.Кононов). Москва-Ленинград, 1948, Б.114.
2. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Т. 1991. 9- б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.96.
4. Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти . 2015.-Б. 26
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти - 2016. –Б.94.
6. Уватов У. Иймон нури. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 4.
7. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. -Тошкент: ФАН, 1994. – Б. 7-11.

ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ МУСТАХКАМ БЎЛИШИДА ШАРҚОНА ҚАДРИЯТЛАР ЎРНИ

Бурханов Тахир Махамматжонович

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси
катта ўқитувчиси, доцент*

Бугунги кунда оилаларни, хусусан ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий вазифаларни бажарган: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув). Бу ҳақда шарқ алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий вазифаларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки айрим манбаларда: наслни давом эттириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро ёрдам каби вазифалар ҳозирги замон оиласининг муҳим вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У. М. Свердлов, В. А. Рясенсов, В. П. Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва хўжалик вазифаларини фарқлайди; С. Д. Лаптенко хўжалик-маиший, аҳоли сонини қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши - ҳордиғини ташкил этиш; Н. Г. Юркевич - маънавий мулоқот, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш; А. Г. Харчев - аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, хўжалик, истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш кабиларни фарқлайди. Мана юқоридагилардан кўриниб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий вазифалари турлича классификация қилинмоқда[1].

Оила – ҳаётнинг абадийлигини таъминловчи етакчи ва ягона куч. У инсоннинг безавол камол топиши учун бетакрор даргоҳ бўлиши билан бирга, миллатнинг маънавияти, улуғ қадриятлари, ўлмас урф-одатларини асраб-авайлайдиган қудратли ва ишончли маскандир. Оиланинг инсоният тараққиётидаги бебаҳо ўрни бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳамиша эътироф этилган ва бу ҳозирги глобаллашув даврида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, оила шахсларнинггина эмас, бутун бир мамлакатлар тараққиёти, равнақи, қолаверса, фаровонлиги учун ҳам улкан аҳамиятга эга. Шу боис, оиланинг вазифаси, ўрни, келажак тараққиётидаги кўлами том маънода катта институт билан тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли Қарорида оила институтини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг яқин ҳамкорлигини ҳамда фаол ролини таъминлашга қаратилган[2].

Чунки, инсон ҳаёти оиладан бошланади. Ҳаётга бўлган барча қарашларимиз оиланинг бағридан ўсиб чиқади. Инсон оилада шаклланади. Оила муҳаббат, ҳурмат, бирдамлик ва меҳрибонлик манбаи. Оила туфайли давлат мустаҳкамланади ва ривожланади, халқнинг фаровонлиги ошади. Ҳар бир ривожланган жамият айнан ана шу қадриятларга суянади.

Буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат “Болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир. Яъни, уларни уриниш ва тиришиш саҳросига, ҳаёт-мамот майдонига кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан қуроллантириб юбориш демакдир” деган эди. Шу боис ҳам, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол инсонни вояга етказишга интилиш жуда улуғ қадриятдир. Зеро, баркамол инсон дастлаб оилада вужудга келади, оила

муҳитида шаклланади. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола характери́ни шакллантиради[3].

Дарҳақиқат, инсоний фазилатлар халқимиз бой маънавий мероси бўлган аллаларда ўз аксини топган. Қадимда алла айтишни билиш фарз ҳисобланган. Айтишларича, она алласи янграганда урушлар ҳам тўхтаган, табиатдаги барча мавжудотлар сукунат оғушида қолган. Она алласи, унинг оқ сути Ватанимиз шоншухратини дунёга таратган, тенгсиз мардлик намуналарини кўрсатган не-не фарзандларни вояга етказган. Оилаларимизда алла оналарнинг дилида ва тилида доимо янграшини, ҳамиша шириндан шакар болажонларимизнинг илк таълим-тарбия воситаси бўлишини истаб қоламиз.

Инсоннинг шахс сифатида ҳаётий хусусиятлари, сўзсиз, оилада ва маҳаллада шаклланади. Оилада у она тилида сўзлашишни ўрганади. Миллати, халқи урф-одатларини, анъаналарини, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, шахснинг дунёқараши, мафкураси шаклланади. Шу сабабли, оила жамиятнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди”[4] деб таъкидланган эди.

Ҳозирги замон тараққиёти ҳар бир шахсдан воқеликни тўғри англашни, мушоҳада юритиш ва хулоса чиқаришни, ахлоқий покликни ва ҳиссий-руҳий чидамлилиқни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчил, ташаббусли ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий, эмоционал, ҳулоқий ва бошқа сифатларига, аввало, оила асос солади, уларни шакллантиради ва камол топтиради. Ушбу тарбия жараёнида “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда фаолият олиб бориш лозим. Ижтимоий таълим ва тарбия каби ҳуқуқий таълим ҳам дастлаб оиладан бошланиши зарур. Оилада ота-она ёки

бошқа катта оила аъзолари томонидан кўрсатилган намуна, берилган сабоқ шахс онгининг шаклланишига сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда, оилавий муҳит шахснинг ижтимоий мослашувига турлича таъсир кўрсатади. Бунинг учун, албатта, оиладаги муҳитни ижобий мазмунда ўзгартириш талаб қилинади. Ҳар бир оилада ҳуқуқий тарбия, маданият ва этикани шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Ёшларда шарқона қадриятларни сингдириш орқали, уларда оилага содиқлик; анъаналарни давом эттириш ва такомиллаштириш; умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги; ўзаро ҳурмат, ишончнинг шакллантириш; одоб, андиша, шарм-ҳаё ҳисларининг шаклланганлиги; қон-қариндошлик ришталарини эъозлаш; муомала ва кийиниш одобида миллийликнинг сақланганлигига эришиш муқаррардир.

Жамиятнинг оила ва оилавий тарбияга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Ота-оналарнинг оилада болаларни ҳар томонлама етук-баркамол тараққиётига оид лаёқатни ошириш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари кўп, лекин шу билан бирга, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Ўзбек оилаларининг ўзига хос томони - ҳаёибонинг кучлилигидадир. Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради.

Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ-атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини бошқаларга қандай тушунтиришларига катта аҳамият беришган. Аждодлар ўғити, панд-насихатлари миллий маънавий меросимиз асоси ва таълим-тарбиянинг ўзаги экани бот-бот айтилган. Ота-боболаримиз асрлар давомида диний, ахлоқий, илмий, адабий соҳаларда жуда кўп тарихий бойликларни бизга мерос қолдирганлар. Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган “Авесто” китоби бебаҳо маънавий обида сифатида дунё миқёсида алоҳида ўрин тутади. Чунки

у фақат эзгуликни тараннум этади. Уч бирлик бўлмиш – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал унинг асосий мазмунини ташкил қилганининг ўзиёқ, кимларнинг авлоди эканимиздан далолат беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ёш оиаларнинг мустақкам турмуш тарзи масаласи барча ёши катталарга жиддий ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Қолаверса ҳар бир ўқитувчи-мураббий, маҳалла фаоллари ва албатта ота-оналар ушбу масъулиятни юксак даражада англаб етиши, бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Оила психологияси. Ғ. Б. Шоумаров таҳрири остида. Т. : “Шарқ”. 2010 йил. 47-48-бетлар

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли Қарори.

3. Фармонова М. Н. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. Т., 2017 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

АМИР ТЕМУРНИНГ АДОЛАТЛИ ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ ТАЪЛИМОТИ

Мансурова Малоҳат Юнус қизи,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Амир Темур давлати ўз даврида Европа ва Осиёдаги энг йирик, мустақкам ва ривожланган давлат сифатида танилди. Соҳибқирон вафотидан сўнг ҳам XVI аср бошига қадар унинг авлодлари мамлакатга ҳукмронлик қилдилар.

Узоқ вақт мўғул мустамлакачилигига қарши олиб борилган кураш

XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги мустақиллик учун курашлар ғалабаси ва Моварауннаҳрда ягона марказлашган давлат барпо этилиши билан якунланди.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XIV-XV асрларда рўй берган илм-фан тараққиёти бевосита Амир Темур ва Темурийлар фаолияти билан узвий боғлиқдир. Соҳибқирон Амир Темур мўғул-татар босқинчиларини юртимиз ҳудудидан қувиб чиқариб, марказлашган давлат барпо этди ва феодал тарқоқликка барҳам берди. Темурийлар даврида илм-фан намоёндалари ўзига хос муносабат шаклланиб, уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган. Мовароуннаҳрнинг маркази бўлган Самарқандда Мирзо Улуғбек раҳнамолигида асосан табиий-аниқ фанлар, Ҳиротда эса султон Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий ҳомийлигида ижтимоий-гуманитар соҳада ижод қилувчи мутафаккирлар фаолият олиб боришган.[1]

Моварауннаҳр ва Хуросонда Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даври (XIV асрнинг 70-йиллари XV аср) илм-фан ва маданият ривожланган йиллар бўлди. Бу давр мўғуллар истилоси натижасида узилиб қолган илк уйғониш даврининг давоми бўлиб, тарихда сўнгги уйғониш даври деб ном олган. Унинг маънавий-маданий ҳаётида инсоний қадриятларнинг юксак ҳислатлари – илмга интилиш, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий

покланиш ахлоқий камолотга эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун бахт-саодат, дўстлик биродарлик, комил жамоа ва комил инсонни яратиш каби масалалар олға сурилди. Улар муҳим илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат, диний асарларнинг мазмунини ташкил этди. Бу даврдаги олим, мутаффақир, донишманд, санъаткорларнинг кўпчилиги шу мақсад йўлида ижод қилди.

Амир Темур салтанати Евроосиёдаги энг сўнгги йирик давлат бўлиб, унинг ҳукмронлик қилиш қобиляти ёлғиз ўзига хос, барча эришган ютуқларига ўз даҳоси билан етган ҳукмдор. Унинг маъмурий ва сиёсий ислохотлари, давлатни бошқариш тамойиллари адолатга асосланиб амалга оширилган. Масалан, у фармон ва фармойишларини чиқаришда ўзига хос алоҳида дипломатик тамойиллар ишлаб чиққан ва янги усулда жорий қилган. Амир Темурнинг бу соҳада қилган энг катта ишларидан бири давлатчилик ғоясини юқори даражага кўтариб, уни бошқаришда йирик ислохотлар ўтказган.

Айниқса давлатнинг бош таянчи ҳарбий кучни такомиллаштириш, муайян ҳарбий тактикага асосланган, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланган, тартибли армияни яратишда жуда катта ишларни қилган. Соҳибқорон шубҳасиз улў ҳарбий даҳо, у ўзининг ниҳоятда чидамлилиги билан машаққатли юришларга бардош бериб бошқаларга намуна бўлган. Соҳибқироннинг ҳарбий санъати ва маҳорати шунча зўр бўлганки, уни кейинги кўпгина йирик саркардалар ўрганиб амалда қўллаганлар умуман, Амир Темурнинг давлатни бошқарув услуби ва ҳарбий саркардалик санъати жуда кўп Ғарб ва Шарқ ҳукмдорларига маъқул бўлиб, бобокалонимизни буюк давлат арбоби сифатида тан олишган ва унинг бошқариш услуб ва ғояларини қабул қилишган.

Темурнинг ташқи сиёсатдаги донолиги маҳаллийчилик ёки қабилавий ҳақимликдан устун бўлган геосиёсий қонунийликни юзага келтиришдан иборат бўлган. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, Соҳибқирон фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан аксинча турли

маданиятларни қўшиб, тарихда биринчи бўлиб глобал Евроосиё ғоясини ишлаб чиққан эди. Амалий жиҳатдан зўр аҳамиятга эга бўлган бу сиёсат турли этномаданий ҳислатларни бирлаштириб қудратли куч ҳосил қилган. У донолик билан кўчманчиларнинг ҳаракатчанлик қобилиятини, мўғулларнинг жасоратини, ўтроқ аҳолининг бунёдкорлигини мўминларга хос иймон-эътиқодни ўзида мужассамлаштирган сиёсатни амалга оширган.

Давлат куч-қудратининг муҳим омилларидан бири унда қонун устуворлиги таъминланганлигидир. Мамлакатда қонун олдида ҳамма бир – вазир ҳам, саркарда ва лашкар ҳам, савдогар ҳам, оддий фуқаро ва олий мартабали шахзода ҳам. Соҳибқирон қонунга таяниб амиру уламолар, вазиру лашкарбошилар, олиму донишмандлар билан кенгашиб иш юритган.

Темурга зўр обрў келтирган катта ижтимоий сиёсат шундаки, у барча раият аҳволидан ҳабардор бўлибгина қолмай, ўз ибораси билан айтганда «улуғларга оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриб» муносабат қилган, «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини» ўзидан рози этган. «Темур тузуклари»да Соҳибқирон шундай дейди: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз билдим, сайидлари, уламолари, фузало ва машойиҳига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим»[2].

Амир Темур ўз тузукларини авлодларга намуна ворислар салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдаланар, деган умид билан яратган. Унинг бахтиёр фарзандлари ва иқтидорли набиралари салтанат мартабасига эришгач, амал қилиши зарур бўлган энг дастлабки шиори қуйидагича таърифланган: «Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таоллонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда

ва ҳар вақт ислом динини қувватладим». Тузукларда қайд этилганидек, «давлат агар дину ойин (қоида ва расм-удум) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарки, уни кўрган ҳар кимса, нигоҳини олиб қочади ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги тўсиғи йўқ уйга ўхшайди». Шунинг учун ҳам, - деб тарифлайди Амир Темур,- «мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим... жаҳоннинг турли мамлакатлари катта кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим.ўз салтанатимни шариат билан безадим». Шу тариқа у ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмонлар мамлакатларига ёйган ва унга равнақ берган.

Барча қонун-қоидаларни Қуръон ва шариат асосида такомиллаштириб давлат ишларини «доимо маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, хушёрлик, эҳтиёткорлик, мурсою- мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан» юргизган Соҳибқирон забт қилган ўлкаларда даставвал маҳаллий зодагонлар ва олим-уламоларга таянган, фақир-бечораларни қўллаб қувватлаган.

Амир Темур ва темурийлар салтанатида хавфсизликни сақлашга нафақат давлат лавозимидагилар, балки барча фуқарорлар ҳам масъул бўлган. Давлат хизматчилари бирор бир расмий ёхуд бошқа маросимларда, саройда , ўрдада ва бошқа ерларда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этганлар. Масъул шахслар ҳар қандай шароитда хавфсизликни сақлашга шай турганлар. Соҳибқирон Амир Темурнинг хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиши табиий ҳол эди. Чунки ўша даврда унга мухолифатда бўлган кучлар кўп эди. Шу боис, у хавфсизлик хизматини кучайтирган. У ўз саройи ва девонни қўриқлашга шундай буйруқ берган, “Ўн икки минг қилич осган аскар уруши тинчлик вақтида бутун яроғ аслаҳалари билан кўшқда, девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан

қуршаб турсинлар. Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши учун ҳозир бўлсинлар. Ҳар юз қиличлик устига бир юзбоши қўйилсин”.

Хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур салтанатида нафақат тинчлик пайтида, балки уруш вақтида ҳам хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинган. Демак, Соҳибқирон салтанатида махсус тайёргарликдан ўтган минглаб кишилар давлатбоши маъмурий биноси, ўрду, чегаралар салтанатни қўриқлаганлар. Буюк назариётчи ва давлат арбоби бўлган Амир Темурнинг давлат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ушбу қоидалари ўзининг мукамаллиги билан давлат арбоблари, сиёсатчи ва назариётчилар учун дастур бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўринадикки, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий тафаккурининг ривожланишида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалга оширган ички ва ташқи сиёсат мислсиз аҳамиятга эга. Амир Темур ғояларининг ўзига хос улуғворлиги шундаки, улар ҳаёлий эмас, балки реал ҳаётдан келиб чиққан ва унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар ҳали ҳам ўзининг амалий, ҳаётий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Тошев С, (2020). Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларни ўрни
2. «Темур тузуклари» Ижод-Пресс нашриёти, Тошкент -2019, Б-26
3. <http://www.temurtuzuklari.uz>

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Бакиева Мухаббатхон Камалиддиновна

*Андижон вилояти педагогларни янги
методикаларга ўргатиш миллий маркази катта
ўқитувчиси*

Республикамизда давлат ва жамият ҳаётини тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотларимизда ҳар томонлама етук баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди. Айнан, бугунги кунда мамлакатимизда таълим–тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимизни мана шундай эзгу ғоялар сари дадил одимлаётганлигини теран англаш мумкин. Айниқса, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси асосида Ўзбекистон тараққиётининг янги даврига кириб келгани, жамиятда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар энг, аввало, юртимиз тараққиётига замин яратиб, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларидаги интеграция, хусусан, замонавий мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти “Янги Ўзбекистон”[3] деган иборани тилга олмоқда. Бу юртимиздаги ўзгаришларга берилган муносиб баҳодир. Айниқса, мамлакатимиздаги мана шундай ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни янада ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада дунё миқёсидаги мана шундай эътирофни чуқур ҳис этиб, жамият тараққий этишини мақсад қилган ҳолда юртимизда илм-фанни янада ривожлантириш, ёшларимизни билимли, салоҳиятли шахс этиб шакллантириш ва тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги ривожланиш жараёнида мустақил ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимиз учун баркамол авлод тарбияси устувор сиёсат даражасига кўтарилди. Бунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой илмий-маънавий, ахлоқий мероси, мутафаккирлар ва алломаларимиз қолдирган кўплаб илмий асарлар, кашфиётлар, умрбоқий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш муҳимдир.

Марказий Осиё азалдан жаҳон цивилизацияси, илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олиму-фозиллари билан машҳурдир. Ана шундай мутафаккирлардан бири Абу Али ибн Синодир. Ўз асарлари билан Мовароуннаҳр диёрини дунёга танитган қомусий олим Абу Али ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) Шарқ халқлари орасида “Шарафул-мулк” ва “Шайх ур-раис” каби мартабали унвонга сазовор бўлган буюк шахс ҳисобланади. Алломанинг “Рисолаи тадбири Манзил”(“Оилавий бахт-саодатга эришиш тадбири ҳақида рисола”) китобида инсон табиати азалдан ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди, деган ғоя мавжуд. Кишидаги хусусиятлар ижтимоий ҳаётда секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аجدодлар анъаналари, урф-одатлар, расм-русумлар, таълим-тарбия, ўзгаларнинг маънавий-ахлоқий таъсирида ўзида ижобий ахлоқий фазилатлар, хислатларни шакллантиради ёки ўзида мавжуд салбий майللар сабабли худбин кайфиятларга берилади, дейди Ибн Сино[2]. Кимки ўз камчиликларини ислоҳ қилишни, комил инсон (инсон ул-комил) даражасига етишни дилдан истаса, ўз характериға хос салбий сифатларни яхши билиб олиши зарур, деган фикрни билдиради[2]. Агарда қадимги мутафаккирлар, Афлотун ва Арасту ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясини давлат зиммасига юклаган бўлса, Ибн Сино бу вазифа биринчи галда оилага тааллуқли эканини асослаб берган. Алломанинг ижтимоий педагогик қарашлари бугунги кун учун ўта муҳим амалий аҳамиятга эга. Ибн Сино жаҳон педагогикаси тарихида биринчилардан бўлиб фарзанд тарбиясида оналарнинг

ролини, салоҳиятини кўтариш зарурлигини исботлаган. Аллома ўн етти хислат-фазилатлар соҳибаси бўлган аёлни идеал мураббий, деб ҳисоблайди [1].

Ибн Сино ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларида инсон камолотида илм-фаннинг ўрни беқиёслигини ҳам таъкидлайди. Тарихдан маълумки, Ибн Сино ҳам ўз даврининг аллома ва мутафаккирлари каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини мавжуд ижтимоий фалсафий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ўз асарларида ифодалаган. Ибн Сино ўз қарашларида болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш зарурлигини қайд этиб, мактабга барча кишиларнинг болаларини тортилиши, бирга ўқитилиши ва тарбияланиши зарур, деб ҳисоблайди. Боланинг мактабда жамоа бўлиб ўқитишнинг фойдаси қуйидагича деб билади: “агар бола бирга ўқиса, у зерикмайди, фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат қилади, мусобақалар ташкил қилади. Буларнинг барчаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради”, - дейди.

Болалар бирга бўлганларида бир-бирларини ҳурмат қилишга ўрганадилар, дўстлашадилар, ўқув жараёнларида бир-бирларига ёрдамлашади, бир-бирларидан яхши одатларини қабул қиладилар.

Олимнинг бу фикрлари ҳамкорлик педагогикасини амалиётдаги ўрнига эътиборни қаратганини кўрамиз. Аллома таълимда қуйидаги талабларга риоя этиш зарурлигини таъкидлаб ўтади:

- 1) таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билиш;
- 2) олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- 3) ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишни ташкил қилиш;
- 4) билим беришда болаларнинг майл, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- 5) ўқитишнинг жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзакиими, билимларни

тушунтиришми, суҳбатми, амалий тажрибаларми барибир ўқувчида ҳақиқий билим ҳосил қилиши, мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириши, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириши асосий мақсад бўлган. Шу жиҳатдан олим ўзининг асарларида таълим-тарбияда, илм-фанда мантиқ илмига бағишланган ақлий тарбияга катта аҳамият беради. Ибн Сино аҳлоққа оид асарларини “Амалий ҳикмат” деб атаydi. Олимнинг аҳлоқ фани – кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан ҳатти-ҳаракат меъёрлари ҳамда қоидаларини ўрганади. Олимнинг болани тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги кўп фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлиги ва теранлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ибн Сино тавсия қилган таълим ва тарбия тизими қуйидагиларни ўз ичига олган:

1. Ақлий тарбия
2. Жисмоний соғломлаштириш (даволаш) тарбияси
3. Эстетик тарбия
4. Аҳлоқий тарбия
5. Меҳнат тарбияси (хунар ўргатиш).

Ибн Синогача камолотга етишда жисмоний тарбиянинг таъсири ҳақида яхлит таълимот яратилмаган эди. Ибн Сино биринчи бўлиб, жисмоний тарбиянинг илмий педагогик жиҳатдан асосланган тизимини яратди.

Буюк олим аҳлоқ тўғрисидаги фикрларида аҳлоқий фазилатларни улуғлайди ва аҳлоқий иллатларни, ёмонликни кескин қоралайди. У инсонларнинг энг зарур аҳлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик, тўғрилиқ, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор берган. Инсоннинг кишилар орасида ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамият турли табақаларининг муносабатлари тарбияшунос олим асарларида махсус ёритилган. Шунинг учун Ибн Сино жаҳон маданиятининг буюк сиймоси, инсониятни ҳурмат қилган олими, табиби, энг катта файласуфи, табиатшуноси, инсоншуноси, машҳур энциклопедисти, умуминсоний педагогик фикр тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллаган мутафаккири сифатида тан олинган.

Жаҳонда юз бераётган улкан ўзгаришлар, юзага келаётган муаммолар, уларнинг самарали ечимини излаб топишда мавжуд илмий кучларнинг тезкор ўсишини таъминлашга йўналтирилган таълим-тарбияга оид ишларимизни амалга ошириш ва бу борада ўтмиш мутафаккирлар ҳаёти, ижодини кенг ўрганиш орқали улардан бугунги кунда инновацион жараёнларни излаб топиш ҳамда йўлга қўйиш туфайли эришиш мумкинлигини ёшлар онгига синдириш лозим. Бизга маълумки, таълим-тарбияда, интеллектуал салоҳиятли ёшларни излаб топиш, улар билан ишлашга катта миқдордаги маблағ ва ҳаражатлар сарф этилмоқда. Бу борада ўтмишда амалга оширилган беқиёс илмий меросларимиздан унумли фойдаланиш зарурлигини ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бугунги кун талаби эканлигини англаб етишимиз муҳимдир. Бу борада ўтмишни келажак билан боғлиқлигини таъминлаш зарур.

XXI аср – интеллектуал ёшлар асри экан, бу асрда уларга ўз интеллектуал имкониятларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратилган. Бу борада ўтмишни келажак билан боғлиқлигини таъминлаган ҳолда таълим-тарбияни ривожлантиришда аجدодларимиз меросларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Абу Али ибн Синонинг бу масаладаги бебаҳо мероси ёшларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Али Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. –Т.: 1980.
2. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. –Т.: “Маънавият”. 2000.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2020>

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ШАРҚ
АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

Ҳамроева Оқила Ғуломжоновна

Бухоро вилояти Олот тумани

5-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

“Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир миллат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди”

Ш.М.Мирзиёев

Ҳар бир давлат, миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли авлоднинг тарбияланганлик даражасига боғлиқ. Келажак авлод жисмонан соғлом ва ақлан салоҳиятли бўлса, ўша жойда юксалиш бўлади. Шундай экан ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизимини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўрнатилган даражада қилиб тарбиялаш бугунги миллий юксалиш даврида янаям долзарблик касб қилмоқда.

Бола тарбияси ҳам жисмоний тарбия, ҳам фикрий тарбия орқали олиб борилади. Буюк жадид мутафаккири Абдулла Авлоний боланинг бадантарбияси, саломатлиги масаласида ота-оналарга мурожаат қилса, унинг фикр тарбияси борасида асосий масъулият муаллимлар зиммасида эканига урғу беради. Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, дунёқарашини шакллантириш

муаллимларнинг “диққатларига суянган, виждонларига юкланган” муқаддас вазифадур... дея таъкидлайди.

Ҳар икки тарбияни ҳам болага ёшлиқдан бошламоқ зарур. Авваламбор бола биринчи тарбияни оиладан олади. Кейин мактабгача таълим муассасаси, мактаб, маҳалла, жамоа-қўй ва бошқалардан. Биз бугун ўзимизнинг соҳамиз бўлган мактаб даври ҳақида сўз юритмоқчимиз. Атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимов “Ҳаммамизга жуда яхши маълумки, бошланғич синфлардаги барча фанлар бола “қалбининг оппоқ дафтари”га яъни, бош мия ярим шарлар пўстлоғига ўчмас из бўлиб ёзилиб қолади”, - дея фикр билдирган эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бошланғич синфга қадам қўйган бола жуда ишонувчан, самимий ва илмга интилувчан бўлади. Мана шу даврдан бошлаб болага “аждодлари кимлар, жаҳон илм-фан дурдоналарига қандай ҳисса қўшган, улардан нималарни ўрганиш мумкин, алломаларимиз билан қанчалик фахрланишимиз лозим, улар келажак авлодларга нималарни панд-насиҳат қилишган”? каби саволларга жавоб топиб бера олсак, ҳамда онгига сингдира олинса, бу бола “қалбининг оппоқ дафтари”га зарҳал ҳарфлар билан битилиб қолади.

Бошланғич синф ўқувчиларида алломалар фикрлари, панд-насиҳатларини тарғиб қилишга мос келадиган бир неча фанлар мавжуд. Тарбия, ўқиш, она тили каби фанларда уларнинг ҳикматли сўзларидан, панд-насиҳатларидан болаларга айтиб бериш билан бир қаторда тушунтириш имкониятлари мавжуд.

Мисол учун: Алишер Навоийнинг

“Оз-оз ўрганиб ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”, - деган иккилигининг маъзини болаларга тушунтириб берилса, бошланғич синф ўқувчиси бундан бир қанча маъно олади. Ёки бўлмас, Берунийнинг, “...Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкани ҳийла билан эгаллаш, ўғрилиқ, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади”, - деган сўзлари ва Берунийнинг мазкур фикрларини давом

эттирган Навоийнинг: “Кимки ёлғон сўзласа, ёлғони фош бўлгач, уялиб қолади. Ёлғонни чиндек қилиб гапирувчи сўзамол худди кумушга олтин қопловчи заргар кабидир. Ёлғон сўзловчи ғафлатдадир. Сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир. Лекин ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир. Ёлғон гап билан вақтини ўтказувчи одам, ҳеч афсусланмайди, балки кишиларни алдагани билан фахрланади. Ёлғончи гўл одамни топса, уни ёлғон гапи чинлигига ишонтирса, у муродига етдим, дейди. Ёлғончи – Ҳақ олдида гуноҳкор, халқ олдида эса шармандадир” - деган панд-насиҳатлар орқали ўқувчилар қалбида ёлғончиликнинг ёмон иллат эканлигини англатиш мумкин.

Яна бир мутафаккир Умар Хайёмнинг фикрича, инсоният жамияти кийим-кечак, озиқ-овқат, турар жой яратиш учун ҳамкорликда яшамоқлари зарур.

*“Қўлни-қўлга бериб бўлмасак ҳамдард,
Шодлик касб этмас барбод бўлмас ғам
Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,*

Яхшидир ер юзин қилгандан обод”[3], - деганда бирдамлик, ҳамкорлик ғояларини, бошқаларга яхшилик қилиш масалаларини илгари суради.

Алишер Навоийнинг қуйидаги: “Бефойда сўзни кўп айтма, Чин айта олур тилни ёлғонга булғама; Айтур сўзни айт, Айтмас сўздан қайт; “Имкони бор ҳар бир яхшилик – сўз орқалидир” каби иборалари машқлар орқали тушунтирилса, ўқувчиларга ундан ҳаётий ибрат олади.

Абдурахмон Жомий китоб мутолаа қилиш, илм ўрганиш, маърифатли бўлиш инсоннинг бу дунёдаги энг мароқли ишларидан бири эканини шундай тараннум этади:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг ҳам ғамли бу замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор
Жонингга юз роҳат берар ҳар онда.*

Ўқувчилар ушбу тўртликни ёд олишлари жараёнида китобга бўлган меҳрнинг ошиши билан бир қаторда китобнинг фойдали томонларини англаб етишади.

Кайковуснинг “Қобуснома”, асаридаги ҳикоялар ҳам бошланғич синф ўқувчилари учун тушунарли ва қизиқарли

ёзилган. Ундаги ҳикоялар ва ибратли масаллар ўқувчилар томонидан ролларга бўлиб бажарилса, унинг таъсир доираси ҳам кенгроқ бўлади.

Хуллас, шарқ алломалари ва мутафаккирларнинг қолдириб кетган маънавий меросини ўқувчиларда сингдириб борилса, улар ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигини кўра оладиган, инсонпарварлик қоидаларини тан оладиган, халқи, миллати, фуқаролар осойишталиги ва миллий тотувлигини таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб олган, ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меросига, миллий, маънавий-маданий, ахлоқий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъаналарига таяниб фикр юритадиган комил шахслар бўлиб вояга етишади.

Президент Ш.Мирзиёев бу боради шундай дейди: "... Фарзандларимиз қобилятини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимиздан яна кўплаб берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман."

Демак, бугунги педагогларимиз ана шундай берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни вояга етказадиган ўқитувчи, муаллим деган фахрли номга муносиб бўлган ҳолда, пешқадамлик, содиқлик, фидойийлик, масъулият фазилатларини касб қилиб, фақат битта бола тарбияси учун эмас, миллат тарбияси учун ишлаётганларини ҳис қилиб яшашлари керак. Шундагина мамлакат тараққиёти юксакликка кўтарилаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 28-б
2. Я.Шермухамедов. Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари. Т: 1970.Фан, Б.36.
3. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз... – Т.: Маънавият, 2013. – 41 б.

ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР БОСҚИЧИ ПЕРМАНЕНТЛИГИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ

Баходиров Бахром Баходир ўғли
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини илмий ходими.*

Маҳкамова Нозима Адҳамовна
Янги Ўзбекистон газетаси ходими

Мамлакатимиз ўз ривожланишининг янги ва муҳим жараёнига кириб, ривожланган мамлакатлар сингари ўз тараққиёт дастуриамалини белгилаб олди. Хабарингиз бор пандемия туфайли юзага келган мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан, бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кечаётган жадал ривожланишни кўришимиз мумкин. Мазкур мавзуда сўз юритганда айниқса, снгги йилларда ижтимоий-сиёсий масалаларининг марказий ўрин тутишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Шу ўринда “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси”ни кўришимиз мумкин.

Ундан ташқари “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги тараққиёт стратегиясини” аввалги ислохотни мантиқий давоми сифатида кўрилади.

“Ижтимоий” сўзининг маъносини аниқлаштириб олсак. “Ижтимоий” сўзи арабча “жам” сўзидан олинган бўлиб, “кўпчилик”, “тўпланиш” деган маъноларни англатади. Ижтимоий сиёсат ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга, фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий муносабатлар тизимини ўрганади. “Ижтимоий сиёсат” атамаси фақат илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадида қўлланилибгина қолмасдан, давлатнинг ижтимоий дастурлари мажмуасини ҳам ўзида ифодалайди. Ижтимоий сиёсат-аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларни илмий асосларини ўрганишга қаратилган фандир[1].

Ушбу иборанинг хилма-хил талқинлари мавжуд. Баъзи бир манбаларда ижтимоий сиёсат бу- аҳолининг турли гуруҳларнинг манфаатларини амалга оширишга қаратилган давлат сиёсати ҳисобланади. Ижтимоий сиёсат бу аҳолини эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хилма-хил субъектлар фаолиятидир. «Ижтимоий» атамаси ўзининг семантик маъносига мос равишда деярли қўлланилмайди. У лотин тилидан олинган бўлиб, «socius» «дўст» ёки «ҳамкасб» деган маънони англатади. «Сиёсат» атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, унда «politikos» дастлаб бошқарув санъатини англатади. Замонавий маънода сиёсат деганда «жамиятни ҳокимият тузилмалари орқали бошқарадиган, ушбу тузилмаларни яратадиган, сақлайдиган ёки йўқ қиладиган инсон фаолияти соҳаси тушунилади». «Ижтимоий сиёсат»нинг умумий тушунчаси 1850-йилларнинг ўрталарида қўлланила бошланди. Бу давр жамиятда либерал ғояларнинг тарқалиши билан ажралиб турди. Либерализмда хусусий корхоналарнинг ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш эркинлигини таъминлашга эътибор қаратилди, бу эса ўз навбатида усталар ва ишчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олди. Бироқ, бу либерализмнинг инсон ҳуқуқлари ва шахс кадр-қимматига оид асосий тамойилларига зид эди.

Ижтимоий сиёсат деганда муйян давлат ҳокимиятининг ижтимоий соҳа бўйича ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ сиёсат тушунилади. Шу билан бир қаторда ижтимоий сиёсат аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлиб унга:

- даромад сиёсати
- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорларини шакллантириш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсати;
- демографик сиёсат;
- камбағалликни олдини олишга қаратилган сиёсат;
- ижтимоий хавфсизликни таъминлаш сиёсати;
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш сиёсати кабилар киради[2]

Антик даврда ижтимоий сиёсий фикр ва қарашлар

Ижтимоий сиёсий қарашлар узоқ, бой ва сермазмун ўтмишга эга бўлиб, ўзига хос вужудга келиш ва ривожланиш босқичларидан ўтган.

Жумладан; Қадимги дунёнинг ижтимоий сиёсий фикри, Ўрта асрлар ва уйғониш давридаги ижтимоий сиёсий ғоялар ҳамда Янги ва энг янги замондаги ижтимоий сиёсий таълимотлари ўрин олган. Дастлабки ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фикрлар барча халқларда – қадимги Шарқда ҳам, қадимги Ғарбда ҳам диний афсона, ривоятлар негизда шаклланган. Бу дунёқараш давлат ва сиёсатга доир ғояларда ҳам ўз ифодасини топди.

Қадимги дунё маънавий маданиятининг энг йирик тарихий ёдгорликларидан бири – “Авесто” (милоддан аввалги VI аср)дир. У Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги нафақат диний тасаввурларни, балки ижтимоий-сиёсий қарашларни билишнинг ҳам муҳим манбайидир. Бу йўллар ва воситалар яхши ният, яхши сўз ва яхши амал тамойилида ўз ифодасини топади.

Авестода жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби салбий иллатлар қораланади. Унда софдиллик, садоқатлилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлилиқ каби ижобий фазилатлар тарғиб қилинади [3]. Авестонинг тарихий ёдгорлик сифатида аҳамияти беқиёсдир. Бу ёдгорликсиз Шарқ ва Ғарб ижтимоий-сиёсий фикрининг ривожланишини тасвур қилиш қийин. У Демокрит, Афлотун, Арасту ва бошқа буюк алломаларининг фаолиятига, христиан ва ислом таълимотларининг келиб чиқишига улкан таъсир кўрсатди.

Ижтимоий-сиёсий фикр аста-секин афсона ва ривоятлар қобиғидан чиқиб, инсон, жамият, давлат каби масалаларни фалсафий-ахлоқий талқин қилишга интилди. Конфутций (милоддан аввалги 551-479 йиллар) таълимоти фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий фикр тарихида муҳим рол ўйнаган. Конфуций давлатнинг патриархал-патерналистик тамойилини ривожлантирган. Антик давр

ижтимоий-сиёсий фикри Шарқ ғояларини ўзига сингдириб, кейинчалик ривожланган Ғарб давлатчилигидаги барча дунёқараш ва мафкураларнинг куртакларини ундирган зарнин бўлди. Демократия антик даврларда тўлиқ намоён бўлиб, аста-секин инсоният ижтимоий-сиёсий қадриятлари хазинасидан жой олди. Ана шу ажойиб давр намоёндаларининг кўзга кўринган вакиллари билан танишиб чиқамиз. Жамият тўғрисидаги Афлотун (э.а. 427 - 347 йиллар) фикрларининг қиймати шундаки, у ҳокимият, хусусан, давлат ҳокимияти масалалари соҳасида илгари сурган айрим қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Арасту (м.а. 384 - 322, йиллар) инсонни сиёсий мавжудот сифатида баҳолар экан: “Инсон ўз табиатига кўра сиёсий мавжудотдир”, дейди. Арастунинг “Сиёсат” асарида ҳозирги замон сиёсий фанида кенг ишлаб чиқиляётган назарияларнинг куртакларини кўрамиз. Арастуга кўра: “ҳар бир давлат тузилишининг асосини уч қисм ташкил этади: биринчиси - қонун муҳокама этувчи орган - ҳокимият ишларини кўриб чиқади; иккинчиси лавозимлар, учинчиси - суд органлари”. Аслида “ҳокимиятларнинг бўлиниши тўғрисидаги бу сўзлар ўзини демократик деб атаётган ҳар бир замонавий давлат Конституциясида албатта учрайди. Арасту демократияни мукамал тузумлар сирасига киритмаган. Унга хос бўлган бир қатор камчиликлар ва зиддиятларни айтиб ўтган. Жумладан: “демократия – камбағал – йўқсиллар манфаатини ифодалайди.

Ўрта асрлар ва Уйғониш давридаги ижтимоий сиёсий ғоялар

Қадимги дунёда вужудга келган ижтимоий сиёсий фикр ўзгармасдан, бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Инсониятнинг тарихий даври, унинг талаб ва эҳтиёжлари ўзгариши ва ўсиши билан, у ҳам ўзгариб ва ривожланиб борди. Қадимги дунёнинг сиёсий ғоялари, улар қанчалик муҳим бўлмасин, ўрта асрларга келиб замон талаб — эҳтиёжларини қондира олмади. Бу ғоялар сиёсий кучларни сафарбар этиб, ижтимоий адолат ва ижтимоий тартибни таъминлай

олмади. Парокандалик, тарафкашлик, низолар, уруш-жанжаллар - давлатнинг фалсафий-ахлоқий моделларини қадрсизлантирди. Ўрта асрлар Ғарб ижтимоий-сиёсий фикрининг ёрқин намояндаларидан бири - Аврелий Августин (354 - 430) дир. У ўзининг “Илоҳ шаҳри” асарида “илоҳ шаҳри”ни “инсонлар шаҳри”га қарама-қарши қўяди.

Ўрта асрлар Ғарб сиёсий фикрининг вакилларида яна бири — Фома Аквинский (1225 - 1274) дир. Унинг қарашлари асосан “ҳукмдорларнинг бошқаруви ҳақида” номли асарида баён қилинган. У мазкур асарда черков ҳокимиятининг дунёвий ҳокимиятдан устунлигини, кишиларнинг илоҳий ва абадий ҳуқуққа, бўйсунликлари зарурлигини асослашга интилади.

Шарқда, хусусан Марказий Осиёда, ижтимоий-сиёсий фикр тараққиёти ниҳоятда теран илдизларга эга. Хасан Ато Абушийнинг “Туркий қавмлар тарихи” асарида далолат берилган.

Абу Наср Форобий (870 - 950) “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари” асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истагига боғлайди. Давлатни фазилатли, маърифатли “ҳукмдор бошқариши лозим” лигини айтади.

Буюк Шарқ мутафаккири Абу Али Ибн Сино (980 - 1037). Унинг фикрича, инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди. У аҳолиси, ҳукмдорлар, ишлаб чиқарувчилар ва қўшиндан иборат давлатда яшайди. Ибн Сино аҳолини моддий аҳволи ва бойлиги нуқтайи назаридан табақаларга бўлади. У ҳамма нарсада меъёр бойиши тарафдоридир. Унинг фикрича, агар ҳамма шоҳ ва ҳукмдор бўлса ҳам, ҳамма камбағал ва ночор бўлса ҳам - жамият фалокатга юз тутган бўлар эди.

Шарқдаги Уйғониш даврининг буюк сиймоларидан бири - Юсуф Хос Хожиб (XI аср) ҳам давлат ва сиёсат масалаларига катта эътибор қаратган. Уни бутун оламга танитган асар “Қутадғу билим” (“Саодатга бошловчи билим”) дир. Бу асар нафақат ўзбек адабиётининг, балки шу билан бирга ижтимоий сиёсат фанининг ҳам муҳим манбаларидан бирidir.

Ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий фикрининг энг йирик манбаларидан бири - Низомулмулкнинг (1018 - 1092) “Сиёсатнома” ёки “Сиярулмулк” (“Подшоҳлар турмуши”) асаридир. Бу асар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра салжуқийларнинг сиёсий дастури ҳисобланади. Низомулмулк асарида шоҳлар тарихи ва ҳаётий тажрибасини умумлаштиради, давлатни бошқариш қонун-қоидаларини, тартиботи ва усулларини асослаб беради.

У асарда шоҳ ва ҳокимларни адлу инсоф ва диёнатга, муросаю- мадора ва муруватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, ҳалол, пок, иймонли, адолатли ва диёнатли бўлишга, мамлакатнинг ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчилиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилиш ва меҳнат қилишга даъват этади[4].

XV аср буюк мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501) ижодида бир қатор муҳим фикрларни учратамиз. У халққа нисбатан адолатсизлик ва ёвузликни қоралайди, одамзотни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлайди. Навоий марказлашган кучли подшолик ҳокимиятини ёқлаб чиқади. Негаки, кучсиз шоҳ порахўр қозилар, зўравон ва таъмагир амалдорларга йўл очиб беради, Кучли шоҳ ҳокимиятида фақат муносиб, баркамол шахслар ўрин олади.

Инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон учун муносиб ҳаёт тарзини яратиш ғоялари айнан Ғарб мамлакатларида, уларнинг давлатчилик ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги амалий изланишлари давомида вақт чиғириғидан ўтиб, реал воқеликка айланади. Ушбу даврнинг етук сиёсатчиси ва йирик олимларидан бири албатта Николло Бернардо Макиавелли (1469 - 1527) дир. У “Ҳукмдор”, “Флоренция тарихи” асарларида сиёсатни илк бор мустақил фан сифатида асослайди, жамият илоҳий эмас, балки табиий қонунлар негизида ривожланишини таъкидлайди.

Янги ва энг янги даврлардаги ижтимоий сиёсий таълимотлар

Янги давр янги сиёсий таълимотларни илгари сурди. Бу таълимотлар Ўрта асрлар доирасидан четга чиқиб, инсониятнинг янги талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттирди. Давлат ва ҳокимиятнинг илоҳий характериға ишонишға таянувчи сиёсатни схоластик тушуниш давр талабларига жавоб бермай қўйди. Инсон ва жамиятни риволантириш, унинг имкониятларини янада ошириш эҳтиёжлари сиёсатға жиддий жиҳатдан янгича қарашларни, уни оқилона-танқидий тушунишни талаб қилди. Ушбу сиёсатни оқилона-танқидий тушуниш янги давр алломаларининг асарларида ўз ифодасини топди. Янги давр ижтимоий-сиёсий фикрининг ёрқин намоёндаларидан бири, инглиз файласуфи Томас Гоббсдир (1588-1679). У фуқаро ҳақидаги таълимотнинг фалсафий элементлари, “Левиафан” асарларининг муаллифидир. Ижтимоий битим ғоясини тарғиб қилган Гоббс бошқарув усулларида чекланмаган монархия тарафдори бўлган.

Янги давр сиёсий фикрининг вужудға келиши ва ривожланишида инглиз файласуфи ва сиёсат арбоби Жон Локк (1632-1704) нинг хизмати бениҳоя каттадир. У Эътиқод чидамлилиги ҳақида, “Давлат бошқаруви ҳақида” ва бошқа асарларида давлат фаолиятини янгича тушуниш, унинг шартнома асосида фуқаролар ҳаётиға аралашинини чеклаш, инсоннинг табиий ва бегоналашмайдиган ҳуқуқ ва эркинликларининг амалға оширилишини таъминлаш ғоясини илгари сурди.

Шари Луи Монтеске (1689 - 1755) “Форс хатлари”, “Румликлар буюклиги ва инқироzi сабаблари тўғрисида”, “Қонунлар руҳи тўғрисида” каби қатор асарлар муаллифидир. У мўтадил конституцион монархия ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини илгари сурган. Унинг фикрича, давлат ва ҳуқуқ - тарихий тараққиёт маҳсули. Табиий қонунлар жамият вужудға келишидан авал мавжуд бўлган.

Жан Жак Руссо (1712-1778) - француз файласуфи, социологи, маърифатпарваридир. У “Одамлар ўртасида тенгсизлик келиб чиқиши ва асослари тўғрисида

мулоҳазалар”, “Ижтимоий битим”, “Емил, ёки тарбия тўғрисида” асарлари муаллифидир. Руссо буржуа демократияси, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари, озодлик, эркинлик ва тенглик ғояларини тарғиб қилади. Тенгсизлик сабаби - хусусий мулкдир. Гоббсдан фарқли ўлароқ, Руссо “табiiй ҳолатида” инсонлар дўст ва ҳамоҳанг яшаганлар, деб ҳисоблайди.

Америка маърифатпарварлари - Т.Жефферсон (1743-1826), Т.Пейн (1737-1809), А. Гамилтон (1754-1804) ва Ж.Медисон (1751-1836)ларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари жаҳон ижтимоий-сиёсий фикри тарихида ёрқин саҳифани очади. Бу қарашиар Америка халқининг мустақиллик, эркинлик ва демократия учун олиб борган кураши билан чамбарчас боғлиқдир. Америка маърифатпарварлари томонидан асослаб берилган - кучли демократик федератив республика қурилиши тамойиллари, шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳокимиятнинг вакиллик шакли ҳақидаги ғоялар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айнан шу ғоялар “Мустақиллик декларацияси” (1776) ва Америка Қўшма Штатлари Конституцияси (1787)нинг асоси қилиб олинди. Айнан шу ғоялар америка халқи сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг ривожланишига ҳамда АҚШ давлатчилигининг қарор топишига улкан таъсир кўрсатди.

XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёда миллий сиёсий фикр Аҳмад Дониш (1827-1897), Чердак (1827-1900), Фурқат (1858-1909), Муқумий (1850-1903), Завқий (1853-1921) сингари маърифатпарварлар томонидан ривожлантирилди. Улар ўз асарларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг амал қилиш тажрибасини оқилона-танқидий таҳлил қилдилар. Маърифатпарварлар ўлкадаги мавжуд миллий сиёсий тартиботларнинг табиатини англаш ва тушунтиришга интилдилар. Улар мазкур тартиботларнинг қолоқ, қарам, тарқоқ тизим эканлигини, халқ бошига кулфатлар келтирганлигини ҳамда мамлакатни вайроналикка олиб келганлигини кўрсатиб бердилар. Маърифатпарварлар ўз асарларида

Ўлкадаги мавжуд сиёсий тартиботлари шунчаки танқид қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Улар ушбу сиёсий тартиботларнинг қолоқлиги, қарамлиги сабабларини тинимсиз изладилар. Маърифатпарварларнинг фикрича, мамлакат қолоқлиги, халқнинг қашшоқликда кун кўришининг сабаби - амирлар, хонлар, беклар ва ҳокимларнинг нодонлиги ва жохиллиги, халқ тақдирига бепарволиги, илм-фан ва маърифатнинг йўқлигидир. Шу боисдан ҳам улар мамлакатдаги нодонлик ва жохилликка, зулмузўравонликка асосланган сиёсий тартиботни тугатиш ва илму фан ва фозилликка, зиё ва маърифатга асосланган сиёсий тартиботни ўрнатиш ғоясини илгари сурдилар.

XX аср бошларида Ўзбекистонда сиёсий фикрнинг ривожига жадидлар (М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Мунаввар Қори ва бошқалар) нинг фаолияти билан боғлиқдир. Уларнинг асарларида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммолари чуқур ўрганилади ва умумлаштирилади. Хусусан, ўлкадаги идора усули, мустамлакачилик, адолатсизлик оқибатлари кескин танқид қилинади, унинг мустақил йўли, Европача идора усули ва уни мамлакатда татбиқ қилиш ҳақида жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилади. А.Фитрат ва М.Бехбудий Бухоронинг идора, таълим-тарбия усулини қаттиқ танқид остига олади ва уни янгилаш йўллари тинимсиз излайди. Жадидчиларнинг бир гуруҳи маориф ва маърифатни кўтариш орқали халқ аҳволини яхшилашга интилса, иккинчи гуруҳи эса давлат тузилишини ислоҳ қилиш, уни янги асосда қайта кўриш орқалигина халқ ва юрт аҳволини ўнглаш мумкин, деган сиёсий йўлдан юришга интилади. Бундай фикр ва мулоҳазалар ўша давр ижтимоий сиёсий фикрида муҳим янгилик эди. Умуман, XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фикрнинг ривожланишини жадидларнинг асарларисиз, эҳтиросли мақолаларисиз тасавур қилиб бўлмайди. Уларнинг ижтимоий сиёсий фикр тараққиётига қўшган ҳиссалари бирмунча салмоқлидир.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фикрнинг

ривожланиши собиқ шўро тузуми даврида қаттиқ зарбага учради. Ижтимоий-сиёсий фанга буржуа фани деб тамға босилиши унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига кириши билан ижтимоий сиёсий фанга муносабат тубдан ўзгарди. Бу фан жамият фанлари тизимида ўз ўрнини топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларни фаол позицияларини шакллантиришда ҳамда уларнинг ижтимоий сиёсатга хусусан атрофда содир бўлаётган воқеиликка бефарқ бўлмасдан, ўз фикрлари билан иштирокини таъминлашда уларнинг интеллектини янада ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий-сиёсий қарашларнинг илк куртаклари Шарқда вужудга келиб Ғарбда ривожлантирилганлигини инобатга олиб, ҳозирги давр олимларининг илмий изланиш натижаларида ва маҳсулотларида ҳам мазкур кўрсаткичлар тенг улушда акс этганининг кўришимиз мумкин. Ижтимоий сиёсат, сиёсатшуносликнинг тармоқ соҳаси ҳисобланиб, ушбу соҳани ҳам амалий ва назарий жиҳатларни Ғарб ва Шарққа хос характер асосида уйғун ҳолда ривожлантиришга эҳтиёж мавжуд.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. AlockP.,May and Wright Sh. "Social Policy"/2012/John Wiley& Sons Ltd. P.5-6

2. Ижтимоий сиёсат Дарслик / А.А.Абдухалилов, Е.А.Заитов – Т. "VNESHINVESTROM", 2021.- Б 6-7

3. Сиёсат назарияси. Дарслик/Г.Х.Юсупова, Х.Ж.Жабборов, Х.Х.Қосимова. – Т. "Университет", 2003.-Б.28

4. Сиёсат назарияси. Дарслик / Г.Х. Юсупова, Х.Ж.Жабборов, Х.Х.Қосимова.— Т.: "Университет", 2003. — Б. 33-34

5. Ижтимоий сиёсат. Ўқув қўлланма / А.А.Абдухалилов, Э.Х.Заитов – Т. "VNESHINVESTPROM", 2021. – Б. 16-91

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМИЙ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Каримов Шерзод

*Ижтимоий маънавий тадқиқотлар
институту мустақил-изланувчиси*

Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳайдар Хоразмий, Хофиз Хоразмий каби буюк сиймолар миллатимизнинг ифтихорлари эканлигини билишимиз зарур. Ал Хоразмийнинг асарларда инсонни улуғлаш, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, сахийлик, камтарлик, ростгўйлик, дўстлик, олижаноблик, мурувватлилик, одоб-ахлоқ, илм-маърифат ғоялари илгари сурилган. Мутафаккир инсоннинг инсонга бўлган самимий муҳаббатини таърифлаб қуйидагича ёзади: «Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва у ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир. Муҳаббат хор-хашакларга бардош берилмаса ва унинг лойқа сувларини ичмаса, унда яхшилик бўлмайди. Муҳаббат қандай яхши шафедир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир». Мутафаккир ёшларни навқиронлик даврининг ҳар дақиқасини қадрига етишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровонлик, бахт-саодатга эришишга чақиради.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри», «Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо – ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида», «Мукаммал таълим ҳақида рисола» кабиларда ижтимоий-тарбиявий қарашлари ифодалаган. Форобий «мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия - инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонунқоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри

муносабатда бўлади», деб айтади. «Бундай инсон, - деб ёзган эди Форобий, - инсоний баркамолликнинг олий соҳиби ва бахт саодат бўладиган хатти-ҳаракатни биладиган зотдир».

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди Ибн Сино. Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди. У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, деган ғоя ётади. Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, турли кўринишдаги суҳбатми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган. Ибн Сино она алласининг тарбиявий аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: «Боланинг талабини қондирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири - болани секинсекин тебратинг, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа – аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорида қараб болаларнинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳияти билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади». Абу Райхон Берунийнинг таъкидлашича, инсон ақл соҳиби эканлиги билан ҳайвондан фарқланади. Бу фарқ инсоннинг жамиятдаги турфа эҳтиёжлари билан изоҳланади. Мазкур эҳтиёжлар энг аввало ундан «яширинган нарсани билишга» интилишда ва келажакда бўладиганини кўриб қўйишда, нимани ҳалокатга кетаётган

бўлса, олдиндан ҳозирланиб, олдини олиш имкониятига эга бўлишда кўзга ташланади».

Абу Райхон Бериуний ахлоқликнинг ижтимоий мезони сифатида инсон ҳаётида меҳнатнинг аҳамиятини шундай таъкидлайди: «Бахтсизликдан, жоҳилликдан қутулиш учун меҳнат қилиш зарур». Кайковуснинг «Қобуснома» асари Шарқ педагогик фикр тараққиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Унда Шарқ пандномаларидаги анъанага биноан ва X асрда пайдо бўлган ёшлар жамоаси жувонмардлик тарбияси ифодаланади. Муаллиф жувонмардлик ҳақида энг охирги бобда сўз юритади. У одамларнинг хислатларини уч хилга бўлади: ақл, ростлик ва жувонмардлик. Жувонмардликнинг асосини Кайковус уч нарсада деб билади. Биринчиси, айтган сўзнинг устидан чиқиш, яъни ростлик; иккинчиси ростликка хилоф қилмаслик; учинчиси, хайр ишини илгари тутиш ҳақидадаги қарашлари акс этган. Шунингдек, асарда инсон ҳаётида билимнинг ўрни беқиёслиги, ақлан етуклилик ҳар қандай моддий бойликдан устунлиги таъкидланади: «Агар мол мулкинг камайиб қолса, ақл билан бойиб кетишга ҳаракат қил, зеро ақлий камолот, мол-мулк бойлигидан яхшироқдир. Чунки ақл билан бойликка эришиш мумкин, бойлик билан эса ақл қозониш мумкин эмас, саводсиз жоҳил, қашшоқ бўлиб қолаверади, ақлни эса ўғри ололмайди, сув олиб кетмайди, олов ютмайди».

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида илм олишнинг қадри, билим энг бебаҳо бойлик бўлиб, унинг негизида инсоннинг маънавий-маърифий дунёқараши, одобахлоқи, гўзал инсоний фазилатлари шаклланиши, билим ва касб-ҳунар инсоннинг бутун хатти-ҳаракатларини белгилаши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, аллома мол-дунёга интилиш ва ҳирс қўйишни худди тоғдан келаётган селга ўхшатади. Мол-мулк ҳирсига берилиб кетган киши шу сел остида қолган тошдек чилпарчин бўладиб, дейди. Абдураҳмон Жомий «Баҳористон» асарида илмни беҳуда эгалламаслик, ҳар бир шахс фойдаси тегадиган илмни эгаллаш заруриятини таъкидлайди: Энг зарур билимни

қунт билан ўрган, Зарур бўлмагани ахтариб юрма. Зарурини ҳосил қилгандан кейин, Унга амал қилмай умринг ўткурма. Абдурахмон Жомий асарда билимнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ижтимоий жамият тараққиётини белгилашдаги ўрни ва ролини очиб бериш билан бирга ҳар бир киши томонидан маълум ҳунар сирларини ўзлаштириш фойдадан ҳоли бўлмаслигини уқтиради. Айни ўринда инсоннинг қадрқиммати унинг молу мулки билан эмас, аксинча, у томонидан эгалланган ҳунарнинг кишилар маиший ҳаёти фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти билан белгиланишига урғу бериб ўтади.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»да инсон қадри билимдонлигида эканлиги ҳақида ҳикмат борлигини қуйидагича таърифлайди: «Одамзод наслининг улуғлиги - билимдон. У ақл идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Ўқув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир. Билимни буюк бил, ўқувни улуғ, шу икков улуғлар кишини тулуғ» дея уқтириб, ҳар бир киши туғилган кундан бошлаб зарур таълим-тарбияни олмоғи лозимлигини уқтиради. «Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига берилишининг олди олинади», дейди аллома. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари Қутадғу билиг — бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панднасиҳатлар, таълим-тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук дидактик асар эканлиги яққол кўриниб турибди. «Қутадғу билиг»нинг тадқиқотчиларидан бири Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, Юсуф Хос Ҳожиб «Комил инсон ҳақида гапирар экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир».

Алишер Навоий илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатлардан бири деб билади. У илмни инсон, халқни нодонлик, жаҳолатдан қутқарувчи омил сифатида

таърифлайди. Шунга кўра, ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи, деб ҳисоблайди. Чунки илм эгаллашдан мақсад ҳам халқнинг, ўз мамлакатининг бахтсаодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилишдан иборатдир, дейди. У ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида илм ўқиби уни ишлатмаган кишини шудгор қилиб деҳқончилик қилмаган ёки уруғ сочиб ҳосилдан баҳра олмаган кишига ўхшатади: Илм ўқиб қилмагон амал мақбул, Дона сочиб кўтармади маҳсул. Воиз Кошифий «Ахлоқи муҳсиний» асарида ақл билан фаолиятнинг ўзаро алоқаси ҳақида гапириб, барча кишилар ақлга эҳтиёж сезиши, ақл эса амалий фаолиятга эҳтиёж сезишини таъкидлайди. Ҳаракат, фаолият ақлнинг кўзгуси саналади. Ақл ёрдамида инсоний тажрибалар, маънавий қадриятлар йиғилиб боради ва келгуси авлодларга етказилади, дейди.

Жалолиддин Давонийнинг «Педагогик қарашларида ақлий тарбия ва билимларни эгаллаш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Болаларга билим беришни ёшлиқдан бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Давоний инсон ақлининг қудратига, унинг ижтимоий ҳодисаларни билишига, ақл илоҳий улуғ бир неъмат, ҳақиқат мезони эканлигига ишонади. Чунки инсон ақл ёрдамида ўз хатти-ҳаракати, фаолиятини бошқаради». Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида Ватан ишқи, ватанпарварлик ғоялари етакчилик қилади. Бобурни дунёга танитган асари унинг «Бобурномаси»дир. Асарнинг қамрови жуда кенг, мазмуни мукаммал. Бобур ўз қарашларида оила тарбияси масалаларига ҳам эътибор қаратади. У оилада онгли ҳолда қаттиққўллик билан болаларнинг тартибли, интизомли, онгли бўлишларини талаб этадиб. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг бош ғояси маънавият ва маърифат, шахс таълим ва тарбияси масаласидир. Асарнинг «Илм манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида» деб аталган биринчи бўлимида «Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра илмли бўл, бахт йўлини изла. Билимли киши (қиммат) баҳоликдинордир, илмсиз, жоҳил киши қимматсиз

мевадир. Билимли киши билан билимсиз одам қачон тенг бўлади, билимли хотин эр кишидир, билимсиз эркак хотин кишидир» деб илм, илм кишиларини кўкга кўтаради. Хайдар Хоразмий асарларида одоб-ахлоқ масалаларига алоҳида ўрин берилган. У ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон бўлишга чақиради, ҳатто бу фикрини шаҳзодалар, замон ҳукмдорларига ҳам дадиллик билан уқтиради.

Фикрим якунида шуни таъкидлаб ўтмоқчиман, шарқ алломалари ўзининг чуқур фикр мулоҳазалари билан ўша даврдан то ҳозирги кунгача дастури амал вазифасини ўтовчи бой адабий ва илмий меросни биз келажак авлод учун манба сифатида қолдириб кетди. Бу мерос даврлар ўтса ҳамки, замоннинг ижтимоий фалсафий соҳаси ёки илм фан соҳаси бўладими заррача ўз ўрни юқотмайди замон билан ҳамнафас яшашда давом этаверади. Сабаби уларнинг асарларида берилган фикрлари таклиф мулоҳазали, ибрат сўзларида бугуннинг руҳи уфуриб тураверади. Шунинг чун ҳам уларни ўрганиб ўзимизнинг жамият тараққиёти ва ватан фаровонлиги йўлида ишлатмоғимиз керак ҳисоблади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018,

2. Алишер Навоий. Ҳикматлар: Болалар учун.-Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1999.

3. Ахборот асрида таълим-тарбия - Тошкент: Академик нашр, 2012. –

4. Каримов И.А “Бизнинг мақсадимиз-эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш” Т: “Ўзбекистон” 2015й

5. Иброҳимов А. Маданият ва миллий қиёфа. // Мулоқот.-1991

6. Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата:Наука,

7. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1- жилд. – Тошкент: Фан, 1968

8. Навоий. Ҳайратул аброр. - Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти. 1989

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕК МУТАФАККИРЛАРИНИНГ РОЛИ

Дилбархон Холжигитова,
мустақил изланувчи

Маърифат шундай қудратга эгаки, унинг зиёси бутун ер юзини чароғон қилмоққа қодир. Ана шу зиёни улашган маърифатпарвар инсонлар эса мисли бир қуёш мисоли. Ватанимизнинг шонли тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мўтадил иқлими, табиий бойликлари, таёқ суқсанг дарахт унадиган Қадим Турон диёри Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтганидек:

“Ҳар учраган нодон- у нокас

Она халқим ёқангдан тутди” – ҳамиша босқинчилар назарида бўлган. Қурол ушлаб ўз элини ёвлар зулмидан асраб қолган, мардонавор курашган Амир Темур, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Муқанна сингари буюк аجدодларимиз номлари биз учун қанчалик буюк бўлса, яна ана шундай ҳурмат – эҳтиромга лойиқ инсонлар борки, уларнинг пок номлари, Ватан учун қилган ҳолисона хизматлари ҳар қачон қалбимиздан ўчмайди. Булар илм – у маърифатни жаҳолат пардасидан асраб қолган маънавият халоскорларидир.

Бугун шиддаткор замонда, техкина асрида турли вайронкор ғоя ва хуружлардан ёш авлодни ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбияламоқ, онг- у шуурида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотмоқ учун Абдулла Авлониёв, Чўлпон , Маҳмудхўжа Бехбудий , Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжа сингари маърифатпарварларнинг ибратли ҳаёт йўлларини, уларнинг маънавий меросини кенг тасбиқ этмоқ бугун олдимизда турган энг шарафли вазифалардан биридир. Чинданда, бу фидойи инсонларнинг ҳаёт йўли бугун учун ўрнак, эртанги кун учун эса дастури амал бўлса арзийди.

Масалан, маҳаллий халқ болаларини ўқиб, билим олишга қўмаклашиш мақсадида пул йиғиб мактабларга

тарқатиш учун « Жамияти хайрия » ташкилотини очган , аҳоли ўртасида саҳна ишларига қизиқиш уйғотиш , халқ учун спектакиллар қўйиш орқали оммага маънавий озиқ бериш , клуб, мусиқа курслари , кутубхона ва қироат хоналари очиш , ўқувчиларга моддий ёрдам қўрсатиш ва шу кабилар учун «Турон « жамиятини ташкил қилган мактаб учун « Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», « Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони», сингари ўқув қўлланмаларини яратган « Меҳнат қаҳрамони», « Халқ маорифи зарбдори» унвонлари билан тақдирланган Абдулла Авлониининг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлаган ҳар қандай инсон қалби фахр- у ифтихорга тўлади.

«Ватан. Ҳар бир кишининг туғулиб ўскан шаҳар ва мамлакати шул кишининг Ватани дейилган. Ҳар ким туғулган , ўскан ерини жонидан ортиқ суяди»;

Ёки:

«Киши юртида султон бўлгунча , ўз юртингда чўпон бўл» фикри , қолаверса, пайғамбаримизнинг « Хуббул Ватани минал имони -Ватанни суймак иймондандир» деган ҳадисларини ўзида жамлаган « Ватанни суймак» асарида энг олийжаноб туйғуларни ўзида жамлаган Ватан ҳақида битилган ўлмас асар десак , муболаға бўлмайди. Бу асарнинг гўяси ҳам айнан Ватан қадрини билмоқ, уни суймоқ, ардоқламоқ , ҳимоя қилмоқ ва бу орқали икки дунё саодатига эришмоқдир. Абдулла Авлониий Ватанни севиш ҳисси ҳатто ҳайвонларга ҳам хослигини , инсон Ота - онасини танлай олмагани каби Ватанни ҳам танлай олмаслигини, музликми, жазирама чўлми Ватан барибир Ватан ,ўша халқ вакиллари учун қадрли эканлигини айтиб ўтади. Бир сўз билан айтганда бу асарни ўқиган китобхон қалбида Ватанпарварлик ҳисси куртак отади.

Ёхуд;

«Кишанларинг занг босгандир ,сергак бўлким, узилур, Томиримда қўзғалишнинг ваҳший қони гапирди»

- дея халқни қўзғалишга даъват этувчи оташин сатрлари, беминнат хизматлари , ўлмас асарлари билан миллат осмонини ёритган яна бир маърифатпарваримиз

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Исёнкор рух, истиқболга ошиқиш, халқни жипс кўришни орзу қилмоқ ўз даврида Чўлпон ижодининг бош гоёсини ташкил қилган. Чўлпон халқни денгизда, оловга, тўлқинга ўхшатар экан агар у бирлашса, ҳамма ёвни, ҳамма тўсиқни енгга олишини уқтиради ва бу орқали халқни бирдамликка, аҳилликка, бир ёқадан бош чиқариб, бир тан- у бир жон бўлиб эрк учун курашишга чорлайди.

Ўзбек миллий уйғониш адабиётининг бири турли соҳаларда фаолият юритган, уларнинг ривожига ҳисса қўшган яна бир маърифатпарвар юртдошимиз Абдурауф Фитратдир. Унинг «Миррих юлдузига» «шеъри истиқлол руҳи билан суғорилган, салкам 70 йил давомида миллатчилик руҳидаги асар сифатида баҳоланган бўлиб, XX аср бошларида Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа чеккаларидда бўлаётган хунрезликлардан куйиниб ёзилган.

...Борми сенда қорин- курсоқ йўлида

Элин, юртин, борин - йўғин сотқонлар?

Ижодкор «Ўгут» шеърида эса йигитларимизни мардликка дават қилиб, йигитлар миллат дардига нажот сифатида тилга олинган

Бу ўринда Абдулла Қодирий номини ҳам тилга олмай иложимиз йўқ. Биринчи президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бир қаторжадидчиларимизнинг, маърифатпарварларимизнинг эзгу ва хайрли амалларини тилга олар экан, Абдулла Қодирий шахсига ҳам тўхталиб ўтади:

«Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган биронта хонадон бўлмаса керак» У фақат Ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам сеvimли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир»

Абдулла Қодирий ҳам ўз асарларида эрксизликнинг фожеавий ҳолатларини очиб бериб, бу орқали истиқлол учун курашмоқ кераклигини уқтиради. Ўзбекистонда биринчи бўлиб Абдулла Қодирийнинг «Мустақиллик» ордени билан тақдирланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Бир замонлар шу дориломон кунларнинг келишини, миллат боласининг илм- у маърифатли бўлишини, зиёли бўлишини орзу қилган, бу йўлда тинимсиз курашган мутафаккирларимиздан яна бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир. Унинг кўплаб асарлари қатори «Падаркуш» драмасида, ўқимаган боланинг аҳволи, унинг ўзига, оиласига, жамиятга хавфи ҳақида фикр юритар экан, драмадаги зиёли ва домла фикри мисолида ижодкорнинг қарашлари, миллат тараққиёти учун, илм-у тарбиянинг нечоғлиқ аҳамиятли эканлиги очиб берилган. Драма ниҳоясида домла тилидан қуйидаги сўзлар келтирилади:

«Онажон! Сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдир. Беилмлиқ ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни беилмлиқ хор қилди»

Чинданда, ҳамма замонларда эртанги кун эгаларининг камолоти, маънавияти тарбияси ҳамиша бош масалардан бири бўлиб келган. Зеро, Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир» Қайси юртнинг фарзандлари маърифатли бўлса, ўша юртнинг эртаси, истиқболи порлоқ бўлади. Қалбида ватанпарлик ҳисси жўш урган ҳар қандай инсон борки, доимо яратувчанлик, бунёдкорлик, эзгулик йўлидан одимлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев, 2021 “Янги Ўзбекистон стратегияси”. Ўзбекистон нашриёти
2. «Адабиёт фанидан қўлланма» Тошкент – 2019
3. И.А.Каримов, «Юксак маънавият - енгилмас куч» «Маънавият» нашриёти

КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА ШАРҚ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИДАГИ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИ

Ш.Мираҳимова

ТДСИ академик лицей директори

Ёш авлодда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш, бой маданий – тарихий меросимизнинг муносиб ворисларини вояга етказиш энг муҳим масала ҳисобланади. Бунда аждодларнинг ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. Шарқ фалсафий тафаккури тарихида азалдан инсон ва инсоний муносабатлар, инсон шахсини қарор топтирадиган ижтимоий муҳит, инсон қадри ва эрки масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда комилликка элтувчи йўл эзгу фикрлар ва эзгу амалларга таяниш, илм – маърифатга интилиш орқали намоён бўлгани аждодларимиз фалсафий қарашлари ҳосиласи бўлмиш “Авесто” ёдгорлиги орқали биламиз. Шунингдек, шарқ фалсафасига кўра, барча фазилатлар манбаини ўқиш, ўрганиш ва маърифат ташкил этади. Ўғитларга кўра, илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қилади. Бу таълимда тарбиянинг устувор аҳамият касб этишини билдиради. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, таълим тизимининг асосий вазифаси, онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган, эркин инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Зеро, эркинлик инсон ҳаётининг мазмунидир. Инсоннинг барча фаолияти эркинлаштирилгандагина унинг интилишлари жамият ривожланишига йўналтирилган бўлади. Ана шундагина олинган билим тараққиётга хизмат қилади, ёшларнинг мустақил ҳаёт кечиришини таъминлайди ва комил инсонни етиштиради.

Комиллик – бу инсоннинг ҳаётлигида амалга оширган барча ишларининг пок эътиқоди билан суғорилиши, ҳаққа

интилиши, ҳақиқатга, ёруғликка сари ҳаё ва виждонидаги доғлар, нуқсонлар, гуноҳларни равшанроқ кўра билиш йўлидир. Комил инсонлар ўта ростгўй, покиза, иймонли, билимли, ҳақиқатга интилувчи, саховатли, бардошли ва самимий бўладилар.

Маънавий баркамол инсон ўзининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, билимдон, меҳнатсеварлиги, оқилу-доно, ҳалол, тўғрилиги, ўзини англаши билан ҳар қандай ёвуз, қабиҳ ишлар ва ножўя қилиқлардан сақланиб туради. У ўзининг ақл-заковати билан мўъжизалар яратади. Комил инсонлар ўзида одиллик, оқиллик, фозиллик, инсофу диёнатни жо қилиб пок еб, пок яшайдилар, ҳаром-ҳаришдан жирканади. Улар барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган ҳолда қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зотлар сифатида эъозланади. Атоқли олим Н.Комилов комил инсон ҳақида шундай ёзади: “Комил инсон, шундай қилиб одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси. Дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир... Дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги, инсоният бутунлиги ҳақиқатан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ, яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради”.

Шарқ мутафаккирлари ҳам комил инсон тўғрисида ўзига хос фалсафий таълимот берадилар. Комил инсон жамики инсонларнинг мукаммали, яъни одабийлар одабийси эканлиги ҳақидаги фикрлар буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий таълимоти мисолида кўриш мумкин.

Абу Наср Форобий инсон комиллигининг таянч манбаи сифатида етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият ғоясини илгари суради. Ахлоқий фазилатлар негизида инсонни комиллик сари етакловчи хислатлар шаклланади. Фозил инсон ғояси Форобий таълимотида фозиллик хислатларини тарбия этувчи фозил жамият ғояси билан уйғунлашиб кетган. «Фозил одамлар шаҳри» асарида мутафаккир ахлоқий етукликка эришган инсон ўн икки фазилатга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Булар: соғломлик; фаросатлилик; кучли ҳотира; зукколик; сабр-қаноатлилик; маърифатпарварлик; нотиқлик; ҳақиқатгўйлик; олийжаноблик; молпараст бўлмаслик; мардлик; адолатпарварликдир.

Абу Наср Форобийнинг комиллик фазилатлари туркумида келтирган ушбу инсонийлик фазилатлари аввало инсоннинг маънавий етуклиги ҳислатлари билан узвий боғланиб кетгандир. Ваҳоланки, бугун биз ўзида комиллик фазилатларини мужассам этган баркамол инсон тарбиясини маънавий – маърифий ишларимизнинг пировард мақсади деб билар эканмиз, ёшлар тарбия инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрқпарварлик ва фидойилик туйғуларини қарор топтиришда буюк аждодларимиз белгилаб ўтган ахлоқий фазилатларни устувор деб биламиз.

Инсоннинг ахлоқий етуклиги ва инсоний фазилатлар уйғунлиги, инсонда тана ва руҳ тарбияси масалалари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби алломаларимиз таълимотларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўрта асрлар Шарқ алломалари фалсафий дунёқарашида фозил жамият ғояси алоҳида ажралиб туради. Айни шу маънода инсон комиллигини қарор топтирувчи, унинг тўқис моддий ва маънавий борлиғи мукамаллиги учун асос бўладиган соғлом ижтимоий муҳит ғоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Аллома Абу Али ибн Сино инсонпарварлик ва инсонда комиллик фазилатларини рўёбга чиқарувчи муҳит ўртасидаги узвий боғлиқликка доир чуқур фалсафий фикрларини баён этган. Табобат илмини инсон жисми ва руҳияти тарбияси илми билан узвийликда таҳлил этиш Ибн Сино фалсафасига хос хусусиятдир. Ибн Синонинг инсонпарварлик, инсон ва унинг маънавий дунёсига оид фикрлари ахлоқий ғояларида баён этилган. Айниқса, аллома инсон комиллиги ҳақида гапирар экан, «Ахлоқ ҳақида рисола»сида комиллик фазилатларига мос ҳислатлардан ор-номус, қадр-қиммат, сахийлик, сабр-тоқат,

шаън, ғайратлилик, сирни сақлай билиш, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, виждонийлик, садоқатлилик, дўстлик, ҳақиқатгўйлик сингари тушунчалар таърифини келтиради. Ушбу ҳислатларнинг камол топишида инсон дунёга келиб, вояга етадиган муҳит соғломлигига жиддий эътибор қаратилади. Бу борада оила, мактаб ва жамоа таъсири муҳим деб саналади. Соғлом муҳитда инсонни маънавият ва маърифат сари йўлловчи тарбия жараёни мақсад қилиб белгиланади. Хусусан, оила муҳитида қарор топадиган муносабатларда фарзанд тарбияси амалга оширилади. Ибн Сино ота-она масъулияти, фарзандлик бурчи, аёл оқилалигига хос фазилатлар, устоз-муаллим ҳислатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади.

Шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий ижодида инсонпарварлик ғоялари, у яратган ижобий образлардаги инсонийлик фазилатлари орқали баён қилинади. Ўзининг инсоний фазилатлари, илмий салоҳияти билан дунё аҳли эътиборига тушган буюк аллома боболаримиз намунаси мустақиллик йўлида эзгу мақсадларимиз ифодаси ҳамда таянчи бўлган баркамол авлод тарбиясига ибрат мактаби бўлади.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари – буюк боболаримиз тарихий ва маданий меросининг бугунги кун учун қанчалик аҳамиятли эканлигини назарда тутган ҳолда, ўзимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал меросимизни асраб авайлаш, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб – ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратишимиз зарур.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси асосида тўпланган билимлар берилади, зарурий кўникма ва малакалар ҳамда эътиқодлар шакллантирилади. Ҳозирги замонавий техник асрда, булар турли техник воситалар ёрдамида тез ва самарали амалга ошириш мумкин бўлади, Таълимда замонавий педагогик технологияларни қўллашда ўйлаб топилаётган, илгари сурилаётган барча услубларни тўплаб, амалда қўлланса ва самарали натижа берган усуллар тарғибот этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вазифаларни

амалга ошириш учун аввало ўқитувчининг билим ва педагогик маҳоратини шаклланганлик даражасига боғлиқ. Бугунги кун комил инсонни тарбиялашда ҳар бир ўқитувчи олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. Ҳар бир ўқитувчи дарсни замон билан уйғунлаштиришига эришиш лозим. Бунинг учун у замон билан ҳамнафас бўлиб, фанга оид янгиликларни муттасил ўзлаштириб бориши лозим.

2. Ўқитувчи ўз ишига ижобий ёндашган ҳолда, ўқитишнинг энг самарадор усулларида фойдаланишга асосланган бўлиши лозим. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ёшларларнинг қизиқишларини ошириб, уларнинг таълим жараёнидаги эркинлиги ва фаоллигини муттасил таъминлаш муҳим ҳисобланади.

3. Ўқув материаллари мазмунини очишда баҳс мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот ўйинлари методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи баҳолаш усулларида фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ёш авлодни тарбиялаш ишига жалб этилган ўқитувчилик касби ўзига хос муносабат ва ишбилармонликни ҳам тақазо этади. Педагог учун юқорида айтилган сифатлардан ташқари юксак инсонийлик, ёшларга меҳр-шафқатли бўлиш ҳам жуда зарурдир.

Демак, ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига доир тегишли таълимотларга эга бўлиши, мулоқот даражаси, педагогик-психологик ва услубий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши, турли педагогик вазиятларни одилона ҳал қилиши, тўғри ёндашиши, баҳолай олиши, педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай билиши каби фазилатлар таълим беришнинг асосий шартидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади” деган сўзлари замирида чуқур маънолар мужассамдир. Ватанпарварликнинг ҳаракатлантирувчи

кучи эса одамларнинг маънавий дунёси, интеллектуал салоҳияти билан ўлчанади.

Бир сўз билан айтганда, шарқ мутафаккирлари таълимотига таянган ҳолда, комил инсонни тарбиялашда ундаги ватанпарварлик хислатини тарбиялаш ва такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босчиқа кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 1-том. –Б. 58.

2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Тошкент-Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи- 2017.17-бет

3. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т, “Ёзувчи”,1996. 143-144-бетлар

**ДАВР ВА АДАБИЁТ:
МОҲИАТ ҲАМДА ТАМОЙИЛЛАР****Қозоқбой Йўлдош**

Замон деб аталмиш мангу ва ўлчовсиз тушунчани одам ўзининг англаши ва изоҳлаши осонроқ бўлиши учун “ўтмиш”, “бугун” ва “келажак” тарзида уч ўлчамга бўлиб идрок этади. Инсоннинг тириклиги ва тирикчилигига доир барча тутумлари ана шу уч ўлчам миқёсида кечади. Одам бугунини яхшироқ қилиш учун ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариш зарурлигини, бугунни тўғри ташкил этиш эса келажагининг ёруғлигини таъминлашга хизмат қилиши кераклигини билади. Инсон фаолиятининг муҳим бир қирраси ўлароқ бадиий адабиёт ҳам ана шу уч ўлчам қамровида кечадики, унинг намуналари ҳақида фикр юритишда шу жиҳат ҳисобга олиниши керак.

Мумтоз адабиёт миллат ҳаётида ўта муҳим ўрин тутати. У улуснинг кечаги кунигина эмас, балки бугунининг асоси ва келажагининг моясидир. Шу боис адабиётдаги руҳий қатламларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўриш уни чуқурроқ англаш имконини беради. Айни жиҳат мумтоз адабиётни ўқитиш мунтазам равишда адабиётшунослик ва методика фанларига доир сўнгги ютуқлар билан бойитиб борилишини тақозо қилади. Шундай қилинмаса, биринчидан, мумтоз адабиёт тарихи ҳақидаги тасаввурлар янглиш ва адабиёттанув фани тараққиётидан ортда қолиб кетади. Иккинчидан, бўлажак филологлар эгаллаган билимларини ёш авлодга ўргатишнинг самарали дидактик усулларидан беҳабар қолишлари мумкин. Ёш мутахассислар эртанги кунги фаолиятларини яроқсиз илмий-адабий қарашларга таяниб бошламасликлари учун кўп асрлик

тарихга эга ўзбек адабиёти соғлом тафаккур асосида ўргатилиши керак. Афсуски, миллий адабиёттанув илмида ҳануз бунинг тамойиллари ишлаб чиқилмаган.

Маълумки, ўзбек адабиёти тарихи ўтмишдаги мактаб ва мадрасаларда алоҳида мустақил фан ва яхлит тизимли бадий-эстетик ҳодиса сифатида эмас, балки баъзи адабий сиймоларнинг айрим асарлари кўпроқ ахлоқий ўғит, бадий маҳорат ва тасвирлаш санъати нуқтаи назаридан локал йўсинда ўрганиб келинган. Кенгаш, яъни совет даврида эса адабиётга синфий-партиявий нуқтаи назар билан қараш, бир миллатнинг ягона адабиётини бир-бирига қарама-қарши бўлган прогрессив ва реакцион сингари икки адабиётга бўлиб ёндашиш етакчилик қилган.

Кенгаш даврида гарчи миллий адабиётни тизимли ўрганиш йўлга қўйилган бўлса-да, уни изоҳлаш, даврлаштириш муаммосига соғлом тафаккур билан ёндашилмай, адабиётнинг эстетик ҳодиса эканлиги етарлича ҳисобга олинмади. Унга яққаш мафкуравий яратик ўлароқ қаралди. Шунинг учун адабиётнинг тараққиёти тўлиғича жамият тарихидаги даврларга мос келиши ва ижтимоий ҳаётнинг нусхаси бўлиши лозим, деб қаралди. Адабий шахсиятларга муносабат, бадий матнлар таҳлили ва талқини бобида ҳам синфий-партиявий ёндашув етакчи эди. Бу носоғлом ва ғайриилмий ёндашувларни бартараф этиш, бўлажак филологларнинг адабиётшунослик фанидаги соғлом илмий қарашлардан хабардорлигини таъминлаш учун ҳам Ўзбек мумтоз адабиётини тамомила янгича илмий қарашлар тизимига таянган ҳолда ўрганиш ва ўргатиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Маълумки, марксизм-ленинизм инсониятнинг тарихи беш ижтимоий-иқтисодий формация бағрида кечади, деб ҳисоблади. Кенгаш даврида адабиёт тарихи ҳам ана шу қарашга мувофиқ даврлаштирилар ва ўрганилар эди. Эндиликда маълум бўлдики, инсониятнинг тарихи беш формациядан иборат эмас экан. Бу формациялар дунёдаги бирорта мамлакатда ҳам марксчилар даъво қилган йўсинда юзага келмагани ойдинлашди. Айниқса, энг охирги ва абадий

давом этади деб даъво қилинган коммунистик формация тўғрисидаги тўхтамлар мутлақо уйдирма эканлиги маълум бўлди. Демак, инсоният тарихига ижтимоий-иқтисодий формация призмасидан туриб ёндашиш, умуман, санъат, хусусан, адабиёт тарихига бундай муносабатда бўлиш илмий жиҳатдан тўғри эмаслиги ойдинлашди.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихига муносабатда ана шу ҳолат ҳисобга олинса, йирик турк олими Фуад Кўпрулу айтганидек, кўп асрлик миллий адабиётнинг қуйидаги уч катта даврни босиб ўтганлигини қайд этиш адолатдан бўлади:

1. Исломгача бўлган даврдаги туркий адабиёт.
2. Ислом таъсиридаги туркий адабиёт.
3. Жаҳоний таъсирлар даври ўзбек адабиёти.

Миллий адабиётни бу хилда даврлаштиришнинг сабаби нима ва бунга қандай зарурият бор эди? Бундай ёндашувда адабиёт шунчаки жамиятнинг бадиий иллюстрацияси эмас, балки ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланадиган эстетик ҳодиса экани ҳисобга олинади. Тўғри, бадиий адабиёт жамият ҳаётидан узилган ҳолда мавжуд бўлмайди. Муайн даражада унинг таъсирига ҳам берилади. Айни вақтда адабиётнинг тараққиёт тенденциялари ва даражаси ҳамиша ҳам жамиятнинг ривожланиш ойинлари ва тамойилларига тўла мувофиқ келавермайди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юксак бўлгани ҳолда адабиёт соҳасида сезиларли ютуқларга эришилмаслиги, аксинча, миллатнинг ҳаёти таназзулга юз тутган шароитда юксак бадиий қимматга эга адабий асарлар яратилган ҳолатлар тарихда кўп кузатилган. Шунингдек, иқтисодий тизим ва сиёсий тузумлар бирданига ўзгариши, кечагина ишлаб турган иқтисодий-сиёсий қоидалар бугун яроқсизга айланиши мумкин. Бунга башарият тарихида мисоллар жуда кўп. Бадиий адабиётнинг моҳияти эса бирданига ўзгариб қолмайди. Чунки у истеъдод, руҳият ҳамда туйғулар уйғунлигининг маҳсулидир.

Синчиклаб қаралса, ўзбек улусининг руҳияти, эътиқоди, бадиий тафаккури ўзининг узоқ умри давомида

юқорида айтилган уч туб ўзгаришни бошидан кечиргани маълум бўлади. Бу уч даврда улуснинг турмуш тарзи билан бирга унинг олам ҳодисаларига қараш, уларни англаш, туйиш, таъсирланиш ва баҳолаш йўсинлари ҳам тубдан ўзгарди. Миллатнинг диди ҳам янгиланди. Ана шундай янгиланишлар қандай кечганини тадқиқ этиш адабий ҳодисалар моҳиятини тўғри тушуниш ва илмий изоҳлаш имконини беради.

Исломгача бўлган даврдаги туркий адабиёт. Туркий этнослар ўз тараққиётининг бу даврида бир қанча эътиқод ва дунёқарашлар тизимини бошидан ўтказгани ҳақида бизгача етиб келган осори атиқалар таниғлик беради. Лекин туркий улуснинг эътиқод ва эстетик қарашларининг илк босқичига мансуб адабий намуналар миқдори жуда ҳам оз. Борларини ҳам ўрганиш ва тугалланган илмий хулосага келиш ғоят мушкул. Негаки, бу адабий обидалар кўпинча билвосита, яъни узук-юлуқ парча, бирор асар ичига киритилган матн ёхуд илмий-тарихий асарлардаги маълумотлар ёки тошбитиклар ҳолида етиб келганки, тўлиқ ва тизимли шаклда бўлмаган бу адабий намуналарга таяниб, аниқ илмий хулосаларга келиш осон эмас.

Ўрхун-Энасой тошбитиклари, “Олтин ёриқ” асари ва халқ оғзаки ижодининг қатор намуналари ана шундай обидалар сирасига киради. Бу адабий ёдгорликлар туркий улусларнинг эътиқоди, бадий-эстетик тафаккури ҳақида муайян илмий тўхтамларга келиш имконини беради.

Тошбитиклардаги матнлар қатъий шаклий қурилиш ва мантиқий моҳиятга эга. Жумладан, Култегин битиги хоқоннинг ўз халқига, бекларига хитоби билан бошланади. Сўнг ўзини таништиради, қилган хизматларидан сўзлайди. Элатнинг олдида турган хавфдан юрт аҳлини огоҳ қилади. Улуснинг соддалиги, ишонувчанлигидан хавотирини айтади, халқ бошига тушган офатларнинг сабабини кўрсатади. Чунончи, битикда: «Эй турк халқи, ғоят ишонувчансан. Самимийдан носамимийни ажратмайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб

бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг... Туркнинг эндиги халқи, беклари! Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар — гумроҳсизлар!»- дейилади.

Тошбитикда Култегиннинг ғалабаларга бурканган шонли ҳаёти шавқ билан тараннум этилади. Унинг жангдаги қаҳрамонликлари ҳаяжон билан тасвирланади: «Култегин яёв отилиб ҳужум қилди. Ёнг Тутуқ йўлбошчисининг яроқли қўлини тутди... У лашкарни ўшанда йўқ қилдик. Йигирма бир ёшида Чача Сангунга уруш қилдик. Ёнг аввал Тадқан Чурнинг бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Иккинчи бор Ишбара Ямтарнинг бўз отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Учинчи бор Еган Силиг бекнинг тўриқ отини миниб, ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди. Яроғига, ёпинчиғига юздан ортиқ ўқ билан урди. Баданига, бошига битта тегмади».

Тўньюққбитиктошида ҳам жанг манзаралари таъсирчан тасвир этилган: «Мен доно Тўньюққ: Олтин йишни ошиб келдик, Иртиш дарёсини кечиб келдик. Жангчиларнинг келгани қаҳрамон, деганлар. Душман сезмай қолди. Тангри, Умай, муқаддас ер-сув душманни босиб берган кўрилади. Нега чекинамиз, душманни кўб деб? Нега кўрқамиз, ўзимизни оз деб? Қани босайлик, ҳужум қилайлик, дедим. Ҳужум қилдик, душманни тор-мор қилдик. Иккинчи кун келди. Урушдик. Уларнинг қўшини бизникидан ортиқ эди. Тангри ёрлақгани учун, душман кўп деб, биз кўрқмадик, жанг қилдик».

Табдили насрда келтириладиган ушбу битиклар аслида шеърий тизма шаклида ёзилган. Соҳа мутахассислари мазкур битиклар бадииятини юқори баҳолаб, уларнинг илк туркий шеъриятнинг шаклланиши ва ривожига катта ўрни борлигини таъкидлайдилар.

Диққат қилиб қаралса, бу даврдаги адабиёт ўзининг образлар тизими, бадиий идеали, тасвир воситалари, тили, жанрлари нуқтаи назаридан тамомила ўзига хос экани маълум бўлади. Чунончи, тошбитиклардаги адабий ёдгорликларда эзгулик, адолат каби тушунчаларга ишора сезилмайди. Уларда яшаш, ўз ерини қўшнилар ҳисобига

кенгайтириш, ўз элатини ўзгаларни босиб олиш орқали бўлса-да, бойитиш, жанговарлик ва жангариликка эзгулик сифатида қаралади. “Жанубда табғач халқи душман экан, шимолда Баз хоқон, тўққиз ўғиз халқи душман экан, қирғиз, қуриқан, ўттиз татар, қитаний, татаби бутунлай душман экан. Отам хоқон бунча душманга тенглашиб, қирқ етти марта лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлақгани учун давлати борни давлатсизлантирди, хоқони борни хоқонсизлантирди, душманни эл қилган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни таъзим қилдирган”. Бу тасвирларда ўша даврда яшаб ўтган боболарнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси акс этади. Чунки у даврдаги инсоний ва адабий идеал ҳам, бадий тимсоллар ҳам, тил ҳам, ифода воситалари ҳам асосан жанговарлик, енгиш, босиб олиш, кучини кўрсатишга қаратилган эди ва тошбитикларда айна жиҳатлар акс этган.

Ислом таъсиридаги туркий адабиёт. Юртимизга ислом кириб келиши ва улус орасида мўминликнинг ёйилиши билан халқнинг ахлоқи, маънавияти, тафаккур тарзида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Албатта, бу ўзгаришлар бирданига юзага чиқа қолмаган, қатор йиллар давомида амалга ошган. Миллатнинг исломни қабул қилиши ва шу эътиқодасосидаяшайбошлаши, биринчинавбатда, улуснинг психологияси, эътиқоди, дунёқараши, эстетик диди, санъат ва бадий адабиётида акс этди. Агар ислом дини ёйилганча бўлган туркий адабиётларда жанговарлик, кураш асосий мавзулар бўлиб, енгилмас ва жасоратли жангчи, омадёр лашкарбоши идеал қаҳрамон саналган бўлса, ислом дини кириб келганидан сўнг Аллоҳни танийдиган ва унга интиладиган комил шахс бош қаҳрамонга айланди. Миллий адабиётимиз жуда узоқ вақт мобайнида ислом таъсирида бўлди. Ислом ягона дунёқараш, фалсафа, эътиқод ва эстетик қарашлар тизими сифатида ўн икки аср мобайнида туркий адабиётни ҳам тўлиқ ўз таъсирида тутиб турди.

Бу йиллар давомида ўзига хос тасвир йўсини, образлар тизими, адабий жанрлар шаклланди. Ислом таъсиридаги адабиёт асосан ернинг маиший муаммоларидан узилган,

асосий орзуси Аллоҳни таниш, унинг марҳаматига сазовор, жамолига мушарраф бўлиш саналган солиҳ шахсни бош қаҳрамон сифатида тасвирлади. Интилинган бадий-эстетик марра бу адабиётнинг тасвир воситалари, образлар тизими, тилига ҳам таъсир кўрсатди. Дарвишлар, шоҳ ва шахзодалар, паҳлавонлар, ўзлигидан бутунлай воз кечган ошиқлар ва тинимсиз равишда унга азоб берадиган маъшуқалар бу адабиётнинг асосий қаҳрамонлари эдилар. Табиийки, бу адабиётнинг тили ҳам ана шу қаҳрамонларнинг сўзлашув йўсинига мувофиқ кўтаринки, китобийроқ эди. Ислом таъсири даври ўзбек адабиётида араб ва форс адабиётларига хос жанрлар, улардаги образлар тизими, бадий санъатлар, тасвир воситалари адабиётимизга кириб келди. Ўзбек тили таркибига араб ва форс тилидаги жуда кўплаб сўзларнинг ўзлашиши ҳам шу ҳолатга боғлиқ. Ислом таъсиридаги адабиётга хос энг асосий белги адабиётнинг оддий одамлар турмуш йўсинидан мутлақо йироқдалиги эди.

Бу давр адабиёти баъзан “Темурийлар даври адабиёти”, “Уч хонликлар даври адабиёти” тарзида ҳукмрон сулолалар номи билан, гоҳ “X-XII асрлар адабиёти”, гоҳ “X-XIV” асрлар, гоҳ “XV аср адабиёти”, гоҳида “XVII-XIX адабиёти” йўсинида замоний ориликларга кўра босқичларга бўлиниб келинади. Ва бу ҳолатларда адабиётдаги ўзгаришлардан кўра жамият ҳаётидаги ўзига хосликларни ҳисобга олиш устуворлик қилади.

Жаҳоний таъсирлар даври ўзбек адабиёти. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўзбек миллати тафаккурига исломдан ўзга қарашлар тизими ҳам таъсир кўрсата бошлади. Бу даврга келиб оламда ахборот алмашиш янги сифат босқичига кўтарилганди. Битта макон бўлмиш Ерда, ягона биосферада ҳаёт кечириётган одамлар турли мамлакатларда яшасалар-да, бир-бирларига таъсир ўтказа бошладилар. Эндиликда бирор миллат ёки мамлакатнинг ташқи дунёдан тўлиқ узилиб, ўз ҳолича яшаши мумкин бўлмай қолди. Натурал турмуш тарзи ўз ўрнини синкретик яшаш йўсинига бўшатиб беришга мажбур бўлди. Қарашлар

универсализми қарор топа бошлади. Турмуш тарзи ва дунёқарашларнинг хилма-хиллиги қарамай, башариятнинг психологияси, бадий дид ва тафаккурида ўтроқ жиҳатлар кўпайиб борди.

Туркистонлик ҳукмдорлар 19 асрнинг иккинчи ярмига келганда ҳам мамлакатни бошқариш бундан юзлаб йиллар олдинги каби бўлолмаслигини англаб етмадилар. Ҳукмдорлар халққа ҳамон чўпон ҳайдаб боқиши керак бўлган пода деб қарашда давом этдилар. Ҳолбуки, халқ ўз тафаккури ривожининг шундай босқичига етиб келгандики, энди қўйлик мақоми, сурувда осойишта яшаш мартабаси уни қониқтирмасди. Дунёда ҳаёт маромининг ўзгариб, одам мартабасининг кўтарилгани, инсонга ўз бошига тушган қисматни кечиришга маҳкум мавжудот, деб қарашдан тарихнинг яратувчиси эканини тан олишга ўтила бошлагани туркистонликлар ижтимоий тафаккурига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Оламни исломий кўриш, дунё ҳодисаларини шундай тушуниш ва изоҳлаш билан бирга ўзгача қараш ва эътиқодлар ҳам бўлиши мумкинлигини англаб етиш туркистонликларнинг фикрлаш тарзига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ҳол миллий тафаккурдаги бир хилликни ўзгартирди. Олам ҳодисаларини турлича тушуниш ва тушунтириш мумкинлиги илғор кишиларда фикр ҳурлигини уйғотди. Алоқалар, ахборотлар умумийлигининг юзага келиши натижасида миллат тафаккурига ташқи омиллар таъсир кўрсата борди. Бу ҳол тасодиф бўлмай, ижтимоий фикр тараққиётининг объектив натижаси эди. Шу тариқа, Туркистон ўз тарихининг янги босқичига кирди.

Ижтимоий онгнинг янгиланиши сабаб адабиёт ва санъат ҳодисаларини бўлакча тушуниш, таъсирланиш ва таҳлил қилиш анъанаси юзага кела бошлади. Китоб саноатининг юзага келиши, асарларни тез ва кенг тарқатиш имкониятлари пайдо бўлиши бадий адабиётни ижодкорнинг кўнгил ишидан куюнчак ойдинларнинг ижтимоий фаолиятига айлантира бошлади. Эндиликда Туркистон адиблари ҳам илоҳий гўзалликни тараннум

етиш билан кифояланмай, кўркам сўзни арши аълосидан ерга тушириб, ҳаётий муаммолар ҳақида ҳам қалам сура бошладилар. Чунки рутбаси юксалган одамнинг турмуши ҳам мартабасига яраша бўлиши учун курашиш лозимлиги англаб етилди. Шунинг учун ҳам Дониш, Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил, Аваз сингари шоирлар ижодида “Ароба”, “Печ”, “Сайлов”, “Вексел”, “Танобчилар”, “Масковчи бой таърифиди”, “Тил”, “Гимназия хусусида”, “Виставка хусусида” сингари майший ва маърифий муаммолар акс этган асарлар пайдо бўлди. Аввалги вақтларда бу хил мавзулар деярли қаламга олинмасди. Уларга илоҳий ёки тасаввуфий мавзунинг бирор қиррасини ёритиш муносабати билан йўл-йўлакай дахл қилиниши мумкин эди, холос. Шу тариқа ўзбек маърифатчилик адабиёти юзага келди.

Жуда узоқ йиллар мобайнида Аллоҳ билан ижодкор шахс мулоқоти ифодаси бўлган адабиёт маърифатчилар даврига келиб ташвишларга тўла авомнинг тирикчилигига аралашадиган бўлди. Адабиёт одамлар турмушини яхшилаш учун курашиши кераклиги тушунилди. Ижодкор фақат Яратган ва кўнгли олдидагина эмас, балки жамият ва унинг аъзолари олдида ҳам ўзини бурчли сеза бошлади. Шунинг учун ҳам бадий адабиёт кўнгил навозишларини тасвирлашдан одамлараро муносабатларни адолатли ва турмушни фаровон қилиш тўғрисида қайғуришга ўтди. Шу йўсинда нафис сўз турмушнинг хизматкорига айлана бошлади. Мумтоз адабиёт учун бадий сўзнинг ўзи мақсад эди. Маърифатчилик адабиётида эса кўркам сўз халқ онгини оқартиш, унинг ҳаётини яхшилашнинг воситасига айлантирилди. Бу адабиёт илм-у маърифатга ижтимоий таназзул, иқтисодий қоқоқлик, ҳуқуқий тенгсизликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли сифатида қаради. Агар мумтоз адабиётнинг бош қаҳрамони комил инсон бўлса, маърифатчилик адабиётида маърифатли шахс бош қаҳрамонга айланди.

Кўринадики, янгиланиш ва ўзгаришларга унчалар мойил бўлмаган ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бу вақтга келиб дунё адабиёти таъсирига берилиш сезила бошлади.

Миллий илдизлардан узилиб ҳам кетмаган ва исломий қарашлар тизимидан воз кечмаган ҳолда ўзбек адабиёти жаҳондаги етакчи адабий-бадий, ижтимоий-фалсафий, эстетик-ифодавий қарашлар таъсирига берилиш босқичга кирди. Агар олдинлари адабиётда ташқи таъсирлардан қочилган бўлса, энди бундай янгиланишларга интилиш пайдо бўлди. Чунки оламни фақат исломий назар билан кўриш, тушуниш ва тасвирлаш етарли эмаслиги англаб етилди. Зеро, олам рангин, унинг бадий ифодаси эса янада турфа эди.

Бу давр ўзбек адабиётида публицистика, мақоланавислик сингари янги жанрлар, жамият ҳаётидаги сон-саноксиз муаммоларни акс эттиришга қаратилган янги мавзулар, ана шу муаммолар қўйнида фаолият кўрсатган оддий одамлардан иборат образлар тизими, шу образларнинг савиясига мос келадиган нутқ тарзи юзага келди.

Миллий адабиётимиздаги бундан кейинги барча ўзгариш ва янгиланишлар ана шу жаҳоний таъсирлар фонида кечмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳоний таъсирлар даври ўзбек адабиётини қуйидаги босқичлар тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади:

1. Ўзбек маърифатчилик адабиёти.
2. Жадид адабиёти.
3. Ўзбек совет (кенгаш) адабиёти.
4. Эгаманлик даври ўзбек адабиёти.

Ўзбек адабиёти тарихи мана шу хилдаги ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда даврлаштирилса, адабиёт тарихини тушуниш, изоҳлаш ва тадқиқ этиш янги сифат босқичига кўтарилиши мумкин.

БАДИЙ АСАРЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

Ахророва Шахло Ўринбоевна,
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти
катта илмий ходими, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори*

Аввалом бор, таъкидлаш лозимки, адабиёт ҳамиша маълум бир ғоя билан қурулланган ҳолда халқдан ҳар доим бир қадам олдиндан юрган. Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлиб у ўз даври руҳиятини акс эттирган, мавжуд тизимга нисбатан ўша давр иштирокчиларининг муносабатини шакллантирган, уларнинг руҳиятини ифодалаган, ўша даврнинг қадриятларига маълум даражада баҳо берган.

Бу ифодаларни нафақат маълум бир ижодкор асарларида, балки халқ оғзаки ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Айтайлик, агар қадимий ривоят ва афсоналаримизга мурожаат қиладиган бўлсак, Широқ, Тўмарис ҳақидаги афсоналарда ўша даврдаёқ икки дарё оралиғидаги серунум ерларга кўплаб босқинчиларнинг кўз тиккани-ю, аждодларимиз юрт тупроғини ор ва номуси қадар авайлаб келганини кўрамиз. Широқ ва Тўмарис ҳақида тўхталиб ўтиш шарт эмас, бунинг ҳаммамиз биламиз. Таъкидламоқчимизки, эрк ва озодлик ҳамиша ижтимоий-сиёсий қадрият сифатида барча халқларнинг ҳам ҳаётида муҳим ўрин тутган. Аслида ижтимоий муҳит тоқазоси билан қайсидир даврда, қайсидир маконда қайсидир ижтимоий қадриятлар олдинги ўринга чиқади. Кейинроқ эса, ижтимоий-сиёсий вазият, муҳит туфайли у ўз ўрнини бошқа ижтимоий қадриятга бўшатиб бериши мумкин. Масалан, яқинда бўлиб ўтган пандемия хавфи шароитида саломатлик қадрияти олдинги ўринларга чиқди. Россия-Украина муносабатларида тинчлик қадрияти олий ўринга кўтарилганини ижтимоий тармоқларда ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам кузатиб бораёмиз. Бу ижтимоий қадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга бўлса-да, уларнинг маълум ҳудудда қадр топишида миллий хусусиятлар

намоён бўлади. Мисол учун, эрк ва озодлик умуминсоний ижтимоий қадрият. Қуш қафасни истамагани каби, ўз эркидан, озодлигидан айрилишни истайдиган миллат ҳам, элат ҳам бўлмайди дунёда. Лекин уларга нисбатан ёндашувда миллатнинг ўзига хос характери намоён бўлади ва мана шу характер, миллий ёндашув ҳам қадриятга айланади. Яъни, бутун миллат табиатини, муносабатларини ифодаладиган миллий-ижтимоий қадриятлар ҳам бор. Бир ривоят орқали аجدодларимиз қандай муносабатларни қадриятга айлантирганликларига назар соламиз.

Айтишларича, бир ёш шаҳзода отасидан сўнг тахтга ўтирибди ва еру-мулки, қудратини оширмақ мақсадида ерлари серунум, қизлари чиройли, одамлари меҳнаткаш деб эшитган узоқ бир ўлкани босиб олишни режалаштира бошлабди. У ёнига отаси ёнида кўп жангу-жадалларда бўлган, моҳир лашкарбоши ва устозини чорлабди ва ниятини айтибди. Шунда устоз лашкарбоши аввал ўша юртга хуфя жўнатишни маслаҳат берибди ва қоғозга савол битиб, хуфялар мана шу саволга жавоб олиб келсинлар, дебди. Шаҳзода унинг айтганини қилибди. Хуфялар жўнаб кетишибди ва бир қанча вақт ўгач, қайтиб келиб, шаҳзода ҳамда лашкарбошининг қўлига жавобни тутишибди.

Лашкарбоши жавобларни ўқиб кўриб, “Йўқ, ҳукмдорим, сиз бу юртни ололмайсиз”, дебди бош чайқаб. Ҳукмдорнинг ғазаби қайнабди ва “бизнинг куч-қудратимизга шубҳангиз борми,” деб сўрабди.

“Йўқ, шохим, - дебди лашкарбоши бошини эгиб. – Аммо мана бу жавобга эътибор қилинг. Мен биринчи саволда бу юртга аجدодларга нисбатан муносабат қандай, деб сўраган эдим. Жавобга кўра, бу халқ аجدодларини ниҳоятда улуғлашар, қабрларини ҳамиша зиёрат қилиб, пок тутишар ва руҳларига тинмай дуо қилишар, ота-оналарининг ҳурматларини юксак даражада адо этишаркан.

Билингки, аждодини эъзозлаган юрт жонини берса беради, аммо ота-боболар ҳокини поймол қилдириб қўймайди. Иккинчи саволим – аёлга муносабат тўғрисида эди. Ёзишларича, улар аёлларни ардоқлашар, оилада унинг ўрнини юксак поғонага олиб чиқишган экан.

Аёлини ардоқлаган юртдаги эркаклар ҳеч қачон онасини бировнинг қўлида чўри, ёрини, опасини, синглисини бегана эркак қўлида асира бўлишига йўл қўймайди. Бу нарса уларда номус билан баробар. Номус эса ўлимдан қаттиқ. Демак улар охирги томчи қонлари қолгунча номус учун курашадилар. Номусли элни енгмоқ маҳол”.

Демак мана шу икки ҳолат, яъни аждодларга нисбатан эъзоз ва аёлларга нисбатан ардоқ бу юртда қадрият даражага кўтарилган. Эрк ва мустақиллик юксак ижтимоий қадрият саналган ҳолда, мана шу миллий қадриятлар, миллий қарашлар билан уйғунлаштирилган.

Худди шунингдек, қадриятга мутаносиб равишда ҳар бир даврда ҳар бир юртнинг ижтимоий-сиёсий муҳитидан келиб чиқиб, миллий ғоя юзага келади. Ҳар бир даврнинг ўз миллий ғояси бўлади. Айтайлик, Жалолиддин Мангубердиннинг юрагига ўт солган миллий ғоя - эрк ва озодлик бўлса, Соҳибқирон Амир Темур даврида элулусни бирлаштириш, “Куч-адолатда” эканлиги миллий ғоя даражасига кўтарилди. 19 аср охири, 20 аср бошларида эса юртимизда миллий маърифат масаласи эркинликка эришиш йўлидаги кучли восита сифатида ҳам ижтимоий қадрият, ҳам миллий ғоя даражасига кўтарилди. Жаидлар ҳаракатида ва қарашларида бу ғоя яққол намоён бўлди. Бу қадриятлар ва бу ғоялар, турган гап-ки, ўша даврнинг адабиётида ҳам акс этади, зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, адабиёт етакловчилик хусусиятига эга. Бошқача айтганда, маълум бир давр адабиёти ўша давр ғоя ва ҳаракатларининг адабий-бадий инъикоси бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ижтимоий муҳит, сиёсий-мафкуравий чекловлар таъсирида адабиёт ўз мустақиллигини йўқотиши ҳам мумкин. Бу эса миллат учун улкан фожеадир. Ҳатто Чўлпон ҳам 1925 йилда “Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни”, [1] деб ёзган эди.

Ғоялар ва қадриятларнинг акс этиши мисолида жаидчилик адабиёти намуналарига мурожаат қиламиз.

Аввало, таъкидлаш лозимки, жаидлар маърифат, илм олмоқни, шу билан бирга халқнинг онгу-шуурини ўзгартирмоқни, дунёқарашни ўстирмоқни жамият риво-

жидаги энг муҳим воситалардан бири, деб ҳисоблашган. Миллатнинг миллат сифатида бўй кўрсатиши эса шу миллат тилида яратилган адабиёт, адабий асарларга ҳам боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Мана шу даврда адабиёт мазмунан ҳам, шаклан ҳам янгиланди, деб иккиланмай айта олишимиз мумкин. Абдулла Қодирий замонавий ўзбек романчилигига асос солиб, ўзбек адабиётида катта бурилиш ясади. Театр драмасига асос солган адиб сифатида эса Маҳмудхўжа Беҳбудийни биламиз. Мана шу даврда лирик жанрда ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Назмда етакчилик қилиб келган аруз вазни ўрнига бармоқ вазни кириб келди. Бу вазн соддалиги, тушунарлиги билан содда халқ орасига кенгроқ кириб борди. Зеро, жадидларнинг ҳам мақсади “қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ чорасига” (Авлоний) [2] киришмоқ эди. Бармоқ вазнида гўзал шеърлар битила бошланди. Бу шеърларда энди фақат ишқ эмас, балки миллий уйғонишга, маърифатга оид ҳам мавзулар кўтарила бошланди. Шундай ижодкорлар сафида Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир, Абдулла Авлоний, Отажон Хошим, Мунаввар Қори, Рафиқ Мўмин, Элбек кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Ўша давр адабиётининг айримларига бўйланамиз. Масалан, Чўлпон ижодини олайлик. Бу ижодкор асарларига мурожаат қилмоқдан аввал, унинг қарашлари, чақмоқдай отилиб чиққан ғоялари тўғрисида ҳам сўз юритиш лозим, деб ўйлаймиз. Негаки, унинг қалбига оташ солиб, сўнг шеъриятида, насрий асарларида ана шу ғоялар акс этганди. У маърифат, илм олмоқ билан бирга адабиётга яқинлашиш – миллатни асраб қолиш йўли, деган ғояни кўтариб чиқади. У ғояни инсон ҳиссиётлар орқалиб қабул қилса, унга ўзгача муносабатда ёндашишини назарда тутиб, ўша ғояни, фикрни адабиёт орқали сингдириш масаласини кўтаради. Чўлпон мисол тариқасида бир ошнасининг вафоти тўғрисидаги хабардан унчалик куюнмаганини, аммо, мактуб орқали шеърий услубда “Гуллар била пок қайғули маҳзун боқурди, Кўз ёшларимиз тўхтамай тун-кун оқурди”, [3] дея келган бу хабардан қаттиқ таъсирланиб, бу йўқотиш билан боғлиқ қайғуни дилдан ҳис қилганини келтиради. У адабий асар

сифатида алланинг ҳам таъсири тўғрисида тўхталиб ўтади. Ҳатто аллада ҳам боболарнинг Қашғарга яёв бориб, тортган азиятлари тўғрисида сўзланади, бола оҳангдан лаззат олади ва уйқуга кетади, дейди у. Адабиётда миллий қадриятлар талқини алла мисолида инсон қалбига чуқур ўрнашишини таъкидлаб ўтади.

“Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат(турмуш) йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмағон(бўлмаган) ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур”,[4] дейди у ушбу мақоласида. Шунингдек, у халқнинг эзилган, омилигини адабиётдан йироқлигида ҳам кўради. “Бизлар эса адабиётдан лаззат олмак бир тарафда турсун, ҳатто боболаримиз ва болхоса «Ислом маданияти» замонинда катта рўл ўйнағон ва аларнинг маишатларин кўрсатган таърих умумийларни ўқуб англамоқдин ҳам кўб йироқ турамыз”, дейди у куйиниб ва қардошлар, адабиёт ўқийлик, дея даъват қилади.[5] Шунингдек у эрксизликдан азият чекаётган халққа “Бузилган ўлка” шеърида:

“Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳақи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?

Нега сенинг қалин товшинг “кет” демайди уларга?

Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?”

[6] дея, уларни уйғонишга даъват этса, “Кўнгил” шеърида:

“Кишан кийма, бўйин эгма,

Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..”,[7] деб бонг уради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий эса миллат тараққиётини дунёвий илмларни эгаллашда кўради. Аввало, эътироф этиш лозим-ки, Беҳбудий Туркистон жадидларининг раҳнамоси, етакчиси ҳисобланиб, ўзбек драматургиясига асос солган. У янги, замонавий мактаблар қуриш орқали, маҳаллий урушлардан ҳолдан тойган, энди мустамлакаликдан азият чекаётган халқни мустақиллик ғоялари билан қуроллантириш масалаларини илгари суради. Маълумки,

илмсизлик ҳамиша чорасизликни келтириб чиқаради. Аҳолининг маърифий қашшоқ ва турғун ижтимоий ҳолати подшолик Россияси учун айна муддао эди. Беҳбудий ўн саккиз ёшида, яъни 1893 йилдаёқ янги, замонавий таълим тизимини жорий этиш ғояси асосида “усули савтия”ни ташкил этиш таклифи билан генерал-губернатор Н.А. Розенбахга мурожаат қилади. Аммо ундан қониқарли жавоб оломайди ва Самарқанд, Бухородаги зиёлилар билан учрашиб, ўзи янги мактаблар ташкил қила бошлаган.

Беҳбудий 1913 йил “Самарқанд” газетасида чоп этилган “Эҳтиёжи миллат” мақоласида “Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур”.[8] Унинг адабий асарлари ҳам мазкур ғояларга асосланади. У асарларни саҳнага олиб чиқишни миллатнинг ўз юзини кўришига кўзгу воситаси сифатида қарайди. “Падаркуш” асарида илмсизлик, жоҳиллик қандай мусибатларга олиб бориши мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. “Теётр ибратномадур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойнадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб кар-қулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса: теётр ваъз ва танбиҳ эггувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аёнан кўрсатгувчидур”, дейди у 1914 йил ёзган “Теётр надир” номли мақоласида.[9]

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам қадрини ва аҳамиятини йўқотган эмас.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам ҳамфикрлари сингари, маорифни ислоҳ қилиш масаласини кўтарар экан, тарбияни миллат билан боғлиқликда кўради. Унинг асарлари қаҳрамонлари ҳам инсонийлик фазилатларида миллатга хосликни намоён қиладилар. Масалан “Туғишганлар севгиси” деб номланган ҳикоятида [10] укасини бўрилар ҳужумидан асраб қолиш учун ўз жонини қурбон қилган Ойхон мисолида халқимизда опа-укаларга хос бўлган меҳр-оқибат ришталарини кўрсатиб беради.

Халқимизда опа-сингиллар ҳамиша она билан қиёсланади. Ҳатто, “агар онангни соғинсанг, опанг ё синглингни кўргали боргил”, деган нақл ҳам бор.

Шунингдек, Мунаввар қори билим олиш билан бирга меҳнаткашлик ғоясини ҳам ўз асарларида тараннум этади.

“Кўзғолингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи,

Биз барчамиз ёш ишчимиз, ишхонамиз — мактаб боғи”, - дейди у “ялқовлик ёвимиздир” деб номланган шеърида.[11] Меҳнаткашлик азал-азалдан халқимиз ичида улуғланиб, қадрият даражасига олиб келинган. “Авесто”да айтилишича, зардуштийликда инсон... тинмай меҳнат қилган тақдирдагина, худонинг иноятига ноил бўлади.[12] Араб мамлакатларида дунёга келган ислом динини Ўрта Осиёда ривожлантирган алломаларимиздан бири Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ёзишича: “Дилинг Аллоҳда, қўлинг эса меҳнатда бўлсин”. Бу ерда ҳам Зардуштийлик таълимотидаги меҳнатни улуғлаш қадрияти миллий ва диний қадрият билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлганини кўришимиз мумкин.

“Ўзи ҳам тор эди”[13] шеърида эса миллий ўзликдан айрилмоқ кулгига олиб келиши тўғрисидаги фалсафий ишора бор. Бу шеърга кўра, бир кишининг дўпписи сувга тушиб оқиб кетади. У ҳар қанча югурмасин, дўппини тутолмайди, усти шалоббо, қўллари тирналгани қолади. Охири, “майли оқиб кетса, ўзи ҳам бошимга тор эди”, дея устидан кулганларга ялангбош қолганини хаспўшлайди. Аслида тор дўппи бошдан тушиб кетмайди. Уни бошдан олган киши ялангбош қолиши мумкин, яъни, миллийлигидан айрилган одам бошидан зарба еиши мумкин, деган ғоя ушбу шеърда илгари сурилган.

Шунингдек, сабоқ олишда миллий тарбиянинг устувор бўлиши лозимлигини уқтиради. Хусусан, у “тарбияли бола”[14] сабоғида “Тарбияли бола улуғларни иззат ва ҳурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўзидан кичикларға шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг қадрини билур. Ўзидан рози қилмоқға ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларға ёрдам берур... Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан

чиқмас. Ҳар ишда инсофни қўлдан бермас. Бировдан бир яхшилик кўрса, эсидан чиқармас. Қўлидан келмаган ишни устига олмас. Устига олган хизматини қилмай қолдирмас. «Миллат» деган сўзни жонидан ортиқ суяр», дея ўғит беради.

Хулоса қилганда, жадидлар адабиётида ғояларни аҳоли онгига сингдиришда бадиий асарлардан жуда кенг фойдаланилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён. Мақола. 3.Эргашева ва Н.Нуруллаев. <https://fledu.uz/wp-content/>.
2. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. “Маънавият” нашриёти, 2004 й. Б.-2.
3. Абдулҳамид Чўлпон. Адабиёт надир? <https://ziyouz.uz/>.
4. Абдулҳамид Чўлпон. Адабиёт надир? <https://ziyouz.uz/>.
5. Абдулҳамид Чўлпон. Адабиёт надир? <https://ziyouz.uz/>.
6. Чўлпон. Шеърлар. А.Навоий номидаги Ўз.Миллий кутубхонаси. Т.-2016. Б.-11.
7. Чўлпон. Шеърлар. А.Навоий номидаги Ўз.Миллий кутубхонаси. Т.-2016. Б.-22.
8. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.; “Маънавият”, 2006 й. Б.-200.
9. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.; “Маънавият”, 2006 й. Б.-175
10. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. “Маънавият”, н., Т.: 2003й. Б. 67
11. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. “Маънавият”, н., Т.: 2003й. Б. 36
12. Авесто. Н.Жураев масъул муҳаррирлигида. Ғ.Ғулум., Т. 2015й., 225-232 бб.
13. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. “Маънавият”, н., Т.: 2003й. Б. 35
14. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. “Маънавият”, н., Т.: 2003й. Б. 77

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЙ СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ ТАЖРИБАЛАРИ

Хуршид Серобов,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институту кичик илмий ходими*

Мустақиллик йилларида аждодлар номини абадийлаштириш ва уларнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш масаласи кун тартибига кўтарилди. Собиқ тузум даврида бирёқлама талқин этилган аждодларимиз номи оқланди, уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш қадрият даражасига кўтарилди. Ушбу жараённинг бош лейтмотиви вазифасини адабиёт бажарди, бундай ўринда тарихий ҳақиқат тушунчаси бадиий ҳақиқат билан уйғун ёки фарқли келган жиҳатлар ҳақида гапириш лозим бўлади. Лекин тарихий шахслар ҳақида яратилган адабий асарларнинг бош мақсади – тарихий шахсларнинг ибратли ва шонли ҳаёт йўли, ижодини, маънавий портретини халқимизга танитишдан иборат бўлди, десак, янглишмаган бўламиз. Алишер Навоий ўзининг фаолияти ва олижаноб инсоний фазилатлари билан ҳаётлиги вақтидаёқ жуда катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлган. Шунинг учун унинг ҳаёти, фаолияти, илмий ва адабий меросини ўрганиш, шахсий фазилатларини ёритиш, унга баҳо бериш, уни ибрат-намуна сифатида эътироф этиб кенг тарғиб этиш ўша вақтдан, яъни XV асрнинг иккинчи ярмидан бошланган.

Алишер Навоий сиймоси инсоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумот берувчи манба бу, шубҳасиз, улуғ шоирнинг ўз асарларидир. Шоир гарчи ўз таржимаи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, лекин Навоийнинг деярли барча асарларида унинг шахсияти, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида муайян фикрлар келтирилади. Хусусан, “Вақфия”, “Муншаот” асарларида улуғ шоирнинг ижтимоий фаолияти акс этса, “Мажолис ун-нафоис”, “Хамса”, “Муножот”, “Хазойин ул-маоний” каби асарларида шахсий ҳаёти, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”,

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” каби асарларида шоир қаламига мансуб баъзи асарларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин.

Ўтган аср давомида ва мустақиллик йилларида ўзбек адабиётида ҳам Алишер Навоий маънавий портретини яратишга жиддий уринишларни кўришимиз мумкин. Навоий сиймоси хусусида адабиётнинг учала турида ҳажман ҳам, маъно томонидан ҳам турли даражадаги асарлар яратилди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган йирик шеърий асарлар қаторига Барот Бойқобиловнинг “Сокин Хуросон”, “Нотинч Хуросон”, “Шукуҳли қарвон”, “Қонли Хуросон” ва “Ҳайратул-Аҳрор” шеърий романларини киритиш мумкин. Ушбу асарлар шеърий йўлда ёзилган бўлишига қарамай, Алишер Навоий маънавий портретини яратиш йўлида жиддий ва салмоқли уринишлардан бири бўлди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек “Навоий” номли поэма ёзди. Ушбу асар кейинчалик Ойбекнинг Навоий ҳаётига бағишланган йирик насрий асарларига “хамиртуруш” вазифасини ўтади. Булар: “Алишернинг болалиги” қиссаси ҳамда “Навоий” романидир. Ойбекнинг ушбу романида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт ва мураккаб сиёсий воқеалар акс эттирилган. Ойбек бу асарнинг яратилиши ҳақида ўз таржимаи ҳолида қуйидагича ёзган эди: «Навоий образи менинг кўпгина лирик шеърларимда пайдо бўлди ва ниҳоят, 1942 йилда «Навоий» романини тамомладим». Бу асар турли муҳокамалардан сўнг 1944 йилда нашр этилган. Ойбек бу романда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, Алишер Навоий образини яратади. Шунингдек, бутун умри давомида тарихий асарлар ижод қилган ёзувчи Миркарим Осим Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзловчи “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарвешали”, “Бадарға”, “Навоийнинг хислатлари”, “Улуғбек ва Навоий” каби ҳикоялар ёзади. Кейинчалик Алишер Навоийнинг болалиги ҳақида “Зулмат ичра нур” номли қиссани яратади. Миркарим Осим тарихий ҳикоялари

тарихий манбалар асосида ёзилган ва бадиийлаштирилган асарлардир. Муаллиф асарда бадиий тўқималарга кенг ўрин бермайди. Тарихчи ўлароқ, воқеани бадиият билан ҳикоя қилиб беради. Ўтган асрда яратилган тарихий романларда биз бадиий тўқимага кенг ўрин берилганига гувоҳ бўламиз. Бадиий ҳақиқат тарихий ҳақиқатга зид келмаса, асарнинг қизиқарлилигини оширади. Тарихий-биографик кўринишдаги “Зулмат ичра нур” асарида Миркарим Осим Алишер Навоийнинг болалиги манзараларини бадиий йўсинда акс эттириш орқали улуғ ижодкорнинг маънавий-руҳий қувватининг илдизини топишга ҳаракат қилади ва буни ўқувчига тақдим этади. Ёзувчи Омон Мухтор ўтган аср охирида “Ишқ аҳли” номли роман ёзиб, бу асарда Навоий сиймосини архитектор йигит нигоҳи орқали бадиий талқин қилади. Ушбу асарлар Навоий сиймоси ҳақида турли даражада тасаввур беради, ўқувчининг Навоий ҳақида тасаввурини чегаралаб қўймайди. Биз ўрганишни мақсад қилган жиҳат эса ўзбек драматургиясида Навоий образининг акс эттирилиши масаласидир.

Қолаверса, ўтган асрда Навоий сиймосини экран санъатига кўчириш йўлида ҳам маълум бир ижодий ишлар амалга оширилди. Бу 1947 йилда кинорежиссёр Комил Ёрматов томонидан суратга олинган Алишер Навоий ҳаётига бағишланган “Алишер Навоий” тарихий-бадиий фильмидир. Фильмга маълум маънода Иззат Султон ҳамда Уйғун томонидан ёзилган “Алишер Навоий” драмаси асос бўлиб хизмат қилган. Тарихий кинокартинанинг сценарийсини Иззат Султон, Виктор Шкловский, Алексей Спешнёв ҳамда Уйғун ҳаммуаллифликда ёзишган. Фильм сюжетига кўра, Алишер Навоий шахзода Ҳусайн Бойқаро билан талабалик давридан бери дўст бўлиб келади. Тахтга ўтиргандан сўнг, Алишер Султон Ҳусайнга давлатни бошқаришда ёрдам беради. Муваффақиятли урушлар давридан сўнг, нотинчлик юзага келади. Кўп ўтмай, Султоннинг қариндоши шахзода Ёдгор исён кўтариб, тўғонни бузиб ташлайди ва деҳқонларни сувдан маҳрум қилади. Жанг олдидан вазир Мажидиддин Ватанга хиёнат

қилади, аммо Алишер ўйлаган жанг тактикаси туфайли жангда Бойқаро ғалаба қозонади. Тез орада Ёдгор Ҳирот қалъасини эгаллайди. Ҳусайн ўз дўстининг - вазирнинг маслаҳатига амал қилиб, қўшинни жалб қилиш фикридан қайтади. Ёдгор исёни бостирилгани билан мамлакатдаги тинчлик барқарорлашмайди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар Ҳиротда солиқ тўлашни тўхтатадилар ва қуролланиб, шаҳар дарвозаларини ёпадилар. Ҳусайн Бойқаро дастлаб шаҳарни зўрлик билан олишга қарор қилади, аммо бунинг ўрнига Алишерни адолат ўрнатиш мақсадида қалъага юборади. Навоий вазиятни изга туширади. Аммо беклар Ҳусайндан Алишерни ўз вазифасидан олиб ташлашни талаб қилишади. Сўровни бажариш учун Гули исмли қизни Султонга совға сифатида олиб келишади. Алишер Гулига бўлган муҳаббатини Ҳусайн Бойқаро олдида очиқ ва ошкора тан олади, уни ўзи билан бирга қўйиб юборишини сўрайди. Йўлда Гули вазир берган заҳардан вафот этади. Алишер ёлғиз яшайди ва қариганида Ҳиротдаги ҳовлисига қайтади. Фильм қизиқарли интригалар асосига қурилган. Алишер Навоий ролини таниқли актёр Раззоқ Ҳамроев ижро этган бўлса, Ҳусайн Бойқаро ролини Асад Исмамов ўйнаган. Ушбу фильм ҳозирча Алишер Навоий ҳақида яратилган ягона ўзбек фильми бўлиб турибди. Гарчи Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида кўплаб ҳужжатли фильмлар ишланган бўлса-да, кенгроқ миқёсда тўла метражли бадиий фильм ва сериал яратилишига эҳтиёж бор. Чунки экран санъати бугун оммабоплиги билан санъатнинг бошқа турларидан яққол ажралиб туради. Навоий шахсини яқиндан танитиш учун экран санъатига мурожаат қилиш ижобий самара беради.

Ўзбек шеърляти Навоий ижодидан улкан маънавий қувват олган, десак муболаға бўлмайди. Навоий ҳақида энг кўп ёзилган адабий тур ҳам шеърлятдир. Ҳар бир ўзбек шоирининг Навоий ҳақида шеъри, Навоий ҳақида ўз айтар сўзи бор. Жумладан, юқорида тилга олганимиз Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг ҳам Навоий ҳақида битган шеърляри шоирнинг маънавий қиёфасини,

ижодий аъмолини акс эттириб бера олган. Абдулла Орипов “Оқ от” номли шеърида Навоий ҳаёти билан боғлиқ бир ҳикоятни тилга олади:

Навоий “Хамса”ни тугатди ёзиб,
Қутлашга йиғилди аркони давлат.
Бойқаро айрича ҳурмат кўргазиб,
Оқ отин минишга айлади даъват.
Лекин узр, деди шоири даврон,
Эҳтимол бу ҳолни кибр деб билди.
Шунда секингина лутф этди Султон:

- Буни отнинг ўзи илтимос қилди. [1:152]

Қолаверса, Абдулла Ориповнинг ёшлик йилларида ёзган “Алишер” шеъри ҳам ҳар томонлама мукамал ижод намунаси бўлиши билан бирга Ҳазратга нисбатан чексиз муҳаббат кўриниб туради.

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, —
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.

Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот. [1:155]

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбек Навоий ўқимай қўйса” номли шеърида Навоийнинг кадр-қиммати, ундан айро бўлиш миллат учун қандай оқибатларга олиб келиши юмористик руҳда таҳлил қилинади.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.

Маърифатдан айри ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.

Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,

Пайтаваннинг салла бўлгани шудир. [2:114]

Дарҳақиқат, ўзбек тарихи ва адабиёти пешонасига иқбол бўлиб битилган Навоий деб аталмиш улкан ҳодисанинг таъсири салкам олти асрдан буён миллат учун “бемисл ганж” бўлиб келмоқда. Аммо бу “ганж”дан беҳабарлик, беъэтиборлик шу халқнинг ютқизиғи бўлиши шубҳасиздир. Эркин Воҳидов шеърининг охириги мисралари халқни уйғоқликка чорлайди:

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг «Баракалла» бўлгани шудир.

Оламга Навоий наслиман деган

Овози баралла бўлгани шудир... [2:114]

Алишер Навоий ровий сифатида иштирок этган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлар ҳам ёзилган. Ушбу асарлар муаллифи Шамсиддин Шарофиддин ўғли Хуршид (1892-1960) жаҳид маърифатпарварларининг фаолларидан, театр санъати айниқса Ғулом Зафарий қаторида ўзбек мусиқали драма жанрини қарор топтиришда хизмати беқиёс фидоийларидан эди.[11:1] Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” пьесалари “Ҳалима” билан бирга саҳнада мусиқали драма талқинларига асос солган асарлар эди. “Лайли ва Мажнун” бизда миллий мусиқали драма яратишга ҳавас уйғотган, туртки бўлган йўл бошидаги илк саҳна асаридир. Бу ҳавас машҳур озарбайжон актёри ва режиссёри Сидқи Руҳиллонинг 1917 йили Тошкентга ижодий сафари даврида намоиш қилинган “Лайли ва Мажнун” спектаклидан бошланади. 1916 йили, навбатдаги сафар давомида “Лайли ва Мажнун”да “Турон” театри артистларининг Сидқи Руҳилло жамоасига қўшилиб роль ўйнаши билан давом этди. Алишер Навоий асарларига ихлос қўйган Хуршид 20-йилларнинг бошлариданоқ севги ва садоқатни, дўстлик ва меҳнатни улуғлаган “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмасини ёзади. Асар биринчи марта 1922 йилда Тошкентда, Колизейда саҳналаштирилади. 1929 йилда эса “Фарҳод ва Ширин” драмаси Ҳамза номли театрда Маннон Уйғур томонидан саҳнага қўйилган. 1940 йилда эса Хуршиднинг “Лайли ва Мажнун” пьесаси Глиэр ва Т.Содиқов томонидан операга айлантирилди. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” ўзбек саҳнасида мусиқали драма дostonчилиги – севишганлар романтик қиссасини жорий этиб, шу йўналишга йўл очади.

Ўзбек драматургиясида Навоий образи масаласи насрий ва шеърий асарларда гавдаланган Навоий ҳақидаги тасаввурларимизни қайсидир маънода давом эттиради ва тўлдиради. Уйғун ҳамда Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” деб номланган беш парда, ўн кўринишли драмаси,

Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” деб номланган беш парда, ўн кўринишли тарихий драмаси, Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” деб номланган икки парда, ўн икки ҳолатдан иборат тарихий драмаси, Комил Авазнинг “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” номли беш кўринишли мусиқий драмаси, Восит Саъдулланинг “Хуросон юлдузи” драматик поэмаси, Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” номли бир парда, саккиз кўринишли драмаси, ёш томошабинлар учун етти кўринишли “Алишербек ва Хусайн” тарихий пьесаси воситасида ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образининг турлича бадиий талқини яратилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, нафақат Алишер Навоий маънавий портрети, балки, биринчи ва иккинчи ренессанс даври мутафаккирларининг маънавий сиймолари, уларнинг қилган ишлари, ижодий ғоялари моҳияти акс этган асарлар бугун ҳар доимгидан кўпроқ яратилиши лозим. Шундагина биз уларни фақат номи билан эмас, балки, қилган ишлари ва асарлари билан ёшларни яхшироқ таништира оламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги давлат нашриёти, 2000. - 432 б.
2. Эркин Воҳидов. Сайланма. Умрим дарёси. 3-жилд. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2001. – 271 бет.
3. Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 6-сон, 2016.
4. Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.
5. Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 6-сон, 2016.
6. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 12-том. Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1978. – 440 бет.
7. Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
8. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. Т.: «Шарқ» нашриёти, 2020. - 624 бет.
9. <https://kh-davron.uz/>

«МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ КИЧИК БОЛАЛАРНИ БАДИЙ АДАБИЁТГА ЙЎНАЛТИРИШ»

Мухаммаджон Азимов,

*Ижтимоий маънавий тадқиқотлар
институтини мустақил тадқиқотчиси*

Мактабгача ёшдаги болаларда адабиётга бўлган мухаббатни шакллантириш - уларни ёшлигидан эзгулик, ватанпарварлик, шарқона тарбия ҳамда баркамол авлод қилиб вояга етишида асосий дастурил амал вазифасини ўтайди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёга нисбатан тасаввурлари бой ва улар ранг-баранг тасаввурга эга бўладилар. Бу ёшдаги болалар томонидан бадиий асарларни қабул қилиш, турли хил оҳангларни илғаб олиш, уларга муносабат билдириш, адабий асарлар қаҳрамонларини имконият даражасида таниб олишига кўмаклашиш ҳамда шу қаҳрамонлар ҳақида тасаввур уйғотишда тарбиячи томонидан турли хил метод ва усулларнинг тўғри танланиши муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун боланинг ёш жиҳатларини ҳисобга олиб болалар учун кичик шаклдаги шеърят, яъни: фольклор ва муаллифлик шеъряти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, болаларга бош қаҳрамонлари болалар, ҳайвонлар бўлган, ўйинли ва маиший вазиятлар баён қилинган асарлар жуда қизиқарли ва самараси юқори ҳисобланади. Бола катталар билан биргаликда маталлар ва шеърлар сюжетлари асосида иштиёқ билан ўйинлар ташкил қилади, у товуш тақлидига ва фольклор йўналишидаги бир маромдаги такрорлашларга қулоқ тутаяди ҳамда уларга тақлид қилади, сабаби болаларда бу ёшда тақлид қилиш қобилияти жуда баланд ва болани ушбу жараёнга бўлган қизиқиши ўта юқори бўлади.

Бола адабий асарларда баён қилинган воқеаларни жуда жиддий қабул қилади. Ўзига ёқиб қолган эртакни бир неча марта эшитишга ҳам тайёр бўлади ва ўн ёки юз марта

ҳам кўриши ёки эшитиши мумкин. Унинг қаҳрамонларини иллюстрациялар ва ўйинчоқларда хурсанд бўлиб таниб олади, ҳар гал эртақнинг бахтли якунини берилиб кутгани ҳолда сюжет ҳаракатларининг одатдаги кетма-кетлигини синчковлик билан кузатиб боради. Илк ёшдаги болаларга ўқиб бериладиган асарлар доирасини, асосан, ўзбек фольклори асарлари ташкил қилади. Улар энг яхши тарзда илк ёшдаги болалар эҳтиёжларига мос келади, чунки, у сўз, оҳанг, мусиқа ва ҳаракатни ўзида жамлагандир.

Тарбиячи ва ота-оналар томонидан болага бадий адабиётни тарғиб қилиш орқали куйидаги вазифалар амалга оширилади:

- болага сўз санъати оламини очиш;
- китобга қизиқиш ва меҳрни, мутолаа қилиб берилган китобни тинглаш ва тушунишни, ҳаёлий воқеаларга эмоционал муносабат билдиришни, қаҳрамонлар ҳақида қайғуриш ва «уларга ёрдамлашиш» ҳиссини тарбиялаш;
- болаларни бадий ривожлантириш.

Мактабгача бўлган таълим-тарбия жараёнида амалга оширилувчи вазифалар уларни адабиёт оламига олиб кириш ва унинг рангоранг оламида меҳр-муҳаббатни шакллантириш орқали уларни келгуси таълим жараёнига тайёргарлик учун замин ҳозирлашга имкон яратади.

Бу амалга ошириладиган ишлар аввало уларни янги ўқув даврида яхши ўқувчи сифатида шаклланишига, дарс жараёнларида эътибор билан иштирок этиш, тенгдошлари орасида ўзини тутиши, шу билан биргаликда ўқиш қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашади. Болаларни эртақ ва шеър матнларига мос келувчи ўйин ҳаракатларини бажаришга ўргатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Болалар ёшлигиданоқ халқ асарлари, ўйинлари, қўшиқлари, шеърлар ва оҳанглар мусиқийлигини ўрганиши бадий адабиётнинг ранг-баранг дунёсига етакловчи йўл ҳисобланади. Бу орқали болада эмоционал муносабатлар тарбияланиб боради. Яхшилик, эзгулик, ота-онага меҳр-муҳаббат, Ватан ҳимояси каби уларнинг юрагини жумбушга келтирувчи ғояларни ёшлигидан сингдириб боришга

хизмат қилади. Болаларга адабий асарларни кўп марталаб ўқиш ва ҳикоя қилиш уларнинг қаҳрамонларини таниб олишида ёрдам беради.

Боланинг шеърлар ва эртакларга бўлган қизиқишларини шакллантириб бориш жараёнида уларни тез ва самарали ёдлаб олиши учун мақтов ва рағбат усулларида тарбиячи педагоглар мунтазам равишда фойдаланиб бориш яхши самара бериши мумкин.

Боланинг эртак қаҳрамонларини тасаввур қилиш жараёнида энг қўл келувчи усул бу - “иллюстрация” усулидир. Иллюстрация (лот. *illustratio* — ёритиш, кўргазмали тасвирлаш) — тасвирий санъатнинг адабий асар (китоб, журнал, газета) нинг образли талқини билан боғлиқ. Бу усул боланинг эртак қаҳрамонларини тасаввур этиш жараёнини кучайтириб беради. Бола эртак қаҳрамонларини таниб олишга, эртак мазмунини тушунишга савол бериш орқали эришади. Масалан:

Тарбияланувчи: - “Типратикан қандай бўлади?”

Тарбиячи: - “Типратиканми? Унинг ўткир найзачалари булади. Бурни узун, тўртта оёқли, ҳашоратлар билан озикланади”.

Болалар саволлар ва уларга олган жавоблари орқали дунёни англайди. Бу эса бола саволига тарбия иштирокчилари тўлиқ ва тўғри жавоб бериши кераклигини англатади. Ноаниқ ёки хато маълумотлар болани келажакда чалғитиши мумкин. Бундан ташқари доимий равишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиб бориш, бу кўргазмали қуролларга расмлар, шеърлар, эртаклар қаҳрамонлари тасвиридаги қўғирчоқлар киритилиши керак. Тарбияланувчилар билан ишлаш жараёнида тарбиячи томонидан болани илк ёшдаги болалар учун махсус chop этилган (ранг-баранг, йирик суратли, муқоваси қаттиқ ва ювиладиган) китоблардан мустақил равишда фойдаланишни аста секинлик билан ўргатиб бориш лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш болаларда адабий асарларни эстетик қабул қилиш қобилияти ва маҳоратини тарбиялаш, уларда бадиий-нутқий фаолиятни

ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Илк ёшдаги болалар билан бадий адабиётга йўналтириш ишлари, педагогик ишлар мазмуни ва шартлари қандай ташкил этиш керак? Тарбиячи бадий асарни ўқиш ёки ҳикоя қилиш жараёнига у худди ана шу воқеалар томошабини ёки иштирокчиси сифатида ўзини тасвирлаши - тутиши керак. Тарбияланувчиларни эртак иштирокчисига айлантириш ҳам фойдали. Айниқса этибори бошқа нарсга чалғиётган болаларни. Бу уларнинг диққатини жамлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, илк ёшдаги болаларга бадий адабиётни таништириш жараёнида уларда билиш ва нутқий қобилиятларини ривожлантириш зарур. Бунинг учун болаларга барча нотаниш сўзлар маъносини дарҳол тушунтириб бериш, образли тавсифлаш ёхуд у ёки бу эртакдан келиб чиқадиган маънони ўз сўзлари билан айтиб беришга йўл бериш керак. Бу улар ўз фикрларини келажакда эркин ифодалай олишларига ҳам хизмат қилади. Яна болада билиш қобилиятини ривожлантиришни катталарнинг ҳикоя ёки китоб ўқишларини диққат билан тинглашини таъминлаш, таниш асарларни эса эсда сақлаб қолиб, уни такрор тинглаганда эртак, ҳикоя, иллюстрация, ўйинчоқлар орқали эртак қаҳрамонлари ҳақида ўзи айтишига йўл қўйиб бериш орқали ҳам амалга оширсан бўлади. Бунда бола асарлар, ўйинлар, шеърлар мазмунини сўз, имо-ишора, ҳаракат орқали тасвирлаб, сўзни ва таниш шеърлар қаторларини билиб олиб, уларнинг айримларини ёддан айтиб бериш жиҳатини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш усул ва методлари орқали таъминлаш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки ёш авлодни тарбиялашда, уларда Ватанга бўлган меҳрни шакллантиришда бой адабий меросдан тўғри фойдаланиш керак. Уларни болалар қалбига жойлаш, ватанпарварлик ғояларини сингдириш орқали баркамол авлодни тарбиялашни мақсад қилиб олиш лозим. Азал-азалдан халқимизнинг ижодий мероси илм-фан ютуқлари, меҳнатга бўлган баланд рағбати, ўзининг юксак маънавияти, имон-эътиқоди, миллий ғурури ҳамда умуминсоний

кадриятларга йўғрилган гўзал одоб-ахлоқи билан барчага ибрат бўлиб келган. Шундай экан, беғубор болаларимизни, зурёдларимизни яратилаётган шароит ва имкониятлардан ўз вақтида оқилона фойдаланиб, Ватанимиз равнақи, халқимиз юксалишига ҳисса қўшадиган фарзанд қилиб тарбиялашдек маъсулиятли вазифада сусткашликка йўл қўймаслигимиз шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Д.Асқарова. “Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш методикаси” Тошкент.: 2020й.
2. Д.Р.Бабаева. “Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси” Тошкент.: 2018й.
3. “Мактабгача педагогика” Тошкент.: “Тафаккур” 2019 й
4. Ziyo.net

**САЙФИЙ БУХОРИЙНИНГ “АРУЗИ САЙФИЙ”
АСАРИДА ШАРҚ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИГА ХОС
МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ**

Мирзаев Хайём Тошқулович

*Самарқанд давлат университети, филология
факултети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори*

XV аср шарқ адабиётининг мисли кўрилмаган даражада ривожланишига азим Бухоро шаҳридан етишиб чиққан бир қатор истеъдод соҳиблари ҳам ўзларининг адабий мероси билан муносиб ҳисса қўшганликлари диққатга сазовордир. Тазкиралар ва тарихий асарларда Бухоро фарзандларининг ўша давр адабий муҳотида ёрқин из қолдирганликлари атрофлича кўрсатилган. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг “Мажolis-ун-нафоис” тазкирасида Бухорода туғилиб ўсган ва кейинчалик турли адабий марказларда фаолият кўрсатган ижодкорларнинг муносиб ўрни борлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Навоий ўз тазкирасида Хожа Исмаил Бухорий, Хаёлий Бухорий, Мавлоно Кавсарий, Сайфий Бухорийлар ҳақида ниҳоятда илиғ сўзлаб, уларнинг ижод маҳсулига муносиб баҳо берган, адабий жараёндаги улушларини таъкидлаб ўтган. Бу тарихий сиймолар орасида ўзининг бадиий ижод намуналари ва илмий-назарий рисоалари билан XV аср маънавий меросини янада бойитган ҳамда Навоийнинг диққатини ўзига қаратган, унинг мақтовли сўзларига сазовор бўлган ижодкор – Сайфий Бухорийни алоҳида мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Навоий Сайфий Бухорийни замонасининг ёш истеъдодли шоирларидан бири сифатида таништириб, шеъри тез орада шуҳрат қозонганлиги, масал тариқида бағоят яхши шеърлар айтганлиги, санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латофатли назм қилганини ва бу тариқда мухтареъ эканлигини ҳамда муаммо фанида рисола битганини таъкидлайди, унинг ижод намуналаридан мисоллар келтиради. [3,340] Навоийдан кейин Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”

асарида, Абдуллоҳ Кобулий “Тазкират ут-таворих” номли тазкирасида Сайфий Бухорийнинг иккита шеърий девони ҳамда аруз, муаммо ва мусиқа илмларига оид рисолалар яратганини эслаб ўтадилар. Сайфий Бухорийнинг бизгача етиб келган асарлари орасида “Аруз” рисоласи ўзининг илмий ва адабий жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асар XV аср форс-тожик арузшунослигининг муҳим масалаларига бағишланиб, манбаларда “Мизон ул-ашъор”, “Аруз”, “Арузи Сайфий”, “Рисолаи Сайфий” номлари билан тилга олинган.

Таниқли шарқшунос олим Абдулғани Мирзоев ўтган асрнинг 50 йилларида ёзилган ўзининг “Сайфий Бухорой ва мавқеи ў дар таърихи адабиёти доираҳои ҳунармандӣ” номли мақоласида “Арузи Сайфий” ҳақида қисқача тўхталиб, унинг қўлёзма нусхалари қайси давлат кутубхоналарида сақланаётганлиги ва бу асарни ўрганиш долзарб масала эканлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф мақоласида Сайфийнинг маълумотларига таяниб мазкур асарни 1491 йилда яратилганлигини исботлайди. [1, 276-284].

Абдулғани Мирзоевнинг тадқиқотидан яна шу маълум бўладики, Сайфийнинг “Арузи Сайфий” рисоласи 1867 йили шарқ мумтоз поэтикасининг тадқиқотчиси – Ҳенри Блочман томонидан Калкуттада нашр этилган ва 1872 йили шу олим томонидан инглиз тилида таржима қилинган [1,278]. Арузшунос олима Дилнавоз Юсупованинг “Аруз илми ва ғарб тадқиқотчиси («Арузи Сайфий»нинг инглиз тилига қилинган таржимаси хусусида)” номли мақоласида Сайфий асарининг ғарбда танилишида немис олими Ҳенри Блочманнинг хизмати ва сай-ҳаракатлари атрофлича ёритилади ва қуйидаги хулосага келинади: “Умуман олганда, Сайфий Бухорий қаламига мансуб “Арузи Сайфий” асарининг немис шарқшуноси Ҳенри Блочман томонидан амалга оширилган инглизча таржимаси ва шу асосдаги шарҳ, талқин ва таҳлилларини ўрганиб чиқиб, айтиш мумкинки, Блочман Сайфийнинг “Арузи Сайфий” асарида Европа талабалари учун мусулмон Шарқи шеършунослигининг ажралмас қисми саналган арузни

ўргатишда қўлланма сифатида фойдаланган ва рисола-ни шу мақсадда таржима қилган” [8,187].

Сайфийнинг “Арузи Сайфий” рисоласи мумтоз поэтикага доир рисола-лардан фарқли ўлароқ, ўзгача услубда бўлиб, унда даставвал, қоидалар, атамалар муфассал, босқичма-босқич тушунтириб борилади, сўнг аруз бахрлари ва доираларига мурожаат қилинади. Таъкидлаш жоизки, Сайфийнинг асари содда ва тушунарли бўлганлиги боис яқин-яқингача Шарқ мадрасаларида ундан қўлланма сифатида фойдаланиб келинган.

“Арузи Сайфий” форс тилига яратилган бўлиб, кириш ва 112 кичик боблардан иборат. Асарнинг кириш қисмида муаллиф унинг вужудга келиш сабабини ўқувчиларга қисқача айтиб ўтиб, фаслларда шеър ва шоирликнинг моҳияти, бу сўзларнинг луғавий маъноси, аруз илмининг келиб чиқиш тарихи, ўрганиш қонун-қоидалари, бахр ва доиралари ҳақида батафсил маълумот ҳамда шарҳлар келтиради.

Рисоланинг биринчи фаслида “Шеър ва шоирлик” [5,1] масаласи ўрганилган. Сайфий шеър истилоҳига таъриф берар экан, форс-тожик адабиётида илк қасида ёзган шоир сифатида Рўдакийнинг номини тилга олади ва унинг “Бўи чўи мўлиён” (“Мўлиён ариғининг ҳиди”) ҳақидаги машхур қасидасини келтиради. Асарнинг иккинчи фаслида “Аруз илмининг ўрганилиш сабаблари, унинг вужудга келиш даври, асосчилари ва “аруз” истилоҳининг турли маънолари” ҳақида тўхталиб ўтилган.[5,2] Жумладан, Сайфий аруз илмини ўзлаштиришнинг қай даражада илм ва адаб аҳли учун керак эканлиги ҳамда фақат уни ўзлаштириш йўли билан шеър айтиш ёки шеърни тушуниш мумкинлигини шундай уқтиради: “Мизони шеър ба илми арўз маълум мешавад. Пас ҳар кас, ки дар боби шеър дахл мекунад, хоҳ ба гуфтани шеър хоҳ ба шинохтани он бар ў лозим бошад, ки арўз бидонад. Ва бидон, ки истихрожи илми арўз Халил ибни Аҳмади Басри раҳматуллоҳ кардааст” [5,2]. (Таржимаси: Шеър вазни аруз илми ёрдамида аниқланади. Демак, ҳар кимки, хоҳу шеър айтиш ниятида бўлса, хоҳ шеър

моҳиятини тушуниш истагида бўлса, олдин аруз илмини ўрганиши шарт. Билгинки, аруз илмининг асосчиси Халил инб Аҳмад Басрий раҳматуллоҳдир).

Сайфий кейинги бобларда шеър вазнининг кичик бўлаклари: сабаб, ватад, фосилани батафсил тушунтириб, улардан ҳосил бўлувчи турли вазнлар, баҳр ва доиралар тадқиқига киришади. Айтиш жоизки, асарнинг асосий қисмини баҳрлар ва доиралар таснифи ташкил этади. Баҳрлар улар мансуб бўлган доиралар кетма-кетлигида келтирилади. Шу маънода Сайфийнинг “Арузи Сайфий”ида 19 та баҳр тавсифланганлигини кузатиш мумкин. Сайфий рисоласининг бошқа замондошлари томонидан яратган арузга оид рисоаларидан фарқи шундаки, у ажам шеъриятига хос 14 та баҳр: Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Мунсариҳ, Музореъ, Муқтазаб, Мужтас, Сариъ, Жаид, Қариб, Хафиф, Мушокил, Мутақориб, Мутадорик баҳрларини келтириш билан чекланиб қолмай, балки араб шеъриятига хос 5 та баҳр: Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил баҳрларини ҳам шарҳлаб, форс-тожик шеъриятида уларнинг қай даражада ишлатилиши ҳақида шеърий мисоллар ва далиллар келтиради.

Агар эътибор берсак, Сайфий Араб ва Ажам шеъриятига хос 19 баҳр номини келтира туриб, уларни XV аср арузшунослиги нуқтаи назаридан таснифлайди: “Ва аз ин нуздаҳ баҳр панҷ баҳри аввал, яъне: Тавилу Мадиду Баситу Вофиру Комил хоссаи арабанд ба ин маънӣ, ки шуарои аҷам аз форсию туркигўён дар он бухур шеър камтар гўянд аз чиҳати он ки агар гўянд, номатбўъ ояд.”[5,44] (Таржимаси: Бу ўн тўққиз баҳрдан бештаси яъни: Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил араб шеъриятига хос баҳрлар саналади, шу маънодаки, Ажам шуаросидан форс ва туркий тилда ижод этадиганлари бу баҳрларда жуда оз шеър айтадилар, нимагаки, агар айтсалар табъга яқин келмас).

Сайфий давр шеъриятини кузатар экан, ундаги баҳрлар ва вазнларга жуда нозик дид билан қараб, қайси вазнда дилга яқин шеърларнинг вужудга келиши-ю, қайси вазнлар форс ва туркий тилининг фонетик қонун-қоидаларига мос

келмаслигини илмий асослаб беради. Унинг бу масалага доир фикрларининг муҳимлиги яна шундаки, араб арузига хос баҳрларнинг нафақат форс-тожик шеъриятида, балки XV аср ўзбек шеъриятида ҳам ғоят кам ишлатилиши далилланган. Бу эса Сайфийни замонасининг етук арузшуносигина эмас, балки XV аср адабий алоқаларида ҳам муносиб қатнашган ва ўзбек шеърияти поэтикасини синчиклаб кузатган серқирра ижодкор сифатида гавдалантиради.

Масалан, муаллиф Ҳазаж баҳрини ўрганар экан, бу баҳрнинг хусусиятлари, номланиш ва келиб чиқиш тарихидан шундай маълумот беради: “Ин баҳрро аз он жиҳат Ҳазаж гўянд, ки “ҳазаж” дар луғат овози ботараннуму хушоянда аст...Мусамман аз он жиҳат гўянд, ки ҳашт рукн дорад ва ҳашт ба араби “самония” аст ва солим аз он жиҳат гўянд, ки дар аркони ўзиҳоф ва тағйир воқеъ нест ва асли ин баҳр мафойлун чаҳор бор аст.”[5,44] (Таржимаси: “Бу баҳрни шунинг учун Ҳазаж дейдиларки, “ҳазаж” луғатда ёқимли ва мароқли овоздир...Мусамман шу жиҳатдан айтадиларки, у саккиз рукндан иборат ва саккиз арабчада “самония” дир ва солим шу жиҳатдан айтадиларки, унинг жузвларида зиҳоф ва ўзгариш хос эмас ва бу баҳрнинг асли тўрт маротаба мафойлун келади.)

Арузшунос юқоридаги таърифини далилаш ва Ҳазажи мусаммани солим вазни орқали ёқимли, равон шеърлар яратилишини кўрсатиш мақсадида ўзининг ижодиётдан қуйидаги шеърӣ мисолни келтиради:

Дило, васфи миёни нозуки чонони ман гуфтӣ,

V ---/ V ---/ V ---/ V ---

Накў рафтӣ, ҳадисе аз миёни чони ман гуфтӣ. [5,44]

V ---/ V ---/ V ---/ V ---

Сайфӣй бу ва бошқа кўплаб шеърӣй мисоллар билан, бир томондан арузшунос сифатида Ҳазаж баҳри ва вазнларининг XV аср шеъриятида кўп ишлатилиши, иккинчи томондан ўзи ҳам бу баҳрда равон ва хушоҳанг шеърлар битганини маълум қилади.

Таъкидлаш жоизки, “Арузи Сайфӣй”да 19 баҳр

таркибидаги жами 93 та вазн талқин қилинган ва уларни тақтиъ қилиш мақсадида 105 байт шеърӣй мисоллар келтирилган. Мисолларнинг бир қисми ўзининг ижодиётидан бўлса, қолган бир қисми Х-ХV аср форс-тожик шоирларининг шеърӣй намуналаридан таркиб топган. Кўринадики, Сайфӣйнинг “Арузи Сайфӣй” асарида ўз замони ва кейинги даврлар учун керакли бўлган кўплаб илмӣй ва бадий материаллар тўпланган.

Сайфӣйнинг “Арузи Сайфӣй” рисоласида ХV аср арузшунослигига доир энг муҳим масалалар тадқиқ қилинганлигини ҳамда аруз илмининг ўша давр Ўрта Осиёда йўқори даражада ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини такидлаб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Сайфӣй Бухорийнинг “Арузи Сайфӣй” рисоласида шеър ва шоирлик, аруз қонун-қоидалари, баҳр ва доиралари ХV аср арузшунослиги нуқтаи назаридан анчайин содда ва рагон тил ҳамда услубда тадқиқ этилган.

2. Сайфӣй “Арузи Сайфӣй”нинг асосий қисмида форс-тожик шеъриятига хос баҳрлар ва доиралар ҳақида батафсил тўхталиб, ҳар бирига хос тармоқ вазнларни алоҳида шеърӣй мисоллар орқали кўрсатиб ўтади.

3. Арузшуносараб ва ажамарузининг ўзаро муносабати, шунингдек, узвий боғлиқлиги ва баъзи жабҳаларда фарқланиши ҳақида фикр юритиб, уларни мисоллар орқали далилладики, бу ҳол Сайфӣй Бухорийнинг на фақат форс, балки араб поэтикаси ҳақида чуқур назарий қарашларга эга эканлигидан далолат беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Абдулғани Мирзоев. “Сездох мақола”. –Душанбе: Ирфон, 1977.

2. Абдурахмон Жомӣй. “Рисолаи аруз”. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Дилнавоз Юсупова. -Тошкент: “TAMADDUN”, 2014 й. 99 бет.

3. Алишер Навоӣй. Мажолис-ун-нафоис. -Асарлар, 10 жилдлик, 9 жилд. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 й.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: “Юлдузча”, 1989 й.

5. Сайфий Бухороӣ. “Арузи Сайфий”. Калкутта – 1867.

6. Мирзаев Хайём. “Қайс Розий – арузшунос”. //Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – Тошкент, 2018. – № 4. – Б. 86-91.

7. Mirzayev Khayyom. The significance of studying Saifiy Bukhoriy’s scientific-literary legacy. Monografia pokonferencyjna. Science, research, development: philology, sociology and culturology #9. Poznań/Poznan 29.09.2018- 30.09.2018/ – P.78-81.

8. Юсупова Дилнавоз. Аруз илми ва ғарб тадқиқотчиси («Арузи Сайфий»нинг инглиз тилига қилинган таржимаси хусусида) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 12. – Б. 184-188.

ЖАДИД ФАЛСАФАСИДА ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАЛҚИНИ

Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна

*Навоий давлат кончилиги ва
технологиялар университети,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Социал муносабатлар, аввало, оиладан бахт излаш кишидаги энг барқарор туйғу, истакдир. Оила тасодифий кишилар уюшмаси эмас, унга дуч келган талаблар, кўрсатмалар, даъватлар тўғри келавермайди. Оила инсонга сокин турмуш ато этади, меҳру-муҳаббат билан яшашни ўргатади, жуфт танлашни, фарзандлар ва набиралар кўриб, бахт-саодат нималигини тотиб яшашни ўргатади. Оила ҳар бир жамиятнинг асоси ҳисобланади. Оила барқарор, аҳил, ҳалол ва пок бўлиши, жамиятнинг равнақ топишига замин яратади. Аксинча, оилалардаги нотинчлик, беқарорлик, лоқайдлик, фарзандлар таълими ҳамда тарбиясига беписандлик жамият инқирозига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан Ўрта Осиё халқлари фалсафий тафаккурида ҳар қайси даврда оила, жамоа ва иттифоқ бўлиб яшаш ҳақида ибратли ғоялар устун туради. Шарқона ҳаёт тарзи ва фикрлаш усули шахснинг бахтли ҳаётини, саодатли турмушини ушбу ижтимоий бирликларсиз тасаввур қилолмайди. Халқлар ва миллатлар эришган ютуқлар, маданият ана шу ижтимоий иттифоқлар туфайлидир. Абдурауф Фитрат ёзади: “Дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларини заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати

ва ҳаёти шубҳа остида қолади”[4]. Шу билан бирга Фитрат оилавий бахт-саодатга эришишнинг асосий манбаи исломий қадриятларда, уларга риоя этишда, деб билади. У Европа ҳақида ҳам фикр билдиради, лекин негадир унда оилавий муносабатларни йўлга қўйишга қаратилган дунёвий қонунларни тилга олмайди. У дунёвий илмга, маърифатга даъват этади-ю, оилавий муносабатларда теологик, ҳатто патриархал ёндашув томонида туради. “Имоним комилки, - деб ёзади у, - оила саодати ва бахти учун қабул қилинган энг мақбул қонун исломий қонунлар бўлади. Лекин оламда энг бадбахт оилалар ҳам биз мусулмонларнинг ўртасида бўлади, чунки биз илоҳий қонунларнинг биронтасига риоя қилмаймиз. Бахтсизлигимизнинг сабаби оиладорлик хусусидаги ҳар бир ҳаракатимиз, сароб орзуларимиз ва хато фикрларимизнинг натижаси бўлиб, аксарияти Қуръон ҳукмларига зиддир. Шунинг учун зулм ва тажовуз кўрмаган оилалар бизда ниҳоятда кам кўринади”[4]. Оила бахтини маълум бир қадриятларда кўргани Фитрат ёндашувининг ижобий, илмий томонидир, бироқ, уни дин билангина боғлаш тор ёндашувдир. Шахснинг бахт-саодати оила билан, оилалари бахтли қавм, халқ ҳам бахтлидир. “Ҳар бир қавмнинг ҳар бир оиласи саодатли ва бахтли бўлмасалар, ўша қавмни бахтиёр ёки бахтли дейиш хатодир. Оила аъзосидан бирортаси бахтли бўлмаса, ўша оилани бахтиёр дейиш ҳам нотўғри бўлади. Модомики, қавм оилалардан ва оила алоҳида одамлардан таркиб топган экан, “оздан кўпга” дегандек айтиш мумкинки, ҳар қавмнинг саодати шу қавм оилаларининг бахтиёрлигидан ва ҳар бир оиланинг саодати шу оила аъзоларининг бахтиёрлиги ва бахтлилиги билан боғлиқ”[4]. Ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан қисмнинг бутунга боғлиқлиги, яъни шахс ҳаётининг жамият ҳаёти билан уйғунлиги аксиомадир. Аммо бу аксиома қисмнинг, шахснинг ўз мақсади ва бахтга оид ўз тасаввурлари борлигини инкор қилмайди. Гоҳо ушбу мақсад ва тасаввурлар бутунниқидан, жамиятниқидан кескин фарқ қилиши ҳам мумкин. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасаввурлари ўтган

ўн йилликларда кишиларимиз, жамиятимиз онгида шаклланган адолат, давлат бошқаруви, демократия ва миллий тараққиёт ҳақидаги қарашларидан тубдан фарқ қилишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. У халқнинг чинакам эркин ва фаровон яшаши, фарзандларининг бахтли яшашига ишониши учун зарур давлат дастурларини ишлаб чиқди, бутун Ўзбекистон халқини яратишга, инновацион ривожланишга чорлади[5].

Оилавий бахтни дин нуқтаи назаридан талқин этиш мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида авж олганини айтиб ўтиш даркор. Кўп эркаклар тўрт хотинлик масаласини кўтариб чиқиб, хотин-қизларни ҳижоб кийишга мажбурлагани ҳам ҳақиқатдир[3]. Мазкур масалани Фитратнинг ўзи ҳам муҳокама қилади. У ёзади: “Бир неча хотинга уйланиш оилаларни бахтли қиладими ёки бахтсиз? Шу оила аъзоларига шодонлик келтирадими ёки бахтсизлик? Агарда биз ўлкамиздаги икки хотинлик кишиларнинг умумий аҳволини кўзимиз олдида келтирсак, осонлик билан ҳукм чиқарамизки, кўпхотинлик нақадар жабр ва зулм, зулм-у жафо эса, бадбахтлик ва аччиқ ҳаётнинг сабаби экан. Бахтсизлик ва оғир ҳаётга олиб келтирадиган ишни ҳеч қачон қилиш керак эмас[4]. Шунга яқин фикрларни биз қозоқ маърифатпарвари ва мутафаккири Абай Қўнанбоев асарларида ҳам кузатамиз. Унинг ёзишича, оила ва инсоннинг бахти, ақл-у идрокли ҳаёти, меҳнатсеварлиги ва миллатсеварлиги жам бўлган ижтимоий фазилатларида. Бу фазилатларни ақидалар эмас, балки инсоннинг ўзи, аввало оиласи билан муносабатлари шакллантиради[1]. Мазкур социоантропологик моҳиятга эга қарашлар туркман шоири Махтумқули, қорақалпоқ шоири Бердақ, қирғиз оқини Тохтакул асарларида ҳам мавжуд. Муҳими шундаки, агар ўрта асрларда бахт-саодат экзистенциал миқёсда, халқ, давлат поғонасида, кўпинча дин билан боғлаб идрок этилган бўлса, XIX асрга келиб, у шахс билан, унинг ҳаёти ва орзу тилаклари, оиласи билан боғланиб қаралади. Бу борада илмий асосланган концепциялар, социантропологик таълимотлар учрамайди,

мавжуд қарашлар бошқа мавзулар доирасига киради.

Жадид мутафаккирларининг фалсафий мероси асосан маънавий-ахлоқий характерга эга. Инсоннинг бахт-саодати ушбу қадриятларни ўзлаштиргани ва социум билан алоқаларида тадбиқ этишига боғлиқдир.

Демак, жадид фалсафаси инсон ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришга интилади, бахт феноменини шахснинг ижтимоий фаолияти билан уйғунлаштириб талқин қилади.

Жадид мутафаккирлари эвдемоник қарашларининг социоантропологик аҳамияти яна шундаки, улар бахт-саодатни, омадни Ғарб файласуфларидан фарқли тарзда, утилитар мақсадлар билан боғламаганлар. Улар ҳатто бахт-саодатни бойлик орттиришга, шон-шуҳрат топишга зид воқелик сифатида қараганлар, очкўзлик, нафс ва фахш инсонга кулфатлар келтиришини таъкидлаб, ёшларни маънавий бойликлар тўплашга, юксак ахлоқий фазилатлар билан яшашга даъват этганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абай Қунанбоев. Асарлар. –Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 47-49.
2. Каримова М.А. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалаш -да исломий қадриятларнинг ўрни. – Тошкент: Фалсафа фан. номз. дисс. Автореферати, 2008.
3. Тохтаходжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. – Тошкент: 2008;
4. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б.6
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018. 29 декабрь. WWW. XS. UZ XALQ SUZI. UZ .

**ТИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
БАДИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ САҚЛАШДА
ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ ЎРНИ**

*(X-XIII асрларда форс-тожик тилида яратилган тарихий
асарлар мисолида)*

Тошбоев Баҳром Саидкулович

СамДУ, филология факултети

“Тожик филологияси ва хорижий шарқ тиллари”

кафедрасининг биринчи босқич таянч докторанти

Дунё илм-фани ривожига Шарқ мутафаккирларининг қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бугунги кунда тиббиёт, география, алгебра, геометрия, астрономия, тилшунослик, адабиётшунослик, бадиий адабиёт ва бошқа соҳаларни буюк бобокалонларимизнинг меҳнат маҳсулисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шулар билан бир қаторда халқимиз ва қолаверса, жаҳон тарихий воқеаларини ёритишда муаррихларимиз хизматларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Жумладан, 9-13-асрларда форс-тожик тарихшунослик илми бирмунча ривожланиб, ҳатто араб тарихномалари форс-тожик муаллифлар томонидан ёзилгани сўзимизнинг исботидир. Шу даврда ёзилган тарихномалардан “Таърихи Бухоро”, “Таърихи Систон”, “Таърихи Ямини”, “Таърихи Байҳақи” каби асарлар маълум бир географик ҳудудлар ва сулолалар тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этса, “Таърихи Табари”, “Форснома”, “Зайну-л-ахбор”, “Худуд-улоам” (тарихий ва географик асар) каби манбалар дунё тарихининг бир неча даврлари воқеаларини қамраб олади.

Бизгача етиб келган манбалар тарихий воқеалар силсиласини ёритиш билан бир қаторда, турли соҳа ва фанлар бўйича қимматли маълумотларни тақдим этади. Айниқса, муаррихларнинг тилшунослик соҳасига доир таҳлиллари, тарихномалардаги келтирилган бадиий адабиёт намуналари баъзи ўринларда бошқа манбаларда учрамайди ва бу ҳол уларнинг тилшунослик ва адабиёт соҳасидаги аҳамиятлилики даражасини оширади.

Мисол учун манбаларда қайд этилишича, форс-тожик шеърятининг “малик уш-шуароси” ҳисобланган Абу Абдулло Рӯдакийнинг уч юз минг байтдан, баъзи манбаларга кўра бир миллион уч юз минг байтдан ортиқ шеърлари мавжуд бўлиб, бугунги кунгача улардан минг байт атрофидаги ижод намуналари етиб келган. Айнан унинг энг машҳур маҳсулларида ҳисобланган ва жами 94 байтни ташкил этадиган “Модари май” қасидаси “Тарихи Систон” тарихномаси орқалигина бизгача тўлиқ шаклда етиб келган. Бу кўрсаткич буюк шоирдан қолган мероснинг қарийб 20 фоизини ташкил этишини инobatга олсак, тарихий асарнинг адабиётшунослик ютуқларидаги салмоқли ҳиссасини белгилаб беради.

Айнан шу тарихноманинг бошқа бир ўрнида араб истилосидан кейинги форс тилида ижод қилган биринчи шоир ва унинг шеъри хусусида сўз боради: “Шундан сўнг Муҳаммад Васиф форсча шеърлар айтиб келди. Ажамда биринчи форсча шеърни у айтди ва ундан олдин ҳеж ким айтмаган эди. Форслар ҳукмронлигида подшоҳлар одатича уларнинг олдида руд жўрлигида сўз айтар эдилар. Ва ажам (форс) подшоҳлиги узилиб араб келгач, уларнинг ўртасида шеър тозий (арабча)да эди” [9.165]

Юқорида тилга олинган тарихий асарларда юздан ортиқ шеърий парчаларни кузатишимиз мумкинки, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳолда бизни форс-тожик, араб ва туркий адабиёт салоҳиятидан хабардор қилади. Ушбу бадиий парчалар кўпгина ўринларда тарихий воқеаларнинг манбаи бўлганлиги учун ҳам муаррихлар эътиборида бўлган.

Тарихномалар тилшуносликнинг лексикология ва этимология бўлимлари нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятга молик ҳисобланади. X-XIII асрларда форс-тожик муаррихлари томонидан яратилган асарларда турли тилларга мансуб мингга яқин лексик birlikлар изоҳи, беш юздан ортиқ сўз ва ибораларнинг этимологиясига доир қарашларни кузатишимиз мумкин. Муаррихлар томонидан шарҳланган юзга яқин сўзларнинг бошқа

тилшуносликка доир изланишларда учрамаслигини инобатга олсак, тарихий асарларнинг лисоний қиймати ҳақидаги хулосаларимиз ўз исботини топган бўлади.

Масалан, ҳажм жиҳатидан кичик асар ҳисобланган Наршахийнинг “Таърихи Бухоро” асарида бир қанча қадимги суғдий тилларга мансуб сўзлар изоҳи (Ҳамукат), қадимги форс тили сўзларининг шарҳи (Занданажи, Ромуш, Ромитан, Бухоро, Шофиркон, Сомон ва бошқалар)ни учратамиз. Шунингдек, муаллиф ўнга яқин араб тилидан ўзлашган сўзларнинг шарҳини (Муқаннаъ, Қубатулисло), арабча ва форсча сўзлар қўшилишидан ҳосил бўлган қўшма сўзларни (Жўйи Мўлиён), айнан форс тили орқали араб тилига ўзлашган сўзлар (Тавоис)ни изоҳлаб, уларнинг этимологияси ҳақида ўз фикрларини билдиради. Унинг хулосалари Ҳамукат, Ромуш, Шофиркон, Жўйи Мўлиён каби топонимлар учун ягона ва луғатномаларда учрамайдиган маълумот ҳисобланади.

Яна бир тарихий асар Ибн ал-Балхийнинг “Форснома” асарида кўпгина сўзлар этимологияси ва луғавий шарҳи қаторида Қуръондаги форсча ўзлашма сўз хусусида фикр юритилади. Муаррихнинг таъкидлашича, Қуръонда ишлатилган “сижжил” сўзи форс тилидан араб тилига ўтган сўз бўлиб, муқаддас диний китобдаги ягона форсча сўздир. Шу билан бир қаторда олим араблашган сўзларнинг фонетик хусусиятлари ҳақида ҳам ўз таҳлилларини баён қилади: “Тафсирчиларнинг айтишича сижжилнинг 2-3 маъноси бор. Шулардан бири қаттиқ тош бўлиб, яна бири пишиқ ғиштга ўхшаш пишган лойдан бўлган тошдир ва бу ривоят тўғридир. Араблар форс тилида бор гофни (г товуши) жим (ж) дейдилар, чунончи “занги”ни “занжи”, “занг”ни “занж” ва “банг”ни “банж” ва шунга ўхшаб “санг”(тош)ни “санж” дейдилар. Шуни қиёсида Қуръонда келган “сижжил” “санжу жил”дир, яъне сангу гил(тош ва лой) демоқдир”[5.18].

Гарчи бугунги кунга келиб Қуръондаги форс-тожикча сўзлар сони кўпроқ эканлиги тахмин қилинсада, Ибн ал-Балхийнинг далили рад этилмайди.

Шу йўсинда Балъамийнинг тарихномалар ичида шоҳ асар ҳисобланган “Таърихи Табарий” асарида миллатлар, динлар, халқлар, мамлакатлар, пайғамбарлар, подшоҳлар номлари билан боғлиқ этимологик қарашлар тақдим этилганки, буларнинг аксарияти кейинги тилшунослик тадқиқотлари учун асос вазифасида хизмат қилиб, тарихий асарнинг кейинги даврлардаги луғатшунослик илми ривожига ҳиссасини белгилаб беради. Балъамий таҳлил қилган сўзларнинг ибрий (қадимги яҳудийлар), араб, форс-тожик, ҳинд, туркий тилларга мансублигини инобатга олсак, муаррихни нафақат таърихчи, балки тилшунос олим сифатида эътироф этиш мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрта асрларда яшаб маълум илм-фан йўналишида ижод қилган мутафаккирларимизнинг ижодини фақат соҳа йўналишида таҳлил қилиш ноўрин ҳисобланади. Сабаб шундаки, ушбу давр олимлари барча билимлардан хабардор бўлиб, бунинг нишонасини уларнинг бетакрор асарларида кўришимиз мумкин.

Шу қаторда X-XIII асрларда яратилиб, бизгача етиб келган тарихий асарлар турли фанларга доир кўпгина илмий далиллар қаторида тилшунослик ва адабиётшунослик фанларига оид бир қатор таҳлилларни бизга тақдим этадики, бу қарашларнинг аксарияти бевосита илмий далил сифатида қабул қилинган. Тарихномаларнинг бадиий адабиёт намуналарини бизгача етказгани ва баъзи ҳолларда бу бадиий парчалар учун уларнинг ягона манбалигини инобатга олсак, муаррихлар хизмати қадри янада юксалади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Балъами А. Таърихи Табарий. 2 жилдда – Техрон.: Замон, 2001 й.
2. Гардези А. Зайн у-л-ахбор. – Душанбе.: Бухоро, 2014 й.
3. Зеҳни Т. Аз тарихи лексикаи забони тожики. – Душанбе.: Дониш, 1987 й.

4. Зеҳни Т., Капранов А. ва дигарон. Фарҳанги забони тоҷики. 2 жилдда – Москва: Советская энциклопедия, 1969 й.
5. Ибн-ал-Балхи. Форснома – Душанбе.: Дониш, 1989 й.
6. Наршахи. Таърихи Бухоро – Душанбе.: Дониш, 1979 й.
7. Наршахий. Бухоро тарихи. (ўзбек тилидаги таржимаси) – Тошкент.: Фан, 1966 й.
8. Расторгуева С.В., Еделман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. 1-6-томлар. – Москва.: Восточная литература, 2000-2015 й.
9. Таърихи Систон (муллифи номаълум). – Душанбе.: Бухоро, 2014 й.
10. Қораев С. Топонимика. – Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006 й.
11. Ғафуров Б. Тоҷикон. – Душанбе, 2008 й.
12. Ғиёсуддин М. Ғиёс-ул-луғот. 1-2-жилдлар. – Душанбе.: Адиб, 1987, 1988 й.
13. Худуд-ул-олам (муллифи номаълум). – Душанбе.: Бухоро, 2014 й.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЗАРУРАТИ

Мунира Кахарова,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институту директори ўринбосари,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори*

Ҳар бир халқнинг миллий тарбияси эътиқоди, урф-одатлари, анъаналари билан боғлиқ ҳолда асрлар оша шаклланади, сайқал топиб, такомиллашиб боради. Шу жиҳатдан тарихий манбаларга мурожаат қилиш, уларни илмий муомалага киритиш катта аҳамият касб этади. Албатта, тарихга асосланган тарбия ижобий натижалар беради. Унинг акси бўлиши бир қатор маънавий қадриятларга зид бўлган иллат ва таҳдидларни келтириб чиқаради.

Тарбия кишилардаги маънавий-ахлоқий кўринишлар билан бир қаторда касб фазилатлари, дунёқараш, жисмоний ва меҳнат лаёқатларини ҳам қамраб олади. Тарбия бола дунёга келгандан, умрини охиригача давом этадиган, ёшга қараб такомиллашиб борадиган жараёндир. Тарбия таълим билан узвий боғланган бўлиб, кишиларнинг ақлий баркамоллиги натижасида янада такомиллашади. Таълим билан тарбия қўшиб олиб борилганда шахс камолоти мукамалликка яқинлашади.

Шу ўринда, 2018-2019 йилларда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ҳудудларда маҳалла аҳолиси ўртасида “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси” лойиҳаси доирасида ўтказилган социологик сўровномада “Тарбияни ким беради?” деб берилган саволга

82 фоиз респондентлар “Тарбияни ўқитувчи беради” деган жавоб берган эди. Шунинг баробарида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг жами 6 та туманидаги умумтаълим мактабларининг 6428 нафар ўқитувчилари ўртасида ўтказилган сўровномада 77 фоиз респондентлар “Тарбияни ота-она беради” деган жавоблар олинган эди. Мазкур ўтказилган социологик сўровномалардан, тарбия сеники, меники ва уники деган хулосага келинди. Демак, ота-она тарбияни қандай бериши керак? Ўқитувчи эса тарбияни қачон ва қандай усуллардан фойдаланиб бериши кераклигини таҳлил қилинди.

Ёшига мос маънавий тарбия масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш доирасида илмий асосда амалга оширилмоқда. Бироқ, мамлакатимизда бу йўналишга етарли эътибор берилмаган эди. Бунинг оқибатида ёшларимиз орасида жисмонан баркамол, бироқ маънавий ривожланишдан ортда қолганлари кузатилди. Албатта бу тарбиянинг натижаларидир.

Юқоридаги тарбия масалаларига ечим топиш ва тарбиянинг эгасини белгилаб бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон Қарорининг 6-бандида: “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқиш зарурлиги белгиланди. Шунингдек, мазкур топшириқ бўйича концепция лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ушбу Концепциянинг мақсади – ёш авлодда мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий кўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш асосида юксак фазилатли, баркамол авлодни вояга етказиш, ҳар бир ўғил-қизнинг ўз ёшига мос маънавият соҳиби бўлиб

етиштиришда ота-оналар ва тарбиячиларга маънавий-маърифий ёрдам бериш этиб белгиланди. Концепцияда 7-18 ёшлилар учун дарсликлар, адабиётлар, медиамаҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар мажмуасини яратиш каби вазифалари белгиланди.

Шу боис ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанларни ўқитиш таълим жараёнига янгича ёндашувни тақозо этди. Жумладан, ёшлар тарбиясида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадларни шакллантира олишга ўргатиш, бунинг натижаси ўлароқ, оила-жамият ўртасидаги муносабатлар узилиб қолишининг олдини олиш, лоқайдлик, ҳуқуқбузарлик, “оммавий маданият”нинг турли кўринишларидан сақлаш имкони яратилди.

2019 йил 23 августдаги Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мактабларда тарбия масаласи муҳокама қилиниб, мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш мақсадида, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий этилиши бўйича Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига топшириқ қилиб берилди. Давлат раҳбари “Шу мақсадда биз “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз” – деб, таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда мазкур фанни амалдаги натижаси сифатида 11 йиллик мактабни битирув маросимида ҳар бир ўғил-қиз она халқи, Президенти олдида

ўз ҳаётини юксак маънавият асосида қуришга онт ичишга тайёр бўлиши кутилаётгани айтилди. Бу эса ҳаётимизда учраётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ажримлар, фирибгарлик, лоқайдлик, ёт ғояларга берилиш ва бошқа маънавий иллатларнинг олди олинишини маънавий кафолатлашга хизмат қилади.

2020 йил 1 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати”да депутатлар “Умумтаълим мактабларида ватанпарвар авлодни тарбиялаш, янги жорий этилган “Тарбия” фани ўқитилишини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди. Халқ вакилларининг ушбу масала юзасидан саволларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири жавоб берди.

Вазирнинг таъкидлашича, мамлакатимизда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, мактабларда маънавий-тарбиявий ишлар янгича асосда ташкил этилиб, Юқорида келтирилган “Тарбия” фани 2020-2021 ўқув йилидан 1-9-синфларда ўқитиш йўлга қўйилган. 10-11-синфларда эса мазкур фан 2021-2022 ўқув йилидан жорий этила бошланди.

Маълумотга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фани 1-11-синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ўқув йили давомида эса 34 соат ўқитилади. Шунингдек, ўқитувчилар учун “Тарбия” фани бўйича дарсларни ташкил қилиш юзасидан замонавий ёндашувлар ўрин олган услубий қўлланма ишлаб чиқилди. “Тарбия” фанини ўқитиш технологияси” номли қўлланмаси яратилди. Ушбу фани бўйича ўқув-услубий таъминотнинг ахборот платформасини яратиш мақсадида интернет тармоғида www.tarbiyam.uz домени очилди ва унда фанга доир маълумотлар ва вазифалар акс этган ўқитувчига услубий ёрдам кўрсатувчи маълумотлар базаси шакллантирилди. Шунингдек, мазкур платформага ўқитувчилар учун

“Тарбия” фанининг мақсад ва вазифаларини очиб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар – фан концепцияси, Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, услубий тавсиялар, тақвим-режалар, фанни ўқитишга доир технологиялар, дарс ишланмалари, қўшимча манбалар жойлаштирилган. Ўқувчилар ва ота-оналар учун махсус рукнлар ҳам платформада мавжуд бўлиб, “Тарбия” фанининг 1-11-синфларга мўлжалланган дарсликлари, ундаги мавзуларга оид 30 дан ортиқ видеороликлар дарсликларга ҚР-код билан киритилди.

“Тарбия” фанининг ўқув дастури ва дарсликларида ватанпарварлик, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби кўникмаларни шакллантиришга алоҳида урғу берилган. Хусусан, бунда миллий анъаналар, улуғ алломаларнинг ҳаёт ва йўллари, асарлари, замондош қаҳрамонларнинг фаолияти ибрат сифатида кенг фойдаланилган. Мавзуларни ўқитишда бугун жаҳон миқёсида оммалашган “Лойиҳа асосида ўқитиш”, “Қизиқишлар асосида таълим бериш”, “Арт-фест”, “Намуна кўрсатиш”, “Мисоллар орқали ўқитиш”, “Вазиятларни таҳлил қилиш” каби таълим беришнинг илғор технология ва услублари қўлланилган. Шу билан бирга, Абдулла Авлоний номидаги илмий тадқиқот институти томонидан “Тарбия фани ўқитишни ташкил этиш” мавзусида онлайн вебинарлар ўтказилди.

Бу, ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикасини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ёшлар тарбияси шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббускорлигида давлат сиёсати даражасига кўтарилганини инобатга олиб, ушбу йўналишдаги принципиал ёндашувларни такомиллаштириш, стратегик мақсад ва вазифаларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш заруратини талаб қилди. Шу сабабли “Тарбия” фани жорий этилди. Мазкур фан амалий фан

сифатида ўқитилиши зарурлиги белгиланди. Тарбия тизими йиллар давомида ота-онанинг вазифаси деб қаралди. Шунингдек, таълим муассасаса педагоглари эса фақат таълим берувчилигини кўп бора таъкидлади. Ваҳоланки, таълимни тарбиядан ажратиб бўлмайди. Неча йиллардирки, тарбияда сансоларликлар қалқиб чиқаверди. Бир болага етти қўшни ва маҳалла ота-она нақли амалда ўз кучини кўрсатмай қўйди. Тарбияда сансоларликни давом этиши, жамиятда вояга етмаганлар ўртасида бир қанча ахлоқсизлар, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайри ҳолатлар кўпайиб боргани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Шу сабабли бугун тарбия масаласига давлат раҳбарининг ташаббуси билан жиддий қаралаётганини тўғри англамоғимиз керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳам ота-она ҳам педагоглар ҳар бир ёш авлодда мукамал тарбия берилиши асосий вазифа этиб белгиланганини алоҳида айтиб ўтишимиз лозим. Шу билан бирга, фанни ўқитилишида тарбиячининг педагогик маҳорати ва тажрибаси ҳамда ортидан ёшларни эргаштира оладиган даражадаги профессионалликни талаб этади. Ота-она ўз олган тарбия тажрибасидан келиб чиқиб фарзандини тарбияламоқда, десак, “Тарбия” фанини ўқитишга бугун қайси педагоглар масъуллиги таҳлил қилиниши зарур. Мазкур фанни қайси фан ўқитувчилари ўқитиш мумкинлиги борасида қайта кўриб чиқилиши керак. Шу ўринда ўзининг ноёб техникалари билан дунё савдо бозорида етакчи ўринни эгаллаётган Корея давлатидаги тарбия масалалари ҳақида тажрибаларини келтириш мумкин. Кореяда тарбия – “ахлоқий тарбия” деб номланади. Расмий таълим тизимида ахлоқий тарбияга бунчалик катта эътибор берилган Кореядек давлат йўқ бўлса керак.

1945-йилдан бошлаб Кореяда ахлоқий тарбия фани мактаб ўқув дастурининг барча босқичлари учун мажбурий фан сифатида жорий этилди. Бу фаннинг мазмуни бошиданоқ фақат давлат тузилмалари томонидан белгилаб қўйилган, шунинг учун фанда ахлоқий қадриятлар ва маданий меъёрлар билан бир қаторда ҳукмрон

мафқуранинг асосий қоидалари ҳам ўз ичига олган бўлиб, баъзи даврларда уларнинг улуши тенг бўлган. Фаннинг юқори даражада мафқуралаштирилганлиги сиёсий режим ёки давлат мафқураси ўзгарганда фаннинг мазмуни ва тузилиши сезиларли ўзгаришларга дучор бўлишига олиб келди.

1980 йилнинг охиригача ахлоқий тарбия нафақат давлат амалдорларини, балки хусусий компаниялар ходимларини ҳам танлаш учун малака синови сифатида талаб қилинган. Хорижга ўқиш учун кетаётган барча талабалар миллий ахлоқ тарбия имтихонидан ўтишлари керак эди.

Ўқувчилар 12 йил давомида, яъни бошланғич мактабдан то юқори синфгача бўлган даврда ҳафтасига икки соатдан ахлоқий тарбия дарсларида қатнашиши шартлиги белгиланган. Ахлоқий тарбия дарси барча ўқувчилар учун ахлоқий тарбиянинг марказлаштирилган ўқув дастурига мувофиқ ўтилади. Ўқув дастурида ахлоқий тарбиянинг барча жиҳатлари: саҳийлик, мақсад, ўқитиш усуллари, мазмуни (фазилатлар рўйхати), баҳолаш, синф ва мактаб учун вақт ажратиш батафсил кўрсатилган. Дарсликлар фақат Таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилади ва тақдим этилади.

Бошланғич мактабларда (6 йиллик) ўқувчиларга 6 йил давомида ҳар семестрда иккита ахлоқий тарбия дарслиги, Ўрта (3 йиллик) ва олий (3 йиллик) мактабларда барча ўқувчилар ҳар йили бир ёки учта ахлоқий тарбия дарслиги билан таъминланади.

Сократик метод(бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот бўлиб, ўқитувчининг доимий саволлари асосида ўқувчиларнинг қарашлари ва фикрларини ўрганишга қаратилган усулдир) 1981 йилдан бошлаб дарслик ва ўқув дастурида ахлоқий тарбия дарслари учун таклиф ва тавсия этилган. Аммо амалиётда деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Тўғридан-тўғри ўқитиш ва ёдлаш ҳали ҳам кўпчилик ўқитувчилар томонидан афзал кўриладиган машҳур усулдир. Бунга бир нечта изоҳлар берилади:

- Корея мактабларида синфлар сони нисбатан катта. Ўртача синфлар 40 дан 50 гача ўқувчиларни ташкил қилади. Шунинг учун кўпчилик ўқитувчилар синфда ахлоқий масалаларни муҳокама қилишда қийинчиликларга дуч келишади.

- Ахлоқий тарбия фани бўйича ўқитувчиларининг ярмидан камроғи ихтисослашган лицензияга эга. Шунинг учун, лицензиясиз ўқитувчилар учун ахлоқий тарбия фанини ўтиши мумкин эмас.

- Қоғоз ва қалам имтиҳонидан қочиб бўлмайди, чунки у ўқувчилар даражасини белгилаш учун муҳим ҳисобланади. Шундай экан, ўқувчилар учун юқори балл олишнинг энг яхши усули бу мунозара ва амалий иштирок этиш орқали тушунчага эга бўлиш ва қадриятларни ўзлаштиришдан кўра, дарслик мазмунини ёдлаб олишдир. Карейнинг ахлоқий тарбия фанидаги кўплаб мавзулари “Тарбия” фанимизда берилган халқимизнинг миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатлари билан ўхшашлигини кўриш мумкин. Мазкур фанни дарсликларини яратилиб, ўқитилиши жорий этилгани қарамай, ҳали фаннинг мутахассис-педагоглари тайёрлаш масаласи олий таълим тизимида тўлиқ кўриб чиқилгани йўқ.[1]

Шунингдек, маълумот ўрнида, олий таълим тизимида ижтимоий фанларга истисослашган йўналишларга 40 соатлик ““Тарбия” фанини ўқитиш методикаси фани” ўқитилиши йўлга қўйилди. Албатта, мактабларда жорий этилган “Тарбия” фанларини ўқитиш учун мутахассис сифатида тайёрланмоқда. Аммо, “Тарбия” фани ўқитувчилари тайёрланадиган йўналиш ёки 4-6 ойлик қайта тайёрлов курслари ҳали ташкил этилмади. Бугунги кун ахборот даври зарурияти ўқувчи-ёшлардан педагоглар бир қадам олдинда юриш ўрнига ортда қолмоқда. Шу сабабли Давлат раҳбари олий таълим тизимида ислохотларни жадаллаштиришни, ўқув дастур, дарсликларни янгилашни, дарсларни инновацион технологиялар асосида ўтилиши кераклигини кўп бора таъкидламоқда. Бугунги куннинг талаби “Тарбия” фанини

ўқитиш бўйича махсус курслар ҳамда алоҳида йўналишлар очилиши мақсадга мувофиқлини кўрсатмоқда. Фан бўйича етарли билим-кўникмага эга устозларни тайёрлаш зарурдир. Тарбиямизнинг энг муҳим вазифаси ҳам болани ўзини танийдиган, қалбига қулоқ соладиган мустақил фикр юрита оладиган инсон қилиб улғайтириш эканини англашимиз керак.

Малакали ўқитувчини тайёрлаш жуда мураккаб ва қиммат турадиган фаолият тури бўлиб, ўқув жараёнининг ижодий, яратувчи ва юритувчи кучидир. Ҳар бир ўқитувчини жуда ҳам қимматли инсоний захира сифатида ҳисоблаб, унинг жамиятдаги мавқеясини имкон даражасида кўтарилса, мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларига айнан мос келади.

Ҳаётимиз гулгун ғунчалари бўлмиш ўқувчиларни ватанпарвар, ота-она ва юртини севадиган, ҳар бир оний лаҳзаларни улуғлайдиган, муҳими китобга ошно қилиб, эртанги кунда улкан чинорлар қилиб тарбиялайлик. Вақтида берилган тарбия болалар камолотини белгилаб беришига ишончимиз комил.

Ўз даврида Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусида қимматли маълумотларни ўз асарларида баён қилишган. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга ҳам эга бўлолмайди.

Хуллас, ҳар соҳанинг илми бор ва уни устози бор. Зеро, Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир.”[2] Хулоса қилиб айтганда, тарбия илмга асосланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Academic Journal. Byeong-Hwi Gil / 2011 / Корея давлати. Ахлоқий тушунча ва ахлоқий тарбия маданияти.

[2]. 2020-йил 30-сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИБ БОРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Ш.Тўраев,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент*

Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ билим ва кўникмалар асосан, ижтимоий фанлар таркибида ўқитилади. Бу йўналишда етарлича билимга эга бўлган шахс таҳдидларни олдини олиш учун бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, анализ-синтез қилиш, таъбир жоиз бўлса мониторинг қилиш имконига эга бўлади. Бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий фанлар таркибида таҳдидларни мониторинг қилиб боришни йўлга қўйиш маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилишда етакчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бинобарин, мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода, Ўзбекистонда мафкуравий таҳдидларни мониторинг қилиб бориш муҳим истиқболли йўналиш ҳисобланади. Чунки “мониторинг” – бу бўлиши мумкин бўлган ва мавжуд воқелик ҳамда ҳодисаларни илмий кузатиш, таҳлил қилиш ва унинг салбий-ижобий жиҳатлари тўғрисида хулоса чиқаришдир. (1) Шу маънода, таҳдидлар билан боғлиқ мониторингда жамият миллий онгининг даражаси, унда демократик қадриятларнинг таркиб топиши, хотин-қизлар ва ёш авлоднинг фаоллиги ва иммунитети каби масалалар ўрганилади, таҳлил қилинади, хулоса чиқарилади.

Биз ижтимоий фанлар таркибида ўрганилиши керак бўлган “мониторинг”ни қуйидаги маъноларда қўлаймиз:

1) жамиятга салбий таъсир кўрсатадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларнинг кўринишларини аниқлаш;

2) мазкур таҳдидларнинг таъсир кўлами ва унинг зарарли оқибатларини белгилаш;

3) ниҳоят, уларни ҳал этишнинг мақбул ечимлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш.

Шу маънода биз учун мониторинг – бу маъанвий таҳдидларни аниқлаш, белгилаш ва уларга қарши йўналишларни ишлаб чиқишдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Ўзбекистон учун мафкуравий таҳдидларнинг бир неча кўриниши мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

Биринчидан, мамлакатнинг барқарор ривожланишига шубҳа уйғотиш;

Иккинчидан, жамиятдаги мавжуд соғлом эътиқодни издан чиқариш;

Учинчидан, Республикани ён-атрофдаги этник можароларга тортиш.

Мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишларини аниқлаш у қадар мушкул иш эмас. Аввал улар интернет сайтларида пайдо бўлиб, кейин аламзада ва онги мўрт кишилар онгида “акс садо” бермоқда. Аслида интернет воситасида тарқатилаётган бу мафкуравий таҳдидлар уч хулосани беради: 1) Интернет сайтларида берилаётган ва тарқатилаётган маълумоту-хабарлар илмий жиҳатдан илмий аҳамиятга эга эмас, улар провакацион характерга эга; 2) аммо бундай маълумоту-хабарларни онги паст даражада ривожланган кимсалар ўқиб, “илҳомланмоқда”; 3) мафкуравий таҳдидларнинг бу кўринишлари четдан туриб халқаро интернет сайтлари воситасида тарқатилаётгани кишини ҳушёр торттиради. Зеро, ҳозирги мафкуравий таҳдидларнинг мониторинги қуйидагичадир:

№	Мафкуравий таҳдидлар кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
	1. Аниқлаш	2. Белгилаш	3. Ишлаб чиқиш
1.	Барқарор ривожланишга шубҳа уйғотиш	1. Одамлар онгини чалғитиш 2. Жамият ривожига шубҳа уйғотиш 3. Ватанпарварлик руҳига барҳам бериш	1. ОАВда миллий ривожланишни аниқ фактлар асосида тарғиб қилиш 2. Миллий қадриятларни одамлар онгига сингдириб бориш 3. Ошкора баҳс-мунозарага киришиш
2.	Соғлом эътиқодни издан чиқариш	1. Эътиқодни эркинлигини ниқоб қилиш 2. Диний мутаассибликни юзага келтириш 3. Сунъий муҳолифат гуруҳини шакллантириш	1. Динлараро бағрикенглик тамойилига қатъий амал қилиб боравериш. 2. Соғлом диний эътиқодни илмий тарғиб қилиш 3. Соғлом диний кадрларини тайёрлаш
3.	Ён-атрофдаги этник можароларга тортиш	1. Миллий бирликни бузиш 2. Оқибати зарарли ёвузликка аралаштириш 3. Миллий маҳдудликни таркиб топтириш	1. Миллатлараро тотувлик тамойилига қатъий амал қилиб боравериш 2. Минтақавий хавфсизликни сақлаш 3. Провакацион (қўпорувчилик) ҳаракатларини изчил фош қилиб бориш

Диққат қилинса, илмий аҳамиятга эга бўлмаган тарғибот воситасида жамият ҳаёти учун хавфли бўлган мафкуравий таҳдид тарқатилмоқда. Мисол учун, бугунги кунда Украинада бўлаётган можаролар, Озарбайжон ва

Арманистон, Сербия ва Косова ўртасидаги мунасабатларни ҳам шулар жумласига қўшиш мумкин.

Бунга ўхшаш воқеалар мафкуравий таҳдидларнинг у ёки бу кўринишидир. Зеро, мафкуравий таҳдидлар аслида бу - агрессиядир. Бу агрессия қуйидагича амалга оширилади:

1) мафкуравий таҳдидлар илмий асосга эга бўлмаган, примитив маълумотларни тарқатиш ва паст савияли кишилар онгига изчил сингдириб бориш технологиясига асосланади;

2) мафкуравий таҳдидлар негизида ёвузлик, зўравонлик, ваҳшийлик ва жаҳолат мақсадлари туради;

3) мафкуравий таҳдидлар охир-оқибатда жамиятнинг энг ночор ва ҳимоясиз қатлами бўлган – бегуноҳ кишилар, болалар ҳамда ҳомиладор аёлларнинг қурбон бўлиши эвазига ўз мақсадига етишни кўзлайди.

Мана шу ўринда мафкуравий таҳдидларни мониторинг қилиб боришнинг ижтимоий аҳамияти маълум бўлади. Унга кўра, мафкуравий таҳдидларни: 1) олдиндан аниқлаш ва бунда ҳар бир фактни эътибордан қолдирмаслик; 2) уларга қарши ҳақгўй далилларни қатъий эълон қилиб бориш; 3) юзага келаётган муаммоларни илмий таҳлил қилиб бориш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун яна бир хуружлардан бири ғоявий таҳдидлардир. Унинг энг муҳим кўринишлари қуйидагилардир:

Биринчидан, жамиятда демократиянинг йўқлигини даъво қилиш;

Иккинчидан, миллий маданиятни инкор этиш руҳини таркиб топтириш;

Учинчидан, умуминсоний қадриятларга амал қилмасликда айблаш.

Бу ғоявий таҳдидлар оммавий усулда – инсон нафсониятига таъсир ўтказиш ва унинг руҳий-маънавий қарашларини айнатиш мақсадида адабиёт, санъат, кино каби соҳалар воситасида тарқатилмоқда. Унинг мониторингига эътибор беринг:

№	Ғоявий таҳдидларнинг кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
	1. Аниқлаш	2.Белгилаш	3. Ишлаб чиқиш
1.	Муайян жамиятда демократия йўқлигини даъво қилиш	1. Миллий демократияни рад этиш 2. Менталитетга ёт демократик қоидаларини тикиштириш 3. Демократиядан ниқоб сифатида фойдаланиш	1. Менталитетга мос демократия қоидаларига содиқ қолиш 2. Демократияга тадрижий ўтиш 3. Чинакам демократия қоидаларини ҳимоя қилиш
2.	Миллий маданиятни инкор этиш	1. Оломон маданиятини тарғиб қилиш 2. Миллий қадриятларни камситиш 3. Умуминсоний қадриятларни ниқоб қилиб олиш	1. Миллий маданиятни ривожлантириб бориш 2. Миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш 3. Мазкур йўналишларда илмий-амалий концепцияларга эга бўлиш
3.	Умуминсоний қадриятларга амал қилмасликда айблаш	1. Шахс онгини космополитизм ғояси билан тўлдириш 2. Мақсад-муддаосиз шахсни вояга етказиш 3. Халқлар тўқнашувини юзага келтириш	1. Умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш 2. Маданиятлараро мулоқотга содиқ қолиш 3. Авлодлараро ҳамкорликни таъминлаб бориш

Диққат қилинса, ғоявий таҳдидлар мониторинги кенг кўламли ёндошувни тақозо қилади. Чунки бу таҳдидлар инсоннинг ижтимоий ва маданий онгини издан чиқариши

билан нафақат муайян халқ, балки бутун инсониятнинг тамаддунига хавф-хатар солади.

XX асрнинг II-жаҳон уруши даврида фашизм ғоясининг оқибатлари туфайли дунё халқлари ўртасида ғоявий бўлиниш хавфи пайдо бўлади. Бу ҳол айниқса урушнинг ниҳояси кўрина бошлагач, янада кучаяди. Натижада соғлом фикрли кишилар дунё халқларининг дўст ва душман гуруҳларига бўлиниб кетишидан ташвишга туша бошлайди. Шунда соғлом фикрли файласуфлардан бири, ижтимоий антрополог Майк Клайкхон бир гуруҳ шогирдлари билан мазкур ғоявий таҳдидга барҳам беришнинг илмий-амалий йўналишларини излашга киришади.

М. Клайкхон ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

1) инсониятни ғоявий бирлаштириб турувчи асосларни топиш;

2) ғоявий парокандаликларни ишлаб чиқувчиларга қарши далилларни ишлаб чиқиш;

3) инсониятни ижтимоий-маданий мудроқликдан уйғотиш.(2)

Бу мақсадни амалга ошириш учун XX асрда ўз маданияти ва ғоявий асосларидан бутунлай маҳрум бўлиш палласида турган ҳиндулар цивилизациясини ўрганишга киришади.

М.Клайкхон ҳиндуларнинг қадимги маданиятини излаб, археологик қазилмалар олиб боради. Баъзилар уни “ҳиндулар Клакхонга ҳайкал қўйиш учун пул йиғитаётган эмиш”, - дея киноя қилишади. Ниҳоят, олим ўз шогирдлари билан ниҳоятда муҳим бўлган қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келади:

1) ҳиндулар маданияти ўзига хос миллий маданият бўлган ва унга ташқи босқинчилар ғоявий хуруж уюштирган;

2) бу ғоявий хуруж ҳиндулар миллий маданиятининг асосларини инкор қилиш, камситиш ва рад қилишга асосланган;

3) миллий маданият ўрнига ҳавойи ва заминсиз космополит “маданият” ғоялари онгли ва изчил равишда тиқиштириб борилган.(3)

Бу аччиқ ва дахшатли хулосадир. Чунки миллий маданият куч ишлатишнинг эмас, онгли уюштириладиган ғоявий хуружнинг натижасида инқирозга учрайди. Шу маънода ғоявий таҳдидларнинг мониторинги қуйидагича ижтимоий аҳамиятга эга бўлади:

Биринчидан, ғоявий таҳдидларнинг пайдо бўлиш омилларига барҳам бериб бориш;

Иккинчидан, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик ва ғоявий сайқаллашиб бориш;

Учинчидан, миллий ўзликни сақлашда умуминсоний кадриятлардан унумли фойдаланиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун навбатдаги зарарли хуруж информацион таҳдиддир. Бу таҳдиднинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

Биринчидан, жамиятда ахборот эркинлиги йўқлигини иддао қилиш;

Иккинчидан, жамиятнинг ижобий жиҳатларидан кўз юмиб, камчиликларини бўрттириб тарқатиш;

Учинчидан, информацион тақчиллиги тўғрисидаги шов-шув тарқатиш.

Информацион таҳдид нафақат маънавий-ғоявий қурол, балки ахлоқий диверсия ҳамдир. Негаки, бу таҳдидлар ўта жозибали восита ва шиорлар асосида иш кўради, шу сабабли у инсон онги ва фаолиятини кўринмас тўсиқ билан ўраб олувчи омил ҳисобланади.(4) Шу маънода информацион таҳдидларнинг мониторингига диққат қилинг:

№	Информацион таҳдидларнинг кўринишлари	Уларнинг зарарли оқибатлари	Уларни бартараф қилиш йўналишлари
	1. Аниқлаш	2.Белгилаш	3. Ишлаб чиқиш
1.	Ахборот эркинлиги йўқлигини иддао қилиш	1. Инсон онгини манипуляция қилиш 2. Ёлғон ахборот тарқатиш 3. Барқарор ОАВ тизимини издан чиқариш	1. Тадрижий ривожланишда давом этиш 2. Ошкора муносабатни йўлга қўйиш 3. Миллий қонунчилиқни соҳада мустаҳкамлаб бориш

2.	Камчиликларни бўрттириб тарқатиш	1. Ахборотни сохталаштириш 2. Ютуқларни инкор қилиш 3. Жамиятни асоссиз танқид қилиш	1. Ҳисоботлар шарҳини кучайтириш 2. Миллий сайтларни кўпайтириш 3. Ўз-ўзини танқид руҳини таъсис этиш
3.	Информация тақчиллигини юзага келтириш	1. Давлатга ишончсизлик уйғотиш 2. Ахборот хавфсизлиги қоидаларини бузиш 3. Ички ишларга аралашиш	1. Соҳада қонунчиликка қатъий риоя қилиб бориш 2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш 3. Ахборот дахлсизлигини сақлаш

Зеро, информация таҳдиди кенг кўламлиги ва жамиятни “табиий” инқирозга олиб бориши билан хавфли ҳисобланади. Бунда шундай ҳулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан: информация таҳдиди одамлар онгини ёлғон ва асоссиз фактлар асосида манипуляция қилади;

Иккинчидан, жамият ривожини ва мавжуд давлат сиёсатига ишончсизлик уйғотади;

Учинчидан, мустақил давлат ички ишларига аралашади.

1. Мотуридий фикрларига эътибор қаратинг: “Бу дунёда ҳеч ким ўзининг қандай иймон-эътиқодга эгалигини айта олмайди. Чунки у қандай иймон-эътиқодга эга эканлигини қаердан билади? Инсоннинг иймон-эътиқод даражаси фақат қиёматда маълум бўлади . . .”. Бу фикр ва қараш бугун учун жуда муҳимдир. Негаки маънавий таҳдиднинг ўчоғларидан бири бўлган диний ақидапарастлар ҳозирги кунда ўзларини “чинакам эътиқод эгаси” сифатида тақдим қилишга уринмоқда.

2. Ғарб мутафаккири Эрих Фромм Ғарб оламида таркиб топган шафқатсиз индивидуализм инсонни жамиятдан бешишга олиб келганини асослаб беради. (5) Унинг фикрича, “индивидуализм – аслида инсонга мустақиллик беради. аммо, у меъёридан ошса инсон қалбини дағаллаштиради

ва натижада инсон ён-атрофдагиларга, ҳаётга ва жамиятга бефарқ бўлиб қолади”. Негаки меъёрсиз индивидуализм кишини эгоист (худбин) ва манфаатпараст қилиб қўяди. Диққат қилинса, баъзиларнинг четдан туриб Интернет ва кинофильмлар воситасида зўр бериб индивидуализмни тарғиб қилаётгани бежиз эмас. Унинг замирида инсонни ўзидан ва жамиятдан бездириш ғояси мавжуд.

Келтирилган бу икки мисолдан маълум бўладикки, маънавий таҳдидларга қарши миллий ва жаҳон маънавий меросини уйғун ўрганиш ва ўзлаштириш зарурат бўлиб турибди.

Миллий ва жаҳон маънавий мероси ғоя, фикр, концепция ва методологик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради, ўзаро уйғунлашиб инсон онги, маънавияти, ва ахлоқини такомиллаштиради. Маълумки, ким мутафаккир сифатида ном қозонса, у инсоният маънавий меросини умумий тарзда ўзлаштирган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий ва жаҳон маънавий мероси инсон учун қуйидагиларни беради:

1. Маънавий мерос: билим, миллий фикрлаш, миллий анъаналар ва одатлар билан қуроллантириш, миллий руҳият, менталитет ва маданият билан таништиради, миллий тафаккур, асотир ва мифология асосларидан сабоқ беради, миллий маънавий идеалга даъват қилади.

2. Жаҳон маънавий мероси: билим, гуманизм, биродарлик ва ҳаётсеварлик билан таништиради, дунё халқларининг урф-одатлари ва ўзига хосликларидан сабоқ беради, ҳаётини позиция, эркин яшаш ва демократик қадриятларга амал қилиш, инсоннинг ўзлигини сақлаб қолиш асослари билан қуроллантиради.

Дунё тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон учун миллий ва жаҳон маънавий мероси сув ва ҳаводек зарурдир. Бунда маънавий таҳдид уюштирувчиларнинг урф-одатлари ва дунёқарашини ўзлаштириб олиш муҳимдир ва бу маънавий таҳдидларга қарши профилактик тадбирларнинг прагматик характер касб этишида муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда маънавий таҳдидларни

уюштирувчи четдаги кишилар “маданияти”га оид қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1) Норвегияда жамоат транспортида катта ёшли аёлларга туриб жой берилмайди, бу ҳурматни “сен кекса аёлсан” тарзида ҳақорат деб қабул қилади.

2) Англияда нотаниш кимсага тикилиб қараш уй ойгача қамоқ жазоси билан “тақдирланиши” мумкин. (чунки бу зотлар барча одамдан шубҳаланишади).

3) Венецияда хиёбонлардаги кабутарларга озуқа бериш маданиятсизлик ҳисобланади.

4) Европада гўдакни опичлаш ахлоқсизлик сифатида қабул қилинади.

5) Лондон, Париж ва Берлинда ҳар йил яланғочлар парадини ўтказиш одат тусига кирган.

6) Бельгияда 2002 йилдан бошлаб ўзини ўлдирувчилар учун махсус таблеткалар ишлаб чиқарила бошлади.(6)

Бундай ҳолатлар инсонийлик ва маданият деган тушунчаларни ўзини конкрет классификациялаш керак деган хулосани бериши мумкин. Аслида эса, маънавий таҳдидлар ижодкорларининг ўзлари оддий инсонийлик ва маданиятдан бебаҳрадир. Бу каби фактларни таҳлил қилиб бориш эса у қадар фойдасиз иш эмас.

Ўзбекистонда маънавий таҳдидларга қарши олиб бориладиган профилактик тадбирларнинг учинчиси модернизациядир. Жамиятни изчил равишда ғоявий, маърифий ва ахлоқий жиҳатдан янгиланиб бориш, бунинг натижасида одамларни маънавий-ахлоқий такомиллаштириб бориш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу маънода фикр, дунёқараш ва ахлоққа модернизациялашни амалга ошириш маънавий таҳдидлар учун муҳим тўсиқдир.

Инсонни ва жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланиб бориши барча даврларда реал шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб амалга оширилган. Бундай пайтда, замонасининг мутафаккирлари асосли ва мақбул илмий-амалий механизмларни тақдим қилишган. Мисол учун, Шарқ ва Ғарб оламида бирдек эътироф этилган

Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111) ўз даври учун ана шундай инсонни маънавий-ахлоқий янгилаб бориш механизмларини яратган файласуф-мутафаккирлардан бири ҳисобланади.

Файласуфнинг фикрича, инсонни маънавий-ахлоқий янгилаш учун, аввало унинг мақсад-муддаосини тўғрилаш лозим. “шуни билки, - дейди у, – мақсад – муддао, интилиш ва ҳаракат аслида бир маънога эга. Булар инсон қалбига боғлиқ ҳодисалар бўлиб, унга англаш ва ҳаракат билан етилади”(7). Шу маънода инсон мақсад – муддаосини англаб, билиб олмасдан маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланмайди ва у ижтимоий жиҳатдан турғун бўлиб қолади. Негаки, “инсон билмасдан интилишни хоҳламайди, хоҳламасдан ҳаракат қилмайди”. Демак, мақсад муддаони аниқлаб олмасдан янгиланиш ва оҳорланиш мумкин эмас. Файласуфнинг қарашига кўра, мақсад-муддао қуйидаги тўрт босқичда аниқлаб олинади:

1) инсоннинг ўз олдига бирор мақсад қўйиши. Бунда ҳали мақсад-муддао примитив шаклда бўлади.

2) инсоннинг ўз мақсад-муддаосини конкретлаштириши. Бунда барча орзу-ҳаваслар ягона мақсад сари бирлаштирилади.

3) инсоннинг ўз мақсад-муддаоси томон ҳаракат қилиши. Бунда ўз мақсад-муддаосига етиш ягона вазифа ҳисобланади.

4) инсоннинг ўз мақсад-муддаосига етиши учун ўзини ислоҳ қилиши. Бунда мақсад-муддаога тўсиқ бўлувчи нарсалар бартараф этилади.

Демак, аниқ мақсад-муддаога эга бўлмасдан инсон маънавий-ахлоқий янгиланмайди. Чунки мақсад-муддао уни ҳаракатга, ҳаракат эса самарага бошлайди. Савол туғилади: бугунги кун кишиси учун мақсад-муддао борми? Бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин. Айни пайтда, унинг икки шаклда намоён бўлаётганини қайд этиш лозим: биринчиси, инсоннинг шахсий мақсад-муддаоси; иккинчиси, жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси. Бироқ, бу ўринда биринчи мақсад-муддао иккинчисига

уйғунлашиши лозим. Акс ҳолда, шахсий мақсад-муддао юксаклик касб этмайди ва натижада инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан мўрт бўлиб қолади.

Маълумки, ҳозирги жамиятимизнинг умумий мақсад-муддаоси “Миллий такланишдан – миллий юксалиш сари” одимлашдир. Аммо, ҳамма ҳам ўзининг шахсий мақсад-муддаосини мазкур умумий мақсад-муддаога уйғунлаштира олмаяпти. Натижада инсоннинг маънавий-ахлоқий оламида айнаш рўй бериб, унда таҳдидбардошлик иммунитети пасаймоқда. Бунга мисоллар ва далиллар етарли. Лекин, бу ўринда гап далилларда эмас. Асосий масала инсоннинг шахсий мақсад-муддаосини аниқ белгилаб, уни жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси билан уйғунлаштириш ва бунинг натижасида инсонни маънавий-ахлоқий янгилашга эришишдир.

Бинобарин, “Янги Ўзбекистон” том маънода янгиланишни талаб этади!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Новая философия энциклопедия. Том 4. – М.: “Мысль”. 2002. – с. 108.
2. Клайкхон М. Зеркало для человека. – М.: “Евразия”. 2004. – с. 16-17.
3. Клайкхон М. Зеркало для человека. – М.: “Евразия”. 2004. – с. 136 – 137.
4. Бохеньский Ю. Духовная ситуация веремени. // Вопросы философии. – 1993. - № 5. – с. 106-107
5. Фромм Э. Душа человеком. – М.: “Республика”. 1992. – 21.
6. Мисоллар ушбу манбадан олинди: “Аргументы и факты”, 2010, июнь, № 22. – с. 31.
7. Абу Хамид ал-Газалли. Воскрешение наук о вере. – М.: “Наука”. 1980. – с. 263. Перевод с арабского В. В. Наумкина.

ТОТАЛИТАР СЕКТАЛАРНИНГ МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАРИ

Мусаев Мансур Турсунпўлатович

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори,*

Мусаев Мақсуд Турсунпўлатович

*Ўзбекистан Республикаси ИИВ Академиясининг
“Ташкилий тактик бошқарув” йўналиши бўйича
I-босқич магистранти*

Бугунги кунда дунё миқёсида глобал таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизмни асл моҳиятини англаш ва уни олдини олишда энг аввало, пухта ишланган маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда ижтимоий-гуманитар фанларига бўлган эҳтиёж ва талаб кучайиб бормоқда. Инсон маънавиятга қарши қаратилган миссионерлик ва прозелитизм бугун жаҳолат, ғафлатга, лоқайдлик эса бепарволикка гирифтор этиши тобора ойдинлашмоқда.

Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм глобаллашув шароитида геосиёсат назариясига кўра экспанциянинг бир тури сифатида намоён бўлаётир. Айниқса, XXI асрга келиб мафкура полигонларида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари тобора кучаётганлигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳаракатлар дунё миқёсида дин ва диний конфессиялар ўртасидаги кескинлик ва қарама қаршиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётганлиги ойдинлашмоқда. Бу эса, ғоявий – мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм тўғрисида жиддий фикрлашни тақоза этмоқда.

Шу ўринда “миссионерлик” сўзининг луғавий моҳиятига тўхталсак, “миссио” сўзи лотинча бўлиб ўзбекчада “вазифа”, “топшириқ”, “юксак бурч” деган маъноларни англатса, миссионерлик эса ўз навбатида бирон-бир динга эътиқод

қилувчи халқлар орасида ўзининг диний қарашларини тарғиб этишни англатади. Унинг таркибий қисми ҳисобланмиш прозелитизм юнон тилидаги “proselitizm” сўздан олинган бўлиб, “келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи”, “ўзининг диний эътиқодидан бошқасига ўтувчи” деган маънолар билан бир қаторда, “тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш” ни англатади.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замирида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатининг сиёсий моҳияти айрим давлатларда ҳукм сураётган нотинч вазиятлардан фойдаланган ҳолда, ҳокимият бошқарувида вужудга келаётган айирмачилик (сепаратизм), жумладан диний асосдаги ғайри инсоний тамойилларни амалга ошириш орқали парокандаликни юзага келтиришни назарда тутаяди.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида фаол миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан шуғулланаётган “Иегова гувоҳлари” сектаси Европа парламенти томонидан дунёдаги энг хавфли 172та тоталитар (ижтимоий хавфли) секталар қаторида эътироф этилган.

“Иегова гувоҳлари” сектаси 1931 йилда “Библия тадқиқотчилари” номи остида АҚШ ҳукумати томонидан диний ташкилот эмас, балки нашриёт сифатида рўйхатга олинган. Ушбу секта протестант йўналишининг диний ташкилоти мақоми остида фаолият олиб борса-да, айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра мазкур секта христианликнинг парахристиан ва псевдохристиан йўналишларига мансуб. “Иегова гувоҳлари” сектаси тарихи “Библия тадқиқотчилари” ҳаракати натижасида вужудга келган бўлиб, XIX асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Пенсильвания штатида яшовчи Чарльз Тейз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган.

1916 йилда Рассел вафотидан сўнг Жозеф Франклин Рутерфорд СМЖнинг иккинчи президенти сифатида ташкилот фаолиятига ўзгартишлар киритиш билан бир қаторда, иегова таълимотига “армагеддон” тушунчасини киритади. У 1925 йили “Худонинг подшоҳлиги даври бошланиши” ни башорат қилиб, ушбу секта ичида бошқарув қонун-қоидалари ва таълимотларини ўзгартириш натижасида келиб чиққан ихтилофлар туфайли 1931 йилда Рутерфорд издошлари Библия тадқиқотчиларидан бутунлай ажраб туриш мақсадида ўзларига “Иегова гувоҳлари” номини қабул қилишди. 1942 йилда Рутерфорд вафотидан сўнг жамият президенти лавозимини эгаллаган Натан Ҳомер Норр томонидан ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бошқарув маркази – Watchtower биноси Бруклинда жойлашган (Нью-Йорк) бўлиб, ушбу шаҳарда “Галаад – Библия мактаби” ташкил этилиб, дунё миқёсида мазкур секта таълимотлари асосида миссионерлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

“Иегова гувоҳлари” ташкилоти томонидан ўтказилаётган ҳар қандай йиғилишларда мунтазам равишда “Теократик ибодат мактаби” ташкил этилган бўлиб, мажлиснинг барча аъзолари жамият таълимоти воизлиги асосларидан таҳсил олишмоқда. 1950-1960 йилларга келиб, “Иегова гувоҳлари” муқаддас Ёзувларнинг ўз таржимаси – “Янги дунё талқини” ни инглиз тилида нашр этди.

“Иегова гувоҳлари” сектаси миссионерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратади. Ташкилот аъзолари, асосан, фуқаролар уйларига бевосита ташриф буюриб, ушбу секта ғоялари акс этган журнал ва адабиётлар тарқатиш орқали ўз издошларини кўпайтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради. Ҳозирда иеговачи миссионерларнинг умумий сони 700 мингдан ортиқ бўлиб ташкилот раҳбарияти томонидан миссионер кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Нью-Йорк шаҳрида “Галаад” миссионерлар тайёрлаш марказида жорий этилган 5 ойлик ўқув курсларида ҳозирда дунё миқёсида ташриф

буюрган миссионерлар секта таълимотлари асосида таҳсил олиш йўлга қўйилган. Ушбу секта ҳозирги кунга келиб, дунёнинг 236 та мамлакатда ўз фаолиятини олиб бориб ўзининг 115 та минтақавий ваколатхонасига эга [1.2;].

Секта таълимотида ҳар бир секта аъзоси миссионерлик фаолиятини олиб бориши лозим. Жумладан, ташкилот раҳбарияти томонидан секта таълимотини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача ўз вақтини миссионерлик фаолиятига сарфлаши талаб этилади. Секта аъзоларининг миссионерлик фаолиятига қараб ташкилот раҳбарияти томонидан секта аъзолари ташкилот иерархия (мансаб пағона)сига кўтарилиш таъминланган.

Бугунги кунга келиб, “Иегова гувоҳлари” сектаси дунё миқёсида ўз таълимотини ёйиш мақсадида бир қатор журналлар ва адабиётларни чоп этишни йўлга қўйган. Яъни “Сторежевая башня” (Қуриқчи минораси) журнали ҳар ойда 2 маротаба 125 тилда 22 миллиондан ортиқ нусхада чоп этиш ҳамда ойига 1 маротаба 81 тилда 20 миллион тиражда нашр этиладиган “Пробудитесь!” (Уйғонинглар) журналлари орқали миссионерлик фаолиятини кенг миқёсида тарғибот ва ташвиқот қилиш орқали йил давомида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар сарфланаётганлигини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги кунда, дунёда фаол тарзда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан шуғулланаётган “Сайенталогия” сектасини мутахассислар дунёдаги ижтимоий хавфли секталар қаторига қушишади. Секта таълимотга кўра, ушбу оқим ўз фаолиятини расман 1954 йилда АҚШнинг Калифорния штатида секта асосчиси Лафайета Рональд Хаббард (1911-1986) томонидан амалга оширган. Секта аъзолари “Сайенталогия” сўзини “сайен” лотинча “билмоқ”, юнонча “логос” сўзи ўзбек тилида “билим”, яъни “билим ҳақида сўз” деган маънони англатишини алоҳида таъкидлашади.

1950 йилда Л.Р Хаббарднинг “Дианетика” номли китобини нашр этилиши дунёда сайентологлар даврини

бошланиши учун асосий замин вазифасини ўтади. “Дианетика” сўз “ақл орқали” даволаш усули бўлиб, кўзи ожизларнинг кўзларини кўриши, ногиронларни юриши, гўёки, ҳар қандай шароитда ҳам беморларни даволаш орқали соғайиши кафолатланади. Хусусан, ушбу усул орқали жуда кўплаб фуқароларни секта тўзоғига илинаётганлиги ачинарли ҳолдир. Секта раҳбарияти инсонларни ҳаётга бўлган қизиқишларни аниқлашда Оксфорд университетининг психологик синов тести орқали сектага жалб этишга бевосита эътибор қаратишади. Мутахассислар эса мазкур усулнинг Оксфорд университетига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, фақатгина ёлғон уйдирма эканлигини таъкидлашади. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу сектанинг шатб-квартираси АҚШнинг Флорида шататида жойлашган. Сайентологлар ўз фаолиятини МДХда 90 йиллардан бошлаб амалга ошира бошлаган. Ушбу секта Россияда, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора ходимларини ўзига жалб этиши натижасида уларда катта қизиқиш ўйғотишган.

Мутахассислар фикрига кўра, Сан Мен Мун “Бирлашган ҳаракати” сектаси ижтимоий ва халқаро муносабатларга хавф тўғдирувчи сектадир. Ушбу сектага 1954 йилда корейлик Мун Сан Мён (куёш ва ой одами) томонидан асос солинган. Айрим мутахассислар “Мунизм”ни христианликка умуман алоқадор эмаслигини таъкидласа-да, мунизм тарафдорлари христианлик таълимоти асосида фаолият олиб боришини таъкидлашмоқда. Аммо, айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мунизм ўз мақсадини амалга оширишда христианлик таълимотларидан фойдаланаётган шаманийлик ҳаракат эканлигини таъкидлашади.

Секта таълимотида, мунизмнинг диний китоби “Илоҳий тамойил” баъзан эса “Мун китоби” дея аталади. Ушбу ҳаракат христианликдаги бир неча атамалар шаклидаги хурофий-аралаш шаманий яъни руҳлар билан мулоқат қилувчи мессиян(махдипарастр)лик сектаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Секта аъзолари ўзларини “Бирдамлик черкови” деб номласа-да, расман “Дунё христианлари

бирдамлиги учун авлиё рухжамияти” деб аташади. Айниқса, 1997 йилдан эътиборан Мун Сан Мён томонидан секта ўз номини “Бутун дунёда тинчлик учун бутунжаҳон оилалари жамияти” сифатида аташ лозимлигини таъкидлайди.

Ўз навбатида секта таълимотида ташкилот қоидаларига қаттиқ риоя қилиш, моддий маблағлар йиғишга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу моддий маблағларнинг йиғилишига қараб ҳар бир адепт (сектага дастлаб қабул қилинган аъзо)ларнинг руҳий ўсганлик даражаси белгиланади. Дарвоқе, секта таълимотига, асосан оқим аъзолари, йигит ва қизлар доимий равишда ҳар ойнинг дастлабки санасида мунитлар байрами муносабати билан тантанали аҳдлашув маросимида қатнашадилар. Сан Мен Мун ва унинг рафиқаси сурати олдида тантанали равишда 3 маротаба таъзим қилиб, Оллоҳга ва унинг ҳақиқий ота-оналари ва ватани Кореяга содиқлигини нишонаси сифатида қасамёд этишади.

Мунитлар оиласи бошқарувидаги секта таълимотида, инсоният ирқини тозалашга алоҳида эътибор қаратилади. Сектада Сан Мен Мунни “Биринчи асл одам” ва рафиқасини биринчи аёл сифатида “Бутун инсониятнинг дастлабки, асл ва ҳақиқий раҳбари” эканлиги тўғрисидаги таълимотга асосий урғу қаратилади. Муннинг фикрича, у барча динлар ва давлатларни бирлаштириш орқали ўзининг хукмронлигини ўрнатиш ғоясини илгари суради.

Сан Мен Мун миссионерлик фаолиятида ушбу ҳаракатни дунёда кенг тарғибот қилишда аввало, дунёдаги йирик сиёсий шахслар билан ўзаро яқинлик ўрнатиш орқали ўз тарафдорларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Мунитлар машҳур курорт шаҳарларида семинарлар ўтказиш, ушбу ҳаракатини ўзга мамлакатларда кенг ёйиш мақсадида махсус ўқитувчиларни тайёрлаш учун дам олиш масканларида “текин” дам олишни ташкил этишмоқда. Ўз навбатида, ушбу семинарларда МДХ мамлакатларидан 75 мингдан ортиқ ўқитувчиларни жалб этилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Ушбу секта христианликка умуман алоқасиз эканлигини, проваслов

черкови вакиллари билан ҳамон зиддиятлар давом этиши натижасида мурасага кела олмаётганлигини таъкидлаш лозим. Мунизм ўз фаолиятида тажовузкор, шавқатсиз ҳамда миллатчилик руҳияти асосида сайёнталогия сектаси билан ўзаро яқин алоқадорликда фаолият олиб бораётган энг хавфли секталар қаторида эътироф этилади. Мазкур секталар иблисона ҳаракатлари натижасида христианлик таълимоти ақидалари ва проваслов черковига қарши ҳамкорликда курашмоқда.

Бугунги кунда мормонлар (сўнгги давр авлиёлари Иисус Христос черкови) сектаси миссионерлик фаолиятини фаол тарзда олиб бормоқда. Мазкур сектага 1830 йилда Жозеф (Иосиф) Смит томонидан асос солинган бўлиб, христианликнинг протестант йўналиши замирида ташкил этилган. Секта расман ўз номини “Сўнгги кун авлиёлари Иисус Христос черкови” сифатида ўзи фаолиятини олтин палстинкали “Мормон китоби”ни чоп этилиши натижасида амалга оширган. Секта раҳбари Жозеф Смит оккультизм (рухларни чақириш ва улар билан мулоқат қилиш) билан шуғулланиши уни маҳаллий черковдан хайдалишига сабаб бўлган.

Россиялик тадқиқотчи диакон А.Кураевнинг фикрича, сектанинг асосий диний китоби “Мормон китоби”ни христианликдаги “Библия” ва “Евангелия” сингари муқаддас эканлигини эътироф этишса-да, аммо мазкур китобнинг асосий қисмлари “Библия” ҳамда “Евангелия”дан кўчирилган.

Мутахассислар фикрига кўра, мазкур оқим қудратли диний ташкилот сифатида 30 млрд доллар миқдоридаги катта сармояга эгадир. Ҳозир кунда, секта тассаруфида дунёдаги йирик компаниялар, банклар, меҳмонхоналар ва суғурта ташкилотлари, бир неча номдаги газеталар, 11 та радиостанция, ҳамда 2 та телеканал фаолият кўрсатмоқда. Секта аъзолари ўз даромадларини 1/10 черковларга, 1/10 худого қурбонлик қилишга ҳамда бир қатор “хайрия” ишларига сарфлашмоқда. Мормонлар миссионерлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида дунёдаги кўплаб

мамлакатларда давлат бошқаруви ва ҳукумат сиёсатига нисбатан таъсир ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Бугунги кунда мормонлар ўта эҳтиёткор, аммо фаол тарзда миссионерлик ҳаракатларини олиб боришмоқда. Натижада дунёда мормонлар сони жадаллик билан ўсмоқда.

Дунё миқёсида жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига хавф тўғдираётган деструктив ва тоталитар диний ташкилотлар ҳақида гап кетганда аввало “Халқаро Кришнани англаш жамияти” (МОСК) ёдга келади. Секта асосчиси хинд рухонийси Абхай Чаран Де (1896-1977), 1947 йил “Веда” билимдони сифатида, “Бхактиведанта” (санскритча – “содиқлик”, “фидокорона хизмат”) унвонига кейинроқ санскрит тилидан инглиз тилига “Бхагавадгита” (“Худо қўшиқлари”) ни тафсилларини таржима қилиш орқали Свами (“Ақл ва ҳиссиётлар эгаси”) номига сазовар бўлади. Абхай Чаран Де кейинчалик ўзини Шри Шримад Свами Бхактиведанта Шрила Прабхубада деб атади. Ўз сектаси ғояларини Ҳиндистонда тарғиб этишга ҳаракат қилади, аммо у ердаги кучли рақобат туфайли ўз мақсадига етиша олмайди. Натижада, ўз омадини синаб кўриш мақсадида 1965 йилда секта раҳбари А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва “Халқаро Кришнани англаш жамияти” га асос солди [2.3; Б.47.]. Бу ерда у Кришна таълимотини Ғарбда тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратади. А.Ч.Бхактиведанта кришнаизм таълимотини ёйиш мақсадида секта ғояларини ўзида акс этувчи “Худого қайтиш” - журналинини ташкил этди. У диний эътиқодга берилгач ўз оиласидан воз кечиб, Саньясин (яъни ўзини худого бағишлаш) йўлини танлаган. Прабхубада Ғарбда ўз таълимоти орқали Ҳиндистон ҳаётинини ташқи томонини татбиқ этишга ҳаракат қилган. Айниқса, “Ғарб-кўр (рухий)”, “Шарқ - оқсоқ (яъни иқтисодий томондан камбағал)” ва уларнинг ўзаро бирикиши орқали камолатга эришиш мумкин деган ғояни илгари суради. Вахоланки, кўр ва оқсоқни камолат тимсоли сифатида аташ мантиққа тўғри келмайди. “Халқаро кришнани англаш жамияти” фундаменталистик характердаги янги секта ҳисобланади.

7 IV 5401

Мазкур секта аъзолари Кришнани англашда аввало, инсонлар бхакта-йога машғулотлари орқали руҳни поклашга эришиш мумкинлигини таъкидлашади. Шу ўринда, каришначилар таълимотида ўзининг моддий эҳтиёжларидан воз кечиш тарғиб қилинади, гўшт, тухум, балиқ, спритли ичимликларни истеъмол қилиш тақиқланади. Мазкур оқим аъзолари инсон ақлини поклаш, ўз фикрини ташқидунёдан холос этишда, бутун муҳаббатини худога изҳор этиш орқали ибодатхоналарда медитация-диний маросимларни кун давомида бажаришади.

Шарқона деструктив диний ташкилотлардан яна бири 1952 йилда АҚШнинг Калифорния штатида Махариши Махеш Йоги томонидан асос солинган “Трансцендентал медитация” (ТМ) ташкилотидир. Унинг асл исми Махеш Прасад Варма бўлиб, у 1911 йилда солиқ хизматчиси оиласида дунёга келган. 1942 йилда Аллоҳобод университетининг мухандислик факультетини тугатган. Бир қанча вақт заводда ишлаб кейинчалик Хиндистон Республикасининг биринчи президенти Раджендра Пасаданинг севимли гуруси ҳисобланган Свами Барахмананда Сарасвати Махарижага (гурудев) шогирдликка тушади. ТМ ривоятларига кўра, Махариши Химолай тоғининг ғорларида 2 йил давомида янги медитация усулини кашф қилган. Махариши ўз усулини Хиндистонда кенг миқёсда тарғиб этишга ҳаракат қилган. Аммо кучли рақобат туфайли мақсадига эриша олмаган. Шу тариқа Махариши ўз фаолиятини ёйиш мақсадида Калифорнияга боради. Махариши у ерда “Битлз” гуруҳи аъзоси Жорж Харрисон билан яқиндан танишади. Мазкур учрашув келажакда ТМни кенг миқёсда фаолият кўрсатишга ва Махаришини жуда машхур бўлишига замин яратади. Айниқса, унинг медитация усуллари анча қиммат бўлиб, уни оддий талаба ёки чилангар сотиб ололмас эди. Ўз навбатида, Махариши томонидан “Халқаро талабалар медитация жамияти” ташкилотини тузилиши Ғарбда ёшларни шарққа бўлган қизиқишини орттирди. Махариши ТМни дин эмас, балки “илмий” ва “психологик” усул эканлигини таъкидлайди. Хусусан, Махариши гўёки

талабаларга пуллик медитация қилиш орқали яхши баҳо олишни, яхши иш топишни ваъда қиларди. Аммо медитация жараёнида рухий томон инобатга олинмас эди. Бир неча йил ўтиб ТМда ўқитувчилар сони 6000 тага ташкил этиб у йилига 20 млн АҚШдоллари миқдорида даромад келтира бошлаган [3.1;].

Бугунги кунда, Россияни Омск, Иркутск шаҳарларида ТМнинг қандалотчилик маҳсулотлари заводларида “Махариши печениси”ни ишлаб чиқарилиш йўлга қўйилган бўлиб, бутун Россия миқёсида сотилмоқда. Ҳозирда, ТМ ташкилоти Россиянинг ҳукумат идоралари киришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур омил давлатда ўзларини ташкилотида ишлаб чиқарилган “илмий” услублари ёрдамида тартиб ўрнатишларини кафолатлашни англатади. Хусусан, айрим тоталитар секталар динни ниқоб қилишга интилса, ТМ ташкилоти эса, аксинча диндан йироқлигини бу фақатгина илмий медитация эканлигини таъкидлайди. Ташкилот раҳбари Махариши Йоги ўзининг ташкилотини кенг тарғиб этишда сектани бирон бир дин билан ўзаро алоқадор эмаслигини инсонларни соғломлаштири йўлидаги илмий тиббий усул эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ташкилотнинг медитация жараёнида мижознинг қизиқишига қараб фолклёр маросим (Пуджа) ўтказишига алоҳида эътибор қаратилади.

Махаришининг ташаббуси билан 1974 йилдан эътиборан АҚШ мактабларида ТМнинг медитациясини ўқитиш жорий этилган. Мазкур ҳолат, бевосита АҚШда қонунни четлаб ўтишга сабаб бўлган. Ташкилот раҳбари, Махаришининг фикрига кўра, “бугунги кунда сиёсат одамларни тақдирини бошқаради. Шунинг учун таълимот биринчи ўринда сиёсатга, кейин эса иқтисодиётга кириб бориши керак”. 1977-йилда Нью-Джерси штати судининг қарорига кўра, ТМнинг медитация курсларини мактабларда ўқитилиши тақиқланди.

Инсон сектани тарк этганда унинг мустақил тарзда яшаш муаммоси вужудга келиб, уни енгишга иродаси етмайди. Ўтказилган тажрибалар жараёнида, сектадан

алоқани ўзган иродали инсонни батамом соғайиши учун 2 йил вақт керак бўлиши аниқланган. Кришначилар диний маросимлар учун ҳафтасига ўртача 70 соат, мунитлар 53 соат, сайентологлар 43 соатга яқин вақт сарфлашади. Кришнаизмни тарк этган инсоннинг тўла соғайиши учун 11 ой, собиқ мунитга 16 ой, сайентологга эса 25,5 ой вақт керак. Айниқса, мазкур ҳолатда “соғайиш” сўзи нисбий бўлиб, унинг асоратлари йиллар бўйи давом этиш мумкинлигини англаш лозим. Шу ўринда, мутахассислар сайентология асоратларида ҳеч ким батамом қутила олмаслигини таъкидлашади [4.4;]. Ахборот-таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра, тоталитар секталар таълимоти остида бутун миллат учун хавф мавжуд бўлиб, фуқароларнинг ҳаётини барбод қилиш орқали, уларга руҳий ҳам жисмоний зиён етказиб, оилалар бузилишига замин яратади. Бинобарин, тоталитар секталар таъсирига тушган инсонларнинг ҳаётида фожеалар рўй бермаслиги учун, инсонлар ақл идрокини йиғиб, тоталитар секталар билан алоқаларини узиш орқали ўз қадри, обрусини қайта тиклаши учун уларларни огохлантириш, хушёрлик ва сезгирликка мунтазам даъват этиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дворкин А.Л. “Сектоведение»” Трансцендентальная медитация понравилась многим, ибо предъявляла мало требований, но обещала большой эффект <http://www.rar-lab.com/>.

2. Дмитрий Евменов. История создания и учение Общества Сторожевой Башни. Структура секты и методы ее регистрации в разных странах. apologiya.orthodoxy.ru/si/history.html.

3. Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009.-Б. 47.

4. Цифры взяты из книги Джин Ричи «Тайный мир культов» (Jean Ritchie, The Sekret World of Cults. An Angus & Robertson Book, 1991.

ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Мирзаахмедов Камолиддин Мансуржонович,
*Ўзбекистон Миллий университети доценти,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори*

Фан - инсон фаолиятининг соҳаси бўлиб, унинг мақсади – предметларни ҳамда табиат, жамият ва тафаккур жараёнларини, уларнинг хоссалари, муносабатлари ва қонуниятларини ўрганишдир. Фан бу - ижтимоий онг шаклларида биригидир. “Фан” сўзининг айнан маъноси - билим демакдир. Кундалик ёки турмуш тажрибаси деб аталган нарсаси, яъни оддий кузатиш ва амалий фаолият асосида олинган, фактлар, ходисаларни оддийгина тавсифлашдан, уларнинг соф ташқи томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билим фанга тааллуқли эмасдир.

Бугун жаҳон тараққиётининг, жумладан, Ўзбекистон ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи, бу малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади. Бундай кадрларни, шубҳасиз, таълим тизими тайёрлаб беради. Шу сабабли бутун дунё тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эрта оладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида[1] олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш назарда тутилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР. Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида,

мазкур ислоҳотларнинг салмоқли қисмини таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан 2019 йил 31 декабрда тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон, 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сонли қарорлари, айти пайтда, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда. Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган яна бир энг муҳим ҳужжатлардан бири бу-“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши бўлди. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг адолатли ижтимоий сиёсат ҳамда маънавий тараққиёт соҳасида белгилаб берилган долзарб вазифалари қаторида ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор қаратилганлиги ҳам ушбу соҳадаги муаммонинг долзарблигидан далолатидир. Жумладан, “2022-2030 йилларда Ўзбекистон республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” яратилиши ва амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги ижтимоий - гуманитар фанларни

ўқитишда мутлақо янгича ёндошувни тақазо этади. “Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш зарурлигига, миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта”[2].

Айни пайтда, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, жамиятимизда ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш, хусусан, бунда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш долзарб вазифалардандир. Бу ўринда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори Исмоил Саифназаровнинг “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни нега кучайтиришимиз керак?”[3], Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, файласуф олим Тоғаев Шавкат Хуррамовичнинг “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш зарурияти ва аҳамияти” [4], файласуф олима Мухаммадиева Ойниса Мустафакуловнанинг “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Шарқ мутафаккирлари маънавий меросидан самарали фойдаланиш усуллари”[5] номли илмий мақолалари ва бошқа бир қатор тадқиқотларда эътиборга молик асосли фикр ва таклиф-тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, уларда таълим тизимида айнан ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг ижтимоий-функционал моҳияти, бу борадаги долзарб муаммо ва вазифалар ҳамда тажрибалар атрофлича таҳлил қилинган.

Илм-фан ривожига ҳар бир давлат ва жамият тараққиётининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Табиий, техник фанларнинг ривожига мамлакатнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритилишига замин яратса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожига эса мамлакатда демократик тамойилларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Агар, табиий ва техник

фанларни жамиятнинг танасига қиёсласак, ижтимоий-гуманитар фанлар эса шу жамиятнинг руҳи, маънавий қиёфасидир. Қачонки танага эътибор берилиб, руҳият орқада қолса, бу жамиятнинг бузилишига, турли таҳдидларнинг кириб келишига, маънавий инқирозга олиб келади. Шундай экан, жамиятнинг танаси бўлган табиий, техник ва аниқ фанларнинг ривожини билан бир вақтда, унинг маънавий тақомилига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожини ҳам жиддий ўйлаш бугунги куннинг глобал муаммоси, десак муболаға бўлмайди.

НАТИЖАЛАР. Том маънодаги илмий билим фақат фактларнинг мажмуи замирида қонуният - улар ўртасидаги умумий ва зарурий алоқанинг мавжудлигини англаган чоғдагина бошланади, бу эса нима учун айни ҳодиса бошқача эмас, худди шундай юз берилишини изохлаш, унинг қандай ривожланиши хусусиятларини олдиндан айтиш имкониятини беради. Маълумки, илмий билимларни ҳосил қилиш усулларига қараб, фанлар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратилади. Шунингдек, уларни ўрганиш объектига қараб табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажартилади. Тадқиқот предметини чуқурроқ ўрганиш жараёнида эса, фаннинг янги соҳа ва тармоқлари вужудга келади.

Бугунги ахборот оқимининг узлуксиз кенгайиб бориши илмий билимларнинг дифференцияланиши жараёнларини ҳам жадал суръатларда тезлаштирди. Бу эса, ўз навбатида яна бир қатор ижтимоий ва илмий тадқиқ этилиши зарур бўлган тадқиқотларни вужудга келтирмоқда. Масалан, дифференциялашиш жараёни илмий ва замонавий билимларни жадал чуқурлашиб бориши билан бирга, фанларнинг жуда кўп соҳаларга бўлиниб кетишига, мутахассислашувининг торайишига ва уларнинг ўзаро боғланиш имкониятларини чеклашга, бир бутун яхлит билимларни айрим фан мутахассислари қўлида тўпланишига сабаб бўлиб, етарли даражада қийинчилик туғдирмоқда. Айтайлик, ахборот маконининг

ғоятда кенгайиб кетиши сабабли ҳатто бир бутун физика, химия ёки биология соҳасида етакчи, билимдон мутахассис олим бўлиши қийин бўлиб қолди. Эндиликда универсал физик ёки универсал биолог йўқ. Эндиликда олимлар маълум тор соҳалардагина мутахассис бўлишлари мумкин бўлиб қолди. Лекин, ижтимоий ҳаёт ва амалиёт ҳозирги замоннинг саноатлашиш ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, фанларнинг интеграцияси ҳамда илмий муаммоларни комплекс ҳал этишни талаб этмоқда. Бундай ҳолда юқорида қайд қилинган мураккаб илмий муаммоларни яхлит умумлаштира оладиган ва умумий қонуниятларни ўзида мужассамлаштирадиган концептуал назариялар зарурдир. Бундай назарияларни фақатгина ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига мансуб билим, кўникма ва малакалар бера олади. Шунинг учун ҳам барча табиий ва ижтимоий билимларни интеграциялаш ва синтезлаштириш эҳтиёжи бугунда тадқиқотчи олимларни муқаррар ҳамкорлигини талаб этмоқда. Замонавий билим ва фанларни умумлаштиришга интилиш фақат ҳозирги даврдагина хос хусусият эмас, дифференциялашув ва интеграциялашув жараёни асрлар давомида содир бўлиб келган, лекин бизнинг давримизда келиб ушбу жараён ғоятда тезлашиб кетаётгани аниқ.

Бугун тан олиб айтиш зарурки, ривожланган Ғарб давлатлари ёки Осиё минтақаси давлатларида ҳам табиий-техник фанларнинг ривожи олий нуқтага чиқди. Бироқ инсонни, жамиятни, маданият ёки тарихни ўрганадиган ижтимоий-гуманитар фанлар анча орқада қолмоқда. Бу сезиларли даражада инсонларда маъсулият, дахлдорлик, фуқаровийлик белгиларини пасайишига сабаб бўлмоқда. Бугун дунё сиёсий майдонида содир бўлаётган низолар, таҳдидлар, беқарорликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам инсоннинг маънавий камол топишига етарли эътибор қаратилмаётганлиги, шу баробарида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш самарадорлиги ҳаётдан орқада қолаётганлиги, десак адашмаган бўламиз.

Биргина мисол, Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” китобида 30 дан ортиқ илм-фаннинг таърифи, мазмуни ҳақида сўзлаб беради. Унда табиий ва аниқ илмлар билан бир қаторда грамматика, шеърят, орфография, луғатшунослик, мантиқ, фикҳ, фалсафа, этика, сиёсатшунослик каби ижтимоий - гуманитар илмлар ҳақида батафсил концептуал маълумотларни келтириб ўтади. Форобий ўрта асрлар шароитида биринчилардан бўлиб жамиятнинг тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳақида таълимот яратади. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари-давлатни бошқариш, таълим тарбия, ахлоқ, маданият, маърифат, диний эътиқод, барқарорлик, самарали меҳнат ва бошқа шу каби мавзулар қамраб олинган. Шу билан бирга Форобий “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола” асарида фозил жамиятни шундай тасвирлайди: “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, -деб ёзади у, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади”. Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади[6]. Форобийнинг фозил жамоа ҳақида таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан боғланиб кетади. Фозил жамоадагина комил инсон хислатлари вужудга келиши борасида ғоят муҳим қарашларини илгари суради. Бугун шу нарса аниқки, замонавий жамият ва давлатнинг ҳозирги формаси шу каби фозил жамиятга, комил инсонларга эҳтиёжи кундан-кун ортиб бормоқда.

Ҳозирги босқичда энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ижтимоий-гуманитар фанлардан фаол билим бериш орқали айниқса ёшларимизда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданият, ҳуқ-атвор ҳамда дунёқарашни самарали юксалтиришнинг илмий асосланган дастурини тайрлаш зарурати мавжуд.

Бу эса, жадал ислоҳотлар, ўзгаришлар шароитида мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим тизимларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш орқали ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилияти ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, уларда олий таълим босқичида ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиришда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, ижтимоий фанларни самарали ўқитиш технологияси:

- касбга ва жамиятга муваффақиятли мослашишга ёрдам берадиган ёшлар шахсининг баркамол ривожланишига таяниши;

- таълим олувчиларнинг “мен” ва энг яқин ижтимоий муҳити чегарасидан чиқиб, меҳнат қилишга, касб танлашга, жамият билан шахсий сифатларини қиёслаб олишига ва ўз хатти-ҳаракатлари учун шахсий масъулиятни шакллантиришга ёрдам берадиган;

- ёшларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш ва касбий ўзини ўзи англаш учун онгли истагини шакллантириш учун мустақил шарт-шароит яратишга бўлган билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда реал ҳаётга тадбиқ эта олиш воситаларига таянган ҳолда ташкил этиш зарур.

Албатта, юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ёшларнинг мотивацион, рефлексив ва ўз ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бугун ижтимоий фанларни ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида:

биринчидан, ёшларда фан, ҳаёт кўникмаларини, ностандарт шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш, таълимнинг барча босқичларида қобилият ва ижодкорликни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ҳаётда зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини ўзлаштириш,

мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиради;

иккинчидан, фаолиятнинг энг муҳим турларидан лойиҳалаштириш, изланиш, бошқариш каби универсал фаолиятни ўзлаштириш, қарама-қаршилиқлар масаласини ечиш маҳоратини намоён қилиш орқали самарадор ва тўғри технологияларни танлаш кўникмасини вужудга келтиради.

МУҲОКАМА. Глобаллашув жараёнида ёшларга ижтимоий фанлардан билим бериш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ижтимоий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ғоявий иммунитетни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ҳозирги босқичда таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомотивлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Бироқ, замон талабларига мос равишда таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига ижтимоий фанларни ўқитишнинг институционал ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган, шу жумладан:

ижтимоий фанларининг илмий методик таъминоти (дарслик, мультимедиа иловалар, дидактик материаллар ва бошқа) етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

амалдаги ижтимоий фанларнинг мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмаслиги;

ижтимоий фанларни ўқитишга қаратилган моддий-

техника базани эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганли;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ижтимоий фанларнинг ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтишда суствакликларга йўл қўйилаётганлиги айтиш жоиздир.

Шу нарса аниқки, биз давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилган, бу борада барча ижтимоий қақириқ ва даъватларга “лаббай” деб жавоб берган ота-боболаримиз авлоди таъсирида тарбияландик. Уларнинг бундай камолга етишида ижтимоий фанлар тизимининг аҳамияти катта бўлгани барчамизга маълум. Шу боис, бугун таълим тизимининг барча босқичида ижтимоий фанларни ўқитиш тизимини фаоллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш фуқароларимизни турли ижтимоий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ҳамда таҳдидбардош жамиятни фаол шакллантиришмизнинг муҳим асосидир.

ХУЛОСА. Ижтимоий соҳадаги таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, жамиятда инсон ўзини ўзи англаши, шахс сифатларининг қарор топиши ҳамда фаол ижтимоий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади. Зеро, ижтимоий соҳадаги таълим ёшларимизда тарихий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ижтимоий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, прогрессив онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим. Бу борада:

1. Ижтимоий фанларни ўқитишни ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида дуал

тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш зарур;

2. Таълимнинг барча босқичларида изчил ижтимоий фанларни ўқитиш тизимини кўпайтириш ҳамда ижтимоий фанларнинг илмий методик таъминотини ривожлантириш;

3. Ижтимоий фанларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

4. Ижтимоий фанлардан очиқ тақдимотлар (жумладан, ихтисослашган портал ва ижтимоий тармоқлар), мусобақалар, конкурслар орқали ёшларнинг инновацион лойиҳаларини оммалаштириш. Бунда ижтимоий фанларга мос мусобақаларни меҳнат тақсимооти асослари, жамоа бўлиб ишлаш тамойиллари, шахслараро муносабатлар ва иш этикаси асосларини ўзлаштиришга имкон берувчи шаклларда ташкил этиш;

5. Истиқболда Ўзбекистонда Ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослашган олий таълим муассасалари сонини ошириш ҳамда бу соҳада чуқур ихтисослашувни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, табиий ва аниқ фанлар соҳаларида ҳам ижтимоий фанларни ўқитилишини таъминлаш ҳамда дарс соатларини ошириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантиришда сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий тафаккурни жорий қилиш, ҳар бир мутахассислик йўналишида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш, коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмлари сифатида ижтимоий фанларга кенг имкониятлар яратиш долзарб аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. –Т., 08.10.2019 йил. Манба: <https://lex.uz/docs/4545884>.

2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., O'zbekiston, 2021. –Б. 270.

3. Саифназаров И. “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни нега кучайтиришимиз керак?” adolat.uz/news/izhtimoiy-gumanitar-fanlarni-oqitishninea-kuchajtirishimiz-kera 29.10.2021 10:10:29. (Saifnazarov I. “Why should we strengthen the teaching of social sciences and humanities?”)

4. Тоғаев Ш.Х. “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш зарурияти ва аҳамияти”, // “Янги Ўзбекистон: барқарор ривожланишнинг, ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқи масалалари” илмий журнали № 2. –Т., 2022 й. –Б.98-99.

5. Мухаммадиева О.М. “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Шарқ мутафаккирлари маънавий меросидан самарали фойдаланиш усуллари”, // “Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб масалалари” мавзусидаги конференция материали. –Т., 2022 й. –Б.391.

6. Муаллифлар жамоаси: Фалсафа тарихи (Шарқ фалсафаси). Ўқув қўлланма. -Тошкент: «JAHON PRINT». 2013. –Б. 532.

ИЖОДИЙ ТАФАККУР СОҲИБИНИ ТАРБИЯЛАШДА АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР

Мусурманова Айниса

*Маҳалла ва оила илмий тадқиқот
институтини директори ўринбосари,*

Рахимов Минҳожиддин

*И.Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети.
2-босқич таянч докторанти*

Биз яшаётган аср ривожланаётган умумий педагогика ва таълимнинг ижтимоий бошқарув психологияси олдида турган муҳим масалалардан бири сифатида нафақат билимли, балки ижодий тафаккур соҳиби бўлган шахсни шакллантириш воситаларини излашга бўлган эҳтиёжни ошириб юборди.

Аёвсиз рақобатбардошликка асосланган бозор иқтисодиёти тезкор, тадбиркор, ҳар қандай шароитга кўра иш тута биладиган, мақсадга эришиш воситаларини тўғри танлайдиган, уларни замонавий талабларига кўра жадаллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга жуда катта эҳтиёж, муҳтожлик сезмоқда. Бундай янги авлод кадрлари қандай юзага чиқади? Уларга таълим-тарбия беришда, замонавий бошқаришда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Глобаллашув жараёнлари тезкор фаолияти давомида, ёш авлодни тарбиялашда, ижодкор ёшларни бошқариш ва ўқитиш методикасида ҳам эволюцион ўзгаришларни тақозо этади.

Тўғри, ижодкорларни ўқитишда адабиёт фани – бу фаннинг тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганиш, бу босқичларнинг ҳар бирига хос бўлган асосий унсурларни таҳлил қилиш, бадиий асарни қиёслаш. мушоҳада қилиш ва уни ўқувчилар томонидан қабул қилинишидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш, бадиий асарни таҳлил қилишда

уларнинг турважан хусусиятларига эътибор бериш, таълим босқичларида фақат бадий асарнинг ўзини эмас, балки уларга боғлиқ равишда адабий-назарий тушунчаларни ҳам ўрганиш заруриятини ва йўл-йўриқларини кўрсатиш, бошқарув педагогикасининг ижтимоийлашувида, махсус дарсларини ташкил этишда, фанлардан синфдан ташқари ва мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш йўллари кўрсатиш лозимлигини асослайди.

Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашда асосий педагогик—ижтимоий омиллар сифатида қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш керак:

биринчидан, ўқувчилар мустақил фаолият юритишларига,

иккинчидан, кўпроқ кичик тадқиқотлар ўтказишга йўналтирилганида,

учинчидан, уларнинг ўз устиларида мунтазам ишлаши учун шароит яратилганида,

тўртинчидан, ижодий ишларни ташкил этиш йўллари кўрсатилиши кабиларга эътибор бериш зарур бўлади.

Ижодкор ўқувчи маънавияти адабиёт, тарих фанларини ўқитиш методикаси орқали кўпроқ шаклланади. Мазкур фанларни чуқур ўрганиш таълимга бўлган эътибор туфайли ўзининг асл ўзанларини топиб бормоқда. Эндиликда ижтимоий фанларни ўқитиш назарияси ва амалиётида бир хилликдан қочиш, ранг-барангликка интилиш тамойилларининг тобора кенгроқ тарзда кўзга ташланаётгани сезилади. Бу адабий ҳодисаларга нисбатан эстетик ёндашувнинг устуворлашиб бораётганида, маданий меросга нисбатан муносабатларнинг ҳаққонийлашаётганида, кўплаб адабий ҳодисаларга нисбатан илмий баҳоларнинг ўзгариб, уларнинг ўзларига хос ва мос хусусиятларидан келиб чиқиляётганлигида намоён бўлмоқда.

Айниқса, педагогика ва ижтимоий фанларни ўқитиш тизимига оид таълимда давлат таълим стандарти ва миллий таълим концепциясини яратилганлигининг ўзиёқ,

ижтимоий ҳаёт – жамият уйғунлигининг асосий мезони эканлигига яна бир карра инсониятни ишонтиради.

Таълимдаги очиқлик ва шаффофлик унинг бевосита такомиллашиб, максимал даражага кўтарилаётганлигининг ўзи, жараённинг узлуксиз давомийлигига ишорадек. Ушбу тизимда анъанавий таълимдаги энг яхши ютуқларни сақлаб қолган ҳолда жаҳон илм-фани, хусусан, бошқарув психологияси, педагогикаси ҳамда методикаси соҳасидаги янги ва яхши наъмуналарга уйғунлашиш тамойилини яққол юзага чиқмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил

22 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида, “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгиланишига қаратилган инновацион ривожланиш йулига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта, чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга ва инновацияга таянган давлат ютади. Инновация, бу - келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” – деб таъкидлаган эди. [1]

Ижодкор ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги устувор вазифаларга мувофиқ ҳолда кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ўқитишдаги таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар уйғунлиги методологик асос сифатида қабул қилинмоқда.

Буларнинг барчаси ижодкор ўқувчини руҳлантириш, адабий таълимдаги анъанавий йўналиш билан замонавий талабларни ўзаро уйғунлаштиришнинг оқилона йўли сифатида қабул қилинаётганлигини асослайди. Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар таълимнинг ўзида ҳам, уни ўқитиш соҳасида ҳам янгиланишларни, янгича ёндашувларни доимий эҳтиёж сифатида тақозо этаётганига ҳеч қандай эътироз йўқ. Шунинг учун ҳам, таълим

бошқарувида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс сифатини оширишда муҳимлигича қолмоқда. Бу нарса таълим методларидан бошлаб дарснинг таркибий қисмларигача, адабий таълим мазмунидан бошлаб ўқитувчи ва ўқувчининг муносабатларигача, ўқув дастурлари, дарсликлардан бошлаб адабиёт дарсларини ташкил этишгача бўлган муаммоларнинг барчасига бир хилда дахлдор бўлиб турибди.

Мамлакатимизда ижодкор ўқувчиларни тарбиялашдаги энг асосий омиллардан бири китоб ўқиш, китобхонлик муаммосининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги фикримизни далилидир. Зеро, китоб ва китобхонлик инсон маънавий оламининг ажралмас қисми экан, китоб ўқишни ўрганиш, китобхон маънавиятини шакллантириш таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий вазифа бўлиб қолаверади. Ўқувчи ёшлар ҳар қандай китобни ўқиганда унга онгли, энг муҳими, эстетик муносабат билдира оладиган, ундан таъсирланадиган, завқланадиган даражага етиши учун биринчи навбатда китоб ўқилиши, завқ билан ўқилиши, китобхон ундан тегишли ҳузур ва руҳий қаноат туйиши керак. Буни ихчам тарзда—эстетик тўйиниш деб ифодалаш мумкин бўлар. Аммо бу даража орзу, холос. Унга эришмоқ учун янги-янги иш усуллари, адабий таҳлилнинг муносиб шакл ва кўринишларини, бадий матн мазмунига, моҳиятига етишнинг турфа йўллари, хусусан, муносиб изоҳ ва шарҳларга, муайян ижодкор ёки алоҳида олинган бадий асар қатида мужассамлашган янги поэтик оламга хос бўлган адабиётни идрок этишга, мушоҳада қилишга имкон берадиган иш турларини қўллаш эҳтиёжи кўпроқ билинмоқда. “Бўлажак ўқитувчилар ўз иш фаолиятларида ўқув-тарбия жараёнларининг инсонпарварлашувига, таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг алоҳида, ўзига хос бўлган табиий-ижодий имконларига эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади”.[2]

Бадий адабиёт яхши инсоний фазилатларни тарғиб қилишга, урушни, зўравонликни қоралаб, тинчликни, халқларнинг осойишта ҳаёти ва ўзаро дўстлигини

улуғлайдиган, хунрезликлардан нафратланиб, гўзалликни тарғиб этадиган, ўсиб келаётган авлодга юксак маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига имкон берадиган хислатлари билан эътиборлидир. Зеро инсон маънавияти ижтимоий фанлар таъсирида ривожланар экан, унинг ўзига хослиги шундаки, тизимдаги бошқа фанлар билан алоқадорлик бу фаннинг табиатига сингдирилади. Демак, бу имкониятдан бошқарув педагогикасида унумли фойдаланиш жоиз.[3]

Унинг ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанлар билан яқинлиги, айниқса, она тили, тарих, санъат йўналишидаги фанлар билан алоқадорлигини исботлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Айни пайтда унинг география, биология, физика, математика сингари фанлар билан алоқадор жиҳатларидан ҳам унумли фойдаланиш, бу боғланишларнинг ички моҳиятини кўрсатиш, амалиётга кўпроқ жорий этиш зарурати бор. Масалан, адабиёт ва география фанларининг уйғунлигини 5-синф адабиёт дарсида Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодини ўрганишда жуда қўл келади. Ўқувчилар харита чизмасини чизиб, шоир туғилиб ўсган, таълим олган масканларни белгилашади ва жой номлари кетма-кетлиги ёзиб чиқилади. Маълумки, шоир болалиги билан боғлиқ давр орлиғи харитада ранглар орқали тасвирланади. Бир хил мавзуни бир хил ҳажмдаги вақт оралиғида турлича ўқитувчиларнинг ниҳоятда турлитуман тарзда ёритиб беришлари ҳаётда кўп кузатиладиган ҳодиса. Уларнинг орасида энг маъқули ҳозирги жамиятимиз муаммолари билан кўпроқ алоқадорликни таъминлагани, замонавий технологиялардан ўринли ва унумли фойдаланганлари, болаларнинг ёш хусусиятлари, креатив ёндашувларга таяниб туриб, уларнинг мавзуга ҳам, ўз нуқтаи назаридан муносабат билдиришларига ўргатади.

Аслида ҳар қандай фанни ўқитишнинг бош мақсади таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онгига бадийий асарми, тарихий ҳодиса ёки ижтимоий воқеликни мўъжизакор таъсир кучини амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган.

Хулоса ўрнида мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги ҳаётининг давомчилари бўлмиш фарзандларимизни қобилиятларини тўғри баҳо берган ҳолда, уларни ёшлигиданоқ шакллантириб бориш керак. Таълим муассасаларида ижодкор ўқувчиларни тарбиялашда асосий омиллардан бири китобхонлик ва мутолаа мадананиятини ривожлантириш, уларда китобга бўлган мухаббатни уйғотиш орқали бадиий адабиётнинг ранг-баранг саҳифаларига бўлган қизиқишни кучайтириш, уларни ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашда замин бўлмоғи лозим. Бу жараёнда эса асосий эътибор ва бор маъсулият ўқитувчи ва мураббийларнинг зиммасига тушушини унутмаслигимиз керак. Айнан уларнинг педагогик маҳорати орқали болага йўналиш ва кўрсатмалар беришда тўғри методлардан фойдаланиши кутулиётган натижанинг самарасидан далолат беради.

Бугун илм ва маърифат жамиятнинг ривожланишининг муҳим омилидан бири ҳисобланади. Биз эса айти шу билим ва кўникмаларни келажак ёш авлодга беришда ижтимоий омилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда иқтидорли болаларни жамиятга тарбиялаб беришдек улкан йўлда эканлигимизни унутмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда. [1]

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.02.2020 й., 07/20/4623/0220-сон, 13.06.2020 й., 07/20/4749/0758-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 25- январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-4963-сонли Қарори. [2]

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон.

5. Мусурманова А., Педагогик технологиялар-таълим самарадорлиги омили: монография., Т: “Ёшлар нашриёт уйи”. 2020. -184 б. [3]

6. Азизходжаева.Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006 й. 72

МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДАГИ АҲАМ357ИЯТИ

Д.М.Маматкулов,

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавсизлиги
университети доценти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент*

Таълим-тарбия жараёнида ижтимоий фан йўналишидаги педагогларнинг мафкуравий компетентлигини оширмасдан туриб ёш авлодни маънавий ва ғоявий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаб бўлмайди. Шу маънода бугунги давр шароити ва талаблари ижтимоий фанлар педагог кадрларида мафкуравий компетентлиликни шакллантириш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Айтиш лозимки, мақоламизда ишлатилаётган мафкуравий компетентлилик тушунчаси янги тушунча ҳисобланади. Чунки, илмий изланиш давомида маълум бўлдики, мафкуравий компетентлилик тушунчаси мазкур соҳадаги илмий адабиётларда, яъни:

- Миллий ғоя ва маънавият асослари фани учун тайёрланган ўқув адабиётлари ва луғатларда;
- Ижтимоий фанларга доир бошқа илмий адабиётлар ва луғатларда;
- Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси ва бошқа шу каби адабиётларда учрамайди.

Мазкур адабиётларда, албатта, мафкура ва компетенция тушунчалари ҳақида алоҳида маълумотлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан чоп этилган “Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти” китобида “Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш тизими” [1.2; Б.184.], дея таърифланган. Мафкура тушунчасига доир шунга ўхшаш

таърифларини бошқа манбаларда ҳам кўриш мумкин [2.3; Б.6-16.].

“Компетенция” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу тушунча лотинча “competere” – муносиб бўлмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, у Европада биринчи марта 1596 йилда Википед луғатида ишлатилган. Ҳозирда Википедияда электрон луғатда “компетенция” тушунчаси “бу ходимнинг лавозим талабларига мувофиқ ишлаш қобилиятидир” [3.8;], дея изоҳланган.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “компетенция” тушунчаси “Компетенция – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба” [4.6; Б.682.], дея таърифланган.

Мазкур манбаларда “компетенция” тушунчаси орқали кенг маънода умумий масалаларни ҳал этишда амалий тажрибалар асосида билим ва малакаларни қўллаш, муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилиятини назарда тутилган бўлса, юртимиз олимлари томонидан айнан ўқитувчининг касбий компетентлиги тушунчасига ҳам таърифлар берилган бўлиб, унга кўра “касбий компетентлилик – бу ўқитувчининг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини тасвирлайди. Мазкур салоҳиятни педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи фаолияти жараёнининг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқлаш мумкин бўлади” [5.4; Б.77.], дея изоҳланган.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, ҳозирда мафкура ва компетенция тушунчалари бўйича аниқ илмий тасаввур ва таърифлар шаклланган. Бироқ бугунги кунда чуқур ғоявий билимга эга бўлган ва мазкур ғоялар бўйича эътиқоди (мафкуравий иммунитет) шаклланган ҳамда ўзи ишонган ғояларни бошқа инсонларда ҳам шакллантириш малакасига эга бўлган шахслардаги бундай билим, кўникма ва малакани англатувчи тушунча илмий истеъмолга

киритилмаган. Бизнингча, илмий истеъмолда шундай малакани англатувчи тушунчани мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур муаммони бартараф этиш учун мақоламизда чуқур ғоявий билим ва эътиқод (мафкуравий иммунитет) га эгалик ҳамда шу билим ва эътиқодини бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакасини мафкуравий компетентлилик тушунчаси орқали ифодаладик. Бинобарин, инсонлардаги бундай хусусиятни мафкуравий компетентлилик тушунчаси орқали ифодалаш ижтимоий ҳаётда ҳам илмий изланишлар олиб боришда ҳам катта аҳамият касб этиши мумкин.

Дарҳақиқат, фан ва ижтимоий ҳаёт истеъмолида мафкуравий компетентлилик тушунчасининг мавжуд бўлиши ғоявий билими саёз, эътиқоди (мафкуравий иммунитет) шаклланмаган, ўз навбатида муайян ғояга эга бўлмаган, аксинча турли ёт, бегона ғояларга эргашиб кетиш хавфи мавжуд бўлган кишилар билан чуқур ғоявий билим ва эътиқод (мафкуравий иммунитет)га эга ҳамда шу билим ва эътиқодини бошқа инсонларда ҳам шакллантира олиш малакаси мавжуд бўлган шахсларнинг хусусиятларини ўзаро фарқлаш ва уларни аниқ илмий тушунчалар билан ифодалаш имконини беради.

Маълумки, фан ҳар бир янги тушунчани илмий истеъмолга кириб боришида ушбу тушунчанинг моҳиятини очиб берувчи муайян тарифни тақозо этади. Жумладан, бу мафкуравий компетентлилик тушунчасига ҳам таалуқли бўлиб, ушбу заруриятга кўра мафкуравий компетентлилик тушунчасига қуйдагича таъриф берилди:

Мафкуравий компетентлилик – бу шахснинг мафкура соҳасида чуқур билимга эгалиги ва ўзи ишонган мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги ҳамда ўз мафкурасидаги ғоя ва қарашларни бошқа инсонларда шакллантира олиш малакасидир.

Мафкуравий компетентлилик яхлид кўринишда бўлсада, бироқ унда учта асосий компонент мавжуд. Яъни, улар:

1. Мафкура соҳасида чуқур илмий-назарий билимга эга бўлиш;

2. Муайян мафкура (назариясидаги ғоя ва томоиллар) га нисбатан кучли ишонч ва эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги;

3. Ўзи ишонган мафкуранинг ғояларини бошқа инсонларда шакллантира олиш учун муайян (ички, илмий-назарий ва ташқи ташкилий-методик) кўникма ва малакаларга эга бўлиш кабилардир.

Юқоридаги уч компонентнинг биргаликда мавжуд бўлиши бу шахсда мафкуравий компетентлилик мавжудлигини кўрсатади. Аксинча бўлса, яъни муайян шахсда юқоридаги компонентлардан бирининг мавжуд эмаслиги унда мафкуравий компетентлилик тўла шаклланмаганлигини билдиради.

Бугунги глобаллашув ва ахборот алмашинуви ўта жадаллашиб бораётган даврда ёш авлод тарихий хотираси, дунёқараши, эътиқоди ҳамда ғоявий ва маънавий тарбияси билан шуғилланувчи ижтимоий фан “педагог кадрларининг мафкуравий масалалар борасидаги билимларини чуқурлаштириш” [6.7; Б.212.] жуда долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, мафкуравий компетентлилиги яхши ривожланмаган ижтимоий фан ўқитувчилари таълим-тарбия жараёнига катта зарар етказди. Чунки, мазкур ҳолатда биринчидан, дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари йўққа чиқади. Иккинчидан, мафкуравий компетентлиликка эга бўлмаган ўқитувчининг дарси унинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ ижтимоий фанларнинг обрўсизланишига олиб келади. Учинчидан эса, сифатсиз дарси орқали ўқувчи-ёшларнинг қимматли вақтларини ҳавога суурилади. Ижтимоий фанларнинг сифатига нисбатан бундай безъетиборсизлик ёки “зарарсиз ёлғон”ининг натижаси эса, келажақда ёш авлод шахсиятида салбий иллатларни намоён бўлишига олиб келади.

Ижтимоий фанлар ўз вазифасига кўра ўқувчи-ёшларда глобаллашув ва ахборот алмашинуви табора жадаллашиб бораётган ҳозирги даврда яшаш кўникмаси ва малакасини ҳосил эта олиши, уларни миллий ва умуминсоний руҳда камол топишига ҳисса қўшиши лозим. Кўриниб турганидек,

ижтимоий фанларга жуда катта илмий ва ижтимоий вазифа юкланган. Лекин, шуни билишимиз лозимки, фан ўз ҳолича унга юклатилган вазифани амалга ошира олмайди. Ҳар бир фанга юклатилган вазифани бажарилишида, аввало, иш бошида инсон яъни, шу фаннинг билимдони, ўқитувчиси туради.

Мафкуравий компетентлиликка эга, жонкуяр ўқитувчисиз ҳеч бир фан ёш авлод онги ва қалбига кириб бора олмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ижтимоий фанлар орқали ёш авлодни мустақил фикрга эга, мафкуравий иммунитетни кучли, ватанпарвар шахслар қилиб тарбиялашда катта ютуқларга эришиш учун ушбу фанларнинг мутахасис кадрларни мафкуравий компетентлигини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, маънавий ва мафкуравий масалада катта авлоднинг, ўқитувчи ва мураббийларнинг салоҳиятини оширмасдан туриб, ёш авлоднинг ғоявий ва маънавий даражасини юксалтириб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда ижтимоий фан йўналишидаги педагоглар учун албатта касбий компетентлилик билан бирга мафкуравий компетентлилик ҳам ўта зарур. Бинобарин, касбий компетентлик деганда “ўқитувчининг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари солоҳияти..” [7.5; Б.77.] тушуниладиган бўлса, мафкуравий компетентлилик деганда ўқитувчининг (бунёдкор ва вайронкор) ғоя ва мафкуралар бўйича чуқур билимга эга эканлиги ҳамда бунёдкор мафкура бўйича унда кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг мавжудлиги ва ўзи ишонган бунёдкор мафкурадаги ғоя ва қарашларни бошқа инсонлар жумладан, ўқувчи-ёшларда шакллантира олиш малакаси тушунилади.

Ижтимоий фан йўналишидаги педагоглар фаолиятида касбий ва мафкуравий компетентлиликни бир биридан айро ҳолда қўйиб бўлмайди. Чунки, уларнинг касбий компетентлиги асосан ўқувчига таълим беришга қаратилган бўлса, ундаги мафкуравий компетентлилик

ўқувчига (маънавий ва ғоявий) тарбия беришга қаратилган бўлади. Бинобарин, ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш учун “таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди” [8.1; Б.62.].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Юсак маънавий – енгилмас куч. Т.: “Маънавийт”, 2008. 62-бет.

2. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. Т.: “Ғофур Ғулом” нашр. 2007. 184-бет.

3. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди, 2002. 6-16-бет; Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изохли тажрибавий) луғат. Т.: “Файласуфлар Миллий жамияти”, 2002. 73-бет; Миллий истиқлол ғояси асосий тушунчалар, атамалар ва тамойиллар (қисқача изохли тажрибавий) луғат. Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. 71-91-бет; Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.: “Академия”, 2007. 185-бет.

4. Турғунов С.Т., Дониёров Б.Х., Отажонов Д.М. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. Т.: “Сано-стандарт”, 2011. 77-бет, Турғунов С.Т., Дониёров Б.Х., Умаралиева М.А., Шодмонова Ш.С., Турғунова Ш.М., Тожибоева Н.М. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш. Т.: “Сано-стандарт”, 2012. 125-бет.

5. Турғунов С.Т., Дониёров Б.Х., Отажонов Д.М. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Т.: “Сано-стандарт”, 2011. 77-бет.

6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашр. 4-жилд. 2002. 682-бет.

7. Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 212-бет.

8. [https://ru.m.wikipedia.org/wiki/ Компетенция](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Компетенция).

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР.

Нигора Хусанова,

*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтининг илмий ходими,
Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти*

“Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.”

Ш.М.Мирзиёев

Бугунгикунда олиб борилаётган ислохотлар натижасида таълим-тарбияга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мамлакатдаги кўп йиллик камчилик ва муаммолар ўрганиб чиқилиб соҳада улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бу жараёнларда оддий халқнинг таклиф ва истаклари асосида таълим соҳасида қатор ислохотлар ишлаб чиқилди. Соҳа бўйича муаммоларни ҳал этиш, таълим-тарбия ишларини натижадорлигини кўтариш ва мамлакатдаги ёшларни саводхонлигини сезиларли даражада ошириш масаласи илгари сурилди.

Маълумотларга кўра, дунё мамлакатлари бўйича 2016 йилга қадар Ўзбекистон аҳолисининг саводхонлик даражаси 10 % ни ҳам ташкил этмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “давлат дастури” бўйича 2030 йилга келиб,

аҳолининг саводхонлик даражасини 50 % қамраб олиш масаласи қўйилди. Бу ишларни амалга ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори тасдиқланди. Ушбу қарорга асосан концепция қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” 4 босқичда амалга оширилади:

- биринчи босқич – оилаларда (икки давр: 1-давр – ҳомила даври,

- 2-давр – бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр);

- иккинчи босқич – мактабгача таълим 3-6 (7) ёшгача бўлган давр;

- учинчи босқич – умумий ўрта таълим тизимида (икки давр: 1-давр – 7 (6)-10 ёш бошланғич синф, 2-давр – 11-17 ёш ўрта ва юқори синфлар);

- тўртинчи босқич – ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасалари тизимида (икки давр: 1-давр – ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар – 17-30 ёш, 2-давр – ўрта махсус касб-хунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари 15-22 (24) ёш). қамраб олади.[1]

Концепция бажариши лозим бўлган вазифаларга:

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;

- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланадиган, тадрийжийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими

ва малакасини мунтазам ошириб бориш;

- оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;

- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланишдан иборат.

Бугунгикунда “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосидаги тарбия жараёнида болаларга таълим беришда уларни бўш вақтларини тўғри ташкиллаштириш ва ундан унумли фойдаланиш масаласига асосий эътибор қаратилган. Бундан ташқари концепцияда таълим тизимидаги энг оғриқли бўшлиқ ҳисобланган тарбия жараёнининг узлуксизлик тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва мактабгача таълим муассасаларига болажонларни тўлиқ қамраб олиш, бу бўйича ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятига кенг имкониятлар яратиш орқали болаларни тўлиқ қамраб олиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тарихига эътибор қаратсак, унинг асосий негизи ўқитувчи-педагогларга бўлган эътиборга бориб тақалади. Шу сабабли, таълимга асосий эътибор қаратилиб, илмий салоҳият жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эришганини кўришимиз мумкин. Айни вақтда жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига жавоб бераётганлиги туфайли Давлат раҳбари ташаббуси билан ўқитувчи ва мураббийларни фаолият жараёнини яхшилаш, таълим бериш жараёнидаги мавжуд муаммоларни ҳисобга олиб, “Ўқитувчи статуси”ни ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги ислохотлар жараёни бошланганлиги таълим тизимида ҳам янги ислохотлар даври келганидан далолатдир.

Биобарин, жамиятнинг педагогик маданиятини ошириш, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимларини замон талабларига мослаш бугуннинг талабига айланди.

Ҳозирги кунда мафкуравий курашлар жараёнида бош мақсади “Инсон қалби ва тафаккурини эгаллаш”га қаратилган ғоявий таҳдид ва хавф-хатарлар даврида яшар эканмиз бу жараёндан четда тура олмаслигимизни англаб етиш зарур.

Статистик маълумотларга қараганда ёшлар ўртасида энг кўп ҳуқуқбузарлик ҳолатлари амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам уларни фикри ва онги бузғунчи ғояларга кўпроқ эргашишини кўрсатиб турибди. Долзарб ва таҳликали даврнинг асосий бошқарувчиси, мафкура ва ғоялар уйига айланган “Ижтимоий тармоқлар” бу ғоявий таҳдидлар ва мафкуравий курашларни амалга оширувчи асосий макон ҳисобланишини ҳамма ҳам тўлиқ англаб етмайди. Жамиятда бирор мақсадни амалга оширишда олдинги даврлардек ҳаммани бир майдонга тўплаш ва чақириқлар тарқатиш керак бўлмаган даврларга ҳам етиб келдик. Энди ҳаммаси виртуал оламда амалга оширилиши ва ўзи билиб ёки билмаган ҳолда бирор бир жараённи иштирокчисига айланиб қолиш ҳеч гап эмас. Бунинг натижасида бир инсоннинг ҳаёти тубдан издан чиқиб кетиши ҳам мумкин.

Атрофга назар солсак, бугунги кунда қўлида китоб ўқиётган ёшларни, ёки бирор кутубхонада қатор навбат кутиб турганини учратмаслик жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтаси. Кеча Хитой давлатида янги кутубхона очилибди ва ёшларнинг узундан узун навбати кўрсатилган суръатни кўриб ўйланиб қолдим.

Хўш сабаби нимада? Албатта биз ота-оналар ва атрофдагиларнинг таълим ва тарбияга эътиборсизлигида! Чунки ишдан ўқишдан чарчаб келамиз ёки уй-рўзғор ишлари билан ўралашиб қолиб, бизнинг эътиборимизга муҳтож саволларга тўла фарзандимиз ёнимизга келганида унга чарчаганимизни ва ҳордиқ чиқаришимизни айтиб,

унинг саволлари билан жавобсиз қолдиришимиз боланинг ўзини қизиқтирган саволларга жавобни атроф муҳит ва ижтимоий тармоқлардан қидиришига ўзимиз билмаган ҳолда замин тайёрлаймиз. Бу эса бошқалар учун қўл келиши ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Яхудий оилаларида бир одат бор экан, ота-она ишдан келгач албатта қўлига китобни олиб, маълум бир муддат ўқиб ўтиришар экан, сабаби эса бола ҳар куни уйида атрофдагиларни қўлида китобни кўриши унинг онгида унга бўлган қизиқишни ҳамда бу буюмнинг қанчалик керакли ва қадрли эканлиги тўғрисида болада тасаввур шакллантиришга хизмат қилади. Япон миллатида эса болага таълим тарбия ишларини 3 ёшдан кечиктирмаган ҳолда бошлаш лозимлиги жуда кўп манбаларда келтирилади. Чунки бола онги уч ёшгача барча билимларни ўзлаштиришга қодир ҳисобланиб, ҳудди оқ қоғоз сингари бўлади ва уни керакли билимлар билан тўлдириб бориш лозимлиги тўғрисида ҳам фикрларни кўришимиз мумкин.

Бугунги ахборотлашган жамиятда ёшларга таълим-тарбия масаласида одатийдан ноодатий тизимга ўтиш вақти келди деб ўйлайман. Энди олиб борилган усул ва воситаларнинг натижадорлигидан келиб чиқиб танлашимиз шарт. Маърузалар ёки семинарлар таъсири камайганини англаш, улар асосий вақтини сарфловчи виртуал маконда фаолият олиб бориш вақти келди. Чунки, уларнинг онги маъруза ва семинарлардан кўра қисқа дақиқали видео орқали унинг онгига таъсир даражаси юқари бўлган медиа воситаларига муҳтож эканини давр бизга яққол кўрсатиб берди. Шундай экан, ижтимоий тармоқларнинг қай бири орқали кўпроқ иш олиб боришимиз кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Маълумотларга қараганда таълим муассасаларидаги ўқувчи ва талабаларнинг 90 % дан юқори қисми бугунги кунда бўш вақтини “Телеграм” тармоғида ўтказишади. Бундан кўриниб турибдики тарихдан то ҳозирги кунгача ўзини қийматини юқотмай келаётган нодир дурдоналаримиз бўлган маънавий меросларимиздан виртуал маконда унумли фойдаланган ҳолда, уни оддий халқга ва жамиятнинг асосий

бўғини бўлган ёшларга мазмун-моҳиятини сингдириш, ватан тараққиёти ва мамлакат ривожига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш ва ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун хизмат қиладиган.

Бинобарин, “Медиа макон”ни шакллантириш орқали ёт ғоя мафкураларга жой қолдирмаслигимиз мумкин бўлади. Бу эса - Ватан тараққиёти учун ҳаракат қилишда барчани бирдек “Янги Ўзбекистон тараққиёти” қуриш мафкураси остида бирлаштириш ва уларни ижтимоий сафарбар этиш механизминини аниқ ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Бу вазифани амалга оширишда эса, миллий анъана, миллий қадриятларга асосланиш, шарқона тарбия, кенг тафаккур, меҳнаткашлик, адолатлилик, соҳа бўйича ҳалоллик билан ёндашиш ҳамда етук ахлоқий тарбия ғояларини ўзида акс этувчи тарғибот материалларини тайёрлаш ва ижтимоий тармоқларда бериб бориш орқали амалга ошириш лозим. Бунда ёш ва аудитория ҳисобга олиниб халқчил, содда ва инсон қалбига кириб бориш учун уни эзгуликка ундовчи ғояларни жойлаштириб бориш орқали амалга оширилади.

Глобаллашув жараёнлари шиддат билан борар экан, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Тарбияда танаффус бўлмайди”. Озгина эътиборсизлик кўпгина кўнгилсизликлар сабабчисига айланиши мумкин. Демак, биз Янги Ўзбекистонни яратиш учун таълим тарбия соҳасида танаффусга йўл қўймаслигимиз шарт. Биз бой берган вақт эса бошқаларнинг мақсадларини амалга оширишда қулай замин ҳозирлашини унутмаслик ва танаффуссиз ишлашимиз кераклигини эслатиб туришимиз лозим бўлади. [2]

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори. [1]

2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” –Т.: “Ўзбекистон”, 2022 [2]

МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ДИНАМИКАСИДАГИ ЎРНИ

Ижодбек Аҳмедов,

*Президент таълим муассасалари агентлиги
tizимидаги Пахтакор ихтисослашган
мактаби директори, доцент*

Тўлқин Аҳмедов,

*Президент таълим муассасалари агентлиги
tizимидаги Фориш ихтисослашган мактаби
директори.*

Миллий ғоя бугунги маънавий ва маърифий ишларни самарали ташкил қилишдаги ижтимоий фанларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий фанлар негизида инсонийлик (гуманизм) билан боғлиқ билимлар ўргатилар экан, миллий ғоя мафкуравий нуқтаи назардан айнан, инсоний баркамолликни сингдиришга ва инсониятнинг ижтимоий тараққиётини шакллантиришга хизмат қилади. Инсоният ижтимоий тараққиёти узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, унда кишиларнинг эришган моддий ва маданий мероси ўз аксини топган. Тараққиёт ўзининг маълум бир босқичини босиб ўтиши учун муайян вақт ва тажрибага эга миллат вакилларининг ғояларига таянади. Тарихий тараққиёт жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради.

Ҳар бир давлат ва жамият қурилиши бир-биридан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқ қилиб, бу уларнинг ривожланиш хусусиятларидаги ўзига хосликни белгилайди. Бу ҳолат давлатнинг тараққиёт йўлидаги даврлар алмашиши билан юз берадиган ворисийлик жараёнида яққол намоён бўлади. Ворисийлик - бир тизим ўз ўрнини иккинчи тизимга бўшатиб берганда унинг эскирган жиҳатларидан воз кечиб, янги кўриниш олишидир, лекин айнан ҳамма жиҳатларидан воз кечмасдан, даврга мос хусусиятларини сақлаб қолади.

Тараққиётнинг илгариланма ҳаракатида ворисийлик ҳамма тузумларда, давлатларда, жараёнларда ва ҳаттоки, инсонларда ҳам юз берадиган ижтимоий ҳодисадир. Айни пайтда, дунёдаги барча давлатлар ва жамиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида умумийлик ҳам мавжуд бўлади. Бундай умумийлик реал ижтимоий асосларга эга бўлиб, у инсониятнинг умумий манфаат ва мақсадларини ифода қилувчи ғояларда яққол кўринади. Хусусан, ижтимоий тарихий тараққиётдаги умумийлик, мутаносиблик тамойиллари инсониятни бирлаштириш, уюштириш, жипслаштириш, ягона эзгу мақсадга сафарбар этиш жараёнида намоён бўлади.[1] Шундай қилиб, ҳар бир давлат ва жамиятда миллий ғоянинг ривожланиши умумийлик, мутаносиблик билан бирга ўзига хослик ҳам бор. Бундай ўзига хосликнинг юзага келишига ўша даврдаги сиёсий тузум, иқтисодий ҳаёт, маданий турмуш, ғоявий муҳит таъсир кўрсатади. «Содда қилиб айтганда, - деган эди биринчи президентимиз И.Каримов, - муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазибалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ».[2]

Мустақиллик шароитида бой ўтмишимиз ва миллий маданиятимиз холисона, илмий асосда ўрганила бошланди, уларга тўғри ёндошув ва турли хил муносабатлар юзага келди. Чунончи, Эрон аҳмонийларига қарши Широқнинг, Искандар Зулқарнайнга қарши Спетаменнинг, араб фотиҳларига қарши Абу Муслим ва Муқанналарнинг, мўғул истилосига қарши Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Торобий ва бошқаларнинг, айниқса адолатпарвар, маърифатпарвар ҳукмдор Амир Темурнинг саъи-ҳаракатлари, шунингдек, Пўлатхон, Дукчи Эшон қўзғолонлари - буларнинг бари ҳеч қандай «синфий

кураш»га алоқаси йўқ эди. Бундай ҳаракатларни юзага келтирган, унга куч бағишлаган асосий омил миллий ғоя бўлиб, унинг моҳиятини юрт озодлиги, тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ташкил этарди. Айнан миллий ғояда йиллар давомида шаклланган ворисийлик хусусияти нуқтаи назардан ҳар бир озодлик ва мустақиллик ҳаракатларининг асл мақсад ва орзулари акс этишини тарих исботлаган.

Тарихий тараққиётда мафкураларнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб, юртбошимиз “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.” деган эди.[3]

Ғоя фақат бугун эмас, ҳар доим ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келганлигини тарихий ҳақиқатдир. Шунинг учун миллий ғоянинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб олиш ўта муҳимдир.

Миллий ғоя ўз олдида буюк мақсад ва вазифаларни қўйиб, истиқбол сари муттасил ривожланиб, илгарилаб бораётган Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ва миллатларни жипслаштирувчи, уларнинг куч-қудратларини бирлаштириб, ягона мақсадга йўналтирувчи кучдир. 2019 йил. 27 ноябрда “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидан миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”да келтирилган, “жамиятда фуқароларни бирлаштирувчи ягона умумий ғоя бўлмаса,”... парокандалик юзага келади.[4] Миллий ғоянинг бирлаштириш,

уюштириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳам шундан.

Маълумки, ғоялар миллий, умуминсоний, минтақавий, ирқий, диний ва бошқа турли шаклларда намоён бўлади. Шунингдек, уларнинг афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик, илоҳий қадриятлар мажмуаси бўлган диний, оламга илмий ёндашув асосида вужудга келган дунёвий кўринишлари ҳам бор. Ғоялар тизимида мифологик асоснинг ўрни каттадир, зеро, ибтидоий ҳаёт даврида мифологияга асосланган диний-илоҳий қарашлар асосида, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ғоявий тизим шакллари бўлган. Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний қарашлари шаклланган. Масалан хитойда конфуцийлик, японлар эса ўзларининг миллий дини - синтоизмни яратганлар.[5] Мавжуд шаклланган ҳар бир халқ ва миллатга тегишли бўлган ғоялар (хоҳ диний, хоҳ сиёсий бўлсин) мақсад ва муддаоли ала амал қилаётган ҳудудида истиқомат қилаётган муайян миллатни манфаатини ифодалаши шарт. Шундагина ғоя халқчил ва ижтимоий тараққиётга ижобий таъсирини ҳис қилиб ва керак бўлса уни ташқи таъсирлардан (ғоявий, мафкуравий) ҳимоя қиламиз.

Ўзбекистонда ҳозир шаклланиб, ривожланаётган миллий ғоя асосида юртимизда минг йиллар давомида пайдо бўлган цивилизация (лотинча - фуқаровий, ижтимоий) муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон, - нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда». [6] Шовинизм, террорчилик, ирқчилик, миллатчилик, сиёсий терроризм, рацизм каби ғоялар цивилизациянинг ашаддий душманларидир. Миллий ғоя ушбу ғояларни тамомила инкор этади.

Миллий ғоя концепциясида халқимизнинг ғоявий меросини ижодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ғоявий мерос ҳар бир халқ ҳаётида тарихан шаклланган феноменал ҳодиса ҳисобланади.

Бундай мерос ўзгармас ва қотиб қолган нарса эмас. У доимо ижодий ривожланиб борадиган, янги сифат ва мазмун билан бойийдиган ҳодисадир.

Ўзбекистондаги узоқ даврлар мобайнида шаклланган ижтимоий-сиёсий, маданий меросга эътибор бериладиган бўлса унда инсон ва жамиятни эзгулик ва яхшиликка ундовчи ғоялар ҳамиша устувор аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, миллий маданий меросимиздаги барча қадриятлар ҳам ўзгармас, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Масалан, миллий меросимизда инсонни фақат сабр-қаноатга ундовчи, ундаги яратиш, бунёд этишга рағбатлантирувчи ғояларнинг юзага келишига монъелик қилувчи нигилистик (нигилизм (lot. nihil — hech nima) — мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий меърос ҳамда идеалларни инкор этиш) қарашлар ҳам борлигини унутмаслик керак.[7] Шундай экан мавжуд ғоялар ҳозирги шароитда замонга, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда янги сифатлар билан бойиб боришига эришиш муҳимдир.

Фикримиз сўнгида, инсоният тарихий тараққиёти тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий ғоя жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимига мутаносиб шакллангандагина реал кучга айланиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт, иқтисодий турмуш, сиёсат, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий муносабатлар, ҳеч шубҳасиз, ғоявий-мафкуравий жараёнларга таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг ўзи ҳам ана шу муносабатлар тизимига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаган, унинг хусусиятларини ўрганган ҳолда миллий ғояга суяниш ва асосланиш лозим. Чунки миллий ғоя халқни бирлаштириб, жамиятни жипслаштирувчи, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий

тахдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжини кескин кучайтиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидан миллий ғояни ривожлантириш концепцияси. 2019 йил. 27 ноябрь. ID-10558. Лойиҳа. 3б. <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558> [1]

2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: Ўзбекистон, 2003. – 56б. [2]

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг ялпи мажлисидаги сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. АҚШ.

Нью-Йорк. Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 7 б. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017> [3]

4. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидан миллий ғояни ривожлантириш концепцияси. 2019 йил. 27 ноябрь. ID-10558. Лойиҳа. 3б. <https://regulation.gov.uz/uz/document/10558> [4]

5. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. Т., Akademiya. 2007.-70б. [5]

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 16 б. [6]

7. Мамардашвили М. Как я понимаю философию. М., 1990.-21ст.[7]

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ВИРТУАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Тўраев Камолиддин Самадович
*Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини кичик илмий ходими*

КИРИШ. Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни ҳуқуқий, маънавий, маданий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир. Бу йўлда, албатта, ижтимоий гуманитар фанларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Жамиятда маънавий тарбия масаласи долзарб бўлиб турган ҳозирги шароитда, таълим-тарбияда виртуаллашув масаласи муаммо сифатида қолмоқда. Шу нуқтаи назардан ижтимоий фанларни ривожлантириш жараёнида мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳар бир халқда, ҳар бир жамиятда ўзига хос маънавий тарбия тизими мавжуд. Чунки маънавий тарбия инсоннинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қилади. Маънавий тарбиясига эътибор қаратилмаган миллат бугуни ва эртасини бой беришга маҳкумдир. Шу маънода, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур этадиган эркин шахсни тарбиялаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.[1]

АСОСИЙ ҚИСМ. Бугунги жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда, ёшлар онгини зарарли маълумотлардан ҳимоя қилиш мақсадида ахборот тармоғини чеклаб қўйиш, уларга бир томонлама тарбия бериш замон талабига ҳам жамият мақсадларига ҳам тўғри келмайди. Интернетдан олинаётган хабарлар

ёшлар маънавий тарбияси, онгига фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрларга нисбатан Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларига таяниш лозим: "...содда қилиб айтганда, интернет бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Масалан, биз бозорга ўзимиз истаган, манфаатимизга хизмат қилувчи буюмни сотиб олгани борамиз. Интернетни ҳам кишилар эҳтиёжи ва манфаати учун хизмат қилувчи ахборот бозори деб англаш керак". Демак, ёшларни маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрти учун зарур, фойдали, маънавий асосларга даҳл қилмайдиган нарсани олишсин.

Ҳозирги кунда виртуаллашув жараёни қуйидаги мақсадларни амалга ошириш оқибатида шаклланади:

- виртуал мулоқот, яъни Интернет мегаполисида ахборот коммуникацион техникалар воситасида фойдаланувчилар ўртасида маълумотлар алмашиш, бир-бирига психологик ёки ижтимоий таъсир кўрсатиш алоқа ўрнатишда;

- эрмак ва хордиқ чиқариш, (дўстлар билан тармоқли ўйинларни ўйнаш ҳамда видео-ролик ёки бошқа турли мавзулардаги расмларни тарқатиш учун);

- билиш мақсадида (глобал тармоқдаги электрон кутубхоналар ва ахборотлар базасидан маълумотлар олиш учун);

- бошқа мақсадларда, масалан, турли ижтимоий ёки физиологик эҳтиёжларни қондириш ва ҳоказолар.

Ёшларга интернетдан, ахборотдан фойдаланиш, ахборот маданиятини ўргатишда дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай маънавий тажовуз таҳдид солмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан огоҳ ва хушёр, турли ахборий хуружлардан ўзларини йўқотиб қўймайдиган баркамол шахсларни шакллантириш бу соҳадаги маънавий тарбиянинг асосий мезони бўлиши лозим.

Тарбия қаерда суст бўлса, шу ерда турли нохуш иллатлар тарқалиб бошлайди, ёш, ҳаётий тажрибаси кам ёшлар турли ғаразли оқимларнинг таъсирига тушиб қолади.

Онгли инсон борки, ҳаётининг ҳар лаҳзасида ё ахборот олади, ё уни идрок этади ва ёки узатади. Ушбу уч жараённинг тўртинчиси - кераксиз ахборотдан халос бўлишдир.

Ёшларда ахборот маданиятини ривожлантириш юқорида санаб ўтилган тўрт босқичли жараён ичида яшаш ҳамда фаолият юритишга замин яратиш билан бир қаторда, ушбу жараён доимий ёрдамчига айланади. Тараққий топган давлатларда ахборот маданияти (инфоэтика, медиаэтика, медиатаълим ва ҳоказо) алоҳида фан, алоҳида муаммо, алоҳида педагогика, алоҳида сиёсат даражасига чиқмоқда. Илмий марказлар, олиму мутахассислар ушбу муаммолар теварагида ихтисослашган ҳолда, юз бераётган ҳолатни ўрганишмоқда, таҳлилий асарлар яратишяпти. Бу бежиз эмас.

Ёшларимизни мана шу виртуал оламдаги маънавий таҳдидлардан асраб қолиш ҳақида сўз борганда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади: “Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари”ни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофдаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, “Тараққиёт стратегияси”, Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий “ақл марказлари”га айланиши керак.[4]

Ҳозирги кунда ёшларнинг маънавий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Америкалик олим Э.Тоффлер “Учинчи тўлқин” асарида “Инсоният ортда қолдирган йўл уч босқичдан иборат”, деган фикрни илгари суради. Яъни, қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда ҳозирги ахборот тамаддунлари.[5] Мантиқан ўйлаб қаралса, ҳозирданоқ тўртинчи тўлқин сифатида ахборот

маданияти юзага чиқмоқда. Эндиликда одамларнинг, оилаларнинг, миллий қадриятларнинг - инсониятнинг ривож ва истиқболи маданиятга бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Социолог олимлар узоқ кузатув ва таҳлилларидан сўнг, жиноий хатти-ҳаракатлар миллий-маънавий тафаккур заифлашган, миллий анъаналарга риоя қилиш сустлашган, тарихий хотира унутила бошлаган ҳамда она тилининг қўлланилиши камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлади, деган хулосага келган.

Маълумки, ахборот истеъмоли ижтимоий, маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳодисадир. Ҳар қандай ахборотни истеъмол қилишдан аввал унинг сифати, фойдаси ва зарarli томонлари ҳамда бошқа шу каби хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Ахборот маданияти глобаллашув жараёнларининг характерли хусусиятларидан бири бўлган, интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда турли диний экстремистик оқим ва халқаро террорчилик ташкилотлари “одноклассники”, “Фасебоок”, “Инстаграм”, “Твиттер”, “Вконтакте” каби ижтимоий тармоқларида фаол тарғибот-ташвиқотларини олиб бориб, ислом динини нотўғри ва ўз мақсадларига хизмат қиладиган шаклда талқин этиш орқали ҳамда динга сиёсий тус бериб ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётган ҳар бир шахс ўзи амал қиладиган мафкурани тарқатувчиси ва тарғиботчисига айланиб қолмоқда. Ахборотни қабул қилувчи ўзи, атрофидагилар, халқи ва юрти манфаатларини ҳимоя қилиши, шунга мос маълумотларни танлашни билиши, ўзлаштириши ва тарқатиши лозим бўлади.

Олиб борилган илмий кузатишлар ҳамда тадқиқотлар давомида биз бугун ёшларга “Бу ахборотни ким тақдим қилмоқда?”, “Нима учун тақдим қилмоқда?” ва “Қандай мақсадда тақдим қилмоқда?” деган саволларни ўз-ўзига

бериши ҳамда унга асосли жавоб топиш кўникмасини шакллантириш лозим бўлади деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли камайиб, тақлиф этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади.

Айни вақтда, жамиятнинг ахборотлашув жараёнлари кенг имкониятлар тақдим қилиши билан бир қаторда, қўйидаги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради:

Биринчидан, текширилмаган, ноҳолис маълумотларнинг кенг тарқалиши эҳтимоли ортади. Яъни, Интернет тармоқлари муаллифлардан масъулиятни чеклайди, шунга мувофиқ Интернет журналистикаси ривожланмоқда.

Иккинчидан, махфий, шахсий маълумотларнинг ноқонуний равишда эълон қилинишига олиб келади. Бунда баъзан моддий манфаатдорлик ёки кўзланган аниқ мақсадга эришиш, жумладан, бирор шахсни обрўсизлантириш назарда тутилади.

Учинчидан, дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ҳамда “оммавий маданият” тарғиботи ортади. Бу эса маънавиятга, миллий ва диний қадриятларга, азалий урф-одат ва анъаналарга қарши қаратилган тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Тўртинчидан, маънавий, миллий қадриятларга путур етади. Масофавий мулоқот, фақат ҳурматдан иборат муносабат шакли ота-онага хизмат, яқинлар дийдорига интилиш, ҳашар, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби қадриятларимизга маълум даражада зиён етказилади. Шу сабабдан юртимизда қадриятларга садоқат, миллийликка ҳурмат туйғулари тарғиб қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ахборотни истеъмол қилаётган ҳар бир шахсолаётган маълумотини қайта текшириб, уни асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш турли муаммо ва жавобгарликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади.

Шунингдек, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиламизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нажмидинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Монография. Тошкент “Адолат” 2016, 45 бет.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент “Маънавият” 2008, 63 бет.

3. Плешаков В.А. Киберсоцсализатсия человека: от Ҳомо Сапиенсга до Ҳомо Сйберусга. - Москва, 2012, стр 163.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида

2021 йил 19 январ куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши.

5. Элвин Тоффлер.Третя волна. –Москва. “Издательство АСТ”. 2004.стр 94.

МУНДАРИЖА

Давлатов Олимжон. Шарқ – маърифат маёғи

I-ШҶЪБА.

Шарқ фалсафаси: тарих ва таълимот

Назаров Қиёмиддин. Иккинчи Ренессанс қадриятлари
Даминов Иргаш. Буюк аждодларимиз – эътироф ва эътибор
Бозоров Отабек. Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашда
аждодлар меросидан фойдаланиш масалалари.....
Ҳайдаров Комил. Ислох фалсафасида рационализм йўналиши
Рахимова Дилмуроджон. Давлат хизматини кадрлар билан
таъминлаш бўйича шарқ мутафаккирларининг қарашлари
Машарипов Икромжон. Шарқ мутафаккирлари қарашларида
инсонпарвар жамиятни яратиш ғояси
Маврулова Муниса. Миллий қадриятларнинг қадрсизланишига
сабаб бўлаётган ички ва ташқи таҳдидлар тизими
Шаймарданов Раззоқ. Жалолиддин мангуберди – юксак ҳарбий
жасорат ва маънавият соҳиби
Инатов Умид. Адолатли жамият қуришда маърифат масаласи

II-ШҶЪБА

Миллий маънавият тарихи

Ғойибназаров Шухрат. Диний бағрикенглик-маънавиятимизнинг
устунларидан бири сифатида
Мухтаров Азамат. Халқпарвар давлатнинг ёруғ йўли ёхуд учинчи
ренессанс: мезон ва тамойиллари
Қодиоров Бўри. Амир Темур – буюк бунёдкор ва маънавият ҳомийси
Саодатова Лола. Темурийлар даври: илм, фан, маънавият ривож
Алижонов Муслимбек. Жадид тараққийпарвари ғозии юнус ва
Туркистон мухторияти
Ўлмасхўжаев Зоирхўжа. Жадидчилик даври маънавияти

III-ШҶЪБА

Маърифатли жамиятнинг тарихий-фалсафий негизлари

Маврулов Абдухалил. Марказий осий мутафаккирларининг
маданият ва маърифат ҳақидаги таълимотлари ҳамда уларнинг
бугунги кун учун аҳамияти
Омонов Бахтиёр. Ренессансни шакллантирадиган триада
Назаров Насриддин. Турк рунологияси ва унинг тарихий-
фалсафий аҳамияти
Суванов Илҳом. Миллий урф-одат ва анъаналар маънавиятни
ривожлантиришга хизмат қилади
Кимсанбаева Шахноза. Жамиятнинг маънавий янгиликларидида
диний мерос ва миллий ўзликни англашнинг уйғунлиги
Қамолова Қимёхон. Маърифатли жамият қуришда шарқ
алломалари меросидан фойдаланиш масалалари

Кучкаров Худайназар. Ахборот хуружи ва уни ёшлар маънавиятига таъсири
Мадрахимов Алишер. Соғлом болани тарбиялашда оиладаги мафкуравий тарбиянинг роли

IV-ШЎЪБА

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари

Қуронов Муҳаммаджон. Шарқ уйғониш даврининг педагогик маърифати
Акрамова Феруза. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашлари – маърифатли жамиятнинг асосий негизи сифатида
Собиров Абдулхай. Заҳриддин Муҳаммад Бобур – ўн бешинчи аср бунёдкори
Бобожонова Дилором. Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти
Ғафорова Мавлюда. Шарқ алломаларининг хотин-қизлар социомаданий қиёфаси билан боғлиқ илмий-маънавий қарашлари
Шомуродова Нигора. Шарқ мутафаккирлари ғояларининг янги авлод шахсини шакллантиришдаги ижтимоий психологик аҳамияти
Замонов Зокир. Шарқ мутафаккирларининг адолатни жамият қуришга оид концептуал қарашлари – замонавий жамият асоси
Қиличев Абдор. Амир Темурнинг давлат бошқарувида адолат фалсафаси
Умаров Хайрулла. Ўзбекистонда маърифатли жамиятни таъминлашда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалалари
Мамадалиева Феруза. Шарқ мутафаккирлари илмий мероси - ислом қадриятларини юксалтириш омили сифатида
Бурханов Таҳир. Ёш оилаларнинг мустаҳкам бўлишида шарқона қадриятлар ўрни
Мансурова Малоҳат. Амир Темурнинг адолатли давлатни бошқариш таълимоти
Бакиева Муҳаббатхон. Таълим ва тарбияда Абу Али Ибн Синонинг фалсафий қарашлари
Ҳамроева Оқила. Бошланғич синф ўқувчиларини шарқ алломалари асарларидан фойдаланиб маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари
Баходиров Баҳром, Маҳкамова Нозима. Ижтимоий-сиёсий қарашлар босқичи перманентлигининг модернизациялашуви
Каримов Шерзод. Шарқ мутафаккирларининг таълимий ахлоқий қарашлари
Холжигитова Дилбархон. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзбек мутафаккирларининг роли
Мираҳимова Шаҳноза. Комил инсонни тарбиялашда шарқ фалсафий тафаккуридаги ахлоқий қадриятларнинг ўрни ва таъсири

V-ШЎБА

Мумтоз адабиётни ўрганиш муаммолари

Қозоқбой Йўлдош. Давр ва адабиёт: моҳият ҳамда тамойиллар	
Аҳророва Шахло. Бадий асарларда миллий қадриятлар ва ғоялар талқини	
Серобов Хурид. Алишер Навоий маънавий сиймосини яратиш тажрибалари	
Азимов Муҳаммаджон. Мактабгача ёшдаги кичик болаларни бадий адабиётга йўналтириш	
Мирзаев Хайём. Сайфий Бухорийнинг “Арузи сайфий” асарида шарқ мумтоз поэтикасига ҳос масалалар талқини	
Эшонкулова Нуржохон. Жаҳид фалсафасида оила ва оилавий муносабатлар талқини	
Тошбоев Баҳром. Тилни ривожлантириш ва бадий адабиёт намуналарини сақлашда тарихий асарларнинг ўрни	

VI-ШЎБА

Ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси

Каҳарова Мунира. Умумий ўрта таълимда “тарбия” фанини ўқитиш долзарблиги ва зарурати	
Тўраев Шавкат. Мафкуравий таҳдидларни мониторинг қилиб боришнинг ижтимоий аҳамияти	
Мусаев Мансур, Мусаев Мақсуд. Тоталитар секталарнинг миссионерлик ва прозелитизмда фойдаланиладиган методлари	
Мирзааҳмедов Камолiddин. Ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси	
Мусурманова Айниса, Раҳимов Минҳожиддин. Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашда асосий педагогик ва ижтимоий омиллар	
Маматқулов Давлат. Мафкуравий компетентлилик тушунчаси ва унинг ижтимоий фанларни ўқитишдаги аҳамияти	
Хусанова Нигора. Таълим-тарбия “Янги Ўзбекистон” тараққиётининг асосидир	
Аҳмедов Ижодбек, Аҳмедов Тўлқин. Миллий ғоянинг ижтимоий тараққиёт динамикасидаги ўрни	
Тўраев Камолiddин. Таълим-тарбияда виртуаллашув жараёнлари	

МАЪРИФАТЛИ
ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ
ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ
АҲАМИЯТИ

Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

Muharrir **Sardor Tolliboyev**
Texnik muharrir **Ahmad To'ra**
Dizayner **Muhammadxon Yusupov**
Musahhih **Gulnoza Ergasheva**

«IJOD NASHR»
Nashriyot litsenziyasi AA № 0050.
Toshkent sh. Yunusobod tumani,
Sohibkor ko'chasi, 1-uy
Berilgan vaqti 15.06.2020

Bosishga 2022 yil 17 avgustda ruxsat etildi.
Bichimi 84x108 1/32. Ofset bosma.
"Charis" garniturası.
Nashriyot bosma tabog'i 15,5.
Adadi 100 nusxa.



Bog'lanish uchun:
+99897 765-56-86